

Тошкент  
«Ёш гвардия» нашриёти  
1975

**Генри Рейдер Хаггард**

**БЛОСХОЛМ  
СОҲИБАСИ**

**Роман**



## I боб

### Сэр Жон Фотрел

Кимда-ким Блосхолм аббатлиги<sup>1</sup> харобаларини бир марта кўрган бўлса ҳам, уларни ҳеч қачон унутолмайди. Аббатлик тепаликка жойлашган, уни шимолдан серсув дарё қуйилиши қошиядек ўраб олган; шарқ ва жанубдан у бепоён далалар, ўрмонлар, ботқоқликка айланган яйловлар, ғарбдан бўлса, аста-секин қирмизи ранг торфли ерларга қўшилиб кетувчи тепаликлар билан қуршалган; улардан хийла нарида ҳад-худудсиз ғамгин чўққилар кўриниб туради. Табиат манзараси, биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеалар юз берган Генрих VIII<sup>2</sup> давридан бери, деярли ўз-

<sup>1</sup> Аббатлик — йирик католик монастыри; одатда аббатликка бир қанча кичик монастырлар тобе бўлардилар.

<sup>2</sup> Генрих VIII — 1509-1547 йиллардаги Англия кироли.

гармаган; бу ерда на катта шаҳар пайдо бўлди, на шахталар қазилди, на ерни таҳқирлаб, қавони мудҳиш, бўғувчи тутуши билан булғувчи фабрикалар бунёд этилди.

Гарчи ҳозир кўпгина уйларнинг томлари тўғон бўйидан ўриб олинган қамиш ўрнига черепица ёки дағал сланец плиталар билан ёпилган бўлса-да, кўпдан-кўп авлод кишиларининг ҳаммаси ҳануз ўша эшиклардан кириб чиқадилар. Кўҳна қишлоқ қудуқларидаги челақли чиғириқлар ўрнини эгаллаган темир тулумбалар Эдуард Биринчи<sup>1</sup> замонасидагидек, эҳтимол ундан ҳам талайгина асрлар муқаддам мавжуд бўлганидек, ҳамон қишлоқни сув билан таъминлайди.

На наф, на зарурият йўқлигига қарамай, кундалару иснод устунини ҳали ҳам аббатлик дарвозаси яқинидаги монастыр ўтлоғининг ўртасида кўриш мумкин. Иснод устунида баланд-паст қилиб осилган ва эркак, аёл ҳамда боланинг қўлларига мослаб ясалган катта-кичик учта темир ҳалқа кўзга ташланади.

Буларнинг ҳаммаси йўнилмаган эман устунли антиқа қадимий том остида бўлган; том устида, монастыр устасининг фантазияси — қиёмат-қойимдан хабар бераётган авлиё қиёфасидаги шамолпаррак кўриниб туради: унинг қўлидаги қарнай ёки бурғи, ёинки қандайдир бошқа бир мусийқа асбоби йўқолган.

Қавм дафтарыда қайд қилинишича, Георг I<sup>2</sup> замонасида қандайдир бир бола уни синдириб олиб, эритгани учун ҳамманинг кўзи олдида сазойи қилиниб, саваланган; худди ўшанда, ушбу устундан сўнгги марта фойдаланилган бўлса ажаб эмас. Бироқ, Жаброил бир вақтлардагидек, машҳур темирчи, кекса Петр қирол Генрих VIII подшоҳлигининг сўнгги йилида ясаб, ўз қўли билан ўрнатган пайтидагидек, ҳали ҳам тинмай айланади; айтишларича, кекса Петр Жаброилни, жодугарлар сифатида ёндиришга ҳукм қилинган Блосхолм соҳибаси Сайсели Харфлет ва онага Эмлининг шу ерда занжирбанд қилинганлиги хотираси учун ўрнатган экан.

<sup>1</sup> Эдуард I — 1272—1307 йиллардаги Англия қироли.

<sup>2</sup> Георг I — 1714-1727 йиллардаги Англия қироли

Ўтган давр Блосхолмни унчалик ўзгартира олмаган. Деярли ҳамма ўтлоқлар илгаригидек номланадилар ва ўша шакл ҳамда чегараларини сақлаб қолганлар. Эски фермалар ва маҳаллий аслзодалар истиқомат қилган саноқли помешчик уйлари аввалгидек ўз жойида. Аббатликнинг машҳур минораси, эндиликда қўнғироқ ва томи бўлмаса-да, ҳали ҳам кўкка бўй чўзиб турибди, айни пайтда, ундан ярим милча нарида — қадимий қайрағочлар орасида, ўтмишдагидек, сакслар замонасидаги<sup>1</sup> пойдевор устига Вильгелм Сарик<sup>2</sup> даврида бошқатдан қурилган қавм черкови ҳам ҳамон мавжуд...

Бизнинг ҳикоямиз мана шу аббатлик қақида ҳамда ўтмиш замонларда ўша ерларда яшаганлар, хусусан, Блосхолм соҳибаси сифатида машҳур бўлган соҳибжамол аёлнинг таъқибларга дучор қилинганлиги борасидир.

Бу қишнинг ўрталарида, 1535 йилнинг 31 декабрь куни содир бўлди. Кекса, оппоқ соқолли ва қип-қизил юзли Фотрел — олтмиш ёшлардаги киши ўзининг Шефтондаги каттакон уйи емакхонаси камини ёнида ҳозиргина Блосхолм аббатлигидан олинган хатни ўқиб ўтирарди. Сэр Фотрел ниҳоят уни ўқиб тугатди. Сэр Жон қоғозни ерга улоқтириб, ўткир элдан устма-уст уч қадаҳ ичиб олди-да, бўралаб сўкиб кетди ва пировардида, тилга олиб бўлмас иборалар билан Блосхолм аббатининг<sup>3</sup> танасини дорга осиб, жонини жаҳаннамга жўнатди.

— У менинг еримга даъвогарлик қилипти-ку! — деб ҳайқирди сэр Фотрел Блосхолм томонга мушт дўлайиб. — Бу аблаҳ нима деяпти ўзи? Олдинги аббат бу ерларни менинг бобом билан дўстларча эмас, йўқ дағдаға ва қўрқитиш билан бўлишиб олган. Энди

---

<sup>1</sup> Сакслар замонасида... — Герман қабилалари ингллар, сакслар ва ютлар эрамининг V асрида Британияни забт этдилар ва у ерда етти давлатни, шимолда инглларнинг икки қироллигини, мамлакатнинг марказий қисмида ингллар ва сакслар қироллигини, жанубда саксларнинг уч ва жануби-шарқда ютларнинг битта давлатини барпо этдилар.

<sup>2</sup> Вильгелм Сарик — 1087-1100 йиллардаги Англия қироли.

<sup>3</sup> А б б а т — аббатлик нозири (бошлиғи).

унинг ёзишича, бош викарый<sup>1</sup> деб ном олган анови давлат секретари Кромуэл<sup>2</sup> юқорида айтилган тақсимланишни, қонунсиз бўлган, дебди ва мен мазкур ерни ҳайитгача ёки нақ ҳайит куни Блосхолм аббатлигига топширишим керакмиш. Қизиқ, ҳеч қандай текшириш ўтказмасдан ушбу буйруққа қўл қўйгани учун Кромуэлнинг оғзини қанчага мойлаган эканлар?

Сэр Жон тўртинчи қадаҳ элни сипқарди, кейин хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Охири камин олдида тўхтади-да, гўё қаршисида душмани тургандек гап бошлади:

— Сиз, Клемент Мэлдон, доно йигитсиз, менга айтишларича ҳамма испанлар шундай бўлармиш; сизни ўз касби-корингизга Римда ўргатганлар ва атайин бу ерга юборганлар. Аввал-бошда сизни ҳеч ким писанд қилмаганди, энди бўлса Блосхолм аббатисиз, агар қирол папа билан жанжаллашиб қолмаганда<sup>3</sup> аҳтимол бундан ҳам юқорироқ мартабага эришармидингиз. Лекин сиз баъзан хушёрнинг дилидаги бадмастнинг тилида бўлишини унутиб қўясиз — нима қилса ҳам жанубликлар қизиққон-да. Энди мен сизга ёслатишим лозим бўладиган баъзи бир сўзларни, менинг олдимда ва бошқаларнинг шоҳидлигида айтганингиздан бери ҳали бир йил ҳам ўтгани йўқ. Балки, секретарь Кромуэл улардан хабардор бўлгач, менинг еримни сизга беришдан воз кечар ва сизнинг бошигизни, фитначининг бошини эса, аҳтимол, яна юқорироқ кўтарар. Бу сўзларни ёдингизга солиб қўйишга тўғри келади.

Сэр Жон катта-катта қадамлар билан эшик олдига келди-да, овозининг борича бақирди; агар, у ҳўкиз-

<sup>1</sup> Викарий — католик черковида епископ ёрдамчиси, бу ерда қиролликнинг диний ишлар билан шуғулланувчи олий мартабали мансабдор.

<sup>2</sup> Кромуэл Томас, граф Эссекс (1485-1540) — 1533-1540 йилларда юқори давлат лавозимларини — хазинахона канцлери, давлат секретари, черков ишлари бўйича қиролнинг бош викарыйси мансабларини эгаллаган инглиз сиёсий арбоби. 1540 йилда хоинликда айбланиб, қатл қилинган.

<sup>3</sup> ...агар қирол папа билан жанжаллашиб қолмаганда... — Қиролнинг Екатерина Арагонская билан ажралишига папа рухсат бермаганлиги орақасида Генрих VIII ва Рим папаси Климент VII ўртасида юз берган жанжал Англияда черковни реформация қилишга баҳона бўлганди.

дек бўкирди, дейилса ҳам лоф бўлмасди. Сал ўтмай, эшик ланг очилиб, хизматкор — маймоқ, барваста, қоп-қора қалин сочлари ҳурпайган йигит кўринди.

— Мунча имиллайсан, Жефри Стоукс? Наҳотки мен, мухтарам жаноблари қачон ташриф буюраркинлар, деб кутиб туришим керак?

— Хўжайин, қандай қилиб, бундан ҳам тез келиш мумкин? Нима учун мени койияпсиз?

— Яна мен билан гап талашинг, йигитча. Яна бир марта гап қайтарсанг, устунга боғлаб, савалашларини буюраман.

— Сиз ўзингизни ўзингиз саваласангиз яхши бўларди, хўжайин! Шунда ғазабингизу ўткир элнинг кайфидан ҳеч вақо қолмасди — бу эса сизга фойдали, — деди унга жавобан Жефри хириллаган овоз билан. — Ҳақиқий хизматкорнинг қадрига етмайдиган кишилар ҳам бўлади, лекин ундайлар кўпинча танҳоликда ўлиб кетадилар. Хизматингизни буюринг. Қўлимдан келса қиламан, келмаса, ўзингизга қавола.

Сэр Жон уни чиндан ҳам урмоқчи бўлиб қўлини кўтарди-ю, кейин яна пастга туширди.

— Ўз вақтида зарба беролган кишини ёқтираман, — деди у аячагина юмшаб, — сен бўлсанг худди ўшанақа одамсан. Хафа бўлма, болакай, мен бекордан-бекорга заҳримни сочаётганим йўқ.

— Заҳрингизни сочаётганингизни кўриб турибман, лекин нима учунлигини билмайман, шундай бўлса ҳам, сабабини топишим мумкин: чулки, ҳозиргина аббатликдан роҳиб келганди.

— Э-воҳ! Ҳамма гап шунда-да, ҳамма гап шунда, Жефри. Қулоқ сол! Мен ҳозирнинг ўзидаёқ бу қузғуннинг уясига бораман. Отни эгарла.

— Хўп бўлади, хўжайин. Иккита отни эгарлайман.

— Иккита? Аҳмоқ, мен битта дедим; нима, мен бирданига иккита отда юрадиган найрангбозманми?

— Бунисини билмайман, лекин битта отда сиз, иккинчисида мен бораман. Блосхолм аббати сэр Жон Фотрелникига келганда, Шефтондан қўлига бургут қўндириб, капелланлар<sup>1</sup>, маҳрамваччалар, яқиндаги-

---

<sup>1</sup> Ка п е л л а н — католикларда черков руҳонийсининг ёрдамчиси, бу ерда аббатга қарам киши.

на ёлланган ўнлаб забардаст ва қуролли кишилар билан ташриф буюради. Бу — руҳоний учун керагидан ортиқча. Сэр Жон Фотрел Блосхолм аббатлигига борганда эса, унинг отини ушлаб турадиган ва шоҳид вазифасини ўтайдиган хизматкор ҳамроҳ бўлиб бориши шарт.

Сэр Жон унга синовчан назар ташлади.

— Мен сени аҳмоқ деб ҳақоратладим,— деди у,— лекин сен фақат кўринишингдангина аҳмоқсан. Билганингни қил, Жефри, фақат тезроқ. Тўхта! Қизим қаерда?

— Леди Сайсели ўз меҳмонхонасида. Унинг гўзал чехрасини дераза олдида кўрувдим; у худди туш кўраётгандек, қорга тикилиб турарди.

— Ҳм,— тўнғиллади сэр Жон,— тушда кўраётгани унинг фикр-зикридаги бўйи олти фут келадиган ва катта кул ранг айғир миниб юрадиган йигит; унинг чехраси қувноқ, қўллари бўлса қилич ва қалқон тутиш ҳамда қизнинг белидан маҳкам қучоқлашга жуда ҳам мос. Жефри, туш ҳақиқатга айланмаслиги учун бирорта афсун ўйлаб топиш керак.

— Минг афсус, хўжайин. Бунга қодир бўлмасангиз кераг-ов! Туш кўрмасликка мажбур қилиш — руҳонийнинг иши. Қизларнинг ўзи унга интилиб тургандан сўнг, эркак қўллари нимани қучоқлашни биллади-да.

— Ҳой, йўқол бу ердан!— деб бўкирди сэр Жон. Жефри чиқиб кетди.

Ун дақиқадан сўнг улар уч миля нарида жойлашган аббатликка қараб кетаётгандилар, яна ярим соат ўтгач эса, сэр Жон ҳаддан ташқари одобсизлик билан дарвозани қоқарди; дарвозанинг тақиллашини эшитган роҳиблар, уни бузилган чумолилардек, ҳар томонга изғиб қолдилар, чунки замона оғир бўлиб, ҳеч ким бошига қандай савдолар тушишини билмасди.

Ниҳоят, меҳмонларнинг кимлигини билишгач, бесўнақай эшикларнинг тамбаларини суриб, кечки пайт кўтариб қўйилган кўтарма кўприкни тушира бошладилар.

Сэр Жон кўп ўтмай аббатнинг хонасида, каттакон



камин ёнида исинар, хизматкори Жефри эса, унинг узун плашини ушлаб, орқада турарди.

Сэр Жон атрофни кўздан кечириб чиққач, нафратланиб кулиб қўйди.

— Хўш, Жефри, сенингча, биз қаердамиз? Роҳибнинг хужраи хосидами, ёки бирон-бир сарой хонимининг меҳмонхонасидами? Қани, йигит, стол остини қара-чи, эҳтимол унинг уд билан каштасини ҳам топарсан. Сенингча, бу кимнинг сурати?— шундай деб, у хонадаги суратни кўрсатди.

— Бу тавба-тазарру қилаётган гуноҳкор аёл, деб ўйлайман, хўжайин. У гуноҳкорлиги пайтида мирянинларга<sup>1</sup> хуш ёқарди, энди эса, авлиё хотин бўлиб қолди, шунинг учун руҳонийга хуш ёқади. Бошқа нарсалар тўғрисида шуни айтиш мумкин: қип-қизил шаробдан ичиб олгандан сўнг, бу ерда мириқиб ухлаб олинса ёмон бўлмасди.— Шундай деб, Жефри бошмалдоғи билан стол четида турган ингичка ва узун оғизли шиша томонга ишора қилди.— Камин ловиллаб ёнаётганидан ҳеч ажабланмаса ҳам бўлади, чунки унда сизнинг Стикслей ўрмонингиздаги эманлар ёняпти.

— Жефри, буни қаердан биласан?— сўради сэр Жон.

— Унинг тарам-тарам чизиқларидан, хўжайин, тарам-тарам чизиқларидан. Ўрмонни бекорга неча мартаб кезиб чиқмаганман. Фақат Стикслей тупроғидагина дарахт танасида эгри-бугри ва ўзакка яқинлашган сари қорароқ доира ҳосил бўлади. Мана, кўринг.

Сэр Жон кўрди ва жаҳл билан сўкинди.

— Сен ҳақсан, йигит, энди эсимга тушеди. Ҳали болалигимдаёқ, бобом Стикслей эманларининг худди мана шу белгисини кўрсатганди. Бу лаънати роҳиблар тумшугим тагидаги ўрмонимни йўқ қилиб юборяптилар. Ўрмончим — аблаҳ. Уни қўрқитганлар ёки сотиб олганлар, бунинг учун уни осаман.

— Аввал, хўжайин, жиноятни исбот қилинг, лекин бу ҳазилакам иш эмас, ана ундан кейин осиш тўғри-

---

<sup>1</sup> Мирянин — монастырь хизматида бўлган шахс.

сида гапиринг. Фақат, «дор ҳуқуқи»<sup>1</sup>га эга бўлган қироллару аббатларгина, агар хоҳласалар, шундай қила оладилар. Оҳ, бу ҳақиқат,— Жефри ўзгарган овозда қўшимча қилди,— ажойиб хона, аммо бунда яшаётган авлиё учун мутлақо муносиб эмас, бундай авлиё меҳроб олдида турганга ўхшаш кумуш ракага<sup>2</sup> муносиб ва у, шубҳасиз, кексайгунча унга сазовор бўлади ҳам.— Шундай деб, Жефри хўжайинининг ўқтин-ўқтин зирқираб огрийдиган оёғини тасодифан бо-сиб олди.

Сэр Жон худди Блосхолм шамол парраги ҳаво бузуқ кунда айлангандек, бирданига орқасига ўгирилди.

Хаҳ, чўл бақаси!— деб бўкирди у ва дарров жим бўлиб қолди, чунки гиламлар шарпасиз сурилиб-очилиб, қимматбаҳо пўстин кийган, тонзурали<sup>3</sup> қоматдор киши, унинг орқасидан эса, тонзурали, бироқ оддий қора либосли икки киши кўринди.

— Худонинг ўзи ярлақасин!— деди аббат майин овозда чет эл талаффузи билан, ўнг қўлининг икки бармоғини дуо учун кўтарар экан.

— Кунингиз хайрли бўлсин,— жавоб қайтарди сэр Жон, айти пайтда, унинг хизматкори Жефри таъзим қилиб, чўқинди.— Ҳазратим, нима учун одамлар олдида худди ўғрига ўхшаб писиб келасиз?

— Бўтам, қиёмат-қойим худди шундай келади, дейилган,— деди аббат кулимсираб.— Тўғриси айтганда, бунинг учун баъзи бир зарурият ҳам бор. Биз кимнингдир осиш тўғрисидаги қизғин баҳсу гап-сўзларини эшитдик. Қўяётган айбингиз асослими?

— Эмандан ҳам мустаҳкам,— деди жавобан кекса сэр Жон қовоғини уйиб.— Хизматкорим каминда ёнаётган ўтинлар менинг Стикслей ўрмонимдан олинганлигини айтди, мен эсам унга жавобан, агар ҳақиқатан шундай бўлса, улар ўғирлаб олинган ва бунинг учун ўрмончим осилиши даркор, дедим.

---

<sup>1</sup> «Дор ҳуқуқи» — Урта асрда қироллар, йирик (оқсуяк ва диний) феодаллар ўзларига тобе одамларни жазолаш, ҳатто ўлдириш ҳуқуқига эга эдилар.

<sup>2</sup> Р а к а — темир қути, тобут.

<sup>3</sup> Тонзура — католик мазҳабидаги руҳоний ва роҳиблар боши тепасининг қирилганлиги, диний шахсларнинг тафовут белгиси.



— Бўтам, бу ҳурматли зот ҳақ гапни айтган, бироқ ўрмончингиз жазоланишга лойиқ эмас. Мен ундан унча-мунча ўтин сотиб олдим, лекин, тўғриси, ҳали ҳисоб-китоб қилинганича йўқ. Тўланиши лозим бўлган пул Лондонга юборилган, шу сабабли, мен ҳисоб-китобни то ёзги рента<sup>1</sup> олингунга қадар кечиктиришни илтимос қилдим. Сэр Жон, агар бизга дўсто-

---

<sup>1</sup> Рента — ишлатиш учун бериб қўйилган капитал, мулк ёки ердан келадиган даромад.

на муносабатда бўлсангиз ва ушбу нарса сизга зарар келтирмаслигига кўзингиз етса, уни айбламанг, у бизнинг фақирона монастиримиз муҳтожлигини кўриб чидаб туrolмади.

Сэр Жон ҳашаматли хонага назар ташлади.

— Наҳотки, фақирона монастиринг ушбу муҳтожлиги, ерларимни тортиб олиш учун қўлингизда Кромуэлнинг фармойиши борлиги ҳақида менга хат ёзиб юборишга сизни мажбур қилган бўлса?— деб сўради сэр Жон ўз дилозорига буқадек хезланиб, стол устига хатни улоқтирар экан.— Ёки, мулким ҳақини ёзги рентангизни олганингиздан сўнг тўламоқчи эканлигингизни айтмоқчимисиз?

— Йўқ, бўтам. Вазифам мени мазкур ишга мажбур қиляпти. Йигирма йилдан бери биз талашиб-тортишиб келаётган ушбу ер-мулкни, ўзингизга маълум, бобонгиз ўша пайтдаги аббатнинг норозилигига қарамай, тенг иккига бўлиб, оғир дақиқаларда биздан тортиб олганди. Шу сабабли, ахийри бор гапни бош викаррийга етказдим ва эшитишимча, у бу ишни аббатлик фойдасига ҳал қилибди.

— Жавобгарнинг етти ухлаб тушига кирмаган давони қондириш!— деб ҳайқирди сэр Жон.— Милорд аббат буни адолатли ҳукм деб бўлмайди; бу муттаҳамлик, мен бунга чидаб туrolмайман. Кечирасиз, эҳтимол, у яна бирор бошқа қарор ҳам чиқаргандир?

— Бўтам, модомики, сиз бу ҳақда сўраётган экансиз, яна баъзи бир гапларни ҳам айтишим мумкин! Ортиқча чиқим бўлмаслиги учун, мен унга орамиздаги ҳал қилинмаган баъзи масалаларни баён қилдим; хуллас, унинг қарори бундай: Блосхолм ва унга ёндош бўлган, жаъми 8 минг акр<sup>1</sup> атрофидаги ерларга сизнинг эгалик ҳуқуқингиз бекор қилинмайди, лекин бу қатъий деб ҳисобланмайди ҳамда шубҳа остида қолади.

— Тангрим ўзинг кечир! Нима учун?— сўради сэр Жон.

— Ҳозир тушунтириб бераман, бўтам,— юмшоққина жавоб берди аббат.— Юз йил давомида ер подшоҳлик инъоми сифатида ушбу аббатликка қарашли

---

<sup>1</sup> Акp — қадимги англиз ер ўлчови, тахминан 0,5 га.

бўлиб келди ва унинг тортиб олиншига подшоҳликнинг розилиги тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат йўқ.

— Ҳеч қандай ҳужжат йўқми,— ҳайқирди сэр Жон,— бироқ, менинг махфий қутимда бобокалоним ва аббат Франк Ингхэм томонидан имзоланган аҳд-нома бор! Ҳеч қандай ҳужжат йўқ-ку, лекин менинг мазкур бобокалоним уларнинг ўрнига сизга бошқа ерларни берган ва сиз ҳозир уларга эгалик қиляпсиз! Жуда соз, давом этинг, ҳазратим!

— Буни рад этолмайман, бўтам. Сизнинг ҳуқуқингиз гарчи шубҳа остида қолган бўлса-да, тўла бекор қилинмаган; бундан буён ҳам сиз ушбу ерларга аббатликнинг ижарачиси сифатида эгалик қилаверасиз, лекин меросхўр қолдирмай вафот этсангиз, у аббатлик ихтиёрига ўтади. Борди-ю, вафот этганингиздан сўнг балоғатга етмаган болаларингиз қолса, мавжуд Блосхолм аббати васийлигига, башарти у йўқ бўлса — яъни аббат ҳам, аббатлик ҳам бўлмаса,— подшоҳлик васийлигига берилади.

Сэр Жон сабр-тоқат билан бу гапларни охиригача тинглади, кейин стул суянчиғига суялди, қип-қизил башараси бўлса бўзариб кетди.

— Уша қарорни менга кўрсатсангиз,— деди у секингина.

— У ҳали ёзилганча йўқ, бўтам. Ишонаманки, ўн кунлар ичида ёки шунинг атрофида... Узингизни беҳузур сезяпсиз, шекилли. Эҳтимол, совқотиб келганингиз учун бу хонанинг иссиқлиги таъсир қилгандир. Бизнинг фақирона шаробимиздан бир қадаҳ ичинг.

Капелланлардан бири унинг ишораси билан буфет томонга йўнайдди ва у ерда турган ингичка оғизли шишадан қадаҳни тўлдириб, сэр Жонга узатди.

Сэр Жон нима қилаётганини билмай кумуш қадаҳни қўлига олди-да, кейин тўсатдан уни ичидаги шароби билан оловга итқитиб юборди; капеллан қадаҳни оташкурак билан у ердан тортиб олди.

— Бундан чиқадики, сиз, роҳиблар менинг меросхўрларим экансизлар-да,— деди сэр Жон бутунлай бошқа, хотиржам овозда,— ҳар ҳолда сиз шундай деяпсиз, модомики гап шундай экан, мен, эҳтимол, кўп яшамасам ҳам керак. Мен сизнинг шаробингизни ичмайман, унга заҳар солинган бўлиши мумкин.

Энди, сэр аббат, менга қулоқ солинг. У ерда, Лондонда, орқаворотдан мени шикастлантириш учун, гарчи, шубхасиз, пора ва бошқа турли-туман усуллар билан қўлингиздан келган ҳамма ишни қилган бўлсангиз ҳам, мен бу афсонага ишонмайман. Лекин эртага, тонг отарда ҳаво очиқ ёки булутли бўлишидан қатъи назар, менинг ҳам дўстларим мавжуд бўлган Лондонга қор кечиб, от чоптириб бораман, ана ўшанда кўрамиз... ҳа, ана ўшанда кўрамиз. Аббат Мэлдон, сиз ақллисиз ва мен яроқбардорларингизга тўлаш ҳамда ўзингизнинг битмас-туганмас аҳтиёжларингизни қондириш учун сизга пул ёки унинг ўрнини боса оладиган нарса кераклигини биламан — менда эса, машҳур безагу тақинчоқларимиз — ҳа, ҳа, салбюришлари даврдан қолган қадимий, бебаҳо тақинчоқлар бор. Шулар туфайли, мени хонавайрон қилгани йўл-йўриқ қидиряпсиз — ахир сиз ҳамма вақт мени ёмон кўриб келгансиз-ку ва, аҳтимол, Кромуэл аравани қуруқ обқочаётганингизга лаққа тушгандир. Эй бефаросат роҳиб, — секингина илова қилди у, — Кромуэл, калласини узиб ташлаб, пиширишдан аввал, сиздек черков ғозини менинг ҳисобимга бўрдоқига боқишни ўйлаган бўлса ҳам ажаб эмас.

Бу сўзларни эшитаркан, аббат биринчи марта титраб кетди, ҳатто икки беғам капеллан ҳам бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди.

— Э-э-э! Бу сизни ташвишга солиб қўйдими? — сўради сэр Жон Фотрел. — Жуда соз, сизни тамоман довдиратиб қўядиган гап ҳали бу ёқда турибди. Саройда менга мурувват кўрсатадилар, деб ўйлаяпсиз, шундайми? Чунки сиз тахт вориси хусусида қасамёд<sup>1</sup> ётгансиз, ваҳоланки, сиздан мардроқ кишилар, масалан, Картезиан монастири<sup>2</sup> биродарлари буни рад

---

<sup>1</sup> Тахт вориси хусусидаги қонунга қасамёд этиш — Генрих VIII Екатерина Арагонская билан ажралишгач, 1534 йилда Генрих VIIIнинг биринчи хотинидан бўлган болаларни тахтдан маҳрум этувчи қонун чиқарилганди.

<sup>2</sup> Картезианлар — католик орденларидан бири — картезианга мансуб роҳиблар. Католик орденлари, шу жумладан картезиан ордени ҳам, папаликнинг католик диний ақидаларидан ҳар қандай бўйин товлашга қарши олиб борган курашида уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган роҳибларнинг ташкилотлари.

этиб, жонларидан жудо бўлгандилар. Бироқ сиз, менинг уйимда, ўзингиз хуш кўрган шароб бошингизга урганда айтган сўзларингизни унутиб қўйибсиз. Ушанда...

— Бас қилинг! Сэр Жон Фотрел, ўз жонингиз ҳаққи бас қилинг!— унинг сўзини бўлди аббат.— Ҳаддингиздан ошиб кетяпсиз.

— Сизчалик эмас, милорд аббат, сиз то менинг ўзим ҳисоб-китоб қилгунимча ҳам шошиб қоляпсиз. Қолбуки сиз, ҳазрати олийларига хиёнатчи сифатида дорга осилиб, тўрт пора этилиш учун Тауэр Хилл<sup>1</sup> ёинки Тайберн<sup>2</sup> майдонига дучор бўласиз. Сиз ўз тилингиз билан айтган сўзларингизни унутиб қўйибсиз, лекин мен уларни эслатиб қўяман. Сиз менга, меҳмонлар кетгач, қирол Генрих бидъатчи, даҳрий ва папа агар уни диндан қайтган деб эълон қилса ҳамда тахтдан маҳрум этса яхши бўларди, демаганмидингиз? Сизни кузатиб бораётганимда мендан қиролни ардариб ташлаб, унинг ўрнига қандайдир кардинал Пол деган кимсани кўтариш учун обрў-эътиборим бўлган ушбу ерларда авом халқни курашга уюштиришимни сўраган, бунинг эвазига мени афв этиб, бутун гуноҳларимдан кечишни ҳамда папа ва испан императори<sup>3</sup> номидан олий иззат-ҳурматни ваъда қилмаганмидингиз?

— Ҳеч қачон,— жавоб қайтарди аббат.

— Ушанда мен,— сэр Жон унинг гапига эътибор бермай, сўзида давом этди, гапларингизни эшитишдан бош тортмаганмидим ҳамда сўзларингиз хоинона эканлигини ва улар менинг уйимда эмас, бошқа бирор жойда айтилганда, мен, содиқ фуқаро бурчи талаб қилгандек, улар ҳақида тегишли жойга хабар беришимни айтмаганмидим? Ҳа-ҳа, худди ўша дақиқадан бошлаб, хавфсираганингиз туфайли, мени гумдон қилишга ийтилмаяпсизми?

---

<sup>1</sup> Тауэр Хилл — Лондондаги қадимий қалъа бўлиб, XVI аср бошларида турмага айлантирилган. Бу ерда йирик давлат жиноятчилари тутқинликда сақланган.

<sup>2</sup> Тайберн — Лондонда ўлим жазоси амалга ошириладиган жой.

<sup>3</sup> Испан императори — Карл V. Генрих VIII нинг ашаддий душмани ва Рим папасининг иттифоқчиси назарда тутиляпти.

— Буларнинг ҳаммасини рад этаман,— деди аббат яна.— Буларнинг ҳаммаси бўҳтон, жаҳл устида шундай деяпсиз, сэр Жон Фотрел.

— Ҳали шунақами! Шунчаки гапми, милорд аббат? Ҳай айтиб қўяй, бу гап-сўзларнинг ҳаммаси ёзилиб, имзоланиб, расмийлаштирилиб қўйилган! Айтиб қўяй, сизнинг хаёлингизга ҳам келмаган ва сўзларингизни ўз қулоқлари билан эшитган гувоҳларим бор. Шу ерда, орқамда, ўшалардан бири турибди. Шундай эмасми, Жефри?

— Худди шундай, хўжайин,— деди хизматкор.— Мен кузатиб қўйиш учун бошқалар билан биргаликда аббатни тахта панелли мўъжазгина уйчада кутиб тургандим, ҳамма гапни эшитдим, кейин бошқалар билан бирга ҳужжатга қўл қўйдим. Мен қанчалик христиан бўлсам, бу ҳам шунчалик тўғри; лекин, шунга қарамай, хўжайин ушбу уйда, мени ноҳақ айб-ласангиз ҳам, бу ҳақда гапни чўзиб ўтирмасдим.

— Менга эса шуниси ёқади,— деди ғазабланган рицарь,— мен бу ҳақда ҳар қанақа жойда, чунончи, Қирол кенгаши олдида ҳам баралла гапиравераман. Эртага, милорд аббат, ўша ҳужжатлар билан Лондонга жўнайман, ана ўшанда, Фотрелни мол-мулкидан жудо қилиш учун уриниш сизга қанчага тушишини билиб оласиз.

Энди кўрқиш навбати аббатга келди. Бўйнига сиртмоқ қандай солинаётганини ҳалитдан ҳис қилаётгандек, унинг қорачадан келган силлиқ юзлари оқариб, ич-ичига ботиб кетди. Қимматбаҳо узуклар тақилган қўллари қалтиради ва у капелланлардан бирининг билагидан ушлаб, унга суяниб олди.

— Ҳой инсон,— пишиллаб деди у,— наҳотки сен, шундай ёлғон-яшиқ дўқ-пўписаларни гапира туриб, мени, мендек художўйни ҳалок қилиш учун бу ердан эсон-омон чиқиб кетишни ўйлаётган бўлсанг? Бу ерда зиндонларим бор, ҳокимиятга эгаман. Сен менга ҳужум қилдинг-у, мен ўзимни ҳимоя қилдим, холос, ана шундай далил кўрсатаман; фақат, сен эмас, сэр Жон, бошқалар ҳам гувоҳлик беришни биладилар.— Шундай деб, у капелланлардан бирининг қулоғига лотин ёки испан тилида аллақандай сўзларни шивирлади-да, кетмоқчи бўлиб орқасига ўгирилди.



— Можаро бошланди шекилли,— деди Жефри Стоукс белидаги ханжар дастасидан ушлаганча, эшик билан роҳиб ўртасига лип этиб ўтаркан.

— Худди шундай, Жефри!— ҳайқирди сэр Жон.— Бўш келмайсан, хумпар. Ҳой, испан, кўриб қўй, мана менинг қиличим. Қани, дарвозага олиб боринглар, бўлмаса, менга берилган қирол ваколатига кўра, ҳозирнинг ўзидаёқ хоин деб айблаб, сенинг устингдан ҳукм чиқараман ва мабодо ўз мақсадимга эришгудек бўлсам, ҳаммасига жавоб бераман.

Аббат, қаршисида турган рицарь ғазабини салмоқлаб кўраётгандек, бир дақиқа ўйланиб қолди. Кейин секингина деди:

— Ҳой қаҳру ғазаб бандаси, қандай келган бўлсангиз, шундай тинч кетинг, лекин билиб қўйинг, черков қарғиши сизни соғ қўймайди. Айтиб қўяй, сиз ўлим ёқасида турибсиз.

Сэр Жон унга қаради. Чехрасида қаҳру ғазабдан нишон ҳам қолмаган, унинг ўрнига қандайдир пайгамбаронами ёки завқлангансимонми — хоҳлаганча аташ мумкин бўлган ғалати бир ифода пайдо бўлганди.

— Самовот ва барча азиз-авлиёлар номи билан қасам ичаман! Уйлайманки, Клемент Мэлдон, сиз ҳақсиз,— мингиллади рицарь.— Бу қора жуббангиз бўлмаса сиз ҳам бизларга ўхшаган одамсиз, шундай эмасми? Сизда қалб бор, оёқ-қўл бор, ўйлаш учун мия бор. Сиз худо учун, у чаладиган скрипкасиз, холос, сизнинг диний мутаассиблигингиз унинг товушини ҳар қанча бузса ҳам, торлар баъзан ҳақиқатни айтиб қолади. Мен бўлсам — бошқа, эҳтимол, гарчи ўнг қўлимнинг икки бармоғини кўтариб, «бўтам, ҳаққингизга дуо қиламан» ёки: «Гуноҳлардан фориғ бўлғайсиз» демасам ҳам, виждонлироқ скрипкаман ва мана ҳозир яккаю ягона тангримиз менга ўз куйини чалиб беряпти, унинг нима деяётганини сизга айтиб бераман. Мен ўлим бўсағасида турибман, лекин сиз ҳам дор яқинида турибсиз. Мен виждонли киши сифатида ўламан; сиз хиёнаткор кўшпақдек ўласиз, ана шундан сўнг дуоларингизу тоат-ибодатларингиз ҳамда авлиё-анбиёларингиз, агар қўлларингиздан наҳар чиқарсанлар, сизга ёрдам беришсин.

роп ерда учрашганимизда яна гаплашамиз. Ҳозир эса, милорд аббат, орқангиздан қилич яланғочлаб кетаётганимни эздан чиқармай, мени дарвозага олиб боринг. Жефри, мана бу ифлос қарғаларни олдинга солиб, яхшилаб кузатиб бор. Милорд аббат, хизматингизга тийёрман. Олға!

## II БОБ

### *Йўлдаги қотиллик*

Сэр Жон ва унинг хизматкори бирмунча вақт индамасдан йўл босдилар. Кейин сэр Жон қаттиқ кулиб юборди.

— Жефри,— чақирди у,— бу хатарли синов бўлди. Сэр руҳоний қовурғаларимиз орасига испан тиш тозалагичини суқмоқчи, сўнг эса кўнгил таскин топиши учун ўлим олди гуноҳларидан пок бўлишга имкон бермоқчи бўлди.

— Ҳа, хўжайин, бироқ у инглиз қиличларининг тиғи ўткирлигини ҳамда ўз каллакесарлари дарёнинг саёз жойидаги ошхонада эски йил билан хайрлашаётганини донолик қилиб эслаб қолди ва ўз ниятидан қайтди. Хўжайин, мен ҳамма вақт сизга, октябрь ойида солинган эски мусалласингиз кундуз куни истеъмол қилинса, ҳаддан ташқари ўткирлик қилишини айтардим. Уни уйқудан олдин ичиш учун асраб қўйган маъқул.

— Ҳой йигит, бу билан нима демоқчисан?

— Айтмоқчиманки, сизнинг тилингиз орқали донолик эмас, эл гапирди. Ўз ниятларингизни айтиб, аҳмоқчилик қилиб қўйдингиз.

— Менга ақл ўргатишга тилинг қандай боряпти!— деди сэр Жон зарда билан.— Мен, бу хушомадгўй хонининг ҳеч бўлмаса умрида бир марта ҳақиқатни эшитиб қўйишини хоҳлардим.

— Шундайликка шунда-я, бироқ ҳақиқат ҳамда уни қадрловчилар учун қора кунлар бошланди. Шу кун икки йилдан эртага Лондонга жўнаб кетишингизни эски испан тилида айтди. ... кетмоқчи бўлиб орқасига ўтирилди.

— Нима учун айтмаслигим керак экан? Мен у ерга ундан олдинроқ бораман.

— Қачон бўлса ҳам, бирор кун у ерга етиб бора олармикинсиз, хўжайин? Йўл аббатликнинг ёнгинасидан ўтади, бу художўйнинг бўлса сир сақлай оладиган каллакесарлари тўлиб-тошиб ётибди.

— Тузоқ қўяди, демоқчимисан? Журъат қилолмайди бунга. Лекин сен хотиржам бўлишинг учун, ўрмондаги сўқмоқдан борамиз.

— У йўл жуда машаққатли, хўжайин; сизни ким ҳам кузатиб борарди? Кўпчилик киракашлик қилгани кетган, бошқалар дам оляпти. Уйда бўлса, фақат уч кишимиз, леди Сайселини эса ҳимоячисиз қолдиrolмайсиз, шундай совуқда бирга олиб ҳам кетолмайсиз.— Кейин у кўп маъноли қилиб қўшиб қўйди:— Уйда ким учундир ерларингиздан ҳам афзалроқ бойлик борлигини унутманг. Яхшиси, бир оз кутинг; одамларингиз қайтиб келишар ёинки ижарачиларни йиғиб, мансаб-мартабангизга муносиб равишда, йигирма забардаст йигит қўриқчилигида Лондонга йўл олишга муваффақ бўларсиз.

— Бу вақт ичида дўстимиз аббат Кромуэлнинг, у орқали эса қиролнинг қулоғига шипшитишга улгуради. Йўқ, йўқ, эртага тонг отарда икковимиз, агар қўрқсанг, илгарилари бориб, соғ-саломат ва зиён-заҳматсиз қайтиб келганимдек, сенсиз ҳам кетавераман...

— Жефри Стоукс одамдан, руҳонийдан ёинки иблисдан қўрқади, деб айтишга ҳеч ким ботинолмайди,— деди кекса солдат қизариб.— Сизнинг йўлингиз менга ўттиз йил яхши бўлиб келди, ҳали ҳам яхши. Мен ўзимни ўйлаб эмас — нима бўлса ҳам менга барибир, ўзингиз, уй-жойингиз учун қайғуриб, сизни огоҳлантирдим.

— Тушунаман,— деди сэр Жон бўшашиб.— Гапларимни кўнглингга олма, ўзимни қўярга жой тополмаяпман. Азиз авлиё-анбиёлар ҳақи! Ниҳоят, уйга етиб келдик. Ия! Биздан олдин дарвозага етиб келган бу от кимники бўлди?

Жефри ҳозиргина ёққан қорга янгигина тушган ва ой ёғдусида яққол кўриниб турган изларга назар тацлади.

— Сэр Кристофер Харфлитнинг кул ранг айғири,— деди у.— Мен уни тақасию туёғининг думалоқлигидан танийман. Шубҳасиз, у леди Сайселини кўргани келган.

— Буни тақиқлагандим-ку,— тўнғиллади сэр Жон эгардан сакраб тушаркан.

— Тақиқламанг,— деди жавобан Жеффри, унинг оти тизгинидан ушлар экан.— Кристофер Харфлит, вақти-соати етиб, қизга яхшигина дўст бўлиши мумкин, ўйлайманки, бу вақтга кўп қолгани йўқ.

— Ишингни қил, муттаҳам,— бақирди сэр Жон.— Уз уйимдаги қандайдир қизалоғу бароридан келмаган ишини ўнглашга уриниб юрган олифта мени одам ўрнида кўрмаслиги учунми?

— Башарти сўраётган экансиз, жавоб бераман, менимча, улар ҳақ,— деди вазминлик билан Жеффри, отни олиб кетаркан.

Сэр Жон катта-катта қадамлар билан, отхонага туташ орқа эшикдан уйга йўналди. Эшик ёнида турган фонусни қўлига олди ва йўлакчалардан ўтиб, юқорига, залга кираверишда жойлашган, онасининг вафотидан сўнг қизи фойдаланаётган меҳмонхонага кўтарилди; қизини шу ерда деб таҳмин қилганди. Фонарни йўлакдаги столчага қўйиб, қулфланмаган эшикни итарди ва ичкарига кирди.

Катта хонаинг олд қисми қоронғиликка чўмган эди. Орқа томонни каминдаги олов шуъласи ва иккита шам ёритиб турарди. Ҳар ҳолда, кенгбар дераза токчасининг ён-атрофи ним қоронғи бўлиб, ёрқин аланга баланд суянчиқли эман креслода ўтирган Сайсели Фотрелни, сэр Жоннинг тирик қолган ёлғизини ёритиб турарди. У кўзлари мовий, сочлари қўнғир, бадани қордек оппоқ, юзи думалоқдан келган, баланд бўйли, хушқомат, хуллас, кўпчилик одамлар гўзал деб ҳисоблайдиган қиз эди. Одатда қувноқ ва муғомбир бўлгувчи бу чеҳра шу дақиқада ташвишли кўринарди. Афтидан, бунга сабаб, йигитнинг у билан ёнма-ён ўтириб олиб, нималарнидир қизгинлик билан гапираётгани эди.

Бу елқалари кенг, хушбичим юзли, қирра бурун, сочи қоп-қора, қоп-қора кўзлари кулиб турувчи барваста йигит эди. Ошиқларга хос бўлганидек, у ҳам,

эҳтимол, қизга қизгин ва самимий севгисини изҳор қилаётганди чоғи. У Сайселининг юзига тикилганча, ундан нима ҳақидадир ялиниб-ёлвориб сўрар, қиз бўлса, орқасига суялганча ўтирар ва жавоб бермасди.

Худди шу дақиқада жўшқин сўзлар оқими тўхтаб қолди: айтадиганини айтиб бўлдими ёки бошқа сабабданми, ҳар қалай, йигит ҳужумнинг бошқа, таъсирчанроқ усулига ўтди. Тўсатдан стулдан сирғалиб тушиб, тиз чўкди, Сайселининг қўлини ушлади ва қаршиликка учрамагач, устма-уст ўпди; кейин муваффақиятдан илҳомланиб, ғазабдан бўғилаёзган сэр Жон уни тўхтатиб қолиш учун то бирор сўз топгунига қадар, йигит узун қўллари билан қизни қучоқлаб, бағрига босди-да, ҳозиргина қўлидан ўпганидек, қирмизи лабларидан ўпа бошлади.

Бундай беадаблик қизни сеҳрдан қутқаргандек бўлди, негаки у креслони орқасига суриб юборди ва йигитнинг қучоғидан қутулиб, ўрнидан турди-да, титроқ овоз билан деди:

— О! Кристофер, азизим Кристофер, ахир бу яхши эмас!

— Эҳтимол,—жавоб қилди у.— Лекин сиз мени севдингизми, бас, бошқа ҳамма нарса менга барибир.

— Кристофер, ўзингиз биласиз, икки йилдан бери. Ҳа, мен сизни севаман, лекин—афсус! Отам рози эмас. Энди кетинг, у келиб қолмасин, бўлмаса, иккаламизга ҳам нақ кўрадиганимизни кўрсатади, мени эса, балки биронта эркак бош суқолмайдиган монастырга жўнатар.

— Йўқ, жонгинам. Бу ерга мен унинг розилигини сўраш учун келдим.

Ана шунда сэр Жон ўзини тутиб туrolмади.

— Менинг розилигимни сўраш учунми, виждонсиз, муттаҳам!—деб ҳайқирди у қоронғидан; шу оннинг ўзидаёқ, Сайсели деярли беҳуш ҳолда креслога йиқилди, азамат Кристофер бўлса, худди ўқ теккандек гандираклаб кетди.—Аввалига, кўзимнинг олдида қизимни қучоқлайсан, кейин бўлса, шундай беадабликни ўзингга эп кўра ~~қил~~ ~~меннинг~~ ~~розилигимни~~ сўрайсан!—Шундай деб, сэр Жон худди хужумга ташланган буқадек, уларга қараб югурди.



Сайсели қочиб қолишни мўлжаллаб, ўрнидан турди, бироқ бунинг иложи йўқлигини кўргач, севгилисининг қучоғига ташланди. Жиғибийрон ота қизни йигитнинг бағридан тортиб чиқаришга уришиб, қўлига дастлаб тушиб қолган нарсани—унинг узун кўнғир кокилларида бирини ушлаб олди-да, то Сайсели оғриқдан қичқириб юборгунча, кучининг борича торта бошлади. Қизнинг кўрқинчли овозини эшитгач, Кристофернинг ҳам жаҳли чиқиб кетди.

— Қизни ўз ҳолига қўйинг, сэр,— деди у секин ва хунук бир овозда,— ёки, худонинг ўзи мени кечирсин-у, шунга мажбур қиламан.

— Қизни ўз ҳолига қўйинг?—бўғилиб деди сэр Жон.—Уни ким маҳкам ушлаб турибди—сенми ё менми? Ўзинг қўйиб юбор.

— Тўғри, тўғри, Кристофер,—шивирлади қиз,— бўлмаса иккига бўлиб юборасизлар-а.

Кристофер бўйсунди ва гарчи отаси Сайселининг кўнғир сочидан ушлаб турган бўлса ҳам, уни креслога ўтқазди.

— Энди, сэр Кристофер,— деди сэр Фотрел,— қиличимни сенга санчаман.

— Мен билан бирга, қизингизнинг қалбига ҳам санчасиз. Майли, кўнглингиздагидек бўлсин, бироқ биз ўлиб, сиз эса болаларингиздан жудо бўлганингиздан сўнг, кўз ёшлари сизни гўрга тикади.

— О! Ота, отажон!— деди қариянинг феъл-атворини яхши билган ва бирор кори-қол юз беришидан ҳадиксираётган Сайсели.— Меҳру шафқат соҳиби худо хақи менга қулоқ солинг. Менинг қалбим Кристоферга тегишли, ҳали гўдаклигимдаёқ унга кўнгил қўйганман. У менинг бахтим, усиз ҳаёт менга тундек зим-зиё ва дилхасталикдан иборат бўлади, мендан ажраш унинг учун ҳам шундай гап. Бизни бир-биримиздан жудо этиб нима қиласиз? Наҳотки у менга муносиб бўлмаса, наҳотки унинг насл-насаби паст ёки номига доғ тушган бўлса? Яқин-яқинларгача у сизнинг илтифотингизга лойиқ эмасмиди, ҳаммаша бирга бўлишимизга ўзингиз рухсат бермасмидингиз? Энди ундан юз ўгириш учун вақт ўтди. О! Нега, нима учун?

— Қизим, нима учунлигини сен яхши биласан!

Сенга бошқа қаллиқ топганман. Лорд Деспардга ёқиб қолибсан, сенга уйланиш истагида. Бугун эрта-лаб у билан ҳаммасини келишиб, гаплашиб олдик.

— Лорд Деспард?— деди қалтираб Сайсели.— Ахир ўтган ойдагина иккинчи хотинини лахадга қўйганди-ку! Отажон, у сиз билан тенгқур, бунинг устига арақхўр, набиралари мен тенги бўлса. Ҳамма айтганингизни қиламан, лекин у мени ҳеч қачон тириклигимча ололмайди.

— Агар сизни олишга урунгудай бўлса, ўзи ҳам тирик қолмайди,— тўнғиллади Кристофер.

— Ёшининг нима аҳамияти бор, қизим? Жуда бақувват одам, ўғли йўқ, агар ундан ўғил туғилса, у бизнинг учала графлигимиздаги энг бадавлат меросхўр бўлади. Энг муҳими — унинг ҳам дўстлиги керак, чунки менинг ашаддий душманларим бор. Гап тамом. Кристофер, бошингга бирор кўргулик тушмасдан бурун жўнаб қол.

— Майли, мен кетаман, сэр; лекин аввал, чин инсон сифатида, отамнинг дўсти ҳамда, доимо ўйлаб юрганымдек, менинг дўстим сифатида битта саволимга жавоб беринг. Нима учун сўнги пайтларда менга бўлган муносабатингизни ўзгартирдингиз? Нахотки мен ўша, бундан бир ёки икки йил бурунги Кристофер Харфлит бўлмасам? Нахотки, мен сизнинг олдингизда, жамоатчилик олдида ўзимни ерга урадиган бирор ножўя иш қилган бўлсам?

— Йўқ, йигит,— очиқ кўнгиллик билан жавоб қайтарди қари рицарь, — лекин жуда билгинг келаетган экан, қулоқ сол. Бир ёки икки йил аввал, сен меросхўри бўлган амакинг уйланди, ўғил кўрди, энди эса сен фақат яхши номга эга бўлган; бироқ бу номга арзийдиган мол-дунёси йўқ бир жентльменсан, холос. Сенинг катта уйинг, Кристофер, ким ошди савдосига қўйилади. Ана ундан кейин сен ҳеч қачон унга хотинингни олиб киролмайсан.

— Э-э-э! Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим. Лесборо мулкининг меросхўри Кристофер Харфлит — бир одам; бу мулкларсиз Кристофер Харфлит — сизнинг назарингизда, бошқа бир одам. Лекин, сэр, сиз чатоқ ҳисоб-китоб қилибсиз. Мен қизингизни севаман, у ҳам мени яхши кўради. Лесборо ер-сувлари



эса, фақат шунинг ўзигина эмас, яна қўлимга қайтиб келиши мумкин, чунки мен ҳам оғзидаги ошини олдириб, қараб турадиган аҳмоқлардан эмасман. Яқин орада анча-мунча мулк подшоҳликка ўтиб кетади, саройда бўлса, мени билишади. Бундан ташқари, сизга айтиб қўяй: Сайселига, сиз ўйлаганингиздан ҳам эртaroқ уйланишимга ишончим-комил, лекин мен, у билан биргаликда сизнинг оқ фотиҳангизни олмоқчийдим.

— Нима! Наҳотки сен қизни ўғирлаб кетмоқчи бўлаётган бўлсанг?— газаб билан сўради сэр Жон.

— Асло, сэр. Лекин биз шоҳлар пойи-пиёда, бевабечоралар отлич бўлиб қолаётган — соат сайин ўзгариб турган бир замонда яшаймиз. Шунинг учун ҳам, унга барибир уйланишимга ишонаман. Ҳар ҳолда, ишончим комил — арақхўр Деспард ҳеч қачон унга эга бўлолмайти, чунки уни олдинроқ жаҳаннамга жўнатаман. Бунинг учун мени ҳатто дорга оссалар ҳам розиман. Сэр, сэр, ўз дурдонангизни ўша гўнг уюмига иргитманг! Яхшиси, уни оёқ остига олиб, пошналарингиз билан мажақлаб ташланг. Унинг ранг-рўйига қаранг-у, бундай қилишга қодир эмаслигингизни айтинг!— Шундай деб, қўлларини сиққанча, антикиб-антикиб нафас олаётган, чеҳрасидан азобланаётгани сезилиб турган Сайселининг жўнгил ийдирад қадди-қоматини кўрсатди.

Кекса рицарь жўз қири билан қизга қаради ва раҳми келиб кетди, чунки у аслида виждонан, пок киши эди; қизига қўпол муомала қилса ҳам, дунёда уни ҳаммадан зиёда кўрарди.

— Пушти камаримдан бўлган фарзандим олдидаги бурчим тўғрисида гапиришга қандай тилинг бор-япти?— минғирлади у. Кейин бир оз ўйлаб туриб, қўшиб қўйди: —Кристофер Харфлит, қулоқ сол. Эртага тонготарда мен Жеффри Стоукс билан бир қалтис иш юзасидан Лондонга жўнайман.

— Қандай иш билан, сэр?

— Билгинг келаётган бўлса, эшита қол, еримнинг энг сара жойларини даъво қилаётган ва анови мансабпараст бош викарий Кромуэлга бўлар-бўлмас гапларни етказган мана бу испаниялик муттаҳам аббат билан бўлган можаро ваяидан. Мен унинг Кро-

муэл билмайдиган қора ишлари тўғрисида гапириб бергани кетяпман, айна пайтда унинг ёлғончи ҳамда сотқин эканлигини исботлашга уриниб кўраман. Айтчи, мен йўқ пайтимда уйимни тинч қўясанми? Агар сўз берсанг, сенга ишонаман, чунки сен, ҳар ҳолда, виждонли жентльменсан, ғайри қонуний равишда олган бир-икки бўсангни эса, кечирса бўлади. Сен дунёга келмасиндан авваллар ҳам одамлар шундай қилишган. Менга сўз бер, акс ҳолда бу қизалоқни ўзим билан қор уюмлари орасидан Лондонга судраб боришимга тўғри келади.

— Сўз бераман, сэр,— деди Кристофер.— Сиз йўқ пайтингизда қизингизни безор қилмайман, лекин борди-ю, асқотиб қолсам, унда Крануэл Тауэрсга ўзи боришига тўғри келади.

— Яхши. Илтифотга илтифот кўрсатаман. Қайтиб келмагунимча, лорд Деспарднинг хатига жавоб қайтармайман, сени ўйлаганимдан эмас, албатта, хат ёзишни жинимдан ҳам бадтар ёмон кўрганимдан. Хат ёзиш мен учун бир машаққат, шуни деб бугун вақтимни исроф қилолмайман. Қани, энди шаробдан бир қадаҳ ичгин-да, жўна. Севги — юракни ўртайдиган иш.

— Бажону дил, сэр; лекин менга қулоқ солинг, гапимни эшитинг. Аббат Мэлдон билан жанжалдан сўнг ҳамроҳларсиз Лондонга борманг. Сизни қўриқлаб боришимга рухсат этинг. Гарчи менинг хўжалигим катта бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, икки, ҳатто, иложи бўлса, олти-саккиз киши билан чиқишим мумкин, сизнинг одамларингиз бўлса, ҳозирча жўнаб кетишган.

— Керак эмас, Кристофер. Олтмиш йил давомида ўз бошимни ўзим қўриқлаб келдим, уни ҳозир ҳам қўриқлай оламан. Бундан ташқари,— бирдан кўнглига ваҳий келгандек, қўшимча қилди,— айтганингдек, йўл хатарли, яна ким билсин?.. Бирор кори-ҳол юз бергудек бўлса, балки бу ерда кўпроқ керак бўлиб қоларсан. Кристофер, сен ҳеч қачон қизимни ололмайсан, у сен учун туғилмаган. Бироқ шундай зарурат туғилиши мумкинки, уни черков тавқи-лаънати-дан чўчимай ҳимоя қилиш лозим бўлар, балки. Ҳой қиз, кет бу ердан! Қуёш ёғдусида қолган бойқушдек бизга аграйиб, бу ерда нима қилиб турибсан? Бун-

дан кейин эсингда бўлсин, агар сени яна шунақа иш устида қўлга туширсам, бутун умрингни, ўзинг учун кони фойда бўлган дуоларни пичирлаб, монастирда ўтказасан.

— Лоақал у ерда ором ва меҳр-муҳаббат топаман-ку,— деди отасининг феъл-атворини билган Сайсели, ўзи учун энг катта хавф йўқолганини сезиб.— Фақат, сэр, сизнинг Блосхолм аббатлари бойлигини янада орттириш ниятингиз борлигини билмаган эканман.

— Уларнинг бойлигини орттириш!— бўкириб юборди отаси.— Йўқ, мен уларнинг ҳаммасини дорга осаман. Хонангга жўна. Жефрига айт, арақ келтирсин.

Сайселининг аввал отасига, сўнг лаблари айтолмаган сўзларни кўзлари билан билдирганча, Кристоферга таъзим қилишдан бошқа иложи қолмади. Кейин қоронғида ғойиб бўлди, фақат унинг қандайдир жиҳозга урилиб кетгани эшитилди.

— Кристофер, қизалоққа чироқ тут,— деди ўз хаёлларига ғарқ бўлиб, оловга тикилиб турган сэр Жон.

Кристофер шамлардан бирини қўлига олиб, қуён орқасидан қувган тозидек, Сайселининг орқасидан югурди ва кўп ўтмай улар иккови эшикдан чиқишди-да, узун йўлак бўйлаб кетишди.

— Ҳатто бир-биримиздан жудо бўлганимизда ҳам мени унутиб юбормайсизми?— сўради Сайсели ўкси-ниб йиғлаганча.

— Йўқ, жонгинам,— деди жавобан у. —Тез орада юз кўришамиз, чунки тангри бизни бир-биримиз учун яратган. Отангиз ўйламай гапиряпти, бугун таъби хира-да, кейинроқ юмшаб қолади. Агар ўшанда ҳам бўлмаса, унда ўзимиз тўғримизда ўзимиз ўйлаб кўрамиз. Менинг бир-иккита учқур отим бор. Агар зарур бўлиб қолса, улардан бирини миниб кета оласизми?

— Мен отда юришни доимо ёқтирардим,— деб жавоб берди Сайсели маънодор қилиб.

— Жуда соз, у қолда сиз ҳеч қачон ўша чўчқанинг оғилхонасига тушмайсиз, чунки, мен уни аввалроқ бўғизлаб ташлайман. Менинг Шотландия ва Францияда дўстларим бор. Қайси бири сизга афзал?

— Айтишларига қараганда Франциянинг об-ҳаво-си юмшоқ эмиш. Энди бора қолинг, бўлмаса отам бизни қидиришга тушади.

Улар бир-бирларидан узоқлашдилар.

— Энагангиз Эмлинга ишонса бўлади,— деди Кристофер шоша-пиша.— Мени жуда яхши кўради у. Агар бирор гап бўлса, энагангиз орқали менга хабар бердилинг.

— Ҳм,— деди Сайсели жавобан,— албатта.— Кейин худди шарпадек ғойиб бўлди.

• — Ой чиқишини кутдингми?— деб сўради сэр Жон бароқ қошлари остидан Кристоферга тикилар экан, у қайтиб боргач.

— Йўқ, сэр, бироқ кўҳна уйингизнинг йўлаклари ҳайратда қоларли даражада узун бўлганлигидан, бошқа ёққа бурилиб кетибман.

— О!— деди сэр Жон.— Сенинг бошқа ёққа бурилиб кетадиган ажойиб истеъдодинг бор экан. Айтгандек, видолашиш ҳам, албатта, осон эмас. Энди, сўнгги марта учрашганларингга фаҳминг етяптими?

— Буни сиз айтаётганингизга фаҳмим етиб турибди, сэр.

— Шундай ўйлашим ҳам мумкин, деб умид қиламан. Қулоқ сол, Кристофер,— давом этди у қатъий, аммо очиқ юз билан,— ишон, менга ёқасан, қўлимдан келса, сени ҳам, қизни ҳам хафа қилиб ўтирмасдим. Лекин бошқа иложим йўқ. Менга руҳоний ҳам, қирол ҳам ҳар томондан хавф соляпти, сен бўлсанг, меросдан айрилгансан. Гаровга қўйишим мумкин бўлган бирдан-бир хазина — қизим; ўз бахти учун, бўлажак болалари учун у таг-тугли кишига турмушга чиқиши зарур. Бу Деспард узоққа бормайди, жудаям кўп ичади; ана ўшанда, эҳтимол, агар унинг меросига бепарво бўлмасанг, бахтинг очилар. Бу икки йил, балки ундан ҳам камроқ вақт ичида юз беради, қизим яқин орада уни нариги дунёга кузатади. Энди бу ҳақда ортиқ гаплашмаймиз, борди-ю, менга бирор гап бўлса, унга оғалик қил. Мана, арақ ҳам келди. Ичгин-у, жўна. Сенга нисбатан қаттиққўллик қилаётгандай бўлиб кўринсам ҳам, Шефтонда ҳали жуда кўп қадаҳларни бўшатишингга ишонаман.

Сэр Жон нонушта қилиб бўлиб, белига қилич тақаетган ва Жеффри отларни олиб келгани кетаётганида, эртаси куни эрталаб соат етти эди; катта залнинг эшиги очилиб, ичкарига шам кўтарган, ўралиб олган мўйна плаши устида узун сочлари тўлганиб турган қизи кирди. Сэр Жон қизига назар ташларкан, унинг катта-катта очилган кўзларидаги даҳшатни сизди.

— Сенга нима бўлди, қизалогим?— сўради у.— Елвизакдан шамоллаб ўласан-ку.

— Оҳ, отажон!— деди у кекса рицарни ўпаркан.— Мен сиз билан хайрлашгани ва... ва сиздан бормаслигингни илтимос қилгани келдим.

— Бормаслигимни? Нима учун?

— Шунинг учунки, отажон, ёмон туш кўрдим.

— Мен тушдан қўрқмайман, бундай бемаънигарчиликлар овқат яхши ҳазм бўлмаслигидан келиб чиқади.

— Балки шундайдир, отажон, лекин сиз уйда қолиб, ўрнингизга бошқа бирор кишини юборишингиз лозим. Масалан, сэр Кристоферни.

— Унгидан келса ёки акси чиқса ҳам, тушингдан нега қўрқишим керак? Агар ўнгидан келса, қўлимиздан ҳеч нарса келмайди, тақдири азал, у амалга ошиши даркор; борди-ю, акси чиқса, унга аҳамият беришдан не ҳожат? Сайсели, мен оддий одамман ва бундай чўпчакларга эътибор бермайман. Лекин менинг душманларим бор ва, эҳтимол, чиндан ҳам вақти-соатим етгандир. Агар шундай бўлса, қизим, ўз ақлинг билан иш тут, Мэлдондан эҳтиёт бўл; ҳа эҳтиёт бўл, онангинг қимматбаҳо тақинчоқларини яшириб қўй.— Шундай деб, у кетиш учун орқасига ўгирилди.

Қиз отасининг қўлидан ушлади.

— Отажон, борди-ю, сизга бирор нарса бўлса, нима қилишим лозим?— куйиб-пишиб сўради у.

Сэр Жон тўхтади ва унинг бошидан-оёғигача тикилиб чиқди.

— Кўриб турибман, сен тушингга ишонаяпсан,— деди у,— гарчи бу Фотрелни йўлдан уролмаса-да, мен ҳам унга ишона бошладим. Борди-ю, бирор гап бўлса, мен рад қилган йигит ёринг бўлади. У менинг кўнглимдагидек йигит. У сен учун жонини жабборга бе-

ради. Агар ўлсам, менинг ўйиним тугайди. Унда, қўзичоғим Сайсели, ўз ўйинингни бошла ва уни тезроқ, аббат сени таъқиб қила бошламасдан олдинроқ бошла. Қўпол муомала қилган бўлсам ҳам, мени ёмонлаб тилга олма, сенга худо ёр, менинг фотиҳам йўлдош бўлсин. Ана, Жефри ҳам чақиряпти; отлар ташқарида кўп турса, музлаб қолади. Хайр бўлмаса. Мендан хавотирланма, ичимдан совут кийиб олганман. Яна ўрнингга бориб ётиб, исин.— Сэр Фотрел қизининг пешанасидан ўпиб, чиқиб кетди.

Шундай қилиб, Сайсели отаси билан бир умрга видолашди.

Шу куни сэр Жон билан хизматкори Жефри кун бўйи олдинга қараб, қорда от қўйиб бордилар. Лекин вақти-вақти билан қалин қор уюмларини пиёда кечишга ҳам мажбур бўлардилар. Улар ўрмон сўқмоғидан борарканлар, мўлжаллари қуёш ботишидан икки соат илгари ўрмон ўртасидаги ялангликка жойлашган яккаю ягона фермага етиб олиш, у ерда тунаб, тонготарда Фенс ва Кембрижга қараб йўлга тушиш эди. Лекин мўлжални амалга оширишнинг иложи бўлмади: йўл жуда ҳам расво эди. Ҳатто шундай бўлиб чиқдики, ҳали соат беш бўлмасданоқ, ўзи билан аччиқ изғирин, увилловчи шамол ва кутилмаган қор бўронини бошлаб келган қоронғилик қуюқлашиб, улар ўрмончининг шох-шаббалардан қурилган кулбасига яширинишга, то булутлар орасидаги ой юз кўрсатмагунча кутишга мажбур бўлдилар, ўша ерда отларга оливолган емларидан бердилар. Ўзлари ҳам Жефри елкасига осиб олган халтадаги қоқ гўшт ва арпа нонидан тамадди қилган бўлдилар.

Ниҳоят ёруғлик эшик тирқишидан кулбага сизиб ўтди.

— Ой чиқди,— деди сэр Жон.— Отлар совиб қолмасдан кетдик.

Жефри миқ этмай отларга юган уриб, ташқарига олиб чиқди. Шу пайт баркашдек ой иккита қоп-қора бўлиб орасидан ёриб чиқиб, борлиқни сутдек нурга тўлдирди. Ой аянчли манзарани: шакар уюмидек ялтиратган, баъзи жойларда дўлана бутазорлари қорайиб кўринаётган қорли ялангликни, у ер-бу ерда

шўшайиб турган, буталган эманларни ёритди,— бу ер одамлар ёқилғи учун дарахт шохларини кесиб кетадиган ўрмон этаги эди.

Тахминан, юз эллик ярд<sup>1</sup> нарида, ён тарафда, табиат томонидан эмас, балки инсон қўли билан яратилган тепалик қад кўтариб турарди. У қандай пайдо бўлганини ҳеч ким аниқ билмасди, лекин шундай ривоят бор эди: бундан юзларча ёки минг йиллар бурун бу ерда жуда катта жанг бўлиб, қирол ўлдирилган, шунда қиролнинг музаффар армияси унинг хотирасини абадийлаштириш учун жасад устига тупроқни тепа қилиб уйган.

Ушбу афсонада айтилишича, у денгиз қироли бўлган, шу сабабли унинг учун ўша ерда эшаккли қайиқча қурганлар ёки бутун асбоб-анжомлари билан денгиз соҳилидан бу ерга олиб келиб, унга қиролни ўтқазиб қўйганлар; яна айтилишича, кечалари, худди у ҳали ҳам жангни бошқараётгандек, яроғ-аслаҳасини тақиб, отда атрофни айланиб юрганини кўриш мумкин эмиш. Ҳар қалай, тепалик Қирол тепалиги деб аталар ва одамлар қош қорайгандан сўнг унинг ёнидан ўтишга ботинолмасдилар.

Хўжайинининг отга минишига ёрдамлашиб, узангини ушлаб турган Жефри Стоукс бирдан бақариб юборди ва ниманидир кўрсатди. Сэр Жон у қўли билан кўрсатаётган томонга қараб, ёрқин ой ёғдусида, Қирол тепалигининг энг чўққисида худди ҳайкалдек қотиб турган суворини кўрди.

У узун плашга ўралиб олганга ўхшарди, лекин бошидаги дубулғаси кумуш каби ярқирарди. Сўнгги дақиқада қоп-қора булутнинг бир чети ой гардишини тўсиб қўйди. Булут ўтиб кетганда, отлиқ гойиб бўлганди.

— Бу йигит у ерда нима қилаётганди?— сўради сэр Жон.

— Йигит дейсизми?— деди Жефри титроқ овозда.— Мен ҳеч қанақанги йигитни кўрганим йўқ. У— арвоҳ. Менинг бобом ҳам, эҳтимол, ўшани кўрган, чунки у ўрмонда номаълум ўлим туфайли ҳалок бўлган; ўша кунлари тўда-тўда бўлиб изғиб юрган бўри-

<sup>1</sup> Ярд — англиз узунлик ўлчов бирлиги, 91 см. га тенг.

лар бобомнинг суякларигача кемириб тозалаб кетишган; оз йиллар давомида уни яна бошқа жуда кўп кишилар кўрганлар, яна-тагин фақат ўлимлари олдида кўрганлар. Бу арвоҳ — шум даракчи, унга кўзи тушган одам отининг бошини орқага — уйга бурса, донолик қилган бўлади. Агар ихтиёр ўзимда бўлса, хўжайин, бугун кечқурун мен ҳам шундай қилардим.

— Бундан нима фойда, Жеффри? Агар у ўлимни каромат қилаётган экан, келаверсин ўлим. Бунақа афсоналарга ишонмайман. Сенинг кўзингга кўринган одам оддий ўрмон қоровули ё бўлмаса подачи.

— На қўриқлашга пода, на дарахт кесиб бўлмаган шундай изғиринда дубулға кийиб, ўрмон қоровули ёки подачи ажойиб отда сандирақлаб юрмайди. Хўжайин, қандай ўйласангиз ўйлайверинг-у, фақат бундай қоровул ва подачилардан худонинг ўзи асрасин. Менимча, улар дўзах даракчилари.

— Демак, у қаёққа кетаётганимизни кузатиб юрган жосус экан,— деди зарда билан сэр Жон.

— Борди-ю, шундай бўлса, уни ким юборган? Блосхолм аббатими? У ҳолда, иблисга йўлиқишни афзал кўрардим бундан кўра, чунки аббатдек балодан қочиб қутулиш ўлимдан ҳам қийин. Шефтонга қайтсак дуруст бўларди, деб ўйлайман.

— Қўрқаётган бўлсанг, шундай қила қол, Жеффри, мен эсам, ҳаққоний иш учун жин-алвастилардан ҳам, аббатдан ҳам қўрқмайман, бир ўзим кетавераман.

— Йўқ, хўжайин. Кўп йиллар илгари, ёшлигимизда, Флодден майдонида ёнингизда туриб жанг қилгандим, ўшанда сэр Эдуард, Кристофер Харффлитнинг отаси, кўз ўнгимизда ўлдирилган ва иштонсиз малла соқол шотландлар эса устимизга тўхтовсиз ёпирилиб келганда ҳам, қатто бир йигитча сизни болта билан уриб йиқитиб, ҳаммамизнинг умидимиз пучга чиққанда ҳам, қочиб қолишни қатто хаёлимга келтирмагандим. Хўш, нега энди қочиб қолишим керак экан? Ҳар ҳолда, тўғриси айтсам, бу жин-алвастилардан Твиднинг<sup>1</sup> нарёғидаги тоғликлардан баттар қўрқаман. Кетдик; ҳар бошга бир ўлим, ўлганимдан сўнг бу

---

<sup>1</sup> Твид — Шотландиядаги дарё.



ифлос дунёда қолиб кетадиган ҳеч вақом бўлмагач, эрта ўлдим нима-ю, кеч ўлдим нима.

Шундай қилиб, ортиқча гап-сўзсиз, дам-бадам ён-верларига аланглаб йўлга тушдилар. Кўп ўтмай ўрмон қалинлашди ва улар кетаётган йўл гоҳ асрий эманларнинг катта-катта таналари орасидан, гоҳ ботқоқликлар четидан, гоҳ тиканли буталар остидан ўта бошлади. Қор йўлни кўмиб юборган ва эманлар ости зим-зиё бўлганидан баъзан сўқмоқни топиб юриш жуда машаққат эди. Аммо Жефри, ўрмонда туғилган ва болалигиданоқ ўша атрофдаги дов-дарахтларни кўринишига қараб ажрата олганлигидан, улар эсон-омон тўғри йўлдан кетаётгандилар. Агар улар жойларидан жилмасалар янада яхши бўларди!

Улар сўқмоқни бошқа уч йўл кесиб ўтган чорраҳага етганларида, олдинда бораётган Жефри Стоукс қўлини кўтарди.

— Нима гап?— сэр Жон.

— Охири ёққан қордан икки соатдан сўнг ўтган тақали ўн ёки роппа-роса ўн икки отнинг изи, қизиқ — улар ким бўлиши мумкин?

— Бизга ўхшаган саёҳатчилар бўлиши керак. Йигит, олға бораверамиз; фермага бир милча қолди.

Бироқ Жефри Стоукс эътироз билдирди:

— Хўжайин, бу ишлар менга ёқмаяпти. Бу ердан сайёҳлар, савдогарлар ёки фермерлар эмас, жангчилар ўтишган. Назаримда... назаримда, уларнинг изларини танияпман. Бирон тузоққа тушиб қолмасимиздан бурун орқага қайтганимиз маъқул.

— Ўзинг кетавер, — бепарволик билан тўнғиллади сэр Жон, — мен совқотдим, чарчадим, тинчлик истайман.

— Умрбод тинчиб қолмаслигингиз учун худога топининг, — деб гўлдиради Жефри, отини ниқтар экан.

Улар олдинга қараб кетдилар.

Ниҳоят улар, фақат ботқоқлик дарахтларигина ўса оладиган, атрофи дарахтлар билан ўралган, билиқ-билиқ қиладиган ялангликка етиб келдилар. Уларнинг ўнг томонида, чоғроққина, у ер-бу ерида қовжираган қамишлар қўққайиб турган, муз билан қопланган дарё қалқаси, қарши томонида эса, бутунлай бутаб ташланган бир гуруҳ тол бор эди; тол поя-

ларини сал шарироқдаги ферма ақолиси устун учун кесиб кетганди. Чарчаган от ҳавони искаб, кишнаб юборди, унга жавобан жуда яқин жойдан кишнаш овози эшитилди.

— Худога шукур! Уйлаганимдан кўра анча яқинлашиб қолибмиз фермага!— деди сэр Жон.

У бу сўзларни айтаётганда панажой хизматини ўтаётган тиканли бутазор орасидан бир тўда кишилар чиқди-да, уларга қараб отларини елдек учириб кела бошлади; ой нурида қўлларидаги яланғоч шамширларни йилтирарди.

— Қароқчилар!— деб қичқирди сэр Жон.— Қани олға, Жефри, фермага уларни ёриб ўтамиз.

Хизматкор сусткашлик қилди; у қароқчилар кўплигини ва уларнинг оддий таловчилар эмаслигини кўриб турганди, лекин хўжайини қиличини суғуриб, отини ниқтагач, Жефри ҳам унга эргашишига тўғри келди. Йигирма секунд ўтмаёқ улар тўда ўртасида эдилар; кимдир уларга таслим бўлишни таклиф қилди. Жон гапирган йигитга ташланди ва узангида тикка турганча, унга қилич урди. Йигит бор бўйи билан отдан ағдарилиб тушди ва атрофини қип-қизил рангга бўяганча, қорда қимирламай ётиб қолди. Отлиқлардан бири Жефрига ҳужум қилди, бироқ у вақтида отини буриб қолган эди, зарба ёнидан ўтиб кетди, кейин Жефри ўткир қилич билан шундай урдик, рақиб ерга йиқилиб, бир оз тилпирчилаб турди-да, қорда чўзилганча қолаверди. Бошқалар, тўқнашув ҳаддан ташқари қизгин бўлди, деган қарорга келдиларда, шартта орқага бурилиб, яна тиканли бутазорга кириб ғойиб бўлдилар.

— Энди фермага борамиз,— деди Жефри.

— Боролмайман,— деди сэр Жон.— Бу муттаҳамлардан бири отимни ярадор қилди.— Шундай деб, у отнинг аянчли қиёфада кўтариб турган олдинги оёғидаги чуқур жароҳатдан оқаётган қонни кўрсатди.

— Меникини олинг,— деди Жефри.— Мен улардан пиёда ҳам қочиб кета оламан.

— Асло! Толзорга! Уша ерда ўзимизни ҳимоя қиламиз!— Шундай деб, у ерга сакраб тушди-да, дарахтлар панасига қараб югурди, унинг орқасидан. Жефри отини йўртиб борди.

Ярадор от оқсоқланиб, уларнинг орқасидан боришга уриниб кўрди, лекин уддасидан чиқа олмади, чунки пайлари қирқилиб кетганди.

— Бу лаънатилар ким ўзи?— сўради сэр Жон.

— Аббатнинг яроғбардорлари,— жавоб берди Жефри.— Қилич санчганининг башарасини кўрдим.

Сэр Жоннинг чеҳрасига қайғу кўланқа ташлади.

— Ундай бўлса, кунимиз тугабди, дўстим; бизни қўлдан чиқариб юборишга уларда юрак борми.

У гапини тугатар-тугатмас, ёнларидан визиллаганча камон ўқи ўтиб кетди.

— Жефри,— давом этди у,— менда қужжатлар бор: уларни йўқотиш мумкин эмас, йўқолса улар билан бирга қизалоғимнинг меросхўрлиги ҳам йўқолади. Уларни ол.— Шундай деб, хизматкори қўлига пакет тутқазди.— Мана бу ҳамённи ҳам ол. Унда анча-мунча пул бор. Бу ердан бошинг оған ёққа қочиб қолгин-да, киши билмас бирор ерга вақтинча яширингин. Бўлмаса, улар сени «миқ» этмайдиган қилиб қўйишади. Кейин, буни виждонингга ҳавола қиламан, мадад кучлари билан қайтгач, ўз беканг ҳурмати учун, Жефри, бу қаллоб аббатни дорга остир. Беканг ва парвардигорнинг ўзи бу хизматинг учун сени ёрлақайди.

Хизматкор ҳамён ва қоғозларни қандайдир ички чўнтагига солиб қўйди.

— Улим хавф солиб турганда, сизни қандай қилиб ташлаб кета оламан,— дея минғиллади у, тишларини гижирлатганча.

Оғзидан бу сўзлар чиқар-чиқмас, у хўжайинининг бўғзида нимадир хириллаганини эшитди ва қаердандир орқадан отилган ҳамда унинг бўйнини тешиб ўтган камон ўқини кўрди. Тажрибали жангчи жароҳат ўлдирадиган даражада эканини дарров тушунди. Шунда у ортиқ иккиланмай қўйди.

— Исо ярлақасин сизни!— деди у.— Мен буйруғингизни бажараман ёки ўламан.— Шундай деб, у отини буриб, биқинига шундай ниқтадики, от худди бугудек елиб кетди.

Сэр Жон бир неча лаҳза унинг қандай узоқлашаётганини кузатиб турди. Кейин қиличини боши узра ўйнатиб, панагоҳдан югуриб чиқди — камон ўқлари-

ни ўзига қаратиш учун ой ёғдуси ёритиб турган очик майдонга отилганди у. Уқлар ҳам дарров ёғила қолди устига, бироқ у йиқилишидан олдин — чунки совути хийла пишиқ-мустаҳкам эди,— Жефри отнинг бўйнига ётиб олганча, хавф-хатардан қутулиб кетганди. Гарчи қотиллар уни жон-жаҳдлари билан таъқиб қилган бўлсалар ҳам, қўлга тушира олмадилар.

### III боб

#### Туғи

Сайсели Фотрел сэр Жон ҳалокатининг эртаси кунни Шефтон Холлда тушга яқин нонушта қилди. У қаттиқ-қуруқ қишки овқатни истар-истамас татиб кўрди, чунки кўнгли нотинч эди. Уни сеvimли киши-сидан — ёри хонавайрон бўлиш арафасида турганлиги учун — жудо қилдилар, отаси бўлса сафарга жўнади. Сайсели бу сафар ўзи ўйлаганидан ҳам кўра хатарлироқ эканини тезда фаҳмлаб қолди. Яқин орада дўстлари бўлмаган ёш қиз, қадимий катта залда ўзини якка-ёлғиз сезарди. Қиз бу кенг хонада ўтираркан, болалигида, ўзи учун номи ҳам, пайдо бўлиши ҳам номаълум қандайдир юқумли касаллик, фақат унгагина тегмай, бир ҳафта ичида онасини, икки акаси ва онасини ҳаётдан олиб кетмагунча ҳамма-ҳамма нарса бутунлай ўзгача бўлганлигини эслади. Уша пайтларда уйда шўх ва қувноқ овозлар жарангларди, энди эса жимжитлик ҳукмрон, у якка-ёлғиз, ёнида спаниели<sup>1</sup> бор, холос.

Бундан ташқари, хизматкорларнинг кўпчилиги юнг ортилган араваларда жўнаб кетишган; отаси бу юнглари бутун йил давомида йиғган ва уларни нархи кўтарилгунча кўз қорачиғидай асраганди. Улар бунақанги қалин қорда бир ҳафтада, эҳтимол ундан ҳам кечроқ қайтарлар.

О! Қиш булутларидек қора, оғир нотинчлик унинг юрагини эзарди. Ўзини тетик тутиш учун хизматкор аёл устига сочиқ ёпиб, ёнига қўйиб кетган хушбўй эл-

<sup>1</sup> С п а н и е л ь — бароқ юнгли ов ити насли.

дан бир қадаҳ ичиб олди ва бир оз исиб, хотиржам тортганлигидан мамнун бўлди. Худди шу дақиқада эшик очилиб, энагаси миссис Стоуэр кириб келди. У баркамоллик чоғида соҳибжамол бўлганди; безгак эри билан боласини ҳаётдан юлиб кетганда у ҳали ўн тўққизга ҳам тўлмаганди. Кейин уни Сайселига қараш учун Холлга келтиришди, чунки қизчанинг онаси кўзи ёригач, касалманд бўлиб қолганди. Эмлин баланд бўйли, қорачадан келган жувон бўлиб, ўзининг чақнаб турувчи қоп-қора кўзларини отасидан, насл-насаби тоза исъандан мерос қилиб олганди; миш-мишларга қараганда, онасининг томирларида лўли қони оққан.

Эмлин Стоуэр дунёда фақат икки кишинигина: ўзи тарбиялаган Сайселини ҳамда ёшликдаги дўсти, ҳозир эса биродар-мирянин<sup>1</sup>, аббатлик молбоқари — Томас Болл деган кимсани севарди. Айтишларига қараганда, ёшлик пайтларида Томас Эмлиннинг кўнглини овлашга уринган ва қиз ҳам бунга бефарқ қарамаган, бироқ ота-онаси фожиона ҳалок бўлгач, васий — Блосхолмнинг собиқ нозири хоҳишига бўйсуниб, ўз орзу-истагига қарши бошқа кишига турмушга чиққан; Томас эса биродар-мирянин либосига буркалиб олган, чунки у билими кам бўлсада, тузуккина оиладан чиққан йомен<sup>2</sup> эди.

Сайсели энаганинг ўзини тутишида фалокатдан дарак берувчи қандайдир ғалати ҳолатни сезди. У эшик ёнида тўхтади, ҳеч қачон қилмаган иши — лўкидонни айлантирди. Кейин ўгирилиб, қаддини ростлади-да, Сайсели қаршисида худди рамкадаги суратдек туриб қолди.

— Нима бўлди, энага?— сўради Сайсели титроқ овоз билан.— Афт-ангорингдан ниманидир билиб келганга ўхшайсан.

Эмлин Стоуэр олдинга қараб юрди ва қўли билан эмандан ясалган столга таянаркан жавоб берди:

— Агар рост бўлса, шум хабар. Ўзингни тут, жонгинам!

---

<sup>1</sup> Биродар-мирянин — монастырь хизматида бўлган оқсуяк шахс.

<sup>2</sup> Йоменлар — XIV-XVIII асрларда Англиядаги ўрта ҳол ва ўзига тўқ деҳқонлар.

— Тезроқ, Эмлин, — Сайсели оғир-оғир нафас олганча сўради. — Ким ҳалок бўлибди? Кристоферми?

Эмлин «йўқ» дегандек бош чайқади. Сайсели енгил тортиб, нафасини ростлар экан, қўшимча қилди:

— Унда ким ахир?

— Оҳ, жонгинам, энди сен ётимсан.

Қиз бошини эгди. Кейин тик қараб, сўради:

— Сенга ким айтди? Бор ҳақиқатни гапир, бўлма-са нақ юрагим ёрилиб ўламан.

— Аббатлик билан алоқаси бор бир дўстим; унинг отини сўрама.

— Эмлин, мен уни биламан, Томас Болл, — шивирлади жавобан Сайсели.

— Дўстим, — такрорлади баланд бўйли, қорачадан келган аёл, — менга сэр Жон Фотрел қуролли кишилар тўдаси томонидан ўлдирилганини ва унинг ўзи ҳам икки кишини ер тишлатганини айтиб берди.

— Аббатликданми? — Сайсели аввалгидек шивирлаб сўради.

— Ким билсин? Ушалар бўлса керак, деб ўйлайман. Айтишларига қараганда, бўйнига теккан камон ўқи, ўша ерда тайёрланадиган ўқдан экан. Жефри Стоуксни таъқиб қилганлар, лекин у ўша пайтда жўнаб кетаётган қандайдир кемада қочиб, қутилиб қолган.

— Худо олсин, бунақанги кўрқоқни, — деди Сайсели.

— Ҳозирча уни айблама. У менинг бошқа дўстимни кўриб, ўз хўжасининг сўнгги хоҳишига биноан жўнаб кетаётганлигини бизга етказишини илтимос қилибди; ундан шубҳаланмаслигингизни ўтинибди.

Шунда бечора Сайсели отасини эслаб, йиғлай бошлади.

— Йиглама, жонгинам, — деди энага бақувват қўли билан Сайселининг қўнғир сочларини силаб туриб. — Худо шуни хоҳлаган экан, иложимиз қанча. Энди сен ўзинг тўврингда ҳам ейишинг керак. Отанг бўлмаса ҳам, туғишгандай яқин одамларинг бор.

Юзини кўз ёшлари ювиб кетган Сайсели унга қаради.

— Ҳа, сен борсан, — деди у.

— Мен? — жавоб қилди Эмлин билинар-билимас

жилмайиб.— Йўқ, мендан қандай фойда бўлиши мумкин? Сенга энага керак бўлган вақтлар ўтиб кетган. Менга, отанг жўнаб кетишидан олдин у билан сэр Кристофер тўғрисида гаплашганинг ҳақида нимадир деганинг шекилли? Жим тур! Гап сотиб ўтиришга вақт йўқ; сен Крануэл Тауэрсга боришинг лозим.

— Нега?— сўради Сайсели.— У отамни тирилтириб беролмайди, кейин аёл бошим билан шундай бир пайтда эркак кишининг уйига боришим қизиқ бўлади-ку. Унга хабар қилақол. Мен отамни дафн қилгани ва,— у мағрурлик билан қўшиб қўйди,— унинг учун ўч олгани шу ерда қоламан.

— Фариштам, унда бу ерда то сени ҳам ўша монастирға тириклайин кўммагунларича қоласан, холос. Қулоқ сол! Мен ҳали ҳамма гапни айтганим йўқ. Аббат Мэлдон аллақандай устомонлик билан Блосхолм ерларига даъвогарлик қиляпти. Уша куни кечқурун отанг аббат билан шу сабабдан жанжаллашган. Мен бир пайтлар бу монастир ҳукмига берилганимдек, сен ҳам ерлар билан бирга унинг васийлигига ўтасан. Қуёш ботгунча бу ерга аббат ўз яроғбардорлари билан етиб келиб, ҳамма нарсани олиб кетади, сени эса, кўнгли хотиржам бўлиши учун монастирға қамайди, ана шундан сўнг сенга эр вазифасини муқаддас черков ўтайди.

— Эй танграм! Наҳотки шундай бўлса?— деди Сайсели ўрнидан ирғиб тураркан.— Одамларимизнинг кўпчилиги йўқ бўлса. Мен уйни бу келгинди аббатдан қўриқлай олмайман. Етим қолган меросхўр фақат енгил-елпи ашёларнигина сота олиши мумкин! О! Отамнинг нима демоқчи бўлганини энди тушундим. Отларни тайёрлашни буюр. Кристофернинг олдига бораман. Тўхта, энага. Унинг олдига нима деб бораман? Бу унга ҳаёсизлик бўлиб кўриниши ва уни таҳқирлаши мумкин.

— Уйлайманки, у сенга уйланади. Уйлайманки, бугун кечаси сен унинг хотини бўласан. Борди-ю, у хоҳламаса нима учунлигини билиб оламан,— ғазаб билан қўшиб қўйди Эмлин.

— Хотини! Кечқурун!— деди қиз, сочларининг тағларигача қизариб.— Отамнинг ҳали танаси совимай туриб, қандай бўларкин бу?

— Бу ҳақда Харфлит билан гаплашамиз. Эҳтимол, у ҳам сенга ўхшаб, кутишни ва черковда эълон қилинишини ёйинки ишни лондонлик юристга оширишни истар. Лекин мен отларни эгарлашни буюрдим ҳамда аббатга, отангнинг тақдирини билгани ҳузурига боришингни хабар қилиб, икки энлик хат юбордим, шу сабабли у кечгача жойида қўзғалмайди; иккинчи хатни эса, бошпана сўраб Крануэл Тауэрсга жўнатдим. Энди плаш билан қалпоғингни тезроқ ол. Қутичадаги қимматбаҳо безаклар менда, чунки Мэлдон ерларингиздан кўра кўпроқ уларни қўлга кириштириш пайида. Излаб топган ҳамма пулларни ҳам ўшалар ёнига қўшиб қўйдим. Иннайкейин, баъзи бир тайёр кийимларни жойлаб қўйишни буюрдим. Аббат ниҳоятда очофат, ҳадемай ғимирлаб қолади. Гап сотиб ўтиришга вақтимиз йўқ.

Уч соатдан сўнг, қуёш қонталаш бўлиб ботаётган чоғда эшик ёнида турган Кристофер Харфлит ўзи томон келаётган икки отлиқ аёлни кўрди. У уларнинг қоралари кўриниши биланоқ таниди.

— Демак, рост экан,— деди у ўзи томонидан черковдан чақиртирилган Крануэлнинг кекса кашиши Рожер Нектон отага.— Мен бу тентак чопар маст бўлса керак, деб ўйлагандим. Қандай ҳодиса юз берган бўлиши мумкин, ҳазратим?

— Уйлайманки, сэр Жон ҳалок бўлган, чунки, бундан ўзга бирор нарса леги Сайселини мулозимларсиз, фақат битта оқсоч хотин билан бу ерга келишга мажбур қила олмасди. Ҳамма гап бундан сўнг нима бўлишида!— Шундай деб, у кўз қири билан йигитга қараб қўйди.

— Агар ҳаммаси мен истаганимдек амалга ошса, нима бўлишини биламан,— деди жавобан Кристофер дилхушлик билан кулиб.— Айтинг-чи, ота, борди-ю, лединин ўзи истагудек бўлса, бизни никоҳлаб қўя оласизми?

— Шак-шубҳасиз, ўғлим, ота-оналар розилиги билан.— Кашиш яна унга қараб қўйди.

— Ота-оналари йўқ бўлса-чи?

— У ҳолда васийнинг розилиги билан, чунки келин ҳали балоғатга етмаган.



— Борди-ю, васий эълон қилинмаган ёки тан олинмаган бўлса-чи?

— У ҳолда, бундай никоҳ ҳар қандай махфий амал сингари черковнинг ўзига хос тартиб-қоидага биноан ўқилади ва у тақдирнинг ўзи кўп кўрмагунча ёки то папа бекор қилмагунча бузилмайди. Лекин, ўзинг билганингдек, бу мамлакатда, худди шу никоҳ масаласи туфайли<sup>1</sup> папани ёқтирмайдилар. Черков ва граждон қонунларини сенга тушунтириб беришга рухсат эт...

Бироқ, бу пайтда Кристофер дарвоза томонга югуриб кетаётганди, кекса воиз ўз насихатини айтиб тугатолмади...

Улар қор бўронида учрашдилар. Эмлин Стоуэр уларни ёлғиз қолдириб, илгарилаб кетди.

— Нима бўлди, жонгинам?— сўради йигит.— Нима бўлди?

— О, Кристофер!— деди Сайсели ўксиб йиғлаганча.— Бечора отам ўлди — Эмлиннинг гапига қараганда, ўлдирилган.

— Ўлдирилган! Ким ўлдиради?

— Эмлин менга, Блосхолм аббати жангчилари, деди. У ёқда, ўрмонда, кеча кечаси. Яна Эмлиннинг гапига қараганда, аббат мени васийликқа олиш ва монастирга юбориш учун Шефтонга келаркан. Шунинг учун, ғалати туюлса ҳам, ҳимоячисиз қолгач, сизнинг ҳузурингизга қочиб келдим,— Эмлин шундай қилишимни буюрди.

— Бу Эмлин — доно хотин, — унинг гапини бўлди Кристофер.— Мен ҳамisha унинг маслаҳатларини қадрлардим. Лекин, наҳотки, сиз ҳузуримга фақат Эмлин буюргани учун келган бўлсангиз.

— Фақат шунинг учунгина эмас, Кристофер. Умидсизликка тушиб қолганлигимдан келдим; ёлғиз бўлгандан кўра, дўст билан бўлганинг маъқул. Яна қаёрга ҳам бора олардим. Бундан ташқари, бечора отам сиздан жуда аччиқланган бўлса-да, менга — бу унинг охирги сўзлари эди — агар зарурият туғилиб қолса, сиздан ёрдам сўрашимни буюрганди ва яна...

---

<sup>1</sup> ... никоҳ масаласи туфайли... — 8-бетдаги изоҳга («агар қирол папа билан жанжаллашмаганда эди») қаранг.

О! Кристофер, мени севишга қасам ичганингиздан — бунга ишонганлигимдан келдим. Агар монастырга тушиб қолсам, Матильда она бош роҳиба, гарчи оқ кўнгил ва менга дўст бўлса ҳам, балки у ердан чиқариб юбормасди, чунки унинг бошлиғи — аббат; аббат эса душман. У бизнинг ерларимизни ва машҳур қимматбаҳо безагу тақинчоқларимизни тортиб олмоқчи. Эмлин уларни оливолди.

Бу пайт улар хандақдан ўтиб, уй зинапояси слдига етиб келгандилар, шу сабабли, Кристофер жавоб қайтармай, қизни отдан авайлаб туширар экан, маҳкам бағрига босди; бу, йигитнинг назарида, энг яхши жавобдек туюлди.

Отларни олиб кетиш учун хизматкор бола келди: у саломлашганини билдириб, қўлини қалпоғига тегизди ва уларга қизиқсиниб тикилди. Сайсели бўлса, севгилисининг елкасига суялганча, Крануэл Тауэрсининг қуббали эшигидан ўтаркан, ўт ловиллаб турган залга кириб қолди. Камин олдида, нозик қўлларини иситаётган Нектон ота Эмлин Стоуэр билан қизгин суҳбатлашарди. Ешлар яқинлашиши билан суҳбат бўлинди — афтидан гап улар тўғрисида бораётганди.

— Сайсели хоним, — деди раҳмдил чол бир оз ҳаяжонланиб, — аянчли шароит сизни бу ерга олиб келган, деб чўчияпман. — Кейин нима дейишини билмай, жим бўлиб қолди.

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай, — деди Сайсели жавобан, — агар ўшитганларимнинг ҳаммаси рост бўлса. Айтишларига қараганда, отамни қабиҳ одамлар ўлдиришган, лекин нима учун ва кимлар ўлдирганини аниқ билмайман, кейин Блосхолм аббати мени ўз васийлигига олиб, Блосхолм монастырига юборишга ҳозирлик кўрапти, мен бўлсам у ерга боришни истаймайман. Ундан қочиб, гарчи сиз менинг хатти-ҳаракатимни ноҳўяликка йўйсангиз ҳам, бошқа бошпанам бўлмаганлиги учун, шу ерга келдим...

— Фақат мен эмас, қизгинам. Мен аббатга қарши чиқолмайман. Чунки черков низомига кўра у мендан юқори туради, аммо, эътиборга олинг, мен унга содиқлик тўғрисида қасам ичмаганман, чунки бу қавм

унга қарам эмас ва мен ҳам бенедиктин<sup>1</sup> эмасман. Сизларга очигини айтаман. Мен бу одамни виждонсиз деб биламан. Унинг қўли эгри; у инглиз эмас, испан. Бунинг устига устак, уни бизнинг қироллигимизга зарар етказиш, бойликларини талаш, исёнлар уюштириш, Англия душманларига фойдали бўлган ҳар бир гапни етказиб туриши учун кимдир юборган.

— Лекин саройда унинг дўстлари бор, ҳар ҳолда, отам шундай деганди.

— Ҳа, ҳа, бундай одамларнинг доимо дўстлари бўлади, уларни пул сотиб олади. Эҳтимол, у ва унга ўхшаганларнинг куни битишига кўп вақт қолгани йўқ. Ҳа, сизнинг бечора отангиз қандай ҳалок бўланлиги фақат тангригагина маълум. Отангиз ҳамма вақт ҳақиқатни гапирарди ва мен бу унинг учун охири бахайир бўлмаслигини кўп ўйлардим. Сиз ҳам ўз бойликларингиз билан Мэлдон учун ёғлиқ луқмасиз. Хўш, бу ёғига нима қилдик? Бу мушкул ҳодиса. Бошқа бирор монастирда яширинишни истайсизми?

— Йўқ,— деди Сайсели кўз қирини севгилисига ташларкан.

— Унда нима қилиш керак?

— О! билмайман,— деди Сайсели ва ҳўнграб йиғлаб юборди.— Изтироб ва ғам-ғуссада қолган бир пайтимда сизга нима ҳам дея оламан. Менинг ягона дўстим — отам бор эди. Гарчи баъзан қўполлик қилса ҳам, мени яхши кўрарди, шунинг учун ҳам унинг охириги маслаҳатини қулоғимга қўйиб олгандим.— Қолган-қутган жасорати ҳам тугаб, стулга чўкиб, бошини чангаллаганча, у ёқдан-бу ёққа тебрана бошлади.

— Бу нотўғри,— деди дадиллик билан Эмлин.— Ахир мен, сени тарбиялаган одам, дўст эмасманми, Нектон ота дўст эмасми, сэр Кристофер ҳам дўст эмасми? Агар ҳамманглар ақллариингни йўқотиб қўйган бўлсанглар, мен ҳали эсимни еганимча йўқ. Мана менинг маслаҳатим! Анови ерда, икки камон ўқи етар-етмас жойда черков бор, қаршимда эса кашиш ва бир-бирига муносиб келин-куёв турибди. Гувоҳлар

---

<sup>1</sup> Бенедиктинлар — қадимий католик роҳиблар ордениларидан чиққан роҳиблар.

ва сизларнинг соғлиқларингиз учун ичишга бир қадаҳ винони бемалол топишимиз мумкин, ана ундан кейин Блосхолм аббати қўлидан келган ҳунарини кўрсата-версин. Сэр Кристофер, сиз нима дейсиз?

— Энага Эмлин, менинг нимани ўйлаётганим сизга маълум; лекин Сайсели нима дейди? О! Сайсели, сиз нима дейсиз?— Шундай деб унга энгашди Кристофер.

Қиз ҳануз хўрсиниб йиғларкан, ўрнидан турди, қўллари билан йигитнинг бўйнидан қучоқлади ва елкасига бошини қўйди.

— Мен, буни тангрининг иродаси деб ўйлайман,— шивирлади у,— кейин нима учун мен — унинг ҳамда, Крис, сизнинг чўрингиз бўлган мен, бу иродага қаршилиқ қилишим керак.

— Эди сиз нима дейсиз, ҳазратим?— сўради Эмлин, йигит билан қизни кўрсатиб.

— Яна нима дейиш мумкин?— деди жавобан кекса кашич орқасига ўгириларкан.— Агар, ўн дақиқалардан сўнг черковга борсангиз, шамни меҳробда, кашични минбарда ва дьячокни китоб очиб турган ҳолда кўрасиз. Бунақанги қисқа вақт ичида бундан ортигини қилолмаймиз.

Кейин у, жавоб кутгандек, жим қолди, бироқ эътироз бўлмагач, зални кесиб ўтди-да, ташқарига чиқди.

Эмлин Сайселини қўлтиқлаб, ўзлари учун ажратилган хонага олиб борди ва ўша ерда қизни тўй тантанасига иложи борича яхшироқ тайёрлади. Уни ясантиришга чиройли кўйлак, тўғрисини айтганда, ясан-тусанга вақт ҳам йўқ эди.

Лекин у қизнинг қўнғир сочларини тараб оройиш берди, Фотрелларнинг булок фахри бўлган округдаги энг камёб ва қадимий шарқ қимматбаҳо безагу тақинчоқлари солинган қутичани очиб, зебу зийнатга ўради. Қенг пешанасига, ҳикоя қилишларича, унинг онасининг катта бобоси — Карфакс Муқаддас ердан<sup>1</sup> олиб келган, қачонлардир мажусий қироличанинг шахсий мулки бўлган, четларидан ярқироқ бриллиантлар осилиб турган тожсимон чамбарни кийдирди,

<sup>1</sup> Муқаддас ер — Паластин назарда тutilади.

бўйнига йирик-йирик донали марварид шодасини тақди. Кўкрагига тўғноғичлар, бармоқларига узуклар, хипча белига эса тилла ҳалқали бебаҳо камар, қулоғига бўлса етилиб, энди сўлий бошлаган дўланага ўхшайдиган пушти ранг гавҳар кўзли сирға тақиб қўйди. Ниҳоят, Эмлини унинг бошига жимжимадор қилиб тўқилган чиройли тўрни ёпди ва узоқдан қараш учун ифтихор билан орқага чекинди.

Шундагина, ҳамма вақт жим турган ва қаршилик кўрсатмаган Сайсели биринчи марта тилга кирди.

— Энага, булар бу ерга қандай қилиб келиб қолди?

— Уларни онанг ҳам, унинг онаси ҳам никоҳ ўқи-таётганида таққан, менга шундай дейишган. Бир пайтлар, жоним, чўқинтиришганда уларни сенга ҳам таққанман!

— Бўлиши мумкин; лекин уларни бу ерга қандай қилиб олиб келдинг?

— Кўкрагимда, кўйлак тагида. Уйга яна қачон қайтишимизни билмаганим учун, бирор кун эрга тегсанг керак бўлиб қолар деб ўйлаб, уларни ўзим билан олиб келдим. Мана ҳозир, ҳар қанча қизиқ туюлса ҳам, тўйнинг вақти-соати етди.

— Эмлини, Эмлини, буларнинг ҳаммасини сен олдиндан ўйлаб қўйганингга ишончим комил ва бунинг охири қандай тугаши фақат тангрининг ўзигагина маълум.

— Шу сабабли, жоним, тақдири азалда ҳар бир нарсанинг бошланиши-ю, тугаши бор.

— О, у қандай тугаркин? Балки, менга кафан кийдиргандирсан. Тўғриси, ўзимни худди ёнимда Азроил тургандек сезяпман.

— У доим ёнимизда, — деди бепарволик билан Эмлини. — Лекин сенга чанг солмагунича, унинг нимасидан қўрқасан?

Улар Кристофер кутиб турган залга кенг эман зинапоядан тушиб келдилар. Сайсели унга уялиқираб қарар экан, плаши остида совет кийиб, белига қилич тақиб олганини кўрди; ёнида бир неча қуролли кишилар ҳам бор эди. Кристофер қизнинг кўзни қамаштирувчи гўзаллигига бир дақиқа анграйиб тикилиб тургач, деди:

— Севги онларида урушни эслатиб қуролланиб олганимдан чўчима.— Шундай деб, ярқироқ аслаҳаларини ушлаб қўйди.— Сайсели, бизнинг тўйимиз кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада ажойиб бўляпти, ким билсин бирор кимса халал беришга уриниб қолиши ҳам мумкин. Энди кетдик, жони-жаҳоним леди,— дея таъзим қилиб, Сайселининг қўлидан ушлади-да, уйдан олиб чиқди; орқаларидан Эмлин эргашди, ён-атрофда, олдинда ва орқада эса машъал тутиб, хизматкорлар йўл олишди.

Бу манзара, худди шу дақиқада Сайсели эътибор бермагандек туюлган бўлса ҳам, бир умр унинг хотирасида қолди; муздек қор, қорайиб турган дарахтлар, сокин осмон, ёғду сочаётган ой, ўзининг қимматбаҳо зеб-зийнати ва куёвнинг совутида акси товланаётган машъалларнинг бурқсиқ алангаси, қадам ташлаган сари яқинлашаётган, юзлаб кишилар суягини яшириб турган чўзинчоқ қабр тошлари; бир пайтлар бу кишилар ана шу қабр тошлари ёнидан болаликларида, кейин келин-куёв бўлганларида ўтганлар ва ниҳоят, илгари эркак ва аёл бўлган ушбу одамларнинг совиб қолган оппоқ жасадларини шу ерга олиб келишган.

Энди Сайсели билан Кристофер кўҳна ибодатхона ёнида турар ва совуқ нақ наштар бўлиб қадалиб, аъзойи баданларини зириллатаётган эди. Арзимаган вақт ичида бу антиқа тўй тўғрисидаги хабар бутун округга ёйилганлиги дудли машъаллар алангасида яққол кўринарди; ҳамма ёқда тўп-тўп бўлиб, ҳар ҳолда йигирма чоғли одам тўпланиб турар, уларнинг баъзи бирлари эса меҳроб ёнидаги эман курсиларда ўтиришарди.

Келин-куёв нақшли-тўсиққача бордилар ва руҳонийнинг ишораси билан тиз чўкдилар. У аниқ ва равшан талаффуз қилганча, ўз хизматини адо этишга киришди; тезда иккинчи ишора билан келин-куёв ўрнидан турди ва меҳроб панжараси ёнига қелиб, яна тиз чўкди.

Мағрибдаги деразадан тушиб турган ой ёғдусида улар, ёнгиналаридаги қабр тоши узра тиз чўкканча сажда қилаётган совуқ оппоқ мармар ҳайкалларга ўхшаб кетардилар.

Сайсели эътироз билдирмай, хатни Эмлинга узатди; энага уни қўлига олиб, бақувват бармоқлари билан муҳрини бузди, кейин хатни очиб, ўқишга тутинди. Хатда шундай дейилганди:

*Сэр Кристофер Харфлитга, хоним Сайсели Фотрелга, оқсоч Эмлин Стоуэрга ҳамда ушбу кимга алоқадор бўлса, ўшаларнинг барчасига.*

*Мен, Блосхолм аббати Клемент Мэлдон, сэр Жон Фотрелдай рицарнинг қаттол ўрмон ўғрилари ва дайдилари томонидан ўлдирилганлигини эшитиб, қонун ва урф-одат билан жорий этилган махсус ҳуқуққа мувофиқ, марҳумнинг бирдан-бир тирик қолган зурриёти бўлмиш Сайсели, сизнинг шахсиятингиз ҳамда мол-мулкингизга васийлик қилиш мажбуриятини кеча кечқурун ўз зиммамга олдим. Менинг вакилларим, сизнинг Шефтон Холлдаги уйингиздан қочиб кетганингиз тўғрисида хабар келтиришди. Шунингдек улар, овозаларга кўра, сиз энагангиз Эмлин Стоуэр билан биргаликда Крануэл Тауэрсга, сэр Кристофер Харфлитнинг уйига кетганингизни билдиришди. Агар чиндан ҳам шундай бўлса, пок номингизга доғ тушмаслиги учун, у ерни дарҳол тарк этмоғингиз зарур, негаки, халитдан, сиз ҳамда мазкур сэр Кристофер Харфлит тўғрисида фисқу фужур юрибди. Шу сабабли худо хоҳласа, бугун Крануэл Тауэрсга бориш ва агар сиз ўша ерда бўлсангиз, қонуний васийнингиз ҳамда руҳоний отангиз сифатида сизга, балоғат ёшига етмаган қизга, мен билан Блосхолм монастирига йўл олишингизни амр этиш ниятидаман. Тилагим, то муносиб қаллиқ топилгунига қадар сизни ўша ерда қолдириш, шунда ҳам, фақат, агар худонинг ўзи кўнглингизга солмаса ва сиз монастирь деворлари орасида Исо қайлиқларининг бири сифатида қолиб кетмасангиз.*

*Клемент, аббат.*

Хатни ўқиб чиққач, ҳар учаласи ҳам, бошларига қандай офат ёғилиб келаётганини тушунишди ва бир-бирларига тикилганча бир неча сония қимир этмай туриб қолишди. Ниҳоят Сайсели тилга кирди:

— Энага, менга қоғоз билан сибҳ келтир. Аббатга жавоб ёзаман.

Ҳаммаси муҳайё қилинганч, Сайсели қизларга хос хуснихат билан шундай деб ёзди:

Милорд аббат.

Хатингизга жавобан, Сизга қуйидагиларни маълум қилмоқчиман: меҳрибон отам (унинг аянчли ўлими сабаби текширилиши ва бунинг учун ўч олиниши зарурдир) хайрлашар экан, унинг қотили мени ҳам ёвуз қисматга дучор этишидан чўчиб, менга, худди Сиз тахмин қилганингиздек, ушбу уйдан бошпана топишни буюрганди. Бу ерда, кеча, Крануэл черковида худо ва одамлар шоҳидлигида никоҳландим, буни хатга илова қилинган қоғоздан билишингиз мумкин. Эндиликда, Сиз менга қаллиқ қидириб, овра бўлишингизнинг ҳожати йўқ, чунки жондан азиз ёрим сэр Кристофер Харфлит билан то ўлимнинг ўзи бизни жудо этмагунича бир-бировимизга никоҳ иплари-ла боғланганмиз. Яна шуни ҳам маълум қиламанким, менинг шахсиятим ёинки менга мерос қолган ер ва бойликларга Сизнинг васийлик қилишингизни илғари ҳам, ҳозир ҳам тан олмаганман ва тан олмайман ҳам.

Камина қулингиз  
Сайсели Харфлит.

Хатни Сайсели оққа кўчирди, муҳрлади, сўнг аббатнинг чопарига тутқазди; чопар хатни сумкасига солди-да, отини қалин қорда иложи борича тез чоптириб кетди.

Кристоферлар унинг қандай кетаётганини деразадан кузатиб туришди.

— Энди,— деди Кристофер, хотинига ўгирилар экан,— жонгинам, қанчалик тез жўнасақ, шунчалик яхши менимча. Аббат жудаям ютақиб қолган, мактуб унинг нафсини тийиб қўйишига кўзим етмайди.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман,— деди Эмлия. Икковингиз ҳозирлик кўринг, овқатланинг. Мен бориб, отларни эгарлашларини буюраман.

Бир соатдан сўнг ҳаммаси тайёр бўлди. Эшик ёнида уч от ва тўрт нафар отлиқ қўриқчи турарди. Қисқа вақт ичида Кристофер бир неча ижарачи ва хизматкорларни тўплашга муваффақ бўлди — унинг чақириғига биноан Тауэрсда ўн икки киши йиғилди; улардан тўрттасидагина от ва қурол бор эди. Гарчи Сайсели тетик ва хуррам кўринишга уринса ҳам, очик турган эшикдан уларга кўзи тушиб қолганда, титраб кетди. Қор тинмай ёғарди.



— Асал оймиз антиқа ўтадиган бўлди-да, жонгинам,— ташвишланиб деди Кристофер.

— Бирга бўлсак, ҳеч гап эмас бу, — деди қувноқлик билан Сайсели, бироқ унинг сўзлари самимий чиқмади,— ҳолбуки,— илова қиларкан, томоғига нимадир тиқилгандек бўлди,— ҳолбуки, мен отамнинг жасади топилиб, қабрга қўйилгунча шу ерда қолишни истардим. У, худди бўғизланган буқа каби, қаердадир қорда чўзилиб ётибди, деган ўй менга асло тинчлик бермаяпти.

— Мен эсам, унинг қотилларини гўрга тиқмоқчиман!— хитоб қилди Кристофер.— Худо ҳаққи, бу ишнинг то тагига етмагунимча қўймайман. Жоним, сенинг ғам-андуҳларингни кам тилга олаётганим учун, дарров эсидан чиқарибди-да, деб ўйлама, чунки тўй ва мотам бир-бирига қовушмас экан. Шунинг учун, қозирча имкон бор экан, хурсандчилик қиламиз. Ахир, ўтмиш ғам-ғуссалари бўлгуси ғам-ғуссалардан бизни халос этолмайди. Кел, отга минайлик-да, бу ердан Лондонга бош олиб кетиб, ўша ердан дўстларимизни ҳамда ҳақиқатни қидирайлик.

Кейин ўз уйидаги хизматкорларга бир неча оғиз сўз айтиб, Кристофер Сайселини отга ўтқазди ва улар Тауэрсни сўнгги дафъа кўраётганларини, у билан узоқ дамларгача видолашаётганларини ўйлаганча, ёғаётган юмшоқ қор остида йўлга тушдилар. Лекин уйдаги гап кўчага тўғри келмади. Улар аббатликни чапда қолдиришни мўлжаллаб, катта Блосхолм йўлидан кетаётган ва Крануэлдан уч миля узоқлашишга улгурган ҳам эдиларки, тўсатдан, кул ранг пўстинли, бошида роҳиблар қалпоғи ва қўлида йўғон таёғи бўлган баланд бўйли бир киши девор орқасидан ошиб тушиб, йўл устида туриб қолди.

— Кимсан?— сўради Кристофер, қиличига қўл узатганича.

— Бошимда роҳиблар қалпоғи бўлмаса, мени жуда яхши танирдингиз,— деди у хириллаб,— лекин сиз исминни билишни истасангиз, айтишим мумкин, исмим Томас Болл, подачиман, ҳов анови аббатликдан.

— Овозинг таниш,— деди кулиб Кристофер.— Хўш, нима гап, биродар Болл?

— Урмон этагига қочиб кетган новвослар подаси-

ни қидириб топмоқчиман; улар, ўзимизга ўхшаб, излаб топганини тамадди қилиб юраверади, ҳавонинг бўлса авзойи бузуқ, кўз-қулоқ бўлиб турмасанг, очликдан қирилиб кетишади. Мана шунақа гаплар, сэр Кристофер. Аммо-лекин сизлар билан эски ошнамни кўриб турибман,— шундай деб, отдан тушмай уни кузатиб турган Эмлини томонга боши билан ишора қилди. Ҳўш, ижозатингиз билан, ундан сўрамоқчи эдим, тавба-газарру қилишни истайдими, йўқми, ҳарқалай, менимча, хатарли сафарга ютланган кўринади.

Кристофер шошилиб турганини имо билан тушунтирмоқчи бўлди, чунки подачи билан гап сотиб ўтиришга кўнгли йўқ эди. Бироқ, унинг орқасида келаётган Эмлининг овози эшитилиб қолди:

— Бу ёққа кел, Томас. Сенга ўзим жавоб берман. Қашини ҳамёнини тўлдириш учун менда чақалар доимо топилади, айтмоқчи, дуо олиб қўйиш ҳам зарар қилмайди.

Томас унга яқинлашиб, отининг жиловидан ушлади-да, сал четроққа — гап сўзлари эшитилмайдиган жойга етаклаб борди ва шу заҳотиёқ сувора билан қизгин суҳбатга тушиб кетди. Бир-икки дақиқа ўтгач, олдинда аста-секин бораётган Сайсели орқасига ўгирилиб қараб, Томас Боллнинг девордан йўлнинг нариги томонига ошиб ўтиб, кўздан ғойиб бўлганини, Эмлини эса, уларга етиб олиш учун отини ниқталаганини кўриб қолди.

— Тўхтаглар,— деди Эмлини Кристоферга,— янгилик бор. Аббат ўзининг барча яроғбардорлари ва хизматкорлари билан — улар қирқ киши ёки ундан ҳам кўпроқ — леди Сайселини зўрлик қилиб тортиб олиш учун анови ерда, Блосхолм ўрмони панасида бизни кутаётганмиш. Қандайдир сотқин сафаримиз тўғрисида уни огоҳлантирган!

— Мен ҳеч кимни кўрмайман,— деди Кристофер, пастликдаги ўрмонга тикиларкан. Улар ўрмондан тахминан чорак миля берида бўлиб, йўлнинг энг баланд жойида турардилар.— Лекин буни текшириб кўриш қийин эмас.— Шундай деб, икки моҳир чавандозни чақирди-да, уларга олдинга боришни ва ўрмонда бирор киши яшириниб ётган бўлса хабар қилишларини буюрди.

Отлиқлар олдинга кетишди, улар эса жойларида қолиб, гоятда ташвишланиб, жимгина кутиб турдилар.

Ун дақиқалардан сўнг, бўралаб ёғаётган қорда кўзга бирор нима чалинмасдан илгарироқ, чопиб келаётган бир талай отларнинг туёқ товуши эшитилди. Кейин икки отлиқ пайдо бўлди; улар яқинроқ келишлари билан қичқирдилар.

— Аббат ва унинг ҳамма одамлари орқамиздан қувиб келишяпти. Орқага, тутиб олмасларидан тезроқ орқага, Крануэлга!

Кристофер бир лаҳзагина ҳаяллаб қолди, бироқ, тўрт эркак ҳамда қўриқчиларсиз юролмайдиган икки аёл билан бундай катта отрядни ёриб ўтиш мумкин эмаслигини фаҳмлаб ва яқинлашиб келаётган туёқ овозларига қулоқ сола туриб, дарҳол фармойиш берди.

Улар жуда вақтида орқага бурилдилар, чунки худди шу дақиқада, улардан икки юз ярдча масофада, тепаликни ёнбағирлаб келаётган аббатнинг дастлабки отлиқлари пайдо бўлди. Қувиш бошланди. Яхшиямки, уларнинг отлари зотдор ва ҳоримаган эди. Лекин шунга қарамай, улар ҳали Крануэл Тауэрс қорасини кўрмаслариданоқ, таъқиб қилувчилар атиги тўқсон ярдча орқада қолаётгандилар, холос. Бироқ бу ерда, ялангликда, уларнинг отлари оғилхона ҳидини сезиб, қамчи ва шпорларга муносиб жавоб тариқасида бирмунча илгарилаб кетдилар. Уйда қолганлар уларни кўришлари биланоқ кўтарма кўприкка югурдилар. Ҳандаққа эллик ярд қолганда, Сайселининг оти қоқилиб, тойиб кетди-да, йиқилди. Сайсели қор устига учиб тушди; от эса ўрнидан туриб, яна югуринишга тушди. Кристофер Сайсели ёнида тўхтади; у қўрқа-писа, лекин зиён-заҳмат кўрмай ўрнидан тургач, Кристофер узун қўлларини узатди-да, уни кўтариб олиб эгарга — ўз юлдига ўтқазди ва олға елиб кетди. Худди шу пайт орқадан унга: «Таслим бўл!» деб қичқаришди.

Юки икки ҳисса ортган от секинроқ чопа бошлади. Ҳар ҳолда, улар тутқич бермай, кўприкка етиб олишди-да, унинг устидан дупурлатиб ўтишди.

— Кўтаринг! — қичқирди Кристофер ва у ерда ким

бўлса, ҳамма, ҳатто аёлларгача чиғир дастасига ёпишди.

Кўприк кўтарила бошлади. Бироқ шу пайт, аббатнинг беш ё олти жангчиси отини ташлаб, бор-йўғи олти фут<sup>1</sup> кўтарилган кўприкка отилди ва унинг четидан ушлаб, осилиб олди. Кўприк на юқорига кўтарилмай, на пастга тушмай, бир жойда тўхтаб қолди.

— Ҳой, аблаҳлар, қўйиб юборинглар! — қичқирди Кристофер. Лекин бунга жавобан жангчилардан бири шерикларининг кўмагида кўприк четига тирмашиб чиқди-да, занжирга осилганча тикка турди.

Шунда Кристофер хизматкорлардан бирининг қўлидан ипига ўқ қўйилган камонни юлқиб олиб, яна қичқирди:

— Ҳой, жонингдан жудо бўласан!

Бунга жавобан, у одам лорд аббатнинг фармонлари ҳақида нимадир деб бақирди.

Кристофер бошқаларга назар солар экан, уларнинг отдан тушиб, кўприк томон югуриб келаётганларини кўрди. У, агар кўприкка етиб келишса, ўйинни бой беришини жуда яхши биларди. Шунинг учун, бошқа тараддудланиб турмай, мўлжалга олди-ю, ипини тортиб қўйиб юборди. Бундай масофада у нишонга тегиза олмаслиги мумкин эмасди. Ўқ жангчининг дубулғаси билан совути туташган жойга тегиб, бўйнидан тешиб ўтди-да, уни тил торттирмай ўлдирди. Бошқалар эса, ўзларини ҳам шундай тақдир кутаётганидан қўрқиб, кўприкни қўйиб юбордилар. Енгиллашган кўприк дарҳол кўтарилиб, уй томонга тушди ва маҳкамлаб қўйилди.

Кейинчалик — буни ҳозир ҳам айтса бўлаверади — ўлдирилган киши аббат соқчиларининг капитани эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, бор-йўғи қирқ соатча илгари худди шу одам сэр Жон Фотрел томоғига ўқ қадаб, уни ўлдирган эди. Унинг ўзи ҳам худди шундай ўлим топди, бу эса, софдил рицарь қотилларининг биридан адолатли қасос олинди, демакдир.

Энди аббат одамлари, мазкур ўқ кетидан бошқаси отилишидан қўрқиб, жон ҳовучлаганча, орқага қочардилар, Кристофер бўлса уларнинг қочишини жимгина

<sup>1</sup> Фут — инглиз узунлик ўлчови, 30,5 см.га тенг.

кузатиб турарди. Мудҳиш ўлимни кўрмаслик учун юзини қўллари билан беркитганча ёнида турган Сайсели бирдан қўлларини туширди-да, эрига юзланди ва қорда қонига беланиб ётган жасадни кўрсатар экан, деди:

— Қим билсин, унинг ортидан яна қанчадан-қанча одам жўнаркин? Уйлайманки, азизим, бу узоқ давом этадиган ўйиннинг биринчи босқичи, холос.

— Йўқ, жоним,— деди у,— бу иккинчиси; биринчиси икки кун илгари Қирол тепалиги ёнида, ўрмонда ўйнаб бўлинган, қон эса доимо қон талаб қилади.

— Эвоҳ,— деди Сайсели,— қон қонни талаб қилади.— Шундан сўнг у ўзининг етимлиги-ю, асал ойи қандай ўтиши тўғрисида ўйлаб, орқасига ўгирилди ва йиғлаганча, хонасига қараб кетди.

Кристофер ҳали ҳам қилинган қотилликдан маъюсланиб, энди нима қиларини билмай иккиланиб турар экан, ҳарбийлар тўдасидан уч киши ажралиб, Тауэрсга томон келаётганини кўрди; улардан бири музокара олиб борувчи вакил сифатида боши узра оқ мато кўтариб олганди.

Кристофер дарвоза ёнидаги тўп отиладиган кичик минорага кўтарилди. Эмлин унга эргашди; кунгурали ғишт девор орқасига яшириниб олиб, у ҳаммасини кўриши, эшитиши мумкин эди, ammo ўзи ҳеч кимга кўринмасди. Оқ мато кўтариб олган киши хандақнинг чеккасига етиб келгач, узун плашига туташ қалпоқни орқага қайтарди ва улар рўпараларида Блосхолм аббатининг шахсан ўзи турганини кўрдилар,— аббатнинг қора кўзлари чақнар, зайтун ранг юзи эса ғазабдан оқариб кетганди.

— Милорд аббат, мени ўз еримда таъқиб этиб, яна эшигим турмини бетакаллуф бузишга қандай ҳақингиз бор?— сўради Кристофер дарвоза панжарасига тирсаги билан суянганча.

— Кристофер Харфлит, менинг хизматкоримни ўлдиришга сизнинг қандай ҳақингиз бор?— сўради аббат, қорда ётган мурдани кўрсатиб.— Наҳотки сиз, тўкилган қонга ўз қонингиз билан товон тўлашингиз лозимлигини, қадимий хартиямизга биноан, адолат ўрнатишга менинг ҳаққим борлигини билмасангиз? Ва



албатта шундай қилишга, тангри номи билан қасам-  
ёд этаман,— деб қўшиб қўйди у паст овозда.

— Ҳали шунақами,— хаёлчан такрорлади Кристо-  
фер,— «ўз қонингиз билан товон тўлашингиз лозим»,  
денг. Балки, бу йигит, худди шунинг учун ҳам ўлган-  
дир. Аббат, менга айтинг-чи, яқингинада Қирол тепа-  
лиги ёнидан ой ёғдусида ўтаётиб, тасодифан сэр Жон  
Фотрелни ўша ерда учратиб қолганлар орасида у  
йўқмиди?

Зарба таваккал қилиб берилганди, лекин у мўл-  
жалга теккандек бўлди, ҳар ҳолда аббатнинг оғзи  
очилди-ю, айтмоқчи бўлган сўзи бўғзида қолди.

— Сўзларингиз маъносини тушунмаяпман,— деди  
у бир оз хотиржамроқ овоз билан,— марҳум дўстим  
ва қўшним сэр Жоннинг қандай ҳалок бўлганини бил-  
майман, унинг жони жаннатда бўлсин! Аммо у, тўғ-  
рироғи, у қолдирган нарсалар тўғрисида биз ҳозир  
гаплашиб олишимиз даркор. Сиз, айтишларига қара-  
ганда, унинг балоғатга етмаган қизини ўғирлагансиз  
ва қўрқаманки, сохта никоҳ остида уни шармандаи  
шармисор қилиб, ушбу қотилликдан ҳам бадтарроқ  
қабих жинойт ботқоғига ботгансиз.

— Йўқ, фақат қонуний никоҳ туфайлигина, мен  
унга Кристофер Харфлитнинг қонуний хотини бўлиш-  
дек арзимас шараф бағишладим. Башарти черковда  
ўтадиган маросимларнинг кучи бўлса, эркак киши  
билан аёл ўртасидаги никоҳ иплари қанчалик мустақ-  
кам бўлса, тангри ўз қўллари-ла бизнинг тақдиримиз-  
ни ана ўшандай чамбарчас қилиб боғлади ва бу  
тугунни еча оладиган яккаю ягона руҳоний — ўлим.

— Ўлим!— секингина қайтарди аббат, тепага, йи-  
гитга қизиқсиниб қарар экан.

У бир оз сукут сақлагач, давом этди:

— Шундай бўла қолсин; илоҳий ҳукм доимо амал-  
га ошган, унинг мана бунга ўхшаш зийрак ҳамда  
тезкор вакиллари бор.— Шундай деб, ўлдирилган  
жангчи бўйнидаги ўқни кўрсатди.— Бироқ мен беозор  
одамман. Гарчи сиз менинг хизматкоримни ўлдирган  
бўлсангиз ҳам, албатта, агар иложи бўлса ишимиз-  
ни дўстона ҳал этишни истардим. Энди, сэр Кристо-  
фер, қулоқ солинг, мана менинг таклифим: Сайсели  
Фотрелни менга беринг...

— Сайсели Харфлит,— унинг гапини бўлди Кристофер.

— Сайсели Фотрелни, қасам ичиб айтаманки, унга мутлақо ҳеч қандай жабр-зулм қилинмайди ҳамда то қирол ё бош викарый, ё қирол томонидан тайинланган бирор суд ҳайъати бу иш юзасидан қарор чиқармагунича ва сизнинг кулгили никоҳингиз қонуний кучини йўқотганлигини эълон қилмагунича, у эрга тегмайди.

— Нима?— Кристофер унинг гапини масхараомуз бўлди.— Наҳотки Блосхолм аббати, қироллигимизнинг граждани ҳукумати қўйди-чиқди ишлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга<sup>1</sup>, деб эълон қиляпти? Илгари, иш қиролича Екатеринага бориб тақалганда, аббат ҳам, бошқалар ҳам бунинг тескарисини тасдиқлаганларини эшитгандим.

Аббат лабини тишлади, лекин сир бой бермай, давом этди:

— Шунингдек, хизматчим ўлдирилганлиги вадидан сизнинг устигаиздан ҳеч қандай шикоят қилмайман, акс ҳолда сизни осий лозим эди. Мен буни бахтсиз ҳодиса сифатида ёзиб юбораман, кейинроқ унинг оиласига моддий ёрдам бераман. Менинг таклифимни эшитдингиз, энди жавоб беринг.

— Борди-ю, мен учун ҳаётимдан минг карра афзал бўлган кимсани бериш тўғрисидаги олижаноб таклифингизни рад этсамчи?

— У ҳолда, Кристофер Харфлит, мен ўз ҳуқуқ ва ҳукмимга кўра, уни куч ишлатиб тортиб оламан ва агар бирор бахтсизлик содир бўлса, бунинг учун сиз бошингиз билан жавоб берасиз.

Ана шундан сўнг Кристофер ўз қаҳр-ғазабини яшириб туrolмади.

— Мендек садоқатли инглизни сиз кўрқитмоқчи

---

<sup>1</sup> ... қироллигимизнинг граждани ҳукумати қўйди-чиқди ишлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.— Уша вақтларда гражданилик ҳолатини қайд қилиш, яъни тўғилиш, никоҳ, ажралиш ва ўлимни рўйхатга олиш руҳонийлар қўлида эди. Генрих VIII папа билан муносабати бузилгандан сўнг гражданилик ҳолатини қайд қилиш ҳуқуқини ўз қўлига олди, бироқ католиклар узоқ вақтгача граждани ҳукуматининг бу ҳуқуқини тан олишни рад этдилар.



бўляпсизми, сиз-а,— бақирди у,— Испаниядан маош олиши<sup>1</sup> ва роҳиб ниқоби остида мамлакатга қарши фитналар уюштириши ҳаммага беш қўлдек маълум бўлган, мамлакатни зулукдек сўриб, бўрдоқига боқилгандек семириб кетган сохта руҳоний ҳамда келгинди сотқин-а? Нима учун Жон Фотрел бундан икки кун муқаддам ўрмонда ўлдирилди? Жавоб бергингиз келмаяптими? Унда ўзим жавоб бераман. У сиз ва сизнинг хоинлигингиз тўғрисида бор ҳақиқатни айтиб бергани саройга кетаётганди, шу сабабли уни ўлдирдингиз. Нега менинг хотинимни ўз васийлигингизга олишни истаб қолдингиз? Ифво-найрангларингиз ва исрофгарчиликларингизни таъминлаш учун унинг ер-мулки ҳамда бойликларини эгаллаб олиш ниятидасиз. Уйлайсизки, саройда ўзингизга дўстлар сотиб олгансиз-у, ҳукумат тепасида турганлар пул деб, сизнинг жинойтларингиздан кўз юмишади, шундайми? Эҳтимол, шундайдир, лекин бу вақтинча. Шошмай туринг, шошманг ҳали! У ерда ҳамманинг кўзи кўр-у, қулоғи кар эмас. Ҳали сизнинг бошингиз, ўйлаганингиздан ҳам юқорироққа — шунақанги баландликка кўтарилдики, Англияни унинг душманларига сотишга уринганларни огоҳлантириш учун Блосхолм минораси найзасига илинади. Жон Фотрел жонсиз ётипти, унинг бўғзида сизнинг каллакесарларингизнинг ўқи бор, лекин Жефри Стоукс қоғозлар билан жўнаб кетган. Энди бўлса, Клемент Мэлдон, сўнгги разилликни амалга оширинг. Хотиним сизга керак бўлса — тортиб олишга уриниб кўринг.

Аббат диққат билан, ҳар бири наштардай санчи-лувчи сўзлар маъносини чақиб эшитди. Унинг қорача юзи ваҳимдан оқарди, кейин ғазабдан қорайиб кетди. Манглайдаги кўк томирлари бўртиб чиқди ва буни, шундай узоқликда турганига қарамай, Кристофер ҳам кўра олди. Аббат ғоятда ёвузлашганидан аф-

---

<sup>1</sup> ...Испаниядан маош олиши...— Испания католицизмнинг асосий таянчи, Рим папасининг ишончли суянчиси эди. Екатерина Арагонская испаниялик бўлиб, испан қироли Карл V нинг туғишган ҳоласи эди. Генрих VIII нинг ундан ажралиши инглиз-испан муносабатларини кескинлаштириб юборди, шундан сўнг испан ҳукумати Генрих VIII га қарши фитна ва ифволарни авж олдириди.

ти кулгили равишда бужмайиб кетганди. Кристофер буни пайқаб, астойдил хахолаб кулиб юборди.

Масхараланишга кўникмаган аббат, ёнидаги икки кишига нимадир деб шивирлаган эди, улар қўндоқли камонларини тўсатдан бараварига кўтардилар-да, тепки илгагини тортиб юбордилар. Битта ўқ, катта ёй чизиб, уй деворига юрқа томондан урилди-да, қаттиқ санчилиб қолди. Бошқаси, дурустроқ мўлжалга олингани эса, Кристофернинг юрагидан юқорироққа тегди, у гандираклаб кетди, бироқ пастдан узилган ўқ ёнидаги совутига тегиб, чап елкаси оша сирганиб ўтганди. Унинг яраланмаганини кўрган рақиблар отларини юрқага буриб, жўнаб қолдилар. Кристофер бўлса, камон ипига ўқ қўйди-да, аббатни мўлжалга олиб, ипни қулоғигача тортди.

— От, ўлдир, уни, — шивирлади Эмлин ўзининг кунгура ортидаги пана жойидан.

Бироқ Кристофер бир оз ўйланиб қолиб, кейин қичқирди:

— Сабр қилинг! — Кристофернинг овози борлиқни яна баъзи тапларим бор.

Аббат ҳам отини буриб жўнар экан, унинг сўзларига эътибор бермади.

— Сабр қилинг! — Кристофернинг овози борлиқни ларзага солди. — Бўлмаса ажойиб байталингизни ўлдираман.

Аббат шунда ҳам парво қилмай кетаётган эди, у камон ипини қўйиб юборди. Мўлжал аниқ олинганди. Ўқ отнинг бўйнига тегди ва бечора жонивор олдинги оёқларини кўтариб тикка турди-да, гурсиллаганча ағанади; устидаги отлиқ қорга учиб тушди.

— Энди, Клемент Мэлдон, — қичқирди Кристофер, — қулоқ соласизми ёки қорда ётган от ва хизматкорингиз ёнидан жой олиб, то қиёмат-қойим бўлгунча гунг бўлиб ётаверасизми? Агар ҳали ҳам фаҳм-фаросатингиз етмаётган бўлса, билиб қўйинг, мен ёшлигимдан камондан ўқ узиш билан шуғулланганман. Борди-ю, шубҳалансангиз, қўлингизни кўтаринг, мен ўқни бармоқларингиз орасидан ўтказаман.

Ийқилиб, бирор ери лат емаган аббат аста-секин ўрнидан қўзғалди ва оти билан одам мурдаси ўртасида тикка туриб қолди.

— Гапиринг,— деди у бўғиқ овозда.

— Милорд аббат,— давом этди Кристофер,— бир дақиқа бурун сиз мени ўлдирмоқчи бўлгандингиз, агар совутим сақлаб қолмаганда, ниятингизга етардингиз ҳам. Энди эса, сизнинг ҳаётингиз менинг қўлимда, чунки ўзингиз кўрдингиз, ўқим хато кетмайди. Қаролларингиз сизга ёрдамга келишяпти; тўхташларини буюринг ёки...— У камонини кўтарди.

Аббат бўйсунди. Одамлар унинг ишорасига тушуниб, шундай жойда тўхтаб қолдиларки, ўртадаги гап-сўз уларга эшитилмасди.

— Қўксингизда хоч бор,— давом этди Кристофер.— Уни ўнг қўлингизга олиб, қасам ичинг.

Аббат яна итоат этди.

— Бундай қасам ичинг,— деди Кристофер, кунгура орқасига яшириниб олган Эмлининг сўзларини такрорлаб.— Мен, Клемент Мэлдон, Блосхолм аббати, ўн саккиз минг оламни яратган тангри олдида, Кристофер Харфлит ва жамики ердагилар ҳозирлигида,— шундай деб, бошини кескин силкитиб, уй деразасига — у ерда кимки бўлса, бари тўпланиб, сўзларини тинглаб турганларга ишора қилди,— хоч билан қасам ичаман. Қасамёд қиламан, асл исм-шарифи Сайсели Фотрел, Кристофер Харфлитнинг қонуний хотини бўлмиш Сайсели Харфлитнинг жони ва тани устидан бўлган ҳар қандай васийлик даъвосидан, шунингдек, унга қарашли ёки отаси, рицарь Жон Фотрелдан, ёинки онаси, марҳума Фотрел хонимдан мерос қолган ер-мулк ва бойликларга бўлган барча даъволардан воз кечаман. Қасамёд қиламан, ушбу ёки бошқа подшоҳликда мазкур Сайсели Харфлитга қарши ёинки унинг эри — номи юқорида зикр этилган Кристофер Харфлитга қарши на черков, на граждандан судида ҳеч қандай иш қўзғатмайман ҳамда уларнинг на жонини, на танини ёинки уларга содиқ бўлганларнинг жон-танларини ҳақорат қилиш учун пайт пойламайман. Ушбу дақиқадан бошлаб улар на мендан, на менинг қўл остимдагилардан хавфсирамай умр кечиришлари мумкин. Хочни ўпинг ва қасамёд қилинг, Клемент Мэлдон.

Аббат охиригача эшитди; у ҳеч қачон кўнгил бўшлик нималигини билмагани, айна дамда ғазаби эса

шу даражада зўр эдики, нақ аччиғи чиққан чўлбақа-сидек шишиб кетганга ўхшарди.

— Қасам сўзларини менга айтиб туришингиз учун сизга ким ҳуқуқ берди?— сўради у ниҳоят.— Мен қасам ичмайман.— У шундай деб хочни қорга ташлади.

— Унда сизни отаман,— деди жавобан Кристофер.— Қани хочни юлинг.

Бироқ Мэлдон қўл қовуштирганча, миқ этмай тураверди. Кристофер мўлжалга олиб, ўқ узди; у каби мерганлар Англияда камдан-кам топиларди — отган ўқи Мэлдоннинг ялтироқ пешанасига тегмай, унинг мўйна қалпоғини тешиб ўтди.

— Кейингиси икки дюйм пастроққа тегаети,— деди у камалак ипига янги ўқ қўяркан.— Яхши ўқларни бошқа сарф қилиб ўтирмайман.

Ана шундагина, ғоятда қадрловчи ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун, Мэлдон жуда секинлик билан эгилди ва қордан хочни олиб, лабларига босди, ўпди ва ёўлади:

— Қасамёд қиламан.

Бироқ унинг қасами, Кристофер яна такрорлаб, айтиб турган қасамдан бутунлай фарқ қиларди: у изига тушилган тулкидек, айёрликка айёрлик билан жавоб беришга қодир эди.

— Мен — тангрига содиқ аббат — зиммамдаги ва-зифамни адо этгани тирик қолиш учун ён беришим зарур деб ҳисоблаб, сизнинг айтганларингизни бажо қилгач, Кристофер Харфлит, энди ўз бурчимни адо этгани бораверсам бўладими?

— Нима учун бўлмас экан?— сўради Кристофер.— Фақат, марҳамат қилиб, бундан сўнг менинг ишларимга аралашманг. Эртага рафиқам билан Лондонга жўнаб кетмоқчимиз, йўлда эса сиз билан учрашишга кўнглимиз йўқ.

Аббат қалпоғини ердан олиб, ўқни чиқарди-да, орқасига ўгирилиб, ўз одамларига қараб юрди. Кўп ўтмай, улар баландликка кўтарилиб, Блосхолм томон от қўйиб кетдилар.

— Охири бахайр тугаети; у шундай қасам ичдики, уни бузишга журъат этиши даргумон,— деди кўп ўтмай Кристофер.— Сен нима дейсан, энага?

— Сиз ўйлаганимдан ҳам баттарроқ содда экан-

сиз, — жаҳл билан жавоб берди Эмлин, ўрнидан туриб керишар экан; унинг бутун аъзойи бадани қотиб қолганди. — Қасам? Тфу! Буни ўзидан аллақачон соқит қилди у; чунки қасам ўлим хавфи остида берилганди. Ёш боланинг ишини қилиб, бошидан қалпоғини учириниш ўрнига, юрагини пойланг, дедим-ку. Наҳотки шивирлаб айтган бу маслаҳатимни эшитмаган бўлсангиз?

— Аббатни ўлдиргим келмади, энага.

— Тентак! Аббат билан унинг хизматкорлари ўртасида нима фарқ бор? Ҳали у сизни, менинг ҳаётимга суиқасд қилди, лекин уддасидан чиқолмади, деб айблайди, далилий ашё сифатида қалпоқ билан ўқни кўрсатади. Аммо менинг сўзларим энди ёрдам беролмайди, ҳадемай буни унинг ўзидан эшитасиз. Боринг, уйингизни мудофаага тайёрланг, остона ҳатлаб ташқарига чиқишни эса хаёлингизга ҳам келтирманг. У ерда сизни ажал кутяпти.

Эмлин ҳақ эди. Уч соатдан сўнг, қор бўронига қарамай, Крануэл Тауэрсга қуролсиз роҳиб келди; у тошга боғланган хатни хандақ устидан улоқтирди, хат ташқи дарвозанинг эман устунларидан бири олдига бориб тушди; роҳиб бир оғиз ҳам сўз айтмай, қандай келган бўлса шундай жўнаб кетди. Кристофер ва Сайселининг кўз ўнгида Эмлин хатни очиб, биринчи хатни қандай ўқиган бўлса, уни ҳам шундай ўқиб берди.

Хат қисқа бўлиб, унда шундай дейилганди:

*Сэр Кристофер Харфлит ҳамда ушбу ишга алоқадор бўлганларнинг барчаси, эсда тутингким, мен, Клемент Мэлдон, Блосхолм аббати, сизга бугун берган қасамим мутлақо ҳақиқий эмас ва ҳеч қандай оқибатга эга бўлмайди, чунки у ўлим хавфи остида мажбуран олингандир. Яна шуни ҳам эсда тутингким, сиз томонингиздан қилинган қотиллик тўғрисидаги ахборот қирол ҳазрати олийларига, шерифга<sup>1</sup> ва ушбу графликнинг<sup>2</sup> бошқа ҳукмрон доираларига жўнатилди,*

<sup>1</sup> Ш е р и ф — графликда маъмурий ва суд вазифасини бажарувчи мансабдор шахс.

<sup>2</sup> Г р а ф л и к — область, Англиядаги маъмурий бўлиниш бирлиги.

шу билан бирга, менинг черковий ва граждaнлик ҳақ-хуқуқим даъвати-ла ўз васийлигимдаги Сайсели Фотрелни, унинг отаси, марҳум сэр Жон Фотрелга қарашли бўлган барча ерлар ва бошқа мол-мулклар билан менга қайтарилиши борасидаги ишни давом эттираман. Сайсели номидан, мен аллақачон мол-мулкни бошқаришга киришдим. Кристофер Харфлит, сизни тутиб, қонун қўлига топшириш учун, қандай восита зарур топилса, ҳаммасидан фойдаланаман. Бундан ташқари, мазкур мактуб орқали сизни қўллаб-қўлтиқлаётганларнинг, сизнинг жинойтингизга шерик бўлаётганларнинг ҳаммасини огоҳлантириб қўймоқчиман: уларнинг ҳам тан ва жонлари ўлим хавфи остидадир.

Клемент Мэлдон, Блосхолм аббати.

## V боб

### Крануэлда нималар содир бўлди

Орадан бир ҳафта ўтди. Дастлабки уч кун давомида Крануэл Тауэрда ҳеч қандай ёки деярли ҳеч қандай ҳодиса юз бермади: ҳеч ким ҳужумга ўтмади. Бироқ Кристофер ўн икки уй хизматкори ва майда ижарачилар ёрдамида ҳамма томондан ўраб олинганликларини аниқлади. Баъзилар сал нарироққа боришга икки марта уриниб кўришди, лекин шу заҳотиёқ орқага қайтишга мажбур бўлдилар, чунки ёнатрофдаги чакалакзорлардан, қишлоқ уйларида, ҳаттоки черков эшикларидан тўда-тўда одамлар чиқиб келарди. Улар ҳеч қаерда бетма-бет дуч келмадилар, шу сабабли қурбон берилмади. Бу қайтага ёмон эди: чинакам курашнинг жанговар кайфияти етишмас, доимий хавф-хатар олдида титраб-қақшашдан бошқа илож қолмаган эди.

Бошқа жиҳатдан ҳам ишлар кўнгилдагидек эмасди. Энг аввало, уларнинг пивоси тугади, кейин бадани қиздирувчи ичимликларнинг ҳаммасини сарф қилиб қўйишди, кунлари оддий сувга қолди. Сўнг ёнилғи тугади, чунки тайёрлаб қўйилган саржиннинг деяр-

ли ҳаммаси қалъадан чорак миля наридаги фермада эди; қамалнинг иккинчи кунийёқ бу фермага ўт қўйиб юборишган ва унда нимаики бўлса, буткул ёниб кулга айланган, мол ҳамда отлар эса номаълум томонга ҳайдаб кетилганди.

Улар ҳовлидаги катак-катак иморатларнинг эшик-лари, чордоқдаги тахтани кўчириб ёқа бошладилар. Шунда ҳам номигагина, фақат овқат пишириш учун ошхонадагина ўт ёқардилар. Озиқ-овқат ҳам камчил эди: тузланган гўшт билан сиркаланган чўчқа гўшти, сурланган тўш ҳамда нон қилиб ёпиб ейишаётган озгина сули ёрмаси-ю, ун бор эди, холос.

Тўртинчи кун бу ҳам тугади, шундан сўнг сур гўшт, санокли олма ҳамда исиниш учун ичилаётган қайноқ сув билан қаноатланишларига тўғри келди. Ниҳоят ёқишга ҳеч нарса қолмади; улар хом гўшт истеъмол қилишга мажбур бўлдилар ва бундан касалга чалина бошладилар. Бунинг устига ҳаво очилиб кетиб, уй музлаб қолди; кундузлари совуқдан тишлари тақиллар, кечалари уйда бор кўрпа-тўшакларга ўралиб ётсалар ҳам, узлуксиз тўйиб овқатланмаслик натижасида, дилдираганча зўр-базўр тонг оттирардилар.

Оҳ, каминда биронта чўғсиз, арзимас матоҳ — липиллаб турган шамсиз ўтган бу тунлар қанчалар узун туюларди-я! Соат тўртда қоронғи тушар, гўё борлиқ зимистонга айланарди, чунки ой баландга кўтарилмас, туман эса атроф ёришмагунча — тонгги соат еттиларгача тарқамасди. Хужумдан қўрқиб, тиқ этган товушга қулоқ солишар, оқибатда тинчгина ухломасдилар.

Бирмунча вақт ҳамма, ҳатто ижарачилар ҳам бу қийинчиликларга мардонавор чидадилар; ҳолбуки, фермалари вайрон қилиниб, бола-чақалари қувиб юборилганлиги ва улар дуч келган жойдан бошлана топганликларини эшитгандилар.

Сайсели билан Эмлини зорланмасдилар. Зотан, келинчак қовоқ-тумшугини осилтирмай, ўзининг вақимали асал ойини бошидан кечираётганди. У то ҳолдан тойгунча эри билан ҳандақ бўйлаб ёки бўм-бўш хоналарда бир деразадан иккинчиси ёнига ўтиб сайр қилар, кейин улар атрофни кузатишни бошқа бирор

кишига топшириб, ҳеч бўлмаса «қуш уйқуси» қилиб олиш учун, дармонсизланиб бирорта каравотга ўзларини таппа ташлардилар. Фақат Эмлигинга асло кўз юзмаётганга ўхшарди. Ниҳоят, пировардида, уларнинг шериклари норозилик билдира бошладилар.

Бир куни, жуда қийинчилик билан ўтган тундан сўнг, тонготарда ана шу шериклари Кристофер билан кўришиб, курацишга тайёр эканликларини, бироқ нажотдан ҳеч қандай умид йўқлигини, ўлимни кутиб, совуқда дилдираб, оч-наҳор ётишга ортиқ дош беролмасликларини,— хуллас, бу уйни ё тарк этишлари, ё таслим бўлишлари лозимлигини айтдилар. Кристофер уларнинг ҳақлигини фаҳмлаб, гапларини сабр-тоқат билан эшитди, кейин Сайсели ва Эмлин билан кенгашди.

— Жоним, аҳволимиз мушкул. Мадад келишига умид бўлмагач, нима ҳам қила олардик? Ахир, қандай аҳволда эканлигимизни ҳеч ким билмайди-ку! Таслим бўламизми ёки тун қоронғисида қочиб қолишга уриниб кўрамизми?

— Фақат таслим бўлмаймиз,— деди Сайсели ҳўнграб йиғлашдан тўхтаб.— Агар таслим бўлсак, улар албатта бизни бир-биримиздан жудо қиладилар ва бераҳм аббат сени нариги дунёга, мени эса монастырга жўнатади.

— Буни ҳамма вақт кутиш мумкин,— гўлдиради Кристофер четга ўгирилар экан.— Сен нима дейсан, энага?

— Курашиш керак, деб ўйлайман,— мардларча жавоб берди Эмлин.— Бу ерда, албатта, қолишимиз мумкин эмас; тўғриси, сэр Кристофер, бу ердагиларнинг баъзиларига ишонмайман. Лекин нима ҳам қила олардик? Қоринлари оч, қиладиган ишларининг тайини йўқ, бола-чақалари қаердалиги номаълум, устига устак уларга черковнинг мудҳиш лаънат тамғаси босилди. Агар улар сизга хонлик қилганларида эди, бунақанги қисматга дучор бўлишмасди. Яхшиси, бор отларни олайлик-да, уддасидан чиқсак, тун сокинлигида жўнаб қолайлик; борди-ю, уддасидан чиқолмасак, унда ҳақиқий одамларга ўхшаб ўламиз.

Улар пешаналарини синаб кўриш учун шундай қа-



роғра келдилар; назарларида ҳозирги аҳволдан ҳам ёмонроғи бўлиши мумкин эмасди. Куннинг қолган қисмини ҳар ким ўзи билганча тайёргарлик кўриб ўтказди. Етгита от ҳамон отхонада сақланар ва гарчи улар ишлатилмаса ҳам, пичан билан боқилиб, вақтида суғорилиб туриларди.

Шу отларда жўнаб кетишни мўлжалладилар, аммо олдин, ўзларига содиқ кишилар билан очиқ-ойдин гаплашиб олмоқчи бўлдилар.

Шу сабабли, тахминан соат учларда, Кристофер ҳаммани дарвоза тагига тўплади, ғамгинлик билан уларга бор гапни айтди. Бундан буён бу ерда қолиш мумкин эмаслигини, таслим бўлиш эса, келинчакни беваликка маҳкум этишини тушунтирди.

Қанча отлари бўлса, шунча одам ҳамроғлигида, шунда ҳам бундай сафарга чиқишга таваккал қиладиганлар билангина қочиб қолишлари керак. Агар бундай одамлар топилмаса, иккала аёлни олиб ўзи кетаверади.

Шунда ўта садоқатли, кўп йиллар давомида Кристофер ва унинг отасига хизмат қилган одамлардан тўрт киши ажралиб чиқди. Улар ҳар қанча хатар бўлмасин, сўнгги нафасларигача Кристофер билан бирга бўлишларини айтдилар. Кристофер уларга қисқагина қилиб миннатдорчилик билдирди; қолаётганлардан бири, хўжайин ўзларини шу аҳволга солиб, энди ташлаб кетмоқчи бўлаётган экан, бу ёғига нима қилишлари лозимлигини сўради.

— Қочиб қолишдан кўра ўлимни минг марта афзал кўришим худогагина маълум,— деди Кристофер самимийлик билан.— Лекин, дўстларим, қай аҳволда эканлигимизни тушунинг. Бордию мен бу ерда қолсам хотинимнинг ҳоли нима кечади? Эвоҳ! Гап шу, хоҳлаганингизни танланг: ё биз билан жўнаб, ўрмонда тарқалиб кетинг, ўйлайманки, у ерда сизни ҳеч ким таъқиб қилмайди, чунки аббатнинг сизларга нисбатан хусумати йўқ; ёинки шу ерда қолиб, эртага тонготарда таслим бўлинг. Ҳар икки ҳолда ҳам айбни менга ағдаришингиз, сизни шундай қилишга мен мажбур қилганимни ва сиз ҳеч кимнинг қонини тўкмаганингизни айтишингиз мумкин; бу ҳақда сизга ёзиб бераман.

Улар хафақонлик билан ўзаро шундай суҳбатлашдилар ва ниҳоят, сэр Кристофер ҳамда рафиқаси жўнаб кетгач, ҳаммалари тарқалиб, иложи борица яхшироқ яширинишга келишиб олдилар. Бироқ улар орасида ўзгача мулоҳаза юритаётган Жонатан Дикси исмли битта майда фермер бор эди. Жонатан Кристофернинг ижарачиси бўлиб, уни Крануэл Тауэрсли ҳимоя қилишга мажбуран, Кристофернинг энг йирик ижарачисининг қистови билан олиб келишганди; Жонатан мазкур ижарачининг қизига унаштирилганди. У эпчил йигит эди. Ҳатто қамал вақтида ҳам, таърифлашнинг ҳожати бўлмаган усулни қўллаб, Блосхолм аббатига хат юборишнинг уддасидан чиққан, хатида эса агар ихтиёр ўзида бўлса, ҳар қандай жойга боришга тайёрлигини ва бундан боши осмонга етишини айтганди. Шу сабабли у, бошқаларнинг қисмати қандай бўлишидан қатъи назар, ўзининг фермаси зиёнзаҳматсиз қолишига ишонарди.

Энди у аянчли аҳволдан иложи борица тезроқ қутулишни ўйлаб қолди; Жонатан, доимо ғолиблар томонида бўлишни афзал кўрувчи кишилар тоифасидан эди.

Шунинг учун у, гарчи ўртоқларидан кўра қаттиқроқ: «Шундай! Маъқул!»—деб қичқирган бўлса-да, қоронғи тушиши биланоқ, бошқалар отларни тайёрлаб, қоровулларни алмаштираётганларида, отхона орқасидаги хандақ устига нарвон ташлаб, унинг почаларига тирмашиб ўтди-да, ўтлоқдаги молхонанинг панасида югуриб кетди.

Аббат одамлари билан тўқнашиш ва асир тушиш пайида бўлган Жонатан, ярим соатдан сўнг улар олдида, штаб вазифасини ўтовчи чорбоғда турарди. Дастлаб Жонатан ҳеч нарсани айтишни истамади, бироқ кўчага ҳайдаб чиқиб, осамиз деб қўрқитишгач, у, ўзининг гапига қараганда, ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳаммасини сўзлаб берди.

— Яхши, яхши,— деди аббат, у гапини тугатгач.— Тангри бизга марҳамат кўрсатяпти. Бу қушчалар бизнинг тўримизда, демак, авлиё Иларий кунини уйда, Блосхолмда ўтказаман. Хизматинг учун, Дикси, Крануэл Тауэрс қўлимга киргач, у ерда менинг бошқарувчим бўлиб қоласан.

Лекин ҳозироқ айтиш мумкин, ишлар бошқача бўлиб кетди: Крануэлда бошқарувчиликни эгаллаш у ёқда турсин, ҳамма ҳақиқат юзага чиққач, қайлиғи Жонатандан юз ўгирди, ўша ердаги одамлар эса унинг фермасини талон-тарож қилиб, ўзини графликдан ҳайдаб юборишди. Шундан бери унинг дом-дараги йўқ.

Бу вақтга келиб ҳамма нарса йўлга чиқишга тайёр қилинганди. Сайсели билан Кристофер Тауэрсда танҳо қолгач қоронғида хайрлашишди, чунки хонали ёритишга ҳеч нарса йўқ эди.

— Бу — бир таваккал, — деди у хотинига, — шунинг учун сафар қандай тугашини, кейин сенинг гўзал чеҳрангни яна кўра оламанми, йўқми, айтолмайман. Ҳар ҳолда, жонгинам, биз бир неча бахтли соатни биргаликда ўтказдик; борди-ю, мен ҳалок бўлиб, сен тирик қолсанг, ишонаман, то, бизга таълим берганларидек, бизни ҳеч қандай душман азоблолмайдиган ва совуқ, очлик, қоронғилик бўлмайдиган нариги дунёда учрашмагунимизча, ҳамиша ёдингда тутасан. Сайсели, агар пешанага ёзилган бўлса-ю, фарзанд кўрсанг, гўдак ҳеч қачон отасини кўрмаса ҳам, уни севишга ўргат.

Сайсели қўллари билан унинг бўйнига чирмашиб, ўксиб-ўксиб йиғлади.

— Агар сен ўлсанг, — ҳўнгради у, — унда, эҳтимол, мен ҳам ўламан. Ёш бўлишимга қарамай, бу дунё мен учун ғам-ғуссаларга тўла эди, эндиликда эса, отамсиз, сенсиз, жоним, у жаҳаннамга айланади.

— Йўқ, йўқ, — деди Кристофер, — ҳозирча куч-қувватинг бор экан, яшайвер, чунки — ким билади? — кўпинча фалокат яхшилик билан тугайди. Бизнинг ҳам қувончли дамларимиз бўлган-ку, ахир. Азизим, яшайман, деб сўз бер!

— Ҳўп, лекин ўзинг ҳам шундай деб қасам ич, чунки, эҳтимол, мен ўлиб, сен тирик қоларсан. Қоронғиликда қиличлар қурбонини танлаб ўтирмайди. Кел, бирга ёки айрилиқда бўлсак ҳам, то худонинг ўзи кўп кўрмагунча яшаймиз, деб бир-биримиз билан ваъдалашамиз.

Совуқ зим-зиё тун қўйнида улар шундай қасамёд қилдилар ва уни бўсалар билан тасдиқладилар. Ни-

ҳоят вақт етди, улар бир-бирларининг қўлларидан ушлаб, пайпаслаб, ўз режаларини амалга оширишда туннинг қўл келганидан сал хотиржам бўлиб, ташқарига қараб юрдилар. Қор эрир, жануби-ғарбдан эса ётган қаттиқ, лекин изғиринсиз шамол, худди тирик мавжудотлардек овоз чиқараётган баланд-баланд қайрағочларни тинимсиз тебратарди. Кристофер билан Сайсели бундай шамолда ҳеч ким шарпаларини эшитмаслигига, қоп-қора ва юлдузсиз осмон остида ҳеч ким ўзларини кўрмаслигига, ора-сира қуйиб турган ёмғир эса, отлари изини ювиб кетишига ишонардилар.

Улар отларни жимгина эгарлашди ва тўрт киши ҳамроҳлигида — бу пайтга келиб бошқалар кетиб бўлишганди — чиқиб кетишга тайёр қилиб тушириб қўйилган кўтарма кўприк устидан ўтишди. Йўлларининг тахминан уч юз ярди, қадимда авлод-аждодлар томонидан қазилган қадимий оҳак кони ичидан ўтарди; сўқмоқнинг ҳар икки томонида эса, дарахтлар зич бўлиб ўсганди.

Конга яқинлашганларида, тун сокинлигини бузиб олдинда тўсатдан от кишнади; шунда уларнинг отларидан бири ҳам жавобан кишнаб юборди.

— Тўхтаглар,— деди қўрқувдан қулоғи динг бўлиб кетган Сайсели.— Одамлар шарпасини эшитяман.

Улар отлари жоловини тортиб, қулоқ солдилар. Чиндан ҳам, шамолнинг ҳар гувиллашидан олдин, қуролларнинг шарақлаганига ўхшаш овоз элас-элас эшитиларди. Улар тун қоронғилигига тикилдилар, бироқ ҳеч нарсани пайқай олмадилар.

Яна от кишнаб юборди, бир от кишнаб жавоб берди. Хизматкорлардан бири ичида жониворни сўкиб, шамширининг ясси томони билан уни қаттиқ тушириб қолди, шунда дам олиб турган от ўзини тутиб туролмай, олиб қочди. Кейинги дақиқада олдиндаги оҳак конидан таъриф қилиб бўлмас даражада шовқин-сурон — қичқириқлар, қиличлар шарақ-шуруқи, сўнг худди ўлаётган одамнинг овозига ўхшаш мулҳиш нола эшитилди.

— Пистирма!— ҳайқирди Кристофер.

— Айланиб ўта ололмасмикинмиз?— сўради Сай-

сели. Овозидан жуда қўрқиб кетгани сезилиб турарди.

— Йўқ, — жавоб берди эри, — сой тошган; ботиб қоламиз. Чу! Бизга қарши ҳужумга ўтптилар. Орқага, Тауэрсга, бошқа илож йўқ.

Шундай қилиб, улар орқага бурилиб, тинимсиз эшитилаётган қичқириқлар, чопиб келаётган сон-саноксиз от тўёқлари дупури остида отларини елдириб кетдилар. Икки дақиқадан сўнг улар ўз жойларида эдилар, — аёллар, Кристофер ва уч эркак кўприкдан ўтиб олгандилар.

— Кўприкни кўтаринг! — бақирди Кристофер. Улар отдан ирғиб тушиб, туртиниб-суртиниб, чиғир томонга югурдилар; бироқ вақт ўтганди, чунки аббатнинг чавандозлари кўприкка чиқишга улгургандилар.

Шундан сўнг жанг бошланиб кетди. Душман отлари тебранаётган кўприкдан хуркиб, орқага ташланди. Буни кўрган пиёдалар шоша-пиша олдинга югурдилар, бироқ уларнинг йўлини Кристофер билан уч йўлдоши тўсиб чиқди: бундай тор жойда улар юз кишининг ўрнини боса олардилар.

Қоронгида дуч келган томонга қараб қилич солишга тушдилар; аббатнинг одамларидан иккитаси йиқилгач, аллаким паст овозда буйруқ берди:

— Орқага қайтиб, тонг отгунча кутинглар.

Улар ярадорларни кўтариб, ўзлари билан олиб кетишгач, Кристофер ва хизматкорлари яна кўприкни кўтаришга уриниб кўрдилар, бироқ у қимирламади.

— Қандайдир сотқин занжирни ишдан чиқарибди, — деди Кристофер секингина, ноумид оҳангда. — Сайсели, Эмлин, уйга киришглар. Мен ва истаган ҳар бир кимса, ишни бир ёқли қилиш учун шу ерда қоламиз. Мени ўлдиришгач, таслим бўлинглар. Уйлайманки, агар қирол олдига етиб боролсанглар, у ишимизни адолат юзасидан ҳал қилиб беради.

— Мен кетмайман, — зорланди Сайсели. — Сен билан бирга ўламан.

— Йўқ, кетасан, — деди у ер тепиниб. Худди шу вақт ўрталаридан чувиллаганча камон ўқи ўтиб кетди. — Эмлин, уни ўлдириб қўймасларидан олдинроқ уйга судра. Тезроқ, тезроқ деяпман, бўлмаса яратганининг ҳам, менинг ҳам қарғишимга қоласизлар.

Хотин, қўйиб юбор; бўйнимга осилиб тураверсанг қандай жанг қила оламан ахир? Наҳотки сени уришим лозим бўлса? Мана бўлмаса, мана!

Сайсели қўлларини ёзиб юбориб, инграганча Эмлиннинг қучоғига йиқилди, энага уни қўрқиб кетган отлар у ёқдан-бу ёққа югуриб юрган ҳовли бўйлаб, деярли судраб кетди.

— Қаерга кетяпмиз?— сўради Сайсели пиқиллаб.

— Марказий минорага, — жавоб берди Эмлин, — ўша ер хавфсизроққа ўхшайди.

Бутун қасрга<sup>1</sup> номи берилган бу минорага улар тимирскиланиб бордилар. Ёғоч уйнинг бошқа қисмларидан фарқ қилиб, минора тошдан қурилганди, негаки у норманнлар замонасига оид қурилишнинг бир бўлаги эди. Томга чиқиб олгунларича қоқилиб-суқилиб, зинапоялардан аста-секин кўтарилдилар; улар беихтиёр юлдузлар чарақлаб қолса бирор-бир нарсани кўриб бўладиган жой ахтарардилар. Улар шу ерда, шундай баландликда яшириниб олиб, кураш—у қандай тугашидан қатъи назар—охирини сукут сақлаб кутиб турдилар.

Ошхона томи остидан, уй орқасидан аланга кўтарилиб, шамол уни асосий бино деворларига олиб келиб ургач, у ҳам ловуллаб ёна бошлагунига қадар қанча вақт ўтганини билмадилар. Уйни ёқиб юборгандилар; гарчи, сотқин Жонатан Дикси қайтиб келиб, ё пул эвазига, ё шундай даҳшатли фалокат орқасида ўзининг шахсий жинояти эсдан чиқиб кетиши учун бу ишни амалга оширган, десалар ҳам, ўт қўйган кимса номаълум эди.

— Уй ёняпти, — деди Эмлин бамайлихотир. — Энди, ўз ҳаётингни сақлаб қолмоқчи бўлсанг, орқамдан юр. Бу миноранинг тагида ертўла бор. У ерда бизга аланга теголмайди.

Бироқ Сайсели қимирламади ҳам. У шиддат билан ловиллаб ёнаётган аланга ёруғида пастда юз бераётган ҳодисаларни бемалол кўраётганди; атайлаб қилгандек, шамол ҳам тутунни тескари томонга

---

<sup>1</sup> Крануэл Тауэрс — «Крануэл минораси» деган маънони билдиради.

етиб бораман ва омборимиздан сенга зарур буюмларни беришларини текшириб тураман. Мен ҳам, капитан лангар кўтаргунча, у билан гаплашиб олишим зарур. Гап сотиб, вақтни ўтказиб ўтирмай, итоат қилгин-у, ҳаммасини махфий сақла.

— Бурчим буюргандек, итоат қиламан ва ҳаммасини махфий сақлайман, — деди жавобан биродар Мартин, ергача эгилиб таъзим қиларкан. — Лекин бу иш қандай тугашини фақат тангрию унинг малоикалари билади. Такрорлайман — бу иш менга ёқмайди.

— Гоятда хавфли одам, — ғўлдиради аббат, Мартиннинг орқасидан кузатиб қоларкан. — У ҳам Испанияда қолиши керак. Узоқроқ қолгани маъқул. Шундай бўлишига ҳаракат қиламан!

## VI боб

### Эмлиннинг қарғиши

Тауэрс ёндириб юборилган куннинг эртасига, нақ тонготар пайтда, қафанга пала-партиш ўралган жасад қишлоқдан ўзининг сўнгги бошпанаси — наридан бери қазилган гўрга—Крануэл қабристонига олиб келинди.

— Кимни бунчалик шошилишч кўмпямиз?— сўради тун зулматида қабрни якка ўзи қазиган Томас Болл; қабрни тездан тайёрлаш буюрилган, гўрков эса тўс-тўполондан қўрқиб, жуфтакни ростлаб қолганди.

— Бошимизга шунча кулфат орттирган жиноятчини, анови сэр Кристофер Харфлитни, — деди кекса роҳиб; дафн маросимини ўтказиш шу роҳибга буюрилганди, негаки руҳоний—Нектон ота ҳам Сайсели билан Кристоферни никоҳлаб қўйгани учун аббатнинг ўч олишидан чўкиб, жўнаб қолганди.— Аянчли воқеа, жудаям аянчли воқеа. Тунда никоҳ ўқитдилар, яна тунда оламдан ўтдилар: қиз оловда, йигит ерда. Дарҳақиқат, ё раббий, бу ишларнинг бари ўзингагина

аён, шундай бўлгач, сен суйган бандаларга кимда-ким қўл кўтарса ҳолига вой!

— Ҳақ гап, ўзинггагина аён, сира тушиниб бўлмайди,— деди жавобан Болл. У гўр ичида турганча жасадни бош томонидан олиб, кенг кериб турган оёқлари орасига қўйди.— Шу қадар тушунарсизки, оддий одам бу ишларнинг бари қандай тугашига, мана бу олижаноб навқирон рицарнинг нима учун ўз вазнидан анча-мунча енгиллашиб қолганига ақли етмай, хаёл суриб кетади. Балки, бунга бошига тушган барча ғам-аламлару ёндирилган Тауэрсдаги очлик сабабчидир. Нима учун у даҳмага, ота-боболари ёнига қўйилмайди? Ана ўшанда мен бу ерларга тез-тез қадам ранжида қилиб тургувчи арвоқлар ҳамкорлигида ишлашдан қутулган бўлардим. Нима деяпсиз, ота? Тош тахта девор орасида қолдирилиб, суваб ташланган, кириш йўли эса ғишт билан урилган, ғишт терувчи ҳам топилмайди, дейсизми? Унда то ғишт терувчи топилгунча кутиб турилса бўлмайдими? Ҳа, тушунарсииз, чинданам тушунарсииз! Таажжуб, сўраб-суриштиришга қандай ҳаддим сиряпти ўзи? Мободо милорд аббат буюрса, роҳиб бўйсунди-да, чунки бизнинг нозиримиз ишлари ҳам тушунарсииз.

— Энди ҳаммаси жойида—оёғини шарққа узатганча, осмонга қараб ётибди, ҳар ҳолда, шундай бўлса керак, деб ўйлайман, чунки қоронғида кўпам фаҳмлолмай қолдим, хуллас, тушунарсииз ишлар тушунарсииз ҳолда тугалланади. Ота, қўлингизни узатинг, чуқурдан чиқиб олай, кейин, ўзингиз севган қизига ўйланишга ҳамда тангри, яъни айтмоқчиманки, шайтон қовуштирганларни бери-биридан жудо қилмоқчи ва уларнинг даромадларини она-черков мулкига қўшмоқчи бўлган бир қанча авлиё роҳиблар, ёки, тўғрироғи, улар томонидан ёлланган каллакесарлар (ахир, роҳиблар урушмайдилар-ку) жонини тан асоратидан озод қилиб юборишга журъат этган мана бу худобехабар йигитнинг гуноҳга ботган жасади устида қиладиган тиловатингизни тезроқ бошланг.

Совуқда қалтираётган ва Боллнинг пойма-пой гапларидан у-бунигина илғаб қолаётган кекса руҳоний ёддан билмайдиган жойларини тушириб қолдириб, гўлдираганча тиловат қилишга тушди. Шундай



қилиб, ўлим ва мангулик майдонига яна бир уруғ экилди, лекин у қачон ва қаердан униб чиқишини роҳиб билмас, билишга интилмасди ҳам: у фақат бундай даҳшат ва уруш-жанжаллардан иложи борича тезроқ орқасига, ўзининг кўникиб қолган ҳужрасига қочишни хоҳларди.

Ниҳоят, ҳаммаси тугади. Роҳиб ва тобуткашлар қабрга тупроқ тортишни Томас Боллнинг ўзига қолдирдилар-да, ачиқ изғиринли шамолдан паналаб, жўнаб кетишди. Болл улар кўздан йўқолгунларича, аниқроғи, уларнинг овозлари эшитилмай қолгунча зўр бериб ишлади.

Улар кетишгач, тўё тупроқни тепкилаб жойлаш-тирмоқчи бўлгандек, чуқурга тушди, у ер шамолдан паналаб турарди. Томас Болл мурданинг оёқ томони-га ўтди-да, хаёл сурганча, дам ола бошлади.

— Сэр Кристофер ўлди,— гўлдиради у ўзига ўзи. — Мен болалигимда унинг бобосини билардим, бобом бўлса, менга айтишича, катта бобосини билган, бобомнинг бобоси эса катта бобосининг бобосини билган—уч юз йил сурункасига мана шундай ўтган. Эндичи, энди мен уларнинг энг сўнггисининг қотиб қолган оёқларида ўтирибман. У хотинининг бойликларига эга бўлишга интилган испан руҳонийси ва унга ёлланган одамлар томонидан ўз қасрида худди ёввойи ҳўкиздек ўлдирилди. О! Ҳа, бу ишларни тушуниб бўлмайди, ҳақиқатдан ҳам мутлақо тушунарсиз бу ишлар; леки Сайсели ҳам оддий жодугардай ёниб ўлди, Эмлин—қари, хўппа семиз бошқарувчига мажбуран турмушга чиқаргунларича, мени эса роҳибга айлантиргунларича, шу қабристонда неча марталаб бағримга босган Эмлиним ҳам ўлди.

Лекин у ўзининг илк бўсасини менга инъом этган. Эй жафокаш авлиёлар, Эмлин ҳов анови сўқмоқдан қайта туриб, қари Стоуэрни қандай лаънатлаганди-я! Мен анови ерда, дарахт орқасида туриб, унинг сўзларини эшитгандим. Эмлин Стоуэрнинг гўри устида ўйинга тушаман, деганди, ўйинга тушди ҳам; у эрини кўмган кунларнинг эртасигаёқ, кечаси ой ёғдусида буни қандай бажарганини ўзим кўрдим: у оппоқ кийинганича, гўр устида рақсга тушарди. Ҳа, Эмлин доимо сўзининг устидан чиқарди...

Чиқиб келаётган қуёшнинг қизғиш ёрқин нури қоп-қоронғи чуқургача етиб келиб, энг аввало, тупроқ орасида ётган ва Болл пайқаманган ярим чирган бош суягини ёритгунча, Болл мурданинг оёқ томонида, у ёқдан-бу ёққа чайқалиб, оҳ-нола чекиб ўтираверди. Шунда у ўрнидан турди ва роҳибга ярашмайдиган сўзлар билан сўкиниб, бош суягини улоқтирди. Кейин, ўзининг ширин хаёлларидан чалғиган лаҳзада миясига келиб қолган ишни — бирмунча шубҳали ишни бажаришга киришди.

Пичоқни қинидан чиқариб, кафаннинг қўпол қилиб тикилган чокини тилди, увишган қўллари билан уни мурданинг бошидан туширди.

Шу пайт қуёш булутлар орасига яширинди, Болл вақтни ўтказмаслик учун мурда юзини пайпаслаб кўра бошлади.

— Сэр Кристофернинг бурни пачақланмаганди, — ўзича ғўлдиради у, — лекин сўнги олишувда юз берган бўлиши мумкин; у ҳолда синган суяк дарров бита қолмасди; бу суяк бўлса аслидай. Йўқ, йўқ, унинг бурни жуда келишган эди.

Қуёш яна кўринди ва Томас мурда башарасига қаради-ю, бирдан хириллаган овозда қаттиқ кулиб юборди.

— Азиз авлиё-анбиёлар ҳақи! Мана испанимизнинг яна бир найранги. Бу, жонсиз инглиз рицарига айланган шотланд-арақхўр Эндрю-ку. Кристофер уни ўлдирганди, энди у Кристофер бўлиб қолибди. Бироқ, Кристофернинг ўзи қаерда?

Болл бир оз хаёлга ботди, кейин қабрдан сакраб чиқиб, шоша-пиша унга тупроқ торта бошлади.

— Сен Кристофермисан, — деди у, — жуда соз, то мен сени Эндрю эканлигингни исботламагунимга қадар, Кристоферлигингча қолавер. Алвидо сэр Эндрю-Кристофер; мен сендан кўра афзалроқларни қидиришга бораман. Сен ўлик бўлсанг, унда ўликлар тирикдир балки. Модомики, шундай экан, Эмлин ҳам эҳтимол, ўлмагандир. О, энди иблис Крануэл Тауэрс теvaraгида қизиқ ҳазил қиляпти, Томас Болл ҳам унда иштирок этишни истаydi.

У ҳақ эди. Иблис қизиқ ҳазил қилаётганди. Ҳарқалай, биргина Томаснинг ўзигина шундай ўйламаёт-

ганди. Чунончи, янглишган, бироқ виждонли мутаассиб Мартин биродар Луис деб номланган ва «Қатта Ярмут» кемасига эсон-омон олиб борилган сэр Кристофернинг ҳалигача ҳушсиз гавдасига қараганда, худди шу фикр унинг ҳам хаёлига келганди: ҳозир, у ўликми ёки тирик — буни Мартиннинг ўзи ҳам билмасди, Кристофер икковларига ажратилган мўъжазгина каютада ётарди.

Мартин унга тикилганча, ўзининг сочсиз бошини чайқаркан, бу тор каютада, ўзи яхши билганидек, иблисга манзур бўлгувчи ҳидни — олтингугурт ҳидини сал-пал сезди.

Қаерда пул ишлаб қолиш мумкин бўлса, ўлган-тирилганига қарамай, ўзини ўша томонга уриши ва уни моҳирона яшира олиши туфайли Данвичда Таловчи Риёкор номи билан шуҳрат қозонган капитаннинг ўзи — ғилай, бадқовоқ денгизчи — иблис ҳазратларининг мурдор таъсирини сезганга ўхшарди. Ҳанузгача иши ўнгмасди; сафар олти ҳафтагача, яъни йилнинг энг ноқулай пайтигача кечиктирилди, — хўжайинлари Севильяга етказишни буюрган қандайдир махфий мактублару юкларни кутишга тўғри келди. Кейин чўктириб юборишига сал қолган даҳшатли бўрон уни яна орқага қайтарди.

Бундан ташқари, энг яхши одамларидан олтитаси йилнинг бундай пайтида Испанияга сафар қилишга юраги бетламай, қочиб кетди ва у, таваккал қилиб, бошқаларни ёллашга мажбур бўлди. Ана шулар орасида қоп-қора соқолли, елкалари кенг, калта чарм камзулли йнгит ҳам бор эди; пошнаси орқасида шпорлари ҳам бор бўлиб, улар қонга беланганди — афтидан, уларни ечиб ташлашга улгурмаганди. Отини жон-жаҳди билан ҳайдаб келган бу чавандоз лангар кўтарилиб бўлганда кемага қайиқда етиб олган ва Испанияга ёки бошқа ҳар қандай бирор чет эл мамлакатига бориши учун мўмайгина пул таклиф қилган ҳамда ўша заҳотиёқ нақд тўлаганди. Таловчи, кўнглида шубҳаланса ҳам, пулни олди ва савол-жавоб қилиб ўтирмай (чунки бу олтинлар учун хўжайинлари олдида ҳисоб бериши керакмасди), Чарльз Смит номига тилхат берди. Кейинчалик бу йнгит шпор ва навкарлик калта камзулини ечиб ташлаб, команда

билан бирга ишга тушиб кетди — матросларнинг баъзилари уни танишарди шекилли. Бўрон кўтарилган пайтда эса, гарчи тажрибасиз денгизчи бўлса ҳам, у ўзининг кучли ҳамда фойдали одам эканлигини кўрсатди.

Барибир бу Чарльз Смит ва унинг қонга беланган шпорлари капитанда ишончсизлик туғдирарди. Агар ишчилари етарли бўлганда, бу муттаҳамдан мўмайгина пул олмагаңида, дарёга яна қайтиб киришгач, айниқса ҳозир, Блосхолмда қотиллик юз берганини, Сэр Жон Фотрел ўлиги ўрмонда ётганини эшитгандан сўнг, уни бажону дил қирғоққа тушириб юборган бўларди. Эҳтимол, уни шу Чарльз Смит ўлдиргандир. Борди-ю, шундай бўлган ҳам дейлик, хўш, нима бўпти, ахир бу капитаннинг иши эмас-ку. Бундан ташқари, у ишчи кучига муҳтож.

Эндиликда, об-ҳаво барқарор бўлиб, нақ лангар кўтарилаётган бир пайтда, Блосхолм монастирининг нозири — ўшанинг буйруғи билан сафар кечиктирилганди — қандайдир чакак-чакак роҳиб ҳамда (аббатнинг гапига қараганда, ўз биродарларидан бири) адёлга ўралган, кўринишидан беҳуш ётган йўловчи билан пайдо бўлди.

Нима учун бемор роҳиб совут кийиб олган? Зийрак Таловчи Риёкор ажабланди. Ахир беморни нарвонда олиб чиқиш учун ёрдамлашаётганда, буни унинг ўзи адёл устидан пайпаслаб билди-ку. Лекин ҳолбуки, беморнинг оёғида роҳиблар этиги бор эди. Кейин нима учун роҳибнинг боши қонга беланган суруп билан боғланган? У буни чойшаб сирғалиб, бир дақиқагина тушиб кетганда кўрганди.

Капитан, нега бунчалик махфий ҳолда олиб кетил-япти, деб аббатдан сўрашга журъат этганди, худди шу пайтда йўл ҳақини санаб бераётган марҳаматли ҳазрат қўрслик билан жавоб қайтарди:

— Капитан, сизга менинг амримга бўйсунуш буюрилган, бўйсунуш — менинг ишларимга аралашиш деган гап эмас. Яна бир оғиз гапирсангиз, ифвогарлар билан муомала қила оладиган Испаниядаги баъзи одамларга сиз тўғрингизда хабар қиламан. Борди-ю, Данвични қайта кўришдан умидингиз бўлса, тилингизни тийинг.

— Афв этгайсиз, милорд аббат,— деди Таловчи,— бироқ кемада шундай ишлар содир бўляптики, бундан даҳшатга тушяпман. Бир портнинг ўзидан икки марта лангар кўтарилгач, сафар бехатар бўлолмайди.

— Капитан, сиз менинг ишимга, черков ишига бурнингизни тикқанингиз билан, аҳволни ўзгартиролмайсиз. Еки ўзингизга тавқи-лаънат ёғдиришимни истайсизми?

— Йўқ, мурувватли ҳазратим, аксинча, дуо қилишингизни хоҳлайман, — деди ирим-сиримга муккасидан кетган Таловчи. — Худо хайрингизни берсин, шундай қилинг, кейин, ҳатто жонсиз жасадларига совут кийишни ёқтирадиган бемор руҳонийларни, ҳар қанча бўлса ҳам, Испанияга олиб кетавераман.

Аббат жилмайди, сўнг қўлини кўтариб, лотинча-лаб алланарсалар деди. Таловчи бу сўзларга тушунмаса-да, уларни мутлақо фойдали деб ҳисоблади. Аббат лотинчалаётганда, «Катта Ярмут» қўзғала бошлади; денгизчилар лангарни кўтаргандилар.

— Ушбу сафарингизда сизга ҳамроҳ бўлолмайман, хайр,— деди аббат. — Дуоларим каби авлиё-анбиёлар ҳам сизни қўллайди. Гибралтар бўғозида, эшитишимча, анчагина ғайридин қароқчилар яширинган, лекин, модомики, сизлар у ердан ўтмас экансизлар, оби-ҳаво қулай бўлса, сафарингиз жудаям яхши тугайди. Яна бир марта хайр. Биродар Мартин ҳамда бемор дўстимизни сизнинг қарамоғингизга топшираман. Қайта учрашганимизда улар хусусида ҳисоб берасиз.

«Умидворман, учрашув бу ерда эмас, жаҳаннамнинг нариги томонида юз беради; менга бу испан аббатиям, ўликми, тирикми, барибир, унинг йўловчилариям ёқмайди»,— Таловчи таъзим билан уни каютадан кузатиб қўяркан, кўнглидан ўтказди.

Орадан дақиқа ўтар-ўтмас аббат, Мартинга шоша-пиша ва ташвишланиб бир-икки оғиз сўз айтгач, трапдан қайиққа туша бошлади; эшкак ёнида унинг одамлари ўтирар ва қайиқ кема билан бир текисда ҳаракатланарди. Пастга тушаётиб атрофга аланглаб, худди мовутдек қалин тонгги туманда, нарвонни ушлаб туриш буюрилган кишининг чеҳрасини кўрди ва сэр Жон ўлдирилган пайтда хўжайинининг ўлимига

сабабчи бўлган лаънати қоғозлар билан қочиб, жонини қутқариб қолган Жеффри Стоуксни таниди. Ҳа, бу Жеффри Стоукснинг ўзгинаси. Аббат нимадир демоқчи бўлди, бироқ у оғиз очар-очмас, бахтсизлик рўй берди.

Аббатнинг назарида, кема унинг орқасидан шиддат билан, ҳаддан ташқари шиддат билан туртиб юборгандек туюлди: у боши билан олдинга учиб кетиб, қайиққа — эшкаклар орасига тушди-да, на қимирлашга, на нафас олишга мажоли келмай чўзилиб қолди.

— Нима бўлди? — сўради шовқинни эшитган капитан.

— Аббат тойиб кетдими ё-трап сирғалиб кетдими, нима бўлганини билолмай қолдим, — деди Жеффри жаҳл билан, этигининг учига тикилганича. — Ҳар ҳолда, энди у қайиқда, хавф-хатардан ҳоли.

У орқасига ўгирилиб, кеманинг тумшуқ томонига ўтди ва ғўнғиллаганча туман ичида кўздан йўқолди.

— Гарчи сал баландроқдан бўлса ҳам, жуда зўр зарба. Лекин мен, унинг нарвондан мўлжаллаб қўйилган бошқа мақсад учун тойиб кетишини истардим. Бу разил қотил, қанийди, бўйнидан арқонга осилиб турса. Гарчи ҳозирги ишим, мени фош этишидан илгарироқ, унинг овозини ўчиришга ёрдам берган бўлса-да, бундан баттарроғини қилишга журъат этолмадим. О, менинг бечора хўжайиним, бечора қари хўжайиним!

Аъзойи-бадани шилиниб, лат еб ғоят азобланган, ўзини ноҳуш сезаётган аббат Мэлдон бир соат ўтар ўтмас Крануэл Тауэрс харобаларига қайтиб келди. Унинг бу ерга келиши ғалати кўринар, бироқ, тўғриси айтганда, ғулғула тушиб қолган юраги унга тинчлик бермасди. Монастир нозирининг ҳамма режалари шу пайтгача кўнгилдагидек амалга ошди. Сэр Жон Фотрел ўлдирилди — албатта, бу жиноят, лекин зарурий жиноят, чунки агар рицарь тирик қолганда чўнтагидаги ҳужжатлар билан Лондонга борарди, ана унда аббат шахсий ҳаёти ва бошқа талайгина кишинларнинг ҳаётидан жудо бўларди, негак, ким билсин, қийноқ исканжасида азобланган қурбонлардан қандай ҳақиқатлар ситиб олинарди.

У ҳушёр бўлмаган, шаробдан тили сайраб юбор-

ган бир пайтда, ўзини сэр Фотрелнинг қўлига топшириб қўйди; у рицарни Испания томонига тортмоқчи эди; кейин эса, буни унутиб, Фотрелни ўзининг ашаддий душманига айлантирганди. Мазкур душман ўлиши шарт эди, чунки, у тирик қолса, битта аббатнинг ўзигина ҳалок бўлиб қўя қолмай, балки салтанатга қарши тайёрланаётган черков исёни режалари ҳам барбод этиларди. Ҳа, ҳа, бу турган гап эди, шунинг учун, вақти-соати келиб, ҳақиқат қарор топгудек бўлса, шубҳасиз унинг гуноҳидан ўтадилар. Шу кунгача аббат, ҳақиқатни ҳеч ким билмайди, деб ишонарди, эндиликда эса, Жефри Стоукс «Қатта Ярмут» кемасида қочиб қолганлиги аниқланди.

Сэр Жоннинг ёнидан ҳеч қанақа қоғоз топишолмади. Шубҳа йўқ, кекса рицарь уларни эндиликда қиролликдан денгизчи кийимида чиқиб кетган Жефрига беришга улгурган. О, қандай шум тақдир уни нақ сэр Кристофер Харфлит бўлган кеманинг ўзига бошлаб келди-я!

Ҳа, сэр Кристофер Харфлит, эҳтимол ҳаётдан кўз юмарди; агар биродар Мартин бунчалик тентак бўлмаганда, у сўзсиз ўларди; ҳақиқат ҳақиқатлигича қолди — умуман қобилиятли бўлган бу роҳиб бунақанги ишларда фаҳм-фаросатсиз эди, унинг виждонлилиги ҳозирги ҳолатда ишнинг белига тепди. Агар Кристоферни қутқариб қолиш мумкин бўлса, гарчи кейин, ҳатто инквизиция<sup>1</sup> қўлига топширилса ҳам, Мартин уни бир марта молхонада қутқарганидек қутқариб қолади. Парваришга, дори-дармонга қарамай, у ҳозир ҳам оламдан ўтиши мумкин; кеманинг ҳалокатга учраши ҳам ҳеч гап эмас — айниқса йилнинг шундай мавсумида, бунинг учун эса яхшилаб дуо қилиш лозим. Шунингдек қулай фурсат топилди дегунча, биродар Мартин ва сэр Кристофер Харфлитнинг — агар у соғайиб ётиб боролса, — қилмиш-қидирмишлари хусусида Испанияга бирорта хат юбориш зарур, токи турли-туман кўнгилсизликлардан бошлари қутулмасин.

---

<sup>1</sup> Инквизиция — XIII асрда католик черкови томонидан бидъатчи-шаккокларга қарши курашиш мақсадида тузилган суд-полиция ташкилоти; ўз қурбонларини аёвсиз қийнаган, гулханларда ёққан. Инквизиция Испанияда айниқса қутуриб иш тутган.

Шу лаҳзада Мэлдон бошқа ишлар ҳам кўнгилдагидек эмаслигини эслади. У ўзини Сайселига васий деб эълон қилмоқчи ва муқаддас иш учун зарур бўлган унинг ҳад-ҳудудсиз ерларини ўзлаштириб олиш мақсадида қизни монастирга юбормоқчи эди-ю, аммо лекин ўлимини истамаганди.

Йўқ, йўқ, кўнгил бўшлик қилмаслиги керак. Чунки, оқибат натижада у жуда кўп нарсаларга эришди, бунинг учун миннатдор бўлиши лозим. Шу кунларда таҳлика остида қолаётган ва Мэлдон ўз ҳаётини бағишлаган улуг иш — черков иши давом этяпти. Генрих — бидъатчи — тахтдан қулайди. Аббатни, ўз айфоқчисини яхши кўрувчи испан императори эса Англияга бостириб кириб, уни забт этади. Мэлдон муқаддас инквизиция Вестминстерда<sup>1</sup> иш бошлайдиган кунгача яшайди. Унинг ўзичи — ҳа, унинг ўзи — ахир, бу тўғрида шама қилишмаганмиди? — кўпдан орзиқиб кутилган кардиналнинг қизил қалпоғини кийиб,<sup>2</sup> Кентерберий епископининг<sup>3</sup> тахтига ўтиради. Кейин эса — о буюк орзу! — кейин эса, эҳтимол, бошига папа тиарасини<sup>4</sup> кийиб, Римда юар!

Аббат икки роҳиб ва олти яроғбардор кузатувида Крануэлга етиб келганида шаррос ёмғир қуярди. Уй буриқсиётган кул уюмига айланганди. Ёниб, кўмирга айланган тўсинлар, қизиб кетган гишт-кесақлар устига тушаётган ёмғир буғ булутига айланар ва қоп-қора қадимги Норманд минораси зўр-базўр кўзга чалинарди; гулхан тиллари унинг тош деворларини беҳуда яларди.

— Бу ерга нима учун келдик? — сўради роҳиблардан бири, даҳшатли манзарага титраб-қақшаб кўз ташларкан.

— Леди Сайсели ва унинг оқсочининг жасадини

---

<sup>1</sup> Вестминстер — Лондоннинг парламент ва ҳукуматнинг бошқа муассасалари жойлашган қисми.

<sup>2</sup> Қизил қалпоқ — кардиналнинг бош кийими.

<sup>3</sup> Кентербери епископи — дастлаб Англиядаги католик черковининг бошлиғи, реформадан кейин эса англикан черковининг олий (қиролдан сўнг) амалдори. Унинг резиденцияси Англиянинг жануби-шарқдаги Кентербери шаҳридир.

<sup>4</sup> Тиара — Рим папасининг уч қуббали тожи.



топиш ҳамда христиан расм-русмларига мувофиқ дафн этиш учун,— деди аббат.

— Уларни бориб турган нохристианлик усули билан ўлдирганларидан сўнг,— деганча ичида мингиллади роҳиб, кейин овозини чиқариб қўшиб қўйди:— Сиз, милорд аббат, доимо раҳм-шафқатлисиз, гарчи сизга қулоқ солмаган бўлса-да, олиҳиммат ледига нисбатан бошқача муносабатда бўлиш ҳам мумкин эмас. Энага Эмлин жодугар эди, агар чиндан ҳам у ўлган бўлса, ўзига яраша насибасини олган.

— Нима демоқчисан ўзи?— ўдағайлади аббат.

— Демоқчиманки, у жодугармиди, демак, олов унга тегмаган бўлиши ҳам мумкин.

— У ҳолда, соҳибасини ҳам тангри ўз паноҳида сақлаган бўларди. Лекин бундай бўлиши мумкин эмас. Бу ўчоқнинг аланга оташида фақат иблисгина жон сақлай олади. Қаранглар, ҳатто минора ҳам куйиб, қорайиб кетибди.

— Ҳа, бундай бўлиши мумкин эмас,— деди роҳиб,— шунинг учун ҳам уларни ҳеч қачон тополмай-миз. Яхшиси, ҳайҳотдай ва қоп-қора мзористон устида дуо-ю фотиҳа қилайлиг-у, кетайлик. Қанча тез кетсак, шунча яхши, чунки бу ерга, эҳтимол, арвоҳлар уя қургандир.

— Аввало анови минора остидан уларнинг суякларини қидириб топишимиз керак; ўша ерда уларни сўнгги марта кўргандик,— деди аббат жавобан ва секингина илова қилди:— Эсда тут, биродар, леди Сайселининг бебаҳо тақинчоқлари — унга қолган мероснинг бир қисми бор эди; агар зеб-зийнатлар терига ўралган бўлса, ёнғиндан омон қолган. Шефтонда улар топилмади. Демак, улар шу ерда, лекин қидириб топишни авомга ишониб бўлмайди. Бу ерга келишга шошилганимнинг боиси ҳам шу. Фаҳмландингми?

Роҳиб бош силкиди. Улар отдан тушиб, жиловни хизматкорларга тутқаздилар-да, вайронани кўздан кечира бошладилар.

Улар ёнғиндан омон қолган дарвоза ёнидаги соқчи минораси тагидан ўтиб, ҳовлига кирдилар: уларни бурқсиб тутаётган куюндининг димоқ ёрар аччиқ тутуни ўраб олди ва олдинга илгарилаб боришнинг

иложи қолмади: уй деворлари ичкарига эмас, балки ташқарига — ҳовлига қулаб тушганини унутмаслик лозим. Худди шу ерда улар Кристофер томонидан сўнгги олишувда ўлдирилган ва от ўлиги тагида ётган одамлардан бирининг мурдасини кўриб қолиб, уни олиб кетишни буюрдилар.

Кейин мурдани дарвоза тагида қолдириб, ўз одамлари кузатувида, то уй орқасидаги кичкинагина боғчадан чиқиб қолгунларига қадар вайрона атрофини кўздан кечирдилар.

— Қаранг, — қўрқа-писа деди роҳиб қўли билан жизғанак бўлиб кетган буталарни кўрсатар экан; бир пайтлар у ерда шийпонча бор эди.

Аббат ўша ёққа қаради, лекин, дастлаб, паға-паға тутундан бошқа ҳеч нарсани илғаёлмади. Лаҳза ўтмай шамол тутунни бошқа ёққа олиб кетди ва у қўл ушлашиб турган икки аёл қорасини кўрди. Аббатнинг одамлари ҳам уларни кўришди ва, бу Сайсели билан Эмлининг арвоқлари, деб бақриб юборишди. Улар бақриб-чақираётганларида, бу икки гавда, боягидек қўл ушлашганча, улар томонга кела бошлади. Одамлар ўзларига яқинлашиб келаётганлар чиндан ҳам Сайсели ва Эмли, шу билан бирга уларнинг тирик ҳамда мутлақо соғ-саломат эканликларини кўришди.

Бир дақиқа оғир жимлик чўкди; сўнг аббат сўради:

— Мисс Сайсели, сиз қаердан пайдо бўлиб қолдингиз?

— Ут ичидан, — деди у паст, вазмин овозда.

— Ут ичидан! Шундай оловда қандай тирик қолдингиз?

— Тангри бизни қутқариш учун ўз фариштасини юборди, — деди у яна аввалгидек паст овозда.

— Мўъжиза, — гўлдиради роҳиб, — ҳақиқий мўъжиза!

— Ёки, эҳтимол, Эмли Стоуэрнинг жодугарлигидир, — деб юборди орқада турганлардан кимдир. Бу сўзларни эшитган Мэлдон сесканиб кетди.

— Милорд аббат, ёрим ўлди, деб қалби пора-пора бўлмаслиги учун мени эримнинг олдига олиб боринг.

Яна орага ўлик сукунат чўкди; тушаётган ҳар бир ёмғир томчисининг овозини бемалол эшитса бўларди.

Аббат гапирмоқчи бўлиб икки марта беҳуда оғиз жуфтлади ва, ниҳоят, ҳар қалай, тилга кирди:

— Сен эрим деб атаётган кимса, аслида эринг эмас, балки қиз ўғриси. У Сайсели Фотрел, ўтган кечаси олишувда ҳалок бўлди.

Сайсели унинг сўзларини ўйлаб кўраётгандек, бир дақиқа қимирламай турди. Сўнг яна ўша нотабий овозда деди:

— Алдаяпсиз, милорд аббат. Сиз шайтон отангизга ўхшаб доимо ёлғон гапирасиз. Кристофер йиқилганини ўз кўзим билан кўрган бўлсам ҳам, аслида у тирик — ҳа, мен бунни, яна кўпгина бошқа нарсаларни биламан.— Шундай деб, Сайсели гўё ўз душманининг башарасини кўришни истамагандек, қўллари билан кўзини беркитиб олди.

Аббат даҳшатдан титрарди — ахир ёлғон гапирётганини биларди-да; ён-верида турганлардан ҳеч бири ўша пайтда бунни хаёлига ҳам келтирмаганди. Назарида, бутун сир-асрор фош этиладиган қиёмат юз бергандек туюлди.

— Сенга жин тегибди,— деди у хирллаб.

Сайсели қўлини туширди ва аббатни кўрсатганча, деди:

— Йўқ, йўқ; мен биргина жинни билардим, ўша жин ҳозир рўпарамда турибди.

— Сайсели,— давом этди аббат,— худога шак келтиришни бас қил! Сенга ҳақиқатни айтишим керак. Сэр Кристофер Харфлит ўлди, уни шу гўристонга дафн қилдик.

— Нима?! Олиҳиммат рицарь шундай тез ва ҳатто тобутга солинмай гўрга тиқилдими? Демак, уни тириклайин кўмгансиз. Вақти-соати келиб, у тирик ҳолда сизга қарши курашади. Шундай кун келади. Сўзларимни яхшилаб эшитиб. олинг. Кристофер Харфлит тирик, соғ-саломат пайдо бўлади ва роҳиб либосидаги манови иблисга қарши шоҳидлик беради, кейин, кейин эса...— У телбаларча хахолаб кулди, сўнг тўсатдан шилқ этиб йиқилиб, қимирламай ётиб қолди.

Шунда боядан бери қўлларини бўлиқ сийнаси устида чалиштирганча сукут сақлаб турган, томирида испан ёки, балки, лўли қони жўш ураётганидан бўл-

са керак, қорамағиздан келган гўзал Эмлин эгилиб унга қаради. Кейин қаддини ростлади. Унинг чеҳраси соҳибжамол демон чеҳрасига ўхшарди.

— Сайсели ўлди!— хитоб қилди Эмлин.— Қалдирғочим ўлди. Менинг кўкрак сугимни эмган, томирида шонли рицарлар, ҳатто қадимги қироллар қони оққан, вилоятимизнинг энг машҳур ледиси, Блосхолм, Крануэл ва Шефтон соҳибаси ўлди. Уни қонхўр чет эллик роҳиб ўлдирди. Бу иблис роҳиб атиги ўн кунгина илгари унинг отасини Қирол тепалиги ёнида жонини олганди. О! Унинг бўйнидаги ўқ! Унинг бўйнидаги ўқ! Мен шу ўқни узган қўлларни лаънатлагандим. Мана, бугун ўша қўллар, мурданинг кўкариб кетган қўллари, аллақачон қабрда. Худди шунингдек, Мальдонадо, сени, монастирнинг иблис нозирини, нақ шайтоннинг ўзидан фотиҳа олган зотни ҳамда барча хунрез тўдангни лаънатлайман!— Шундай деб Эмлин аббат жуда яхши тушунадиган испанча қарғишларни пайдар-пай ёғдира кетди.

Эмлин қарғишдан тўхтагач, орқасига, бурқсиб тутаётган вайронга қаради.

— Бу уйга ўт қўйдилар!— ҳайқирди у.— Эмлиннинг сўзларини ёдингда тут: сенинг уйинг ҳам худди шундек ёнади, роҳибларинг эса, ўт кетган ғарамдан чийиллаб қочган каламушлардек, дуч келган томонга ўзини уради. Сен бировнинг ерини эгаллаб олдинг — у сендан тортиб олинади, сенинг хусусий ерларинг ҳам бир акр<sup>1</sup> қолдирмай тортиб олинади. Улигинга бир парча ер буюрмайди, чунки, эй роҳиб, сени кўмишга ҳожат қолмайди: қузғунларга ем бўласан. Қотил, агар Кристофер Харфлит ўлган бўлса, барибир у, рафиқаси қасамёд этганидек, тирилади, чунки унинг насл-насаби сенга қарши бош кўтаради. Э-воҳ! Унутибман; бу қандай бўлиши мумкин, бу қандай бўлиши мумкин, ахир Сайсели ҳам эри билан бирга ҳаётдан кўз юмган, уларнинг оппоқ никоҳ чойшаби эса ёвуз роҳиблар тўқиган кафанга айланганди-ку? Барибир шундай бўлади, ҳа, шундай бўлади! Қай тарзда, буни билмайман, лекин Кристофер

<sup>1</sup> Акр — Англия ва Америкада 4047 кв. метрга тенг бўлган ер ўлчови.

Харфлитнинг насл-насаби исён кўтаради, у Блосхолм аббатлари хўжайинлик қилган ерларда хўжайинлик қилади ва энг сўнгги — инглиз қиролига қарши фитна уюштирган ҳамда ўзини ўзи ҳалок этган испан аббат тўғрисидаги ривоятлар эса отадан ўғилга ўта бошлайди.

Эмлининг ғазаби довулли шамол янглиғ ўз йўналишини ўзгартди. Эмлин аббатни унутиб, ёнида турган роҳибга ўгрилди-да, уни лаънатлади. Кейин шу ерда турган-турмаган ёлланган яроқбардорларнинг кўпларини ном-баном атаб лаънатлади ва, ниҳоят — энг даҳшатли жиноят — папа ҳамда испан қиролига лаънат тошини ёғдирди: арши аълодаги таңгрига ва ердаги қирол Генрихга илтижо қилиб, леди Сайселига нисабатан бўлган ноҳақлик учун, сэр Жон Фотрелнинг ўлими учун ҳамда сэр Кристофер Харфлитнинг ўлими учун қасос олишни, қасос олганда ҳам ҳар бири учун алоҳида ва ҳаммаси учун бир йўла қасос олишни сўради.

Унинг сўзлари шу даражада ғазабли ва даҳшатли эдики, эшитганларнинг ҳаммаси довдираб қолди. Аббат билан роҳиб бир-бирларининг пинжиларига тик қилдилар, навкарлар чўқиниб, дуо ўқишга тушдилар, ҳатто улардан бири Эмлининг олдига югуриб келиб, тиз чўқди-да, сафардан кечагина қайтиб келганини ва фақат бугун эрталабгина бу ерга чақирилганини айтиб, бу ишда мутлақо қатнашмаганлигига уни ишонтира бошлади.

Нафас ростлаш учун бир лаҳзагина жим қолган Эмлин унинг гапини эшитиб бўлгач, шундай деди:

— Унда, Жон Эти, сени ва қариндош-уруғларингни қарғишдан халос қиламан. Энди менинг ледимни кўтар ва уни черковга олиб бор. Гарчи у ўзининг зеб-зийнатлари, ажойиб, бебаҳо зеб-зийнатлари бўлмаса ҳам, мансаб-мартабасига муносиб равишда ўша ерда ётади. Мана шу зеб-зийнатларни деб, қуён овлагандек, унинг пайига тушдилар. Энди эса, у ўзининг қимматбаҳо тақинчоқларисиз, инжу ва тилла қошисиз, узук, тилла камар ва товланувчи дур-марваридсиз ётишга мажбур; марваридни бир замонлар султоннинг хотини таққанди. Бу тақинчоқлар ушбу аянчли ерларнинг ҳаммасидан ҳам минг чандон қим-

мат эди. Улар, гарчи, эҳтимол, аббатнинг қўлига тушган бўлсалар ҳам, энди йўқ. Сэр Жон Фотрел уларни бус-бутун сақлаш учун ўзи билан Лондонга олиб кетганди, бироқ олижаноб сэр Жон ўлди; дарбадар-саёқлар унга ўрмонда ҳужум қилдилар ва орқадан узилган ўқ унинг бўйнидан тешиб ўтди. Уни кимлар ўлдирган бўлса, бу бебаҳо зеб-зийнатлар ўшаларнинг қўлида кетди, ўлик қайлиғ эса энди уларсиз, фақат, худо томонидан берилган ўз гўзаллиги билан ётиши керак. Жон Эти, кўтар уни, сиз эса, ҳой роҳиблар, дафн қўшиқларингизни бошлайверинг, биз черковга борамиз. Бир неча кун аввал меҳроб олдида турган қайлиғ, энди унинг олдида, тангри йўлига Клемент Мальдонадодан сўнгги қурбон сифатида ётади. Аввал ота, кейин эр, энди эса хотин — сеvimли, ёш хотин ўлди!

У тобора авжга чиқар, бошқалар эса момақалди-роқдан чўчигандек, қаққайиб туришар экан, Жон Эти Сайселини кўтарди. Ҳамма ўлдига чиқарган Сайсели бирдан кўзини очди, Жон Этининг қўлидан юлқиниб чиқди ва оёққа турди.

— Қаранглар,— қичқириб юборди Эмлин,— сизларга айтмадимми, сизларнинг авлод-аждодларингиздан қасос олиш учун Харфлитнинг насл-насаби яшаши керак деб? Мана, унинг оиласини сақлаб қолувчи балогардон ўрнидан турди. Бутун Англия бу воқеадан хабардор бўлгунча, энди биз қаердан ҳам бошпана топдик? Крануэл, гарчи қайтадан тикланса-да, вайрон қилинган, Шефтонни эса душман эгаллаб олган. Қаерга ҳам борамиз энди?

— Бу хотинни олиб кетинг,— деди аббат хирилдоқ овоз билан,— унинг жодулари ҳавони булғатапти. Леди Сайселини отга ўтқаздириб, Блосхолм аёллар монастирига олиб боринг. Унга ўша ерда ғамхўрлик қилишади.

Одамлар, унчалик журъат қилмасалар-да, унинг буйруғини бажариш учун олдинга қараб юрдилар. Бироқ, аббатнинг сўзларини эшитган Эмлин унинг олдига югуриб келди-да, қулоғига бегона тилда ниманидир шивирлади; аббат ундан ўзини четга тортди ва чўқиниб олди.

— Мен фикримни ўзгартирдим, — деди у хизмат-

корларига.— Миссис Эмлин ледига унинг онаси ўрнига, ўз кўкрагини бериб боққанини менга эслатди. Ҳозирча улар бирга бўлишлари лозим. Икковини ҳам монастырга олиб боринг, улар ўша ерда яшайдилар. Бу хотиннинг сўзларини эса эсдан чиқаринг, чунки у қўрқув ва ғам-аламдан ақлдан озиб, нима деяётганини ўзи ҳам билгани йўқ. Мен уни кечирдим. Тангри ва авлиё-ю анбиёлар ҳам уни кечиргай.

## VII боб

### *Аббатнинг таклифи*

Блосхолм аёллар монастырида — тепалик панасига жойлашган ва баланд девор билан ўраб олинган кул ранг узун уйда — осуда ҳаёт ҳукм суларди. Девор ортида, уй олдида кенг-мўлгина, бироқ анча хароблашиб қолган боғ ва емирила бошлаган бўлса-да, ҳали ҳам чиройли кичкина бутхонача бор эди.

Аббатликдан илгари бунёд этилган Блосхолм аёллар монастыри бир замонлар бою-бадавлат ва машҳур бўлган Эдуард I замонасида Плантагенетлар<sup>1</sup> авлодидан бўлган ва эри салбчилар юришида ўлдирилгач, бола-чақа орттирмай тарки дунё қилган леди Матильда деган аёл монастырга асос солган ҳамда ўзининг бутун ер-мулкини унга ҳадя этган. Уни бу ерга кузатиб келган ёки кейинчалик шу ердан бошпана топган бошқа аслзода аёллар ҳам худди шу йўсинда иш тутганлар. Шу сабабли монастыр қудратли ва бадавлат бўлган, гуллаб-яшнаган даврида унинг деворлари ичида йигирмадан ортиқ роҳиба тоат-ибодат қилиб, тангрига илтижо қилган.

Кейинчалик қаршидаги тепаликда қирол ёрлиғини олган, папа тасдиқлаган салобатли аббатлик қад кўтарди. Блосхолм монастыри Блосхолм аббатлигига қўшиб юборилди ва унинг барча роҳибалари Блосхолм аббати измига ўтди. Ана шу пайтдан бош-

---

<sup>1</sup> Плантагенетлар — Англияда 1154 йилдан 1399 йилгача ҳукмронлик қилган инглиз қироллари сулоласи.

лаб, монастырь бойлиги асфаласофилинга кета бошлади, чунки аббатлар ўз хусусий мулкларини кўпайтириш мақсадида минг хил важ-корсон билан унинг ерларини парча-пурча қилиб, ўзлаштириб олардилар.

Бизнинг қиссамиз бошланаётган кунга келганда эса, аёллар монастрининг бир йиллик даромади ўша пайтдаги пулда 130 фунтга тушиб қолганди. Яна бу пулдан аббат черковга бериладиган назр-ниёзни ундириб оларди.

Бир вақтлар ғоят гавжум бўлган бу ҳайҳотдай уйда энди бор-йўғи олти роҳиба истиқомат қилар, улардан бири аслида хизматкор эди. Аббатликдан бўлган кекса роҳиб эса бу роҳибаларгача қазо қилганларнинг жасади ётган кичкинагина хушсурат бутхоначада дуохонлик вазифасини адо этарди. Баъзи байрамларда аббатнинг ўзи иштирок этар, роҳибаларни гуноҳдан ҳоли этиб, уларни тавба-газарру қилдирар ва ўзининг муқаддас оқ фотиҳасини берарди. Бундай кунларда у монастырь ҳисоб-китобини кўздан кечирар, агар нақдина пул бўлса, унинг бир қисмини ўз эҳтиёжи учун олар, шу сабабли монастырь нозираси унинг қадам ранжида қилишини хуш кўрмасди.

Катта ёнғиннинг эртаси кuni эрталаб, ақл-ҳушини йўқотган Сайсели ва унинг оқсочи Эмлин худди мана шў қадимий ва сокин уйга жўнатилди. Сайсели илгарилари ҳам бу ерни яхши биларди, чунки у болалигидаёқ уч йил мобайнида ҳар кuni шу ерга қатнаган — Матильда онадан таълим олганди; бу номни ҳар бир нозира монастырь асосчисининг ҳурмати учун ва унинг васиятига биноан оларди.

Ўша йиллари у қандай бахтли эди; ёш ва норасида гўдаклигида қари роҳибалар уни яхши кўрардилар, қизча ҳам уларнинг ҳар бирига меҳр қўйганди. Энди тақдир тақозоси билан уни ўзи ўйнаган, ўқиган, ўша сокин хонага — ёш жувон ва ўн гулидан бири очилмаган бевани қайтадан олиб келдилар.

Бечора Сайсели фақат уч ҳафтадан сўнгигина, эс-ҳуши ўзига келиб, кўзлари ёруғ жаҳонни яна кўра бошлагандагина буларнинг ҳаммасини тўла-тўқис билди. Ўша дақиқада унинг ёнида ҳеч ким йўқ эди; ётган жойида ён-верига кўз ташлади. Жой унга та-



ниш эди. У катта деразани, қассоб пичоғини Исоқнинг бўғзига қўяётган Иброҳим ҳамда улкан зоғорабалиқ оғзидан кўзларини ола-кула қилганча отилиб чиқиб (содда рассом ўз «наҳанги» учун андозани қозондан топганди), оиласи интизор бўлиб турган ўз қасрининг нақ дарвозаси олдига тушиб қолувчи Иона тасвирланган, ранги оқариб кетган гиламларни таниди. Ҳа, у бу ғалати расмларни хотирлади, қаттиқ жароҳатланган Исоқ омон қоладими, йўқми, қучоқ очиб турган Ионанинг хотини «наҳанг» оғзидан отилиб чиқаётган эрини кўргач, ногаҳоний ҳаяжондан ўзини йўқотиб қўймасмикин, деб тез-тез хаёлга ботганларини хотирлади.

Шу ернинг ўзида ҳашаматли тош камин ҳам бор эди. Унинг устида, эмандан моҳирона ишланган зарҳалли рамкада герблари бўлган кўпдан-кўп қалқонлар ярқираб турарди, аммо дубулғалар йўқ эди, чунки бу қалқонлар турли олий табақалардан чиққан нозираларга тегишли эди.

Ҳа, чиндан ҳам бу катта хона Блосхолм монастири меҳмонларига мўлжалланганди. Ҳозир эса роҳибалар ҳузурига онда-сондагина меҳмон келар, уларни жойлаштириш учун бўш хоналар ошиб-тошиб ётарди. Шу сабабли бу хона олий даражадаги хона сифатида унга, сер Жон Фотрелнинг меросхўрига берилганди. Эшик очилиб, Матильда она, унинг орқасидан буғ чиқиб турган кумуш товоқли патнис кўтарган Эмлин кўринди: шунга қадар Сайсели кўкка боққанча, яна бола, бахтиёр, ғам-ташвишсиз бола бўлиб қолдимми ёки, эҳтимол, туш кўраётгандирман деб ўйлаб ётганди.

Ҳа, кириб келган Матильда она эди. Роҳибаларнинг қора кўйлагини кийиб, бошига оқ рўмол танғиган, кўксига вазифасининг тимсоли бўлмиш кумуш хоч осиб, қўлига муқаддас Екатеринбургнинг чархда азобланаётган пайти тасвирланган катта зумрад кўзли олтин узук тақиб олганди у. Бу қадимий узукни монастирь барпо этилгандан буён ҳар бир нозира тақарди.

Сайсели болалигида ўрганиб қолгандек, таъзим қилгани ўрнидан туришга интилди, аммо шу заҳотиёқ, бундай қилишга мадори етмаслигини сезди ва,

эвоҳ, яна боши ёстиққа шилқ этиб тушди. Эмлини, патнисни тарақлатиб столга қўйганча, дарҳол Сайселининг олдига югурди, уни бағрига босиб, жудаям юмшоқ овозда бўлса-да, ўз одатича койиди; Матильда она эса, каравот ёнида тиз чўкиб. Исо ва барча авлиёларга шукрона ўқиди; Сайсели дастлаб онанинг нима учун шукрона ўқиётганини англамади.

— Наҳотки мен касал бўлсам, онажон?— сўради у.

— Энди соппа-соғсан, қизгинам, лекин жудаям қаттиқ оғригандинг,— жавоб берди нозира ёқимли паст овозда.— Энди биз, сени яратганнинг ўзи паноҳида сақлаб қолди, деб ўйлаймиз.

— Бу ерга келганимга қанча бўлди?— сўради у.

Нозира ҳар кунга биттадан ташлаб, тасбеҳ доналарини санашга тушди — чунки бундай жойларда вақтнинг ўтгани сезилмайди,— лекин у ҳисоблаб чиққунича бўлмай, Эмлини дарҳол жавоб қайтарди:

— Крануэл Тауэрс ёниб кетганига кеча кечқурун уч ҳафта бўлди.

Шундагина Сайсели ўтган воқеаларни эслади ва инграб, девор томонга ўгирилиб олди. Нозира, сен уни тамом қилдинг деб, Эмлинига таъна қила бошлади.

— Буни хаёлимга ҳам келтирмайман,— деди жавобан энага паст овозда.— Ўйлайманки, уни ўлишига асло йўл қўймайдиган бир нарса бор.— Уша пайтда нозира бу сўзларнинг маъносини чақиб кўрмаганди.

Эмлини ҳақ бўлиб чиқди. Сайсели ўлмади. Аксинча, у соғайиб, яхши бўлиб кетди. Тўғри, унинг эсҳуши ўзига келгунча анча вақт ўтди. Зотан у ўзининг қоп-қора мотам либосида уйда шарпадек кезиб юрарди. Кристофер ўлганига ва ўзи бор-йўғи бир ҳафтагина унинг хотини бўлганига, энди эса, етим қолгани каби, бева қолганига ҳам шубҳаланмасди.

Бу таг-тубсиз дилхасталик уни тарк этди; мавж уравериб ҳолдан тойган денгиз узра ярим кечадан чарақлаб чиққан ойдек, унинг зимистон қалбида умид чироғи ёнди. Энди у якка-ёлғиз эмасди; ўлдирилган Кристофер унга ўз пушти камарини қолдирганди. Агар у соғайиб кетса, фарзанд кўради, шунинг учун ҳам, албатта, соғайиши шарт. Бир куни оқшом

пайти, тиз чўкиб тоат-ибодат қилинаётганда, у ўз сирини шивирлаб нозира Матильдага очди. Кекса роҳиба бундан ёш қизчадек қип-қизариб кетди, лекин ичида тавба қилиб, ўзининг нозик қўлини меҳрибонлик билан унинг бошига қўйди.

— Қизим, қалбингга ёққан кишига турмушга чиққан ва тангри меҳроби олдида ҳамда черков қавмлари шоҳидлигида мартабали руҳоний томонидан никоҳланган бўлсанг ҳам нима учунлигини билмайман, лорд аббат сенинг никоҳингни ғайри қонуний деяпти.

— У нима деса деяверсин, менга барибир,— деди Сайсели қайсарлик билан.— Агар мен қонуний хотин бўлмасам, унда, демак, ҳеч қачон ҳеч бир аёл қонуний хотин бўлмаган.

— Жон қизим,— деди Матильда она,— шак-шубҳасиз тангрининг ўзи кўнглига илҳом берувчи авлиё аббатнинг донолиги тўғрисида баҳслашиш биздек хотинларнинг иши эмас.

— У илҳомни кимдан олса олар-у, аммо тангридан эмас, онажон. Наҳотки, тангрию авлиё-анбиёлар аббат менинг меросимни тортиб олиши учун ёки мени бу ерда тутқинликда — тўғри, унчалик қийноқда эмас — сақлаши учун унга отамни ва эримни ўлдиришни буюрган бўлсалар? Тангри ҳеч қачон бундай илҳом юбормас.

— Секинроқ, секинроқ,— деди нозира қўрқа-писа ён-верига қараб.— Ғам-андух сени ақлдан оздирибди. Бундан ташқари, сенинг далилларинг йўқ. Ақлзаковатимиз етмайдиган нарсалар бу дунёда тўлиб-тошиб ётибди. Гарчи унинг қилмиши биз учун ноҳақдек туюлса-да, барибир у аббат, аббат эса ноҳақ иш қилмайди. Кел, бу ҳақда бошқа гаплашмаймиз; ҳамма гапни, менга айтишларича, аббатни энг даҳшатли қарғишлар билан лаънатлашдан қўрқмаган сенинг заҳар тилли Эмлинингдан билиб олганман. Сенга айтмоқчийдим, қонун қандай бўлишидан қатъи назар, сенинг никоҳингни ҳақиқий ва қонуний, унинг оқибатини эса, агар ёруғ дунёга келгудек бўлса, пок ва бадном қилинмаган деб ҳисоблайман, сенинг зурриётинг келгусида само марҳаматига сазовор бўлиши учун ҳар куни кечаси тоат-ибодат қиламан.

— Миннатдорман, онажонгинам,— деди Сайсели ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетаркан.

У кетгач, нозира ҳам ўрнидан турди ва шу суҳбат бўлиб ўтган емакхонада ташвишланганча у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Уни шубҳалар азобларди: агар буларнинг ҳаммаси бўҳтон бўлмаса (ахир ҳаммаси бўҳтон бўлиши мумкин эмас-ку), демак, у, инглиз аёли ҳеч қачон чин кўнгилдан ишонмаган аббат — авлиё эмас, балки мурдор муттаҳам экан-да? Лекин аббат қандай қилиб муттаҳам бўлиши мумкин? Бунинг қандайдир сабаби бўлиши керак, лекин у нимагадир буни тополмаяпти.

Янгилик тезда бутун монастирга ёйилди. Илгари ҳамширалар Сайселини бир карра яхши кўрган бўлсалар, энди уни икки ҳисса афзалроқ яхши кўриб қолдилар. Никоҳи қонунийлиги ҳақидаги шубҳаларга улар ҳам, монастирь нозираси каби, ҳеч қандай эътибор бермадилар; ахир никоҳ черковда ўқилган эмасми? Лекин, энг муҳими, уларнинг монастирида фарзанд туғилиши керак — оҳ, бу севинчли воқеа бўлганда ҳам икки юз йил мобайнида юз бермаган воқеа эди; ўшанда — бундан икки юз йил муқаддам эса, э воҳ! (афсона ва битикларда шундай дейилган) — фақат шивирлаб гапириладиган даҳшатли жанжал бўлиб ўтганди. Негаки — буни ҳамма билсин! — уларнинг монастири (бошқаларга бу эрга тушиш насиб қилмасин) ёмон отликқа чиқариш мумкин бўлмаган жойлардан бири.

Қора кўйлакка ўралган бу кекса роҳибалар, ҳар ҳолда ўз туққан оналари каби аёлликларича қолишганди, чақалоқ тўғрисидаги янгилик уларнинг юракларини ларзага келтирганди. Дам олиш соатларида улар ўзаро фақат шу тўғрисидагина гаплашишар, ҳатто тоат-ибодатларининг кўпчилик қисми ҳам ўшанга бағишланарди. Паст табақадан бўлганлиги учун доимо ола қараб келинган мискина, ақли ноқис қари ҳамшира Брижет эндиликда жуда ҳам машҳур бўлиб кетди. Чунки у ёшлигида турмушга чиқиб, икки фарзанд кўрганди; бева қолгач, иккала фарзанди ҳам қора чечакдан ўлган, ўзининг юзи эса, шу касалликдан чўтир бўлиб қолганди; қўшнилари тасдиқлаганидек, бошқа эрга тегишга умиди йўқлигиданми, ёинки,

ўзининг айтишича, қалби садпора бўлганиданми, ҳар қалай у роҳибаликни қабул қилганди.

Эндиликда Брижет ўзини Сайселининг асосий ёрдамчиси деб ҳисоблар ва леди мутлақо соғ-саломат бўлишига қарамай, ўз маслаҳатлари ҳамда шахсан ўзи тайёрлаган аччиқ суюқ дорилари билан жувонни ҳоли-жонига қўймасди. Бу ҳол то Эмлин кампир Брижетнинг устига бўрондек бостириб бориб, уни хонадан қувиб чиқариб, бутун дори-дармонларини деразадан улоқтириб юбормагунча давом этди.

Ҳамширалар жуда ҳам оддий саволлар бериб қизиқаётганларининг ҳеч ажабланарли жойи йўқ эди; шу пайтгача улар тарки дунё қилиб яшаганликларини, улар орасида Сайсели пайдо бўлгандан бери бу ҳаёт тарзи ўн карра чекланиб қолганини тасаввур қилиб кўриш лозим. Кўп ўтмай улар Сайсели ва оқсоч Эмлин Стоуэр бу ерда аслида тутқинликда эканликларини билиб олишди; бу эса уларнинг ўзлари — мезбонлар ҳам тутқинда эканликларини билдирарди. Уларни тавба-тазарру қилдирадиган ҳамда дуохонлик хизматини ўтовчи индамас роҳибдан бошқа ҳеч ким монастырга киритилмас ва аббатнинг буйруғига биноан ҳақ қандай сабабли важи бўлса ҳам, ҳамшираларга монастырдан ташқарига чиқишга рухсат этилмасди.

Ташқи дунё — монастырь девори орқасида яшовчилар тўғрисидаги унча-мунча гап-сўзларни бадқовоқ кар боғбондан эшитиб қолардилар; у бу вазифага роҳибаларнинг кетидан айғоқчилик қилиш учун тайинланганди. Худди шу даврда барча черков муассасаларига, жумладан, айнан ушбу монастырга тааллуқли масалалар — бундан роҳибаларнинг хабарлариям йўқ эди — билан банд бўлган ташқи дунё учун улар деярли ўлгандилар.

Ниҳоят, илиқ июнь кунларининг бирида Сайсели билан Эмлин боғдаги чамандек гуллаган дўлана тагида ўтиргандарида, ҳамшира Брижет ҳовлиққанича ёнларига келди-да, улар билан Блосхолм аббати учрашиш ниятида эканлигини айтди. Бу хабардан Сайселининг кўнгли ғашланди, Эмлин эса, ушбу ном менинг бекамга жудаям ёқади, деб ўйлаб нақ унинг кўлоғи остига келиб шанғиллаганингдан, қолган-қутган

ақлингдан ҳам маҳрум бўлганга ўхшайсан-а, деганча, Брижетни қойишга тушди.

Нима гаплигига ақли етмаган ва Эмлиң дори-дармонларини деразадан улоқтириб юборгандан бери ундан ўлгудек қўрқиб қолган шўрлик кампир ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмаганлигини айтиб, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлай бошлади. Эс-ҳушини йиғиб олган Сайсели уни юпатди ва лорд нозирга, ҳузурига ҳозир етиб боришини айтиб қўйиши учун уни жўнатиб юборди.

— Бекам, сен ундан қўрқасанми?— сўради Эмлиң йўлга тушиш олдидан.

— Қўрқаман, энага. Ундан қўрқиш керак, ўзининг қандай даҳшатли одам эканини кўрсатди-ку, тўғри-ми? Отам билан эрим унинг чангалига тушишди. У ўз ҳовузчасидаги — ҳаддан ташқари тор ҳовузчадаги сўнгги балиққа раҳм-шафқат қилармиди?— Шундай деб у атрофидаги баланд деворларга қараб қўйди.— Бизни сендан жудо қилмасайди, деб қўрқаман ва шу пайтгача бундай қилмаганига ажабланаман ҳам.

— Гап бундай. Менинг отам испан, мен ундан аббатни барча дўстлари — папа ва император билан биргаликда ҳалок этадиган бир сирни билиб олганман. Бундан ташқари, у мени кўзи ёмон деб ишонди, лаънатлашимдан қўрқди. Шундай бўлса-да, вақти-соати келиб, у мени гумдон қилишга уриниб кўриши мумкин — яна ким билади дейсан? У чоғда бебаҳо зеб-зийнатлар сирини ўзим билан олиб кетаман, чунки бу сир фақат менгагина маълум; ҳатто сенга ҳам маълум эмас, борди-ю, сен хабардор бўлгудек бўлсанг, улар буни сендан осонгина билиб оладилар. У сени роҳибага айлантирмоқчи, сен буни рад эт, фақат қўполлик қилма. Бу тўғрида бола туғилгандан кейин ўйлаб кўраман дегин. Ушангача унинг кўлидан ҳеч нарса келмайди, агар Матильда она айтган охириги хабарлар рост бўлса, у пайтгача эҳтимол, Англияда биронта ҳам роҳиба қолмайди.

Меҳмонлар келганда ёки бошқа тантанали йиғилишлар пайтидагина фойдаланилувчи кўҳна қабул залига улар ён эшикдан оёқ учида кириб бордилар, шу сабабли эшикни очганлари замоноқ ўзларига яқин

қатсиз, ҳамма ёқда исён васвасаси, ўрмонларда, йўлларда эса сон-саноксиз аламзада кишилар дайдиб юрибди. Йўқ, йўқ, хавф-хатардан холи бўлишинг учун шу ерда қолатур, токи...

— Токи сиз жонимни олмагунигизча. О! Сизнинг фикр-зикрингиз шу. Милорд аббат, билиб қўйинг, тангридан мен мадад тилаганман. Пешанам қанчалик шўр бўлмасин, ўлим менга қанчалик яқиндан даҳшат солмасин, мен сиздан қўрқмайман — на мен, на болам сиздан қўрқамиз, негаки, тангри сизнинг бошингизга тушадиган тошни аллақачон тайёрлаб қўйган. Бу тош болтага ўхшайди.

Шунда қари монастирь нозираси қўлларини кўкка кўтарганча, қўрқувдан оғзини очганча анграйиб қолди, аббат бўлса ғазабдан сапчиб туриб кетди; эҳтимол, қўрқиб кетгандир?

— Сен ўзингни бузуқи деб атадинг, — деб ҳайқирди у, — мен сени, бунга қўшимча қилиб, жодугар ҳам деб атайман. Агар сен шу топгача марҳаматга сазовор бўлиб турган бўлсанг, энди жодугар сифатида гулханда ёнишинг лозим. Матильда она, ичган қасамингиз ҳақи, буураман, бу жодугарни яхшилаб қўриқланг ва унинг сеҳргарликларидан мени хабардор қилиб туринг. Бундай махлуқнинг дуч келган жойда юриши ва бегуноҳларга бахтсизлик келтириши ярамайди. Жодугар ва суюқоёқ, ўз хонангга йўқол.

Сайсели қулоқ солиб турди, кейин нафратланиб кулиб юборди-да, орқасига ўгирилиб, ташқарига чиқди, унинг орқасидан эса монастирь нозираси кетди.

Бироқ Эмлин жойидан қўзғалмади. У қолди. Унинг қорачадан келган чиройли юзида табассум жилва қиларди.

— Қўрғошин қўйилган соққани отсангиз ҳам, бахтингиз очилмади, — деди у қўрқмасдан.

Аббат унга ҳақорат сўзларини пайдар-пай ёғдирди.

— Эй хотин, — деди Мэлдон, — агар у жодугар бўлса, сен йўлдан оздирувчи шайтонсан. У қутулиб кетган тақдирда ҳам, сен муқаррар ўтда ёнасан. Уни иблис билан ош-қатиқ бўлишга сен ўргатгансан.

— У ҳолда мени тирик қолдирганингиз маъқул, милорд аббат; унга иблиснинг танобини қандай қилиб тартиб қўйишни ўргатаман. Йўқ, мени қўрқит-

манг: қийноқ исканжасида унча-мунча гапни гапириб юборишим мумкин, самовот қушлари эса нима десам, ўшани бутун дунёга ёяди-я.

Аббатнинг ранги оқариб кетди; кейин тўсатдан сўраб қолди:

— Зеб-зийнатлар қаерда? Улар менга зарур. Ушаларни берсанг, ўзинг озод бўласан, балки анави лаънати беканг ҳам халос бўлар.

— Сизга айтгандим-ку,— деди Эмлин,— Сэр Жон уларни Лондонга олиб кетганди. Агар ёнидан топилмаган бўлса, демак, ё у ташлаб юборган, ёки Жефри Стоукс олиб қочган. Ботқоқни изланг, ўрмонни қидиринг, Жефрини топиб, ўшандан сўранг.

— Елғон гапиряпсан, заифа! Беканг билан Шефтондан қочаётган пайтларингда, хизматкор сенинг қўлингда қутича кўрган.

— Тўғри, милорд аббат, лекин тақинчоқлар унда йўқ эди; унда бекамнинг фақат севги хатлари бор эди, хатларни эса қолдиргиси келмади.

— Унда қутича қани, қани ўша хатлар?

— Қамал пайтида ўтин тугаб қолди, кейин унисини ҳам, бунисини ҳам ёқиб юбордик. Эри ёнида бўлгач, хотинга унинг хатлари керакмас. Мальдонадо,— у маънодор қилиб қўшиб қўйди,— эски хатларни сақлаш ҳамиша ҳам оқилона иш бўлавермайди, ахир буни ўзингиз жуда яхши билсангиз керак. Мен, ўзим кўрган ва ёқилмай қолган баъзи бир хатларга нима беришингизни билмоқчийдим!

— Иблисдан тарқалган лаънати,— ўшқирди аббат,— мени мазах қилишга қандай ҳадинг сизгапти? Сайсели Кристоферга никоҳланаётганда ўша дуру гавҳарларни таққан экан-ку. Буни мен келинни бўйнида марварид, қулоғида гул гунчасига ўхшаш бебаҳо дур билан кўрганлардан эшитдим.

— У-ҳў! У-ҳў!— деди Эмлин.— Демак, унинг никоҳланганини тан оляпсиз, шундайми, ҳозиргина уни — бегуноҳ маъсумани ўз оғзингиз билан суюқоёқ деб ҳақоратлаётган эдингиз-ку! Майли, милорд аббат, бир-биримизни энди алдаб ўтирмайлик: тўғри, у зеб-зийнатларини таққанди. Жефри сизга чиқарилажак ўлим ҳукномасидан бўлак нарсани олиб кетгани йўқ.



— Бўлмаса улар қаерда?— сўради аббат столга мушглаб.

— Қаерда? О, улар сиз ҳеч қачон тополмайдиган жойда — ёнғин қутурган дамда осмону фалакка учиб кетди. Бизни талашларидан қўрқиб ва кейинчалик яна қайтиб келишга умид қилиб, уларни Сайселининг хонаси деворидаги махсус қутига яшириб қўйгандим. Боринг, қулини йиғиб олинг; сиз, эҳтимол, ёрилиб дарз кетган битта-яримта гавҳарни топарсиз, лекин дурлардан умид қилманг: улар ёнғинда кукунга айланиб кетади. Мана, ниҳоят, ҳақиқатни ҳам билдингиз, у сизга кўпдан-кўп фойда келтиради.

Аббат инграб юборди. Аксари испанлар сингари у ҳам бирпасда лов этиб қизишиб кетар ва ўзини қўлга ололмай қоларди; юрагига йиғилган бутун зардобу ҳасрати сиртига вулқондай тошиб чиқди.

Эмлиң уни калака қилди.

— Кўрдингизми, бу дунёда оқил ва қудратли зотлар ҳатто ўзини-ўзи алдаб қўяди. Клемент Мальдонадо, сизни қарийб йигирма йилдан бери биламан. Мени Блосхолм гўзали деб аташган ва сизнинг ўтмишдошингиз бўлмиш кекса аббат мени черков васийлигига олган пайтларда, сиз бугунгидай ҳақоратлаш ўрнига, менга дилкаш сўзларни топиб айтардингиз. Ҳолбуки, ўшанда ҳам доимо сизни кўрарга кўзим йўқ эди — ахир отамни сиз заҳарлаб ўлдиргансиз-ку. Ҳа, мартабангиз ошишини кузатиб бордим, сизнинг инқирозингизни ҳам кўриб турибман. Қалбингиз, орзу-умидларингиз менга маълум. Пул — сизнинг фикри-ёдингиз мана шу. Усиз ўз мақсадингизга эришолмайсиз. Сизга, ҳозирги пайтда нархи арзон ва ҳадемай қийматини йўқотадиган Шефтон ерлари эмас, қимматбаҳо зеб-зийнатлар зарур. Ҳа, пушти ранг гавҳарлардан биттасига, агар уни яҳудийларга пулланса уч қавмни — одамларни уй-пуйлари билан сотиб олишингиз мумкин эди. Мана шу бебаҳо тақинчоқларни деб бировларни ўлдирдингиз, бошқаларнинг шўрини қуритдингиз, ўз виждони-руҳиянгни эса барбод қилдингиз. Агар сиз тadbирли бўлганингизда ва мен билан маслаҳатлашганингизда, бу бебаҳо тақинчоқларнинг ҳаммаси ёки ҳеч бўлмаганда бир қисми қўлингизга ўтган бўларди. Сэр Жон аҳмоқ эмасди. У

черков билан бўлган мурасисиз адоватни тўхтатиш ва ўзи ҳамда қизининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун гавҳарларидан битта ёки иккитасидан бажонудил воз кечарди; уларнинг қанчага баҳоланишини ўзи ҳам билмасди. Энди бўлса, уларни кўр бўлиб, телбаларча ёқиб юбордингиз — қиролни, аниқроғи, уни тахтидан ағдара оладиган одамларни сотиб олиш мумкин бўлган бебаҳо бойликни ёқиб юбордингиз. О! Агар сиз буни илгарироқ фаҳмлаганингизда эди, Крануэл Тауэрс деворларига машъала олиб борган қўлларингизни чопиб ташлармидингиз, чунки энди сизга олтинлар етишмаяпти, барча буюк режаларингиз барбод бўляпти ва улар, худди бизни Крануэлда кўймоқчи бўлганингиздек, устингизга ағдарилиб, ўзингизни кўмиб юборади.

Бу узундан-узоқ ва аччиқ гапларни сабр-тоқат билан тинглаган аббат, зорланишга ўтди.

— Сен оқила хотинсан,— деди у.— Биз бир-биримизга тушунамиз, чунки қонимиз бир. Гап нимадалиги сенга маълум; менга нима маслаҳат бера оласан?

— Ўз гуноҳларингиз туфайли ҳалокатга эртароқ гирифторм бўлмаслик учун битта маслаҳат бераман. Сизга чин юракдан маслаҳатим — шу. Леди Сайселини озод қилинг, ерларини қайтариб беринг, жиноятларингизга иқрор бўлинг. Кромвелл сиздан юз ўғирмасдан, Генрихга эса ҳаммаси ипидан-игнасигача маълум бўлмасдан илгарироқ қиролликдан чиқиб кетинг, кучингиз етганча олтин тўплаб, ҳаммасини олинг-у, бу ердан жўнаб қолинг. Гренададан ёинки бошқа бирор жойдан — фақат, ўзингизга маълум бўлган сабаб туфайли Севилья яқинидан эмас — сизга епархия<sup>1</sup> бериши учун император Карлнинг пинжиги киринг. У ерда иззат-ҳурматда яшайсиз ва бир пайти келиб, вафотингиздан сўнг талай йиллар ўтгач, кўп нарсалар унутилгач, сизни, балки, блосхолмлик авлиё Клемент деб муқаддаслаштиришар.

Аббат хаёлга толганча унга тикилди.

— Агар мен кексайган чоғимда фақат ўз тиңчимни

---

<sup>1</sup> Е п а р х и я — епископ томонидан бошқариладиган катта область.

кўзлаганимда эди, маслаҳатинг менга асқотарди, лекин мен дов тикиб ўйнаяпман...

— Бошингизни ютқизиб қўйишингиз мумкин, — унинг гапини бўлди Эмлин.

— Унчалик эмас, эй аёл, чунки бу бош ҳар қандай ҳолда ҳам ўйинни ютади. Агар у танамдан ажратилмаса, архиепископ митрасини<sup>1</sup> ёки қардинал қалпоғини, эҳтимол, янада улугвор тиарани кияр; борди-ю, у учиб кетса, унда — жафокашнинг самовий тожига муяссар бўлади!

— Сизнинг бошингиз-а? Сизнинг бошингиз-а? — хитоб қилди Эмлин нафратомуз куларкан.

— Нима учун бўлиши мумкин эмас экан? — деди аббат қовоғини осилтириб. — Сен ёшликдаги баъзи бир хатоларимни билишга муваффақ бўлгансан, лекин улар учун мен аллақачонлар тавба-тазарру қилганман ва бу гуноҳлардан бутунлай покланганман... — шундай деб аббат чўқинди. — Агар шундай бўлмаганда эди, дўзах азобидан ким ҳам қочиб қутула оларди?

Боядан бери тик турган Эмлин ўтирди ва тирсагини столга қўйиб, иягини қўлларига тираб олди.

— Тўғри, — деди у аббатнинг кўзига қараб туриб, — бизнинг ҳеч биримиз ҳам у азобдан қочиб қутула олмасдик. Лекин, Клемент Мэлдон, сиз иқроор бўлмаган ва етуклик даврингизда қилган гуноҳларингиз хусусида нима дейсиз? Масалан, сэр Жон Фотрел, масалан, сэр Кристофер Харфлит, масалан, леди Сайсели хусусида; ёвуз хоинлик ва яна баъзи бир нарсалар тўғрисида гапиришнинг эса ҳожати ҳам йўқ.

— Бу айбларнинг ҳаммаси тўғри бўлган тақдирда ҳам, рад этаман, булар гуноҳ эмас — ахир буларнинг барчасини бирга олганда ҳам, айрим-айрим ҳолда ҳам ўзим учун эмас, балки черков учун, унинг душманларини хор-зор этиш, унинг емирила бошлаган деворларини қайта тиклаш, уни ушбу қиролликда абадул-абадга мустаҳкамлаш учун амалга оширганман.

— Ва ўзингизни юксакларга, энг баланд черков

---

<sup>1</sup> Митра — православ олий руҳонийларининг бош кийими.

минораси тепасига кўтариш учун, Клемент Мэлдон; ана ўша ердан иблис сизга бутун ер юзи подшоҳликларини кўрсатади, улар сизники бўлади, деб қасам ичиб ваъда беради.

Чамаси, аббат дадил айтилган сўзлардан ранжи-мади; Эмлини моҳирона тасвирлаган манзара унга маъқул тушганга ўхшарди. У Эмлининг гапини му-лойимгина тузатиб деди:

— Иблис эмас, тангри — иблиснинг ҳукмдори.— Мэлдон бир дақиқа жим қолди, кейин эшиклар берк ва бу ерда ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун хонага кўз югуртириб чиқди-да, давом этди:— Эмлини Стоуэр, сен мен билган аёллар-нинг ҳаммасидан ҳам ақлли ва жасурисан. Сен ҳаёт нималигини ва унинг сирларини, бидъатчи аҳмоқлар сени нима учун жодугар, мен эса пайғамбар ёки ба-шоратчи деб ҳисоблашимни биласан. Ўйлашимча, бу-ларнинг ҳаммаси сенинг қонингга боғлиқ, ахир онанг лўли қабиласидан, отанг эса олий табақали испан дворяни, жуда ҳам билимдон ва ақлли, бироқ қабих бидъатчи эди, шу туфайли жонини сақлаб қолиш учун Испаниядан жуфтак рўстлаб қолишига тўғри келди.

— Жудаям антиқа шароитда Англияда ўлиш учун. Муқаддас инквизиция сабр-тоқатли, унинг қўллари узун. Агар хотирам алдамаса, бидъатчи отам тўғриси-даги худди мана шу иш сизни биринчи мартаба Блос-холмга олиб келган ва бу ерда сиз унинг ўлиmidан ҳамда китоблари халқ одида ёндириб юборилгандан сўнг жуда кўп нарсага эришгандингиз.

— Сен ҳамма вақт ҳақсан, Эмлини, шу сабабли Ис-панияда у билан биз азалдан бир-биримизга душман бўлганимизни сенга эслатиб ўтиришнинг ҳожати йўқ; уни йўқ қилишга мени таялаганларининг ҳам, менинг тўғримда сен унча-мунча гапларни билиб олганинг-нинг ҳам боиси мана шу.

Эмлини боши билан тасдиқлади, аббат давом этди:

— Бидъатчи ота тўғрисида шунча сўзлашганимиз етар, энди лўли она ҳақида. Айтишларича, у жазо-ланишдан қочиб, ўзини-ўзи ўлдирган.

— Латта чайсарлик қилиб, гапни айлантиравер-гандан фойда йўқ, аббат, келинг, эски дўстлардай очиқчасига гаплашамиз. Айтмоқчисизки, сиз томонин-

гиздан жодугар сифатида ёндирилмаслик учун ўз жонига қасд қилган, чунки ёқиб юборилмаган унча-мунча хатлар қўлида сақланиб қолган ва у ҳам менга ўхшаб, мазкур хатларни ишга солиш билан сизни қўрқитган.

— Буларни эслашдан нима фойда, Эмлин?— деди Мэлдон юмшоқлик билан.— У ўлди, лекин ўлими олдида, ниманики билган бўлса, ҳаммасини сенга ўқитиб кетди. Қисса кўпга чўзилмади. Сен кекса йомен Боллнинг ўғлига кўнгил қўйдинг ёки ўзингнинг гапингча, уни — дарозу тентак Томасни, ҳозир аббатликдаги биродар-мирянинни севиб қолдинг.

— Ёки ўзингнинг гапингча, севиб қолдинг,— такрорлади Эмлин.— Ҳар ҳолда у мени яхши кўриб қолганди ва эҳтимол, ўзим ўша пайтда ёш, қадду-қома-ти келишган ва чиройли, виждонли киши мени ҳимоя қилишини истагандирман. Шунингдек, ўша пайтда у тентак эмасди. У сизнинг қўлингизга тушгандан сўнг шундай бўлиб қолди. О! Етар бу ҳақда,— у қайнаб келаётган ғазабини ичга ютиб, давом этди.— Жодугарнинг соҳибжамол қизи черков васийлигида эди, сиз эса ўша пайтдаги аббатнинг бош-кўзини айлантирдингиз, кейин у мени қари Питер Стоуэрга эрга тегишга, учинчи хотин бўлиб тушишга мажбур қилди. У қарғишимга учраб, оламдан ўтди; ўлишини айтиб, олдиндан уни огоҳлантирдим, фарзанд кўрувдим, у ҳам ўлди. Ушанда жонимга оро кирган нарса, менга нисбатан доимо дўст сэр Жон Фотрелнинг хонадонидан бошпана топиб, унинг қизига энагалик қила бошлаганим бўлди; унинг қизи, агар яна бир кишини ҳисобга олмаганда, бу бепоён ва раҳм-шафқатсиз дунёда мен яхши кўрадиган бирдан-бир жонли мавжудот. Бор-йўқ қисса мана шу; энди, Клемент Мальдонадо — эй ёвуз ниятли одам, мендан яна нима хоҳлайсиз?

— Эмлин, доимо мен хоҳлаган ва сен доимо рад этган нарса — ёрдамнинг, ҳамкорлик қилишини хоҳлайман. Сенда бўлган ақл-заковат ва илм ҳамкорлигини назарда тутяпман, бошқа нарсани эмас. Крануэл Тауэрсда бошимга кулфат тушишини истаб, қаргадинг. Бу қарғиш, тўғриси айтсам, кўнглимда огир тошдек ботиб ётибди. Кел, ўтмишни унутиб,

бир-биримизга қўл берайлиг-у, дўст тутунайлик. Сен келажакдан фол оча оласан. Эсингдами, Сайсели ўлди деб ўйлаганингда, барибир унинг зурриёти менга қарши бош кўтаришини башорат қилгандинг, энди ҳақиқатан ҳам шундай бўладиганга ўхшаб қолди.

— Эвазига нима берасиз? — қизиқсиниб сўради Эмлини.

— Бойлик бераман, бундан кўра ҳам яхшироқ кўрадиганинг — ҳоқимиятни, шунингдек, агар хоҳласанг, олий мартаба бераман. Бутун черков сенга қулоқ солади. Ушбу қиролликда ҳамда бутун дунёда ниманики истасанг ҳаммаси амалга оширилади. Мен бор гапни айтяпман: гаровга ўз жонимни ва кимга хизмат қилаётган бўлсам, ўшалар ор-номусини қўяман, менга шундай ҳуқуқ берилган. Эвазига сендан донолигингни сўрайман; менга келажакдан башорат қил, қандай йўлдан юришим кераклигини кўрсат.

— Фақат шуми?

— Яна икки нарса: биринчидан, менга ёндирилган зеби-зийнатлар билан ёқилмай қолган қадимги хатларни топиб берасан; иккинчидан, сен башорат қилган нарса рўёбга чиқмаслиги учун леди Сайселининг боласи тирик қолмаслиги зарур. Сайселининг ҳаётини сенга инъом қиламан: битта роҳиба ортиқ бўлди нима-ю, кам бўлди нима — аҳамияти йўқ.

— Олижаноб таклиф; мазкур ҳолда, агар тирик қолсангиз, ваъдангизни бажаришингизга ишонаман. Борди-ю, рад этсам-чи?

— Унда, — деди аббат, столга мушт тушираркан, — унда ҳар иккингизга ҳам ўлим — худди жодугар каби ўласиз, чунки мени ҳалок этишингизга йўл қўймайман. Эсда тут: бу ерда мен хўжайин, сизлар эса — асира. Агар, гапириш у ёқда турсин, ҳатто оғиз очишга ҳам чўчийдиган бир ҳовуч эси паст аёлларни — ипидан сал тортиб қўйсам ўйинга тушадиган қўғирчоқларни ҳисобга олмаса, сизнинг бу ерда эканлигингизни камдан-кам одам билади; бу деворларга биронта ҳам жонзодни яқинлаштирмаслик чорасини кўраман. Танла, ё даҳшатли ўлимни, ёки бахт-саодатга тўла ҳаётни танла.

Стол устида бир даста атиргул солинган ёғоч кўза турарди. Эмлини уни олдига тортди-да, гулларни

олиб, полга ташлади. Кейин сув тинчигунча кутиб турди-да, деди:

— Мушкул вазифа, лекин чиндан ҳам жодугарлик қобилиятим бўлса, буни ҳал этаман.

Мэлдон сеҳрлангандек, кўз узмай Эмлинга тикилди; аёл бўлса сувга пуфлаб, унга узоқ вақт қараб турди. Ниҳоят кўзини узиб, деди:

— Улим ёки ҳаёт — менга икковидан бирини танлашни таклиф этдингиз. Яхши, Клемент Мальдонадо, ўз номидан ва леди Сайсели, унинг эри сэр Кристофер ҳамда ёруғ дунёга келиши лозим бўлган гўдак номидан, шунингдек, тақдиримизни ҳал этувчи худо номи билан ўлимни танлайман.

Орага тантанавор сукунат чўкди. Кейин аббат ўрнидан турди ва деди:

— Жуда соз! Кўргулигингни кўрасан.

Яна жимлик чўкди, у жавоб беравермагач, аббат орқасига ўгирилиб, эшик томон юрди; жувон эса идишга қараб тураверди.

— Жуда соз,— такрорлади Эмлин аббат эшик лўкидонига қўл чўзганда.— Мен сизга ўлимни танладим, дедим, лекин кимнинг ўлимини танладим, буни айтмадим. Сиз ўз ўйинингизни ўйнанг, ўртага доври худо тикишини эсда тутиб, мен ҳам ўз ўйинимни бошлайман. Крануэлда айтган қаҳрли сўзларимни яна бир бор таъкидлайман. Мусибатларни кутаверинг, чунки энди менга маълум — сизга, сиз билан бирга бўлганларнинг ҳаммасининг бошига ёғилади у.

Кейин, Эмлин аббатнинг орқасидан қараб туриб, кутилмаган кескин ҳаракат билан кўзани столга ағдариб юборди.

## VIII боб

### *Эмлин ўз одамини чақиради*

На умид, на хабар келтирмай, Сайсели ва Эмлин учун тутқунликдаги ҳафталар бир-бирини қувалаб ўтаверди. Чиндан ҳам, улар ўзларини ўраб турган машъум тўр ипларини кўрмасалар-да, у борган сари қаттиқроқ тортилаётганини ҳис қилардилар. Матильда онанинг кўзларида — у ҳеч ким сезмайди деб ўй-

лаб, Сайселига қараган пайтларида — қўрқув, ачи-ниш, меҳр-муҳаббат акс этарди. Бошқа роҳибалар ҳам, гарчи нимадан қўрқаётганларини ўзлари аниқ билмасалар-да, юрак олдириб қўйгандилар. Бир куни кечқурун Эмлини, нозирани ҳоли топиб, саволга кўмиб ташлади; у ўзлари учун хусусан нима тайёрланаётгани ва нима учун ледисини — балоғатга етган ҳур аёлни ўз ихтиёрига қўймай, бу ерда ушлаб туришганини сўради.

Кекса роҳибанинг чеҳрасида тундлик аломати зоҳир бўлди. У хусусан ҳеч нарса билмаслигини, тутқунлик боисиди эса, ўз-ўзидан маълум, дин бошлиқларининг амрларига бўйсуниб мажбурлигини айтди.

— Унда, — деди Эмлини, — билиб қўйинг, ўзингизга ёмон бўлади. Иккала қулоғингиз билан эшитиб олинг, менинг бекам ўладими, тирик қоладими, барибир, сизни қаттиқ жавобгарликка тортадиган одамлар топилади, ҳа, ҳимоясиз заифалар арз-додига қулоқ осадиганлар топилади. Матильда она, ҳозир Англия бир пайтлардаги, сизни қизалоқлигингизда бу пўпанак босган деворлар орасига кўмишган пайтлардаги Англия эмас. Тангри ҳур ва ҳеч қандай айби бўлмаган аёлни жиноятчидек турмада сақлашга рухсат беради, деб қаерда ёзиб қўйилган? Жавоб беринг.

— Айтолмайман, — деди Матильда она зорланиб, ўзининг нозик бармоқларини қирсиллатаркан. — Ҳақиқатга етишиш қийин, бутун теварак-атрофда қоровул; ҳар қанча ўйласам ҳам, жонимни сақлаб қолиш учун буюрилганни бажаришга мажбурман.

— Сизнинг жонингиз! Сизлар, тарки дунё қилганлар қачон қараса ўзингизнинг бир пулга қиммат жонингизни ўйлайсизлар. Бошқа одамлар-у, уларнинг жони билан сизларнинг нима ишингиз бор! Демак, менга ёрдам бермайсиз?

— Қўлимдан келмайди, қўлимдан келмайди, ахир ўзим ҳам кишандаман-ку, — деди у яна.

— Майли, шундай бўла қолсин, Матильда она; у ҳолда ўзимга ўзим ёрдамлашаман; ана ўшанда, сизларнинг ҳаммангизга худо мадад бўлсин. — Кейин кенг елкаларини нафрат билан қисиб, бояқиш қара нозирани йиғламоқдан бери қилиб, чиқиб кетди.

Эмлининг ўзи доворак бўлганидек, дағдағаси



ҳам шунга яраша эди, лекин бунинг ҳеч бўлмаса ўндан бирини бажара олармиди? Тўғри, ҳақиқат улар томонда, бироқ, ҳамма замонларда ҳам ҳибсдагилар учун ҳақиқат осмонда, унга етишиш ўлим билан баробар-ку. Сайсели ҳам ёрдам беролмайди унга. Эндиликда у, эри ўлгач, эртаю кеч ўзининг бўлғуси фарзанди тўғрисида ўйлаш билан банд.

Беканинг бошқа ҳеч нарса билан иши йўққа ўхшарди. Унинг учрашиши мумкин бўлган хеш-аҳбоблари йўқ эди; у мол-мулки тортиб олинганлигини тушунарди; демак, ўйларди у, бола туғилиши учун эчг қулай жой — мана шу тинчгина монастырь.

Қачонки фарзанди туғилиб, ўзи соғайиб кетгач, бошқа нарса тўғрисида ўйласа бўлади. Ҳозирча эса у бетўхтов ҳорғинлик сезар ва Эмлин, нима учун озодлик тўғрисида беҳуда гапиради, деб сира тушунолмасди. Борди-ю, озод бўлган тақдирда ҳам нима қила олади, қаерга боради? Роҳибалар унга жудаям меҳрибон эдилар; бека роҳибаларни қанчалик севса, улар ҳам бўлажак онани шунчалик яхши кўрардилар.

Улар шундай суҳбатлашишар ва Эмлин бекасига қулоқ солиб ўтириб, ҳақиқатни — бу ер бола ҳаёти учун хавотирли эканини айтишга журъат қилолмасди. У мазкур хабар онани ҳам, болани ҳам жувонмарг қилишидан кўрқарди. Шу сабабли Сайселини безовта қилмай қўя қолди ва фақат ўзигагина умид боғлади.

Аввалига қочиш тўғрисида ўйлади, бироқ ундан воз кечди. Чунки Сайселининг аҳволи уни хавф-хатарга гирифтор қилишга йўл қўймасди. Айтмоқчи, қаёққа ҳам борардилар? Шунда унинг миясига халоскорлар тўғрисидаги фикр келди, лекин — э-воҳ! — уларни ким ҳам қутқара оларди? Лондондаги нуфузли одамлар бу ишга сиёсий томондан аралашишлари мумкин, аммо нуфузли одамлар ёнига озод кишилар ҳам кириши мушкул-ку. Аммо-лекин ўзи озодликда бўлганда эди, уларни қулоқ солишга мажбур этадиган йўл топарди, бироқ асира-да, бундан ташқари, шундай шароитда бекасини ташлаб кетолмасди ҳам. Бўлмаса нима қилиш керак? Озодликка эришиш учун биронта ҳийла ўйлаб топиш зарур.

Балки, буни пулга — Сайселининг зеб-зийнати

қимматига бажариш мумкин; фақат ўзигагина маълум бўлган махфий жойдан уларни олиб, таъқиб қилувчилар сотиб олинса-чи? Бироқ Эмлин унисини ҳам, бунисини ҳам қилмоқчи эмасди; у бунини нажот йўли деб қарамасди. Ушбу девор орқасида пайдо бўлишлари биланоқ, барибир уларни тирик қўймасдилар; улар кўп нарсадан хабардор эдилар. Бироқ бу ерда, монастырда, Сайселининг боласини албатта нобуд қиладилар, ахир у бутун мол-мулкка ворис бўлади-да. Хўш, унда нима озодлик келтиради ва хавфсизликларини таъминлай олади?

Ёлғиз Томас Болл қолди! У содиқ Томас Болл билан, ҳамма телбанамо деб ўйлайдиган, аммо ўз ишига пишиқ ва муғамбир одам билан учраша олганда қанийди!

Эмлиннинг фикри-ёдини Томас Болл банд этди — бир умр ун севиб келаётган Томас Болл, унга хизмат қилиш учун ўлимга ҳам тайёр. Эмлин у билан учрашиш учун беҳудага уринди. Қари боғбон ўта кетган гаранг ёки эшитишни истамасди. Овсар Брижет Боллга ёзилган хатни адашиб нозиранинг қўлига олиб бориб берди, у бўлса, бир оғиз сўз ҳам айтмай, кўзи олдида хатни ёқиб юборди.

Монастырга озиқ-овқат келтирадиган роҳибларни эса, улар ҳамда бир-бирларининг орқаларидан айғоқчилик қилиш учун қўйилган учта ҳамшира кутиб оларди; шу дардисар ҳамширалар туфайли Эмлин роҳибларга ҳатто яқинлашолмади ҳам, дуохон руҳоний эса унинг қадимий душмани эди; бошқа ҳеч кимга монастырга яқинлашишига рухсат этилмасди; фақат бир-икки марта аббатнинг ўзи кўриниб қолди, у нозира билан танҳо бир неча соат гаплашди, Эмлин билан эса сўзлашмади ҳам.

Эмлин ўйга толди, наҳотки ўзи билан Томас Болл ўртасидаги ярим милча чиқмайдиган масофани босиб ўтиб бўлмаса? Агар Болл йигирма ярд нарида турган бўлса, Эмлин унга нима қилиши лозимлигини англай оларди. Хўш, нима учун эллик ярд нарида турганида шундай қилиши мумкин эмас экан?

Унинг бутун фикри-зикрини шу хаёл эгаллади; табиий тўсиқлар уни ақлдан оздираёзганди.

Эмлин бу тўсиқлар билан ҳисоблашишдан бош тор-

таётганди. Ёнида Сайсели тинчгина ухлаётганида, у ўринда ётганича, туни билан мижжа қоқмай хаёл сурарди; матонатли қалби маҳбуби Томас Боллнинг қалби сари талпинар, унга қулоқ солишни, бўйсунйшни, бу ерга етиб келишни буюрарди.

Авваллига ҳеч нарса юз бермади. Бир қанча вақтдан сўнг эса, унга жавоб бергандек ғалати ҳис пайдо бўлди; гарчи у Томасни кўрмаса-да, овозини эшитмаса-да, негадир ошиғининг яқинлигини сезарди. Бир куни, туш пайти, юқоридаги туйнукдан кўз ташлаб, дарвоза олдида бўлаётган муштлашувни кўрди, дарғазаб овозларни эшитди. Томас Болл зўрлик билан эшик томонга интилиб, ўзига йўл очишга уринар, ҳамиша ўша ерда қўриқчиликда турган аббат одамлари эса уни нари итарарди.

Кечқурун Эмлин ҳамма гапни, ўз гап-сўзларига унинг қулоқ солиб турганини хаёлларига ҳам келтирмаган роҳибалардан эшитди. Маълум бўлишича, уларнинг кўзига ё телба, ё мастга ўхшаб кўринган Томас Болл монастирغا киришга уринган. Ундан нима истадини сўраганларида, сабабини ўзиям яхши билмаса-да, лекин Эмлин Стоуэр билан гаплашиши зарурлигини айтган. Буни эшитиб, Эмлин мийиғида кулиб қўйди, чунки энди у бир нарсани фаҳмлаганди: Томас Болл қалб нидосини эшитган ва унинг хоҳишини бажариш учун ҳар қандай йўл топиб бўлса ҳам, албатта келади.

Дарҳақиқат, икки кун ўтгач Томас қуйидагича йўл билан келди.

Сентябрь оқшоми тугаб, қош қорая бошлади. Эмлин Сайселини дам олгани ўринга ётқизиб (энди у кўпинча кечки овқат олдидан бирпас-бирпас ётиб, дам оларди), кечки салқинда айлангани боғга чиқди. У боғ жонига теккунича айланиб юрди, кейин ён эшикдан ўтиб, кўҳна бутхоначага кирди. Яхшилаб ўйлаб кўриш учун, одам бўйи баробар қилиб ёғочдан ясалган, бўялган ва девор қаршисига ўрнатилган муқаддас аёл хайкалидан унча узоқда бўлмаган меҳроб ёнига ўтирди. Эмлин бу ҳайкалга тез-тез қараб турарди, чунки у ярмигача гиштдан ясалгандек, жуда ғалати кўринарди. Унинг кўз косаси бўш эди, синчков Эмлиннинг назарида, қачонлардир уларга бебаҳо

тошлар ўрнатилгандай, ёки бу биби Марям тимсоли эмас, балки кўпроқ сўқир авлиё Люциянинг тимсолидай бўлиб кўринарди.

Эмлин якка-ёлғиз хаёл суриб ўтираркан — чунки бундай пайтда бутхоначага ҳеч ким кирмас ва у тонг отгунча ҳоли бўларди — назарида ҳайкалдан ғалати овозлар чиққанини эшитгандек, тўё у ерда биров қимирлагандек туюлди. Агар Эмлиндан бошқа одам бўлганида эди, қўрққанидан ўтақаси ёрилиб, ура қочарди. Лекин Эмлин қимирламай, қулоқ солганча ўтираверди. У бошини бурмай, кузата бошлади. Ботаётган қуёшнинг ғарбга қараган дераза орқали туншаётган нурлари ҳайкални бутунлай ёритиб турарди, шу туфайли Эмлин эндиликда унинг кўз косалари бўш эмаслигини кўрди — ёки унга шундай туюлди; кўз косаларида ҳаракатчан ва чақнаб турган кўзлар бор эди.

Шунда бир лаҳзагина Эмлин ҳам қўрқиб кетди. Кейин миясига, эҳтимол руҳоний ёки роҳибалардан биронтаси ҳайкал орқасида туриб олиб, мени кузатаётгандир, деган фикр келди, бу эса унинг пинагини ҳам бузмасди. Ёки, эҳтимол, кўп марталаб эшитган, лекин ўз кўзи билан кўрмаган мўъжизалардан биронтаси содир бўлгандир. Аммо нима учун мўъжиза ёки айғоқчилардан қўрқиши керак? У ўз жойида ўтириб, нима бўлишини кутади. Лекин кўп кутишга тўғри келмади, чунки сал ўтмай овоз, хириллаган эркак овози шивирлади:

— Эмлин! Эмлин Стоуэр!

— Ҳа, — деб жавоб қилди у ҳам шивирлаб. — Қим гапиряпти?

— Узинг ким деб ўйлайсан? — сўради овоз кулимсираб. — Эҳтимол, шайтондир?

— Борди-ю, хайрихоҳ шайтон бўлса, эътироз билдирмайдиганга ўхшайман: одамлардан йироқ бундай ҳувиллаган жой мен учун зерикарли. Одаммисан, инс-жинсмисан, ким бўлишингдан қатъи назар, бу ёққа чиқ, — деди Эмлин қатъий. Лекин шунга қарамай, ўзи ёмғирпўши остидан сездирмай чўқиниб олди; ўша вақтларда кишилар, уларга зиён-заҳмат етказиш учун шайтонлар одам сифатида кўринади, деў ишонардилар.

Ҳайкал қисирлай бошлади, кейин ғоят қийинчилик билан бўлса-да, худди эшикдек очилди; гўё унинг ошиғ-мошиғи занглаб қолганга ўхшарди, аслида ҳам шундай эди. Ҳайкал ичида худди мурда тобутга тикка қўйиб қўйилгандек, бир гавда — эғнида йиртиқ роҳибча жуббали, олов ранг малла сочли каллахум, бароқ қошлари остида оч-мовий кўзлари чақнаб турган жуссадор гавда пайдо бўлди. Эмлининг юраги уришдан тўхтаб қолди — оддий бир аёл учун иблис билан улфатчилик қилиш, ҳар қалай кўнгилли эмасди-да, кейин эса, юраги гўё бирдан отилиб чиққудек гурсиллаб ура кетди, сўнг яна одатдагидек, бир меъёрада тепа бошлади. У хотиржамлик билан деди:

— Томас Болл, у ерда нима қиялсан?

— Узим ҳам худди шуни билмоқчийдим, Эмлин. Кўп ҳафталар давомида кеча-ю кундуз мени чақирдинг, шунинг учун ҳам келдим.

— Ҳа, мен сени чақирдим; лекин қандай қилиб келдинг?

— Роҳибларнинг қадимий йўли билан. Улар бу йўлни аллақачонлар унутиб юборишган. Лекин у ҳақда менга бобом болалигимда сўзлаб берганди, хуллас, қаердан ўтишни менга тулки кўрсатиб берди. Бу зимистон йўл; унга биринчи марта тушганимда бўғилиб ўлсам керак, деб ўйловдим, лекин энди ҳаво-си унчалик ёмон эмас. Қачонлардир у аббатликкача борарди, балки ҳозир ҳам борар, бироқ менинг эшигим ҳамда тулки ҳазратларининг эшиклари хиёбон деворининг ёнидаги чакалакзорда, бу эшикни у ердан қидиришни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмайди. Агар тулкича билан ўйнамоқчи бўлсанг, уни обкелиб беришим мумкин. Ёки, эҳтимол, сен ундан ҳам муҳимроқ нарсани истарсан?— деб қўшиб қўйдим у.

— Ҳа, Томас, мен каттароғини, муҳимроғини истайман. Қулоқ сол,— деди у назокат билан,— сенга бир нарсани айтсам уддасидан чиқа ола-санми?

— Олдин эшитайлик, кейин бир гап бўлар, миссис Эмлин. Умр бўйи айтганларингни бажардим, лекин мукофот олмадим.

Эмлин меҳробни ёнлаб ўтиб, қаршисига келиб

Ўтирди ва эшикни деярли беркитиб, у билан тирқиш орқали гаплашди.

— Агар мукофот олмаган бўлсанг, Томас, — деди у юмшоқлик билан, — бунинг учун ким айбдор? Мен бўлмасам керак. Ёшлигимизда сени севардим, тўғри-ми? Сенга бутун жону танимни бағишлагандим, шундай эмасми? Лекин бизнинг орамизга ким тўғаноқ бўлди, ким ҳаётимизни барбод қилди?

— Роҳиблар, — деди Томас, — сени Стоуэрга турмушга берган лаънати роҳиблар; Стоуэр уларга яхшигина пул тўлаганди.

— Балли, лаънати роҳиблар. Энди бўлса сенинг ёшлигинг ўтди, муҳаббат — ёшлик муҳаббати — орда қолди. Мен бошқа одамнинг хотини эдим, лекин, Томас, сеники бўлишим ҳам мумкинийди. Шунини ўйлаб кўр: сенинг севимли хотининг, болаларингнинг онаси бўлишим мумкин эди. Сени — сени эса бўйсундириб, хизматкорга, подачига айлантирдилар, ўлган-тирилганингга қарамай хўп ишлатдилар, сенга телба деб ном қўйдилар; шунга қарамай, сенга у-бу ишни ишониб топширса бўлади, деб ҳисоблайдилар, чунки тилингга маҳкамсан; сени аббатликнинг юк ташийдиган ювош хачирига айлантирдилар; сени — отаси озод йомен бўлган кишини — ўзлари томонидан тортиб олинган ўз хусусий мулкингда батраклик қилишга мажбур этдилар. Мана, Томас, улар сени қай аҳволга солдилар, черков васийлигида бўлган мени эса... Бас, бу ҳақда гапиршни истамайман. Айт-чи, сени ўз ихтиёринга қўйиб беришса, улардан қандай қасос олардинг?

— Қандай қасос олардим? Қандай қасос олардим? — ўзига етказилган ранж-аламларни бир-бир санаб, жазавага туширилган Томас бўғилаэзди. — Агар журъат этолсам, уларнинг ҳар бирини бўғизлардим, худди буғудек ичак-човоқларини ағдариб ташлардим, — шундай дея у оппоқ тишларини ғижирлатди. — Лекин қўрқаман. Жоним уларнинг қўлида, ҳар ойда тавба-тазарру қилишим керак. Эсингдами, Эмлин, қамалдан олдин беканг билан Лондонга йўл олмоқчи бўлганларингда сени огоҳлантиргандим. Кейин — бу гуноҳимни ювишим керак эди — аббатнинг ўзига тавба-тазарру қилдим. У менга оғир епитимья-

ни<sup>1</sup> юклади. Ҳали мен уни тугатмасимданоқ, қовурғаларим баданимни тешиб чиқди, орқам эса толнинг қизғиш новдаларидан ясалган саватга ўхшаб қолди. Фақат бир нарсани — ахир бугуноҳ эмас-ку — кафани очиб, мурдага қараганимни уларга айтмадим.

— Ҳали шунақами! — деди Эмлин унга тикиларкан. — Сенга ишониб бўлмайди. Узим ҳам шунақа деб ўйлагандим. Хайр, Томас Болл, номард. Узимга бошқа дўстни, йиғлоқи бўлмаган, роҳиблар ов итидек «олқиш»лайвериб тинка-мадорини қуритмаган, ўзи учун тушунарсиз бўлган латинча дуони виждонидан юқори қўймайдиган ҳақиқий эркакни топаман. Ё раббий! Бир пайтлар шундай одамга кўнгил қўйганимни ўйлашнинг ўзи даҳшат! Оҳ! Уят! Уят! Шарманда бўлдим! Бўлди, бориб қўлимни ювиб олай. Дўконингни ёп! Тузоғингни йиғиштириб, ўша каламуш қавагидан жўнаб қол! Томас Болл, энди ҳеч қачон — на тирик, на ўлик ҳолингда мен билан гаплашишни хаёлингга ҳам келтирма. Сени қандай чақирганимни **бориб роҳибларингга айтишни ҳам унутма** — чунки у сеҳргарлик, бунинг ўзинг биласан, — мени оловда ёндирадидлар, аммо сен ўз руҳи-жонингни қутқариб қоласан. Ё раббий! Қачонлардир сен Томас Болл бўлганлигингни ўйлашнинг ўзи даҳшат! — Эмлин кетмоқчи бўлгандек ҳаракат қилди.

Томас қўлини узатиб, унинг кўйлагидан ушлаб қолди.

— Менга нима буюрасан, Эмлин? Мендан жирканишингга чидолмайман. Мендан жирканма, бўлмаса ўзимни-ўзим ўлдираман.

— Бу сенинг қўлингдан келадиган энг яхши ва савобли иш. Ушанда иблис келгинди аббатга қараганда, сенга яхшироқ хўжайин бўлади. Алвидо!

— Йўқ, йўқ, айт, нимани хоҳлайсан? Улсам ҳам, нима десанг ўшани қиламан.

— Қиласанми? Ростданми? Ундай бўлса, бир дақиқа кутиб тур! — Эмлин бутхоначанинг нариги чеккасига югуриб бориб, эшикни ёпди, кейин, унинг олдига қайтиб келгач, деди: — энди яқинроқ кел, Томас,

---

<sup>1</sup> Епитимья — черков жазоси (сажда қилиш, рўза тутиш, узундан-узун дуоларни ўқиш ва ш. к.).

модомики, сен яна эркак экансан, йигирма йиллар муқаддам қандай ўпган бўлсанг, ўшандай қилиб мени ўп. Сен бунинг учун тавба-тазарру қилмайсан, тўғрими? Ана, бўлди. Энди меҳроб олдида тиз чўкиб, қасам ич. Йўқ, аввал эшит, чунки бу мўътабар қасам.

Эмлин унга нима деб қасам ичишини айтди. Бу чиндан ҳам мўътабар ва даҳшатли қасам эди. Қасам ичгач, у Эмлиннинг қули бўлиши ҳар икковлари тортган жабр-зулмлар учун; сэр Жон Фотрел ва сэр Кристофер Харфлитнинг ўлими учун; Сайсели Харфлитни, биринчисининг қизи, иккинчисининг хотинини ўғирлаб, турмада сақлаётгани учун қасос олгани Блосхолм роҳибларига қарши, хусусан, аббат Клемент Мэлдонга қарши курашда у билан бирлашиши шарт эди.

Қасамёд қилгач, Эмлин нимаики буюрса, Томас ўшани бажариши шарт эди. У на тавба-тазарру пайтида, на қийнов-қистоқ ёки дор остида ўзларининг махфий келишувлари тўғрисида оғиз очиб гапирмасликка қасамёд қилиши керак эди. Мабодо ушбу қасамга хиёнат қилгудек бўлса, худодан жони мангу азоб-уқубатга дучор этилишини сўраши зарур эди; ичган қасамларига гувоҳ бўлишни самовотдан сўраши лозим эди.

— Энди,— деди Эмлин, даҳшатли қасам сўзларини айтиб бўлгач,— ҳақиқий эркаклардек қасам ичиб ўлдирилганлар учун ва бегуноҳларни ўлим чангалидан қутқариш учун қасос оласанми? Ёки, менинг сиримдан хабар топгач, илгаригидек нозир олдида ялтоқланиб, Блосхолм аббатлигига қайтгач, мени сотасанми?

У ўзининг малла бошини қашиганча бир дақиқа ўйланиб қолди, чунки даҳшатли қасам уни қўрқитиб қўйгани тушунарли эди. Буларнинг ҳаммасини тортиб кўраётган қалбида тарози паллалари баробар турар ва улардан қайси бири босиб кетишини Эмлин билмасди. Шунда у ўзининг бутун аёллик куч-қудратини ишга солди; қўлини унинг елкасига қўйиб, олдинга энгашди ва унинг қулоғига шивирлади:

— Эсингдами, Томас, ёшликда севгимизни бир-биримизга қандай изҳор қилгандик. Бу баҳор айёмида сой бўйидаги дарахтзорда бўлганди, ўшанда оёқларимиз остида хушбўй, наргис — наргис ва нилуфар-





лар барқ уриб очилиб ётарди. Эсингдами, умрбод бирга бўлиш учун, ҳа, ҳақиқий ва келгуси ҳаёт учун ҳамда иккимизга ер юзи жаннат бўлиши учун бир-биримиз билан қандай ваъдалашгандик? Кейин, эсласанг керак,— ёнимиздан роҳиб — у Клемент Мэлдон эди — ўтиб қолди; у ўзининг шафқатсиз кўзлари билан тикилиб, аъзойи-баданимизни музлатиб қўйди ва: «Жодугарнинг қизи билан нима қилиб турибсан? У сенинг тенгинг эмас?» — деди. Ушанда... Оҳ Томас, бошқа гапиролмайман.— У ҳўнграб йиғлаб юборди, кейин эса қўшиб қўйди:— ҳеч нарсага қасам ичма, кет, агар хоҳласанг, мени сот. Улимни бошимга солсанг ҳам сенга ёмонликни раво кўрмайман, ахир йигирма йил роҳиблик қилганингдан сўнг яна эркаклигингча қолишингга ишониб бўладими? Кет, тезроқ кет, бизни бирга кўрмасларидан ва номинг поклигида жўнаб қол. Жўна тезроқ, бизни — мени, бекамни ва ҳали ёруғ дунёга келмаган гўдакни Мэлдон тайёрлаётган қисмат измига ташлаб кетавер. Сой бўйидаги дарахтзорни унут! Сўлиган нилуфарларни унут!

Томас қулоқ соларди; чеккасидаги йирик кўк томирлари бўртиб чиқиб, кенг кўкраги кўтарилиб тушар, сўзлар бўғзига тикилиб қолганди. Кейин улар селдек қуйилиб келди.

— Жоним, мен кетмайман; истагандек, сенинг кўзларинг, лабларинг, оёқларимиз остида қолган гуллар ҳаққи, аламли, азоб-уқубатларда ўтган йиллар ҳаққи, ғам-ғусса ва шармандаи шармисорликлар ҳаққи, арши аълода ўтирган худо ва дўзахи шайтон номи билан қасам ичаман. Юр, юр! — у меҳроб ёнига югуриб бориб, ўша ердаги хочни қўлига олди.— Уша сўзларни ёки хоҳлаган сўзингни қайтадан айт, мен уларни такрорлаб, қасам ичаман. Агар бу сўзлардан лоақал биронтасига хиёнат қилсам дўзах ўтида куйиб, кул бўлай.— Эмлининг қора кўзларида тантана учқуни чақнади. У тиз чўккан киши узра энгашиб, қуюқлашаётган қоронғиликда узоқ шивирлади, эркак эса унинг сўзини такрорлар ва бунинг тасдиқи маъносида хочни ўпарди.

Ҳаммаси тугагач, улар меҳробдан бўялган ҳайкал ёнига қайтиб келдилар.

— Демак, ҳали ҳам эркак экансан,— деди Эмлин

кулиб.— Энди қулоқ сол, эркак — менинг эркагим; агар буларнинг ҳаммасига бардош бериб, омон қолсак ва ўшандан сўнг хоҳласанг хотининг бўламан, ҳа, сенинг хотининг — бу сенга менинг мукофотим, орномусимнинг мукофоти бўлади; энди буйруғимни эшит. Кўряпсан, мен Мусоман, у ерда — аббатликда ўтирган тошюрак фиръавн, сен эса фаришта, Миср ўлати шамширини тутган фариштасан. Қечқурун аббатликда ёнғин бўлади — худди Крануэл Таурэсагидек. Йўқ, йўқ, биламан, черков ёнмайди, ғиштин блнолар ҳам. Бироқ, омборхона, пичан ғарамлари, огилхона — улар бундай қурғоқчиликдан сўнг роса ёнади, борди-ю, аваларнинг кули кўкка соврилса, улар ўз ҳосилларини нимада ташийдилар? Сен шуни бажара оласанми, эркаккинам?

— Албатта, қасам ичмадимми ахир?

— Унда ишни бошла, кейин эса — эртагами, индингами — натижасини менга маълум қил. Энди менинг кўп вақтимни танҳолик ва дуо олади: шу сабабли, мени то тиз чўккан ҳолда меҳроб ёнида ёлғиз учратмагунингча, кут. Тўхта! Кўриб қолсалар арвоҳга ўхшатишлари учун кафанга ўралиб ол, ахир улар бутхоначада арвоҳлар пайдо бўлиб туради, деб ўйлайдилар-ку. Хотиржам бўл, сен келгунингча талайгина иш топиб қўяман. Гапимга тушундингми?

Томас бош ирғади.

— Ҳаммасини, ҳаммасини, ҳаммасидан ҳам кўра сенинг ваъдангни тушундим. Оҳ! Энди мен ўлмайман; ваъданнинг устидан чиқишинг учун яшайман.

— Жуда соз. Келажак ҳисобидан қабул қил.— Эмлини уни яна ўпди.— Энди бор.

Қувончдан сармаст Томас гандираклар кетди, сўнг деди:

— Яна бир оғиз гапим бор, бошим айланяпти, сенга айтишни унутибман. Сэр Кристофер тирик ёки тирик эди...

— Нима демоқчисан?— деди Эмлини шивирлаб.— Исо пайғамбар ҳаққи, тезроқ айт, ташқаридан овозлар эшитиляпти.

— Кристофернинг ўрнига улар бошқа одамни кўмишган. Сурупни қирқиб кўрдим. Оғир яраланган Кристоферни кемада — оббо, номи эсдан чиқди-да,—

Жефри Стоукс жўнаб кетган кеманинг худди ўзида чет элга жўнатишди.

— Бу хабаринг учун сени худо ёрлақасин!— хитоб қилди Эмлин ғалати, паст овозда.— Кет, кимдир эшикка яқинлашяпти.

Егоч ҳайкал гижирлаб қаттиқ ёпилди ва неча-неча авлодлар замонасидан буён қандай турган бўлса, ўшандай қотиб қолди. Эмлин юрагини чангаллаганча, бир лаҳзагина тик туриб қолди. Сўнг тезгина бориб, эшикни очди ва зинапояда ўзаро шивирлашаётган Матильда она, бир роҳиб ҳамда кампир Брижетга дуч келди.

— О! Бу сизмисиз, миссис Стоуэр,— деди Матильда она ошкора енгил тортиб.— Ҳамшира Брижет, қуёш ботарда дераза тавақасини ёпгани борганимда бутхонадан эркак овозини эшитдим, деб касам ичувди.

— Наҳотки?— деди бепарволик билан Эмлин.— Ундай бўлса, у мендан кўра бахтлироқ экан: ахир, хотинлар вайсайдиган уйда эркак овозини қўмсаб қолдим-да. Аччиқланманг, онахон, мен роҳиба эмасман, кейин тангри бу дунёни фақат аёллар учун яратганмас, акс ҳолда сиз билан биз бу ерда бўлмасдик. Сиз шу ҳақда гапирган экансиз, демак, бутхонада чиндан ҳам ғалати ишлар бўляпти. Ҳамма ҳам бу ерда ёлғиз қолишга журъат этолмасди; ибодат вақтида икки марта ғалати овозларни эшитдим, бир сафар қуёш ботган пайтда устимга соя тушди. Эҳтимол, бу роса лоф-қоп қилиб юришган мурданинг арвоҳидир. Мен бўлсам ҳеч қачон бунақа арвоҳлардан қўрқмаганман. Энди кетишим керак, бориб бекамга кечки овқат оламан, бугун кечқурун у ўзининг хонасида овқатланади.

У кетгач, нозира бош чайқади ва одатдагидек мулойимлик билан деди:

— Ғалати ва шаддод хотин, лекин ҳамшираларим, унга нисбатан шафқатсиз фикрда бўлмоғимиз, ахир Эмлин бизга ёт оламдан, кейин у беҳисоб дарду аламларни бошидан кечирган, деб қўрқаман: бизни эса бундай дарду аламлардан муқаддас қасамёдимиз асраган.

— Тўғри,— деди жавобан ҳамшира,— лекин у бутхонада пайдо бўладиган арвоҳни кўрган менимча.

Кўпчилик, арвоҳни кўрганман, дейишади, роҳибага шогирд бўлиб юрганымда ўзим ҳам кўрганман. Нозира Матильда, мен тўртинчисини айтяпман, у роҳиб Адуард Оқсоқ билан дон олишиб юриб, тўсатдан ўлган, ўша...

— Жим, ҳамшира; бундан икки юз йил бурун ер юзини тарк этган марҳумани ғийбат қилмайлик, кўпчилик айтганидек, унинг тиниб-тинчимас руҳи ҳатто ҳанузгача бу ерга келиб турганда ҳам, нима учун эркакчалаб гапирадиган бўлиб қолганига ақлим етмайпти.

— Бу роҳиб Эдуарднинг овози бўлиши мумкин,— деди ҳамшира.— Агар афсона рост бўлса, худди тирклигидагидек, у роҳибани тинч қўймаётган кўринади. Миссис Эмлин, арвоҳларга парво ҳам қилмайман, деди. Мен бунга мутлақо ишонаман, ахир у жодугарнинг қизи, одамга ҳам ғалати қилиб қарайди. Ҳеч кимда шунақа дадил боқадиган кўзни кўрганмисиз? Унақа бўлсаям, бунақа бўлсаям, арвоҳларни кўришга тоқатим йўқ; қуёш ботарда ёки қуёш ботгач, ёлғиз ўзим бу бутхонада қолганимдан кўра, бир ойни қуруқ нон-сув билан ўтказганим маъқул. Бу тўғрида ўйлаганимдаёқ баданимдан чумоли ўрмалагандек бўлади; айтишларига қараганда, бу ерда чўқинтирилмаган чақалоқ ҳам тентираб юраркан, у тушуниб бўлмайдиган алланималарни бидирлаб, чўқинтиришлари илинжида жом<sup>1</sup> атрофида айланиб юрармиш — уф! — Шундай деб, ҳамшира даҳшатдан титраб кетди.

— Бас, ҳамшира, нопок гапларни бас қил! — деди яна Матильда она.— Одамзод ғаними бизга яқинлашмаслиги учун авлиёлар, муқаддас нарсалар тўғрисида ўйлайлик.

Бироқ ўша куни кечасиёқ соат бирларда, бу душман ўт-олов ниқобида Блосхолмга жуда ҳам яқин келди. Роҳибаларни ногаҳон жон-жаҳд билан чалинган бонг оёққа турғизди. Улар дераза ёнига югуриб келиб, оловнинг аббатлик томида рақсга тушаётган бесўнақай тилларини кўрдилар. Дераза тавақаларини очиб юбориб, даҳшат билан ёнғинга тикилдилар.

---

<sup>1</sup> Ж о м — черковда чўқинтириш маросимида чақалоқ чўмилириладиган жом,

Ҳатто ҳамшира Брижетни дарвоза ёнида яшовчи қулоғи оғир боғбон билан унинг хотинини уйғотгани юбордилар; улар бориб нима гаплигини, шовқин-сурон боиси нималигини ва Блосхолмга биронта лашкар ҳужум қилган-қилмаганлигини билиб келишлари лозим эди.

Брижет қайтиб келгунча анча вақт ўтди; ақли ноқиснинг қар боғбон сўзларини пойма-пой қилиб айтиб берган ҳикоясига тушунишнинг ўзи ҳазил гап эмасди. Бақриқ-чақриқлар ҳали ҳам эшитилар, аббатликдаги ёнғин эса тобора авжига минарди. Роҳибалар аллақачон, кунимиз битди, деб ўзларига аза ҳам очгандилар; улар очиқ деразалар ёнида тиз чўкиб, ибодат қилишга тушдилар.

Худди шу пайт улар ўртасида Сайсели билан Эмлини пайдо бўлиб, қўрқинчли ёнғинни томоша қила бошладилар.

Сайсели ногаҳон ўгирилиб, ўзининг катта-катта зангори кўзлари билан Эмлинга тикилди-да, ҳамма эшитадиган қилиб деди:

— Аббатлик ёняпти. Вой, энага, айтишларича, тўё Крануэл Тауэрс харобалари ўртасида сен худди шундай бўлади, деб каромат қилган экансан! Сен, ҳақиқатан ҳам пайғамбарсан.

— Ёнғин ёнғинни талаб этади,— деди Эмлини қовоғини уюб. Уша ерда турган роҳибалар эса, унга шубҳа билан қарадилар.

Ёнғин даҳшатли эди; у, чамаси омборхоналардан бошлангани, чунки шундай узоқ жойдан ҳам, деразадан ташлаб, жон сақлаб қолаётган ярим яланғоч роҳиблар кўриниб турарди; уларнинг баъзилари кўрпа-ёстиқларини бир-бирига улаб — арқон қилиб, осилиб тушар, баъзилари эса, баланд бўлишига қарамай, тўғридан-тўғри деразадан сакрадилар.

Ҳадемай бинонинг томи босиб тушди ва молхоналар, омборхоналарнинг похол томига ҳамда қатор кетган ғарамлар, хирмонлар устига чўғ дўли ёғилди; уларга ҳам ўт кетди ва тонг отгунча ёнди.

Ёнғинни монастирдан кузатиб турган роҳибалар қайғули манзарадан ва қўрқувда ҳадеб пичирлаб дуо ўқишдан чарчаб, бирин-кетин ухлагани йўл олдилар.

## IX боб

### Блосхолм жодугарлиги

Уша куни пешинда аббат яна монастирда пайдо бўлди ва Сайсели билан Эмлини чақиртирди. Улар аббатни қабулхонада ёлғиз учратдилар; унинг башараси изтиробли эди, ўзи эса хонада у ёқдан-бу ёққа юрарди.

— Сайсели Фотрел,— деди у томдан тараша тушгандек қилиб,— сўнги марта учрашганимизда, мен келтирган ҳужжатга қўл қўйишдан бош тортганинг. Бунинг аҳамияти йўқ, чунки ўша харидор ўз иши билан жўнаб кетди.

— Сизнинг ҳақ-ҳуқуқингиз тўғрисидаги далиллар уни қониқтиролмаслигини айтиб, жўнаб кетдимиз?— сўради Сайсели.

— Ҳа! Аммо ҳақ-ҳуқуқни ва қонуннинг икир-чикирларини муҳокама қилишга сени ким ўргатди? Айтмоқчи, савол бериш нимаси?..— У кўзларини чақчайтириб, Эмлин томонга қараб қўйди. Майли, улар ҳозир худога ҳавола... Ёнимда сен имзо чекишинг шарт бўлган ҳужжат бор. Хоҳласанг, ўқиб кўр. У сенга ҳеч қанақа зиён етказмайди — бу бор-йўғи, отангга қарашли ерлардаги ижарачилар ижара ҳақини, васий шахс сифатида менга тўлашлари учун фармойиш.

— Демак, милорд аббат, сиз жамики нарсани эгаллаб олганингизни кўргач, улар ҳақ тўлашдан бош тортибдилар-да?

— Ҳа, кимдир уларни гиж-гижляяпти ва бу қайсар ҳайвонлар сенинг имзоинг ҳамда муҳринг билан дастурсиз тўлашни истамаяпти. Отангнинг ўзи экибтикадиган фермалардан ҳосилни йиғиб олдим, лекин кеча кечқурунги ёнгинда ҳаммаси — охириги уруғ донасигача, охириги жун толасигача ёниб кетди.

— Шундай экан, аббат, сиздан илтимос, буларнинг ҳаммасини аниқ ҳисоблаб қўйинг, чунки ҳисобкитобни бошлаганимизда сиздан тегишли товонни ундириб олай: ахир, қўйларимнинг юнгини қирқиб, бугдойимни йиғиштириб олиш учун сизга ҳеч қачон рухсат бермагандим-ку.

— Мени жаҳлимни чиқариш, қизча, сенга хуш ёқади,— деди у лабини тишлаб.— Сен билан айтишиб ўтиришга вақтим йўқ. Қўл қўй, сен эса, Эмлин Стоуэр, гувоҳ бўл.

Сайсели ҳужжатни олди, кўз югуртирди, кейин уни шошилмай тўрт бўлак қилиб йиртди-да, ерга ташлади.

— Агар истасангиз ва қўлингиздан келса мени ҳамда ҳали туғилмаган боламни таланг, лекин мен, ҳар ҳолда, ўғрининг ҳамтовоғи бўлмайман,— деди у бамайлихотир.— Борди-ю, сизга имзо керак бўлса, уни қалбаки қилаверинг, чунки мен ҳеч нарсага қўл қўймайман.

Аббатнинг бутун қаҳри бетига тепди.

— Ҳой, шўрпешана, бу ерда менинг ҳукимдалигингни унутиб қўйдингми?— сўради у.— Бунақа қайсар гуноҳкорларни таг-туғсиз зиндонга қамаб, фақат нон-сув бериб, ўласи қилиб қамчилаб, тавба қилдиришларини биласанми? Буйруғимни бажарасанми ё шуларга гирифтор бўласанми?

Сайселининг гўзал чеҳраси ловиллаб кетди ва бир дақиқагина унинг зангори кўзлари уят ва қўрқув ёшларига тўлди. Кейин у яна ўзини тутиб олди ва аббатга дадил боқиб, жавоб берди:

— Қотил золим ҳам бўлишини биламан. Отамни ўлдирган одамга қизни азоблаш ҳеч гап эмас. Лекин, гарчи, баъзан ўзининг ёрдам қўлини дарров узатмас-да, айбсизларни ҳимоя қиладиган худо борлигини ҳам биламан, ундан мадад тилайман, милорд аббат. Фотреллар, Карфакслар оиласига мансублигимни ҳам авлодларимдан на бирорта аёл, на бирорта эркак қўрқув ва азоб-уқубат олдида бош эгмаганлигини ҳам биламан.— Шундай деб, Сайсели орқасига ўтирилди-да, хонадан чиқиб кетди.

Аббат ва Эмлин ёлғиз қолишди. Эмлиннинг ғазабдан тили калимага келмай қолган эди, шу сабабли у гапиргунча бўлмай, аббат ҳақоратлаб, лаънатлаб, ўзи ва соҳибасини фақат испан инквизиторигина ўйлаб топа оладиган қийноқлар билан қўрқита кетди. Ниҳоят, у нафасини ростлаш учун тўхтади ва шундагина Эмлин тилга кирди.

— Том устингизга босиб тушмаслиги учун, эй ёвуз одам, овозингизни ўчиринг: тикандек ботадиган



ҳар бир сўзингиз илонга айланиб, ўзингизни чақишига ишончим комил. Наҳотки кеча кечасидаги воқеа сизни огоҳлантирмаган бўлса ёки сизга бошқа сабоқлар керакми?

— Оҳо!— деди у.— Демак, сен бу ҳақда биласан, тўғрими? Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим — ҳаммасига сенинг жодугарлигинг сабабчи.

— Бутун осмонни аланга тутиб кетди-ю, қандай қилиб мен буни билмаслигим мумкин? Бўрдоқига боқилгандек семириб кетган Блосхолм роҳиблари қишда камарларини тортиброқ боғлайдилар. Зўрлик билан ўзлаштириб олинган ерлар бахт келтирмайди шекилли. Жон Фотрелнинг қони ёнғинга айланди. Эҳтиёт бўлинг, сизга айтяпман, эҳтиёт бўлинг! Йўқ, сизнинг телбанамо гапларингизга бошқа тоқатим йўқ. Бу бечора ледига, агар журъат қилсангиз, лоақал бармоғингизни тегизиб кўринг-чи, кўрадиганингизни кўрасиз!— Шундай деб у ҳам орқасига ўтирилди-да, чиқиб кетди.

Аббат монастирдан кетиш олдидан яна Матильда она билан гаплашди. «Сайселини, унинг жонини қутқариб қолиш учун, танобини тортиб қўйиш зарур,— деди у.— Аввал ширин сўз, кейин қаттиққўллик ва ҳатто, лозим бўлса, савалаш билан. Шунингдек, унинг жонини қутқариб қолиш учун, оқсоч Эмлини ҳам унга яқинлаштирмаслик керак, чунки, шубҳасиз, Эмлини хавфли жодугар».

Кўзи ёрийдиган пайт яқинлашганда эса, онанинг ва боласининг ҳаётини сақлаб қолиш учун, унга ғамхўрлик қилгани аббат жудаям муносиб, мунақа ишларда кўзи пишган аёлни юборажагини айтди.

Шунда ювош ҳамда мулойим Матильда она аббатни, ўзининг диний бошлигини ҳайратда қолдирди, қаттиқ ранжитди.

У мутлақо ҳеч нарсага тушунмади. Нозира, Сайселининг ҳар қанча айб ва камчиликлари бўлса ҳам, таклиф қилинган бу таъсир чораларини қўллаш мумкин эмас, деди қатъий равишда. Унинг фикрича, Сайсели шундай ҳам беҳудадан-беҳудага анча азоб тортиди, бунинг устига фарзанд кутяпти; шу сабабли унга иложи борича юмшоқроқ муомала қилиш керак. Ўзи эса, бу ишдан юз ўгиради ва бунақанги буйруқларга

бўйсуннишдан олдин Лондондаги бош викарийга мурожаат қилади, унинг билишича, бунақа масалалар билан фақат ўша шуғулланади. Еки ҳеч бўлмаганда леди Харфлит ва унинг оқсочини дарвозадан чиқариб юборади-да, раҳмдил одамларни уларга ёрдам беришга чақиради. Бироқ, Мэлдон шафқат қилиб, оғироёқ Сайселига қараб туриш учун эпчилроқ хотинни юборса, шунда ҳам, у яхши ном чиқарган бўлса, эътироз билдирмайди. Лекин, қандай бўлмасин, у билан ҳозир қуруқ нон-сув, қоронғи зиндон, қамчилаш тўғрисида гаплашиш бефойда. Токи Матильда она монастырь нозираси экан, бунақанги ишлар ҳеч қачон содир бўлмайди. Бирор кимса бунга журъат этишидан аввал, у ҳамда ҳамширалар монастырни тарк этадилар ва бу ишни ҳал этишни қирол саройи аҳлларига ҳавола қиладилар.

Шундай ҳам бўлди, бу даҳшатли дўқ-пўписаларга қарамасдан, монастырда ҳамма нарса яна ўз ҳолича қолаверди. Шундай вақт етиб келгандики, ҳатто «дорга ошиш ҳуқуқига» эга бўлган қудратли лорд аббат ҳам ишни охиригача етказолмади. Сайселини зиндонбанд қилишмади, кунини қуруқ нон-сувга қолдиришмади, савалашмади ҳам. Уни энага Эмлиндан жудо қилишмади ҳам. Тўғри, нозира ҳукумат қонунларига қаршилик қилгани учун Сайселига танбеҳ берди, бироқ ҳаммасини ипидан-игнасигача сўраб, билиб олгач, уни ўпди, дуо қилди ва «ўзимнинг қизалоғим, жоним, қувончим» деб атади.

Агар монастырда ҳамма нарса азалгидек бўлса, аббатликда ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлаётган ва ҳаддан ташқари ҳаяжон ҳукм сураётган эди! Енғиндан сўнг уч кун ўтар-ўтмас бутун бошли сурув — саккиз юз қўй Қизил қояга ташланиб, ундан думалаб кетди, ўша ерлик подачилар эса яхши билишади, у ер — баландлиги қирқ фут келадиган тик жарлик. Шу пайтгача Блосхолм ва унинг атрофида қўй ҳеч қачон бунчалик сув текин бўлмаганди: ўша туннинг эртасигаёқ, ўн миля атрофидаги ҳар бир батрак, агар ўлган қўйларнинг терисини шилиб олишгагина вақтини сарфласа, қишки пўстинли бўлиши ҳеч гап бўлмай қолди. Бундан ташқари подачилар, сурувини эшак минган шохли, туёқли шайтон ҳайдаганини ўз

ёпиш тўғрисида гапирардилар — баъзилари аллақачонлар амалда ёпилган эди, кўпроқ Йорк ва Линкольн графлигидаги католиклар исёни ҳақида гапирардилар; буларнинг ҳаммаси, аббат Мэлдонни тез-тез уйдан ғойиб бўлиб туришга мажбур этаётган муҳим ишлар эди.

Кунларнинг бирида у узоқ сафардан ҳориб-чарчаб, лекин мамнун ҳолда қайтиб келди. Уни бу ерда кутиб турган янгиликлардан ташқари, монастырь нозирасининг хатини олди; аббат нонушта қила туриб, ушбу хатни мулоҳаза қилиб кўрди. Испаниядан ҳам хат бор эди; уни шу заҳотиёқ диққат билан ўқиб чиқди.

«Қатта Ярмут» сузиб кетгандан бери тўққиз ой ўтди. Шу давр ичида, фақат, унинг Севильяга етиб бормаганлиги маълум бўлди. Шу сабабли, кўплар қатори аббат ҳам уни бирон бир жойда очиқ денгиз қаърига чўкиб кетган, деб ўйларди. Гарчи, жуда ҳам муҳим хатлар йўқолганини билдирса-да, у бу қайғули ҳодисани тақдирга тан бериб; хотиржамгина қабул қилди: чунки кемадаги бир неча номатлуб шахсни, хусусан сэр Кристофер Харфлитни, миш-мишларга қараганда, ўзи билан аллақандай бўлмағур ҳужжатларни олиб қочган сэр Жон Фотрелнинг хизматкори Жеффри Стоуксни кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ эди. Ҳатто котиб ва капеллан — биродар Мартинга, аббатнинг фикрича, яхши одамлар гоҳо-гоҳо виждонан иш қилмаслиги лозим топилган ер юзидан кўра, парвардигорга яқинроқ туриши кўпроқ жоиз бўлган одамга ҳам ачинишнинг ҳожати йўқ эди.

Хуллас, «Қатта Ярмут»нинг ғойиб бўлиши самонинг оқилона иши бўлиб, истиқболга йўл очганди: у сўнгги пайтларда юришга тўғри келаётган ғадир-будур, паст-баланд йўллардаги туртиб чиққан тошлардан бир нечасини аббатнинг оёғи остидан олиб ташлаганди. Сэр Жон Фотрелнинг арвоҳи ҳамда арақхўр Эндрыоннинг найзада тиржайиб қараб турган калласи аксинча башорат қилаётган бўлса-да, барибир ўликлар гапиролмайди. Бискай кўрфази қаърида ётган Кристофер Харфлит билан Жеффри Стоукс номақбул айбларни унга тақолмайдилар. Энди ҳазрат тутқунликда унутилаёзган аёл ва унинг ҳали туғилмаган

боласидан бошқа ҳеч ким тўғрисида бош қотирмайди. Аббат ана шундай деб юрганди.

Мана энди бўлса, аҳвол ўзгарди: Испаниядан келган хатда айтилишича, «Қатта Ярмут» чўкиб кетмаган, чунки унинг аъзоларидан икки киши қутулиб қолган, лекин қандай қилиб, бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаганди. Нажот топганларнинг айтилишича, кема — турк ёки бошқа маъжусий қароқчилар томонидан қўлга олиниб, тор Гибралтар бўғози орқали номаълум ёққа олиб кетилган. Шу сабабли, агар сэр Кристофер бу саёҳатга дош берган бўлса, у Жефри Стоукс ва биродар Мартинга ўхшаб, ҳали ҳам тирик. Лекин бу даргумон. Ҳаммасидан тўғрироғи, улар жангда ҳалок бўлганлар, чунки учови ҳам ашаддий жангчи — инглиз эди, жуда бўлмаганда, минг кишидан биттаси ҳам омон қайтмайдиган турк галерасига<sup>1</sup> ҳукм қилинганлар.

Шундай қилиб, умуман, айниқса ҳозир, янада бевоситароқ хавф-хатар даҳшат солиб турган бир пайтда, аббатнинг ўлган ёки ўлган билан баробар бўлганлардан қўрқиниш учун асос йўқ эди.

Унинг бирдан-бир қўрққан нарсаси — ўзи, аниқроғи, черков билан жуда бой мерос ўртасида турган нарса — монастирдаги қиз, туғилмаган гўдак ва албатта, Эмлин Стоуэр эди. Ҳа, бола, шу билан бирга, онасининг ҳам тирик қолмаслигига аббатнинг ишончи комил эди. Эмлин бўлса, жодугарлиги учун оловда ёндирилади, чунки у шунга лойиқ; бунга кўп қолгани йўқ, чунки энди унинг орқасидан кузата олади, вақти бор; борди-ю, Сайсели соғайиб кетган тақдирда ҳам, гарчи унга юраги ачишса-да, ҳаққоният юзасидан уни Эмлинга қўшиб гулханга жўнатиши лозим, у — жодугарнинг ҳамтовоғи. Ҳозирча эса, бола учун биронта чора топиш керак — Матильда она унга вақти-соати яқинлашиб қолганлигини хабар қилганди.

Аббат ўзига хизмат қилувчи роҳибни чақириб, Меггс-Қалқонбалиқ номли машҳур хотинга, унинг тезда аббатликда ҳозир бўлишини етказишни буюрди. Ун дақиқадан сўнг хотин кириб келди: чамаси,

---

<sup>1</sup> Галера — ғарбда қўлланилган кўп эшакли катта кема бўлиб, унда ҳукм қилинганлар эшакчилик қилишган.



доим тайёр бўлиб туришга уни илгаритдан огоҳлантириб қўйишганди.

Мегс-Қалқонбалиқ, ўша ерларда доя хотин сифатида ном чиқарган, эллик ёшлардаги, ҳаддан ташқари бақалоқ, яп-япалоқ юзли қийиқ бит кўз ва кичкина қийшиқ оғизли — шу сабабли ҳам уни Қалқонбалиқ деб аташарди — аёл эди. У, то аббатнинг назарида ҳолдан тояётгандек кўрингунча, эгилиб-букилиб таъзим этиб тураверди; унинг оталарча килган дуосини олгачгина, ўзининг бесўнақай гавдаси остида мутлақо йўқ бўлиб кетган креслога ўтирди.

— Дўстим, сизни бу ерга чақирганлигим, балки, сизга қизиқ туюлар, — чунки, сизнинг хизматингиз бу

ерда ҳеч кимга асқотмайди-да,— деб кулги билан гап бошлади аббат.

— Эй, йўқ, мълорд,— деди хотин.— Эшитишимча, сэр Кристофер Харфлитнинг огироёқ рафиқасига қараб туриш керак экан.

— Мен уни олижаноб «рафиқа» сўзи билан аташни истардим.— деди аббат, хўрсиниб.— Бироқ сохта никоҳ бундай аташга йўл қўймайди, миссис Меггс, кейин — э-воҳ!— бола бечора, агар у туғилгудек бўлса, ёруғ дунёга келиши биланоқ, хароми деган шармандали ном олади.

Зийрак Қалқонбалиқ унинг шамасига тушуна бошлади.

— Қайғули ҳол, ҳазратлари, жудаям қайғули, ҳатто, айтиш мумкин, мутлақо ёмон. Ҳа, майли, зарари йўқ, туғулгунча бир гап бўлар. Бунақанги бехосдан, тасодифий пайдо бўлиш — муҳтарам жанобларининг келганларини назарда тутяпман — бахт келтиради, бу ерда бўлса, монастырь ён-атрофида ҳамиша бўлганидек... яъни айтмоқчиманки, ҳамма ёқда ҳам унақанги болалар кўп. Бунинг устига улар одатда беодоб ва ношукур бўлиб ўсадилар. Бу хусусда ўзининг уч болам мисолида яхши биламан — лекин, тўғри, ўшанда мени дарров эрга бериб юборишга улгуришганди. Хўш, қисқаси, айтмоқчийдимки, агар шундай бўладиган бўлса, бояқиш бегуноҳ гўдак ёруғ дунёга келмасданоқ ўлгани маъқул. Шундагина у шармандай-шармисорликдан ва масхара бўлишдан қутулиб қолади.— У жим бўлиб қолди.

— Балли, миссис Меггс. Жуда бўлмаганда, бунақанги ишларда тангрининг иродасига қарши туришимиз лозим эмас,— агар шарт-шароит бўлса, албатта, гўдак кўпи билан чўқинтирилгунча яшагани маъқул,— деб аббат шоша-пиша қўшиб қўйди.

— Йўқ, кардинал ҳазратлари, йўқ. Худди шу тўғрисида ўтган йили Смитнинг қизига гапиргандим. Уйқум жудаям қаттиқ — албатта, у туғаётган пайтда тасодифан ухлаб қолдим, уйғониб бундоқ қарасам, бола кўкариб, қимирламай ётибди. У буни кўрди-ю, авзойи бузилиб, худди ўзининг тўнғиз бузоқчасидан айрилиб, маъраб юборган сигирдек, ҳўнграб йиғлаб юборди. Мен бўлсам унга шундай дедим: «Мэри, бун-

га мен эмас, яратганнинг ўзи сабабчи. Мэри, менга юк тушганлиги сени азоб-уқубатдан қутқарди, бунинг учун хурсанд бўлишинг керак, кейин чақалоқни кўмгани унчалик харажат ҳам қилиб ўтирмайсан. Мэри, агар хоҳласанг озгина оби-дийда қил, ҳар қалай тўнғич боланг, лекин худога шак келтириб, кўкка мушт ўқталма — бу худойимга ёқмайди».

— Хў-ўш!— деди аббат чўзиб ва бепарвогина сўради:— Кейин Мэри нима қилди?

— Нима қиларди беҳаё ҳайвон? Ушанда менга шундай деди: «Қари чўчқа, муштдан кўрқасан-у, яна чўчқачаларни бўғиб ўлдирасан. Мен бошқача қилиб таъзирингни бераман»,— шундай деб, девор тепасидаги тўсинни итариб юборди (биз эшик тагида туриб гаплашаётгандик); тўсин ҳам эмандан эди, бўйням икки — уч метр келарди, гурс этиб тегди, ўша-ўша бошимда чандиғим бор. Мэри бўлса яна: «Кўнглинг тўлдими ё эшикнинг устунини суғуриб олайми?»— деб қичқирарди. Ходаларга, айниқса эмандан қилинган ва ўткир учи ўзингга қаратилган ходаларга асло тоқатим йўқ.

Мурдор шум кампир ўз одатича вайсар, аббат бўлса миқ этмай шипга тикиларди. Ахири у нафасини ростлаш учун гапдан тўхтаганда, аббат деди:

— Фисқи-фужур ва жабр-зулмлар тўғрисида эшитавериб, қулоғим битиб кетди. Бунақанги бахтсиз тасодифлар бўлиб туради, сизни ҳам айблаб бўлмайди. Энди, раҳмдил миссис Меггс шу ишни ўз устингизга оласизми? Ахир бунақанги иш роҳибаларнинг тушига ҳам кирмаган. Гарчи, ҳозир замона оғир, бунинг устига уйимиз кейинги пайтларда кўпдан-кўп зарар кўрган бўлишига қарамай, сизнинг санъатингиз учун яхшигина ҳақ тўланади.

Хотин ўзининг бесўнақай оёқларини типирчилатаркан, ерга қаради, кейин тўсатдан бошини кўтариб, руҳонийга кўзлари билан еб қўйгудек бўлиб тикилди.

— Борди-ю, бегуноҳ гўдак, илгарилари бўлиб турганидек, менинг қўлимдан тўғридан-тўғри жаннати бўлиб кетса-чи, унда ҳам ҳақимни олавераманми?

— Унда,— деди аббат қандайдир аламли илжайиб,— унда, миссис, ўйлайманки, сизга тасалли бермоқ ва одамлар санъатингизга шубҳаланиб қа-

рагани важидан сизни мукофотлаш учун икки ҳисса ҳақ тўлашга тўғри келади.

— Мана бу олижаноблик,— деярган у, кўзлари очкўзликдан чақнаб кетди.— Фақат аббат билангина шундай келишиш мумкин. Лекин, милорд, айтишларича, монастырда арвоҳлар кўринаётганмиш, мен бўлсам арвоҳлардан кўрқаман. Эркакми, хотинми, ходаси борми, йўқми, онахон Қалқонбалиқ учун барибир, аммо арвоҳлардан худонинг ўзи асрасин. Бунинг устига миссис Стоуэр — жодугар, мени сеҳрлаб қўйиши мумкин, роҳибалар бўлса, турли-туман кароматларга эга, дуоибад қилиб, бегуноҳ жонимни гўрга тиқиб қўйишлари мумкин.

— Хўш, хўш, менинг вақтим кам. Нима демоқчисиз? Тезроқ гапиринг.

— Кечувдаги карвонсаройга, ҳазратлари, келгуси ойда ижарадор керак бўлади. Тилига маҳкам, ҳар ишга бурнини тиқавермайдиганлар учун у фойдали, даромадли уй. Смит қизининг боласи туфайли кўтарилган жанжал ва фитна-фасотларга тўла тухматлар тарқалгандан кейин бўлса, менинг ишим олдингидек бароридан келмай қўйди. Шунинг учун то ишларимни юргизиб олгунимча, шу карвонсаройни эгалласам-у, дастлабки икки йилда ижара ҳақини тўламай...

Аббатнинг бу нусха билан гаплашиб ўтиришдан тоқати тоқ бўлди; у стулдан турар экан, қўполлик билан деди:

— Эсда тутаман. Ҳа, ваъда бераман. Энди боринг; сизнинг боришингиздан Матильда она хабардор. Мазкур иш юзасидан мени ҳар куни эрталаб ва кечқурун хабардор қилиб туринг. Ҳой, нима қил-япсиз?— у бирдан бақариб юборди, чунки Қалқонбалиқ тўсатдан тиз чўкиб, ўзининг йўғон ва ифлос бармоқлари билан унинг кийимини чангаллаб олганди.

— Гуноҳдан фориғ қилишингизни истайман, ҳазратим, гуноҳдан фориғ этиб, дуо қилишингизни — рах Meggiscum<sup>1</sup> ва ҳоказоларни сўрайман.

---

<sup>1</sup> Меггс кампир лотинча рах vobiscum («хотиржамлик тилайман»)ни ўз андоҳига солиб, ўзгартиряпти.



— Гуноҳдан фориғ қилиш? Ҳеч қанақа гуноҳинг йўқ.

— Йўқ, милорд, гуноҳларим бор, аммо-лекин сизнинг гуноҳингиздан ким ўтади, шуни билмоқчийдим. Баъзан тунлар фаришталар уйқу бермайди, арвоҳларни ёмон кўришимнинг боиси шу. Улик туғилган боланинг арвоҳини кўрмаслик учун ҳатто қишда кечки овқат олдидан кучсиз, муздек эль ичиб, хом чўчка гўшти ейишга ҳам розиман.

— Йўқол!— аббат шундай овозда гапирдики, у на гуноҳдан фориғ бўлмай, на дуо ололмай, ўрнидан туриб, чиқиб кетди.

Унинг орқасидан эшик ёпилгач, аббат дераза ёнига келди ва бўронли тун бўлишига қарамай, уни ланг очиб юборди.

— Ё жафокаш авлиё-ю анбиёлар!— гўлдиради у.— Бу разил қотила ҳавони булғатапти. Бундай маҳлуқларнинг ер юзида юришга тангри қандай чидаркин? Наҳотки у ўзининг жаҳаннамий ҳунарини ошкора ишлатолмаса? Оҳ! Клемент Мальдонадо, бунақанги қуроллардан яна шунақанги ишларда фойдаланишга мажбур бўлаётган бўлсанг, жуда ҳам тубанлашиб кетибсан! Лекин бошқа илож йўқ. Ё раббий, бу ўзим учун эмас, черков учун! Буюк фитна етилиб келяпти, ҳамма одамлар эса мендан, унинг илҳомчиси ва ташкилотчисидан пул сўраяпти. Пул, фақат пул бўлса, олти ой ўтар-ўтмас Йоркшир ва Шимол графликлари бош кўтаради, йил ўтмасдан эса, худобехабар Генрих ҳалок бўлади. Кейин малика Мария<sup>1</sup> император ва папа билан бирга қўриқчи итлардек тахтда мустаҳкам ўрнашиб олади. Қайсар Сайсели ўлиши керак, унинг боласи ҳам ўлиши зарур. Шундан кейингина, агар лозим бўлса, ҳатто қийноқ исканжасида қийнаб ҳам, анови жодугар Эмлиндан зеб-зийнатлар сирини билиб оламан. Бу бебаҳо тақинчоқларни неча марталаб кўрганман; уларга бутун бошли қўшинни боқса бўлади; лекин, ҳозирча Сайсели ва унинг итваччаси тирик экан,

---

<sup>1</sup> Малика Мария — Генрих VIII билан Екатерина Арагонскаянинг қизи, католиклар тарафдори Мария Тюдор назарда тутилади. У ота-онаси ажралишгач, тахтга бўлган ҳуқуқдан маҳрум этилган.

уларни қандай қилиб қўлга кирита оламан? Шунинг учун — э-воҳ! — улар ўлиши зарур, бироқ — ё мусибат! — шум кампир ҳақ. Ўзимга ҳам жирканч бўлган иш учун ким менинг гуноҳимдан кечади? Ўзим учун эмас, ўзим учун эмас, паноҳгоҳим, черков учун! — шундай деб аббат ўзига пир деб билган авлиёнинг сурати олдида полга узала тушиб ётди-да, оёқлари-га бош уриб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

## Х боб

### *Меггс кампир ва арвоҳ*

Меггс-Қалқонбалиқ Сайселига доя хотин сифатида, ўз касби учун зарур бўлган бутун лаш-луши билан монастирда жойлашиб олди. Тўғри, бу осон бўлмади. Чунки, Меггснинг аянчли «шуҳратидан» яхши хабардор бўлган ва кампирдан ҳар қандай ёмонликни кутиш мумкин, деб шубҳаланган Эмлин, унинг кўчиб кетишига тиш-тирноғи билан монелик қилди; бироқ нозира мулойимлик билан, аммо жиддий ҳолда, бу ишга аралашди. У, ғалати қараш қиладиган, бидирлаб гапириб, кўп пиво ичадиган бу нусхага ўзининг ҳам кўнгли чопмаётганлигини тан олди. Лекин, тўпланган маълумотларга кўра, Меггс бунақанги иш соҳасида устаси фаранг экан. Ҳатто, умид йўқ, деб табиб қўл силтаган ҳаддан ташқари қийин ҳолларда ҳам бунинг уддасидан чиққанига ишонтирдилар; албатта, баъзан қўлидан ҳеч қандай иш келмай қолган пайтлар ҳам бўлган. Лекин одатда — нозирага шундай дейишганди — бундай «тасодиф»лар унга яхши ҳақ тўлолмайдиган бечоралар оила-сида юз берган. Худога шукур, ҳозир унга нисбатан сахийлик қилинпти — мукофотга мўмайгина пул берилади, чунки Матильда она ўзининг шахсий маблағидан каттагина қисмини унга ваъда қилди; бундан ташқари, эркак табибни бу ерга киритишмагач, бунақанги ишдан хабардор бошқа одамни қаердан ҳам топишарди? На нозиранинг ўзи, на бошқа роҳибалар бу ишга ярарди, ахир, эси паст ва ҳам-

ма-хаммасини аллақачонлар унутиб юборган кампир Брижетдан бошқа ҳеч ким турмушга чиқмаганди-да, Эмлин ҳам ёрдам беришга ожиз эди, чунки кўзи ёриганда у ҳали жуда ёш эди, кейин эса туққани йўқ. Шундай бўлгач, танлаб ўтириш бефойда.

Эмлин бу далил-исботларни эшитгач, гарчи у, бир қарашдаёқ бечора Сайселига ҳам ёқмаган бақалоқ жирканч хотинга ишонмаса-да, таслим бўлди. Лекин қўрқув Эмлинни ювош тортиб, кампирга нисбатан хушмуомала бўлишга мажбур этди: ким билсин, балки Меггс унинг бекаси учун жон. куйдириб, ҳаракат қилмай қўяр. Шу сабабли Эмлин, худди чўридек, унинг ҳар қанақанги хархашасини кўтарар, пивосини таъмили қилиб берар, ўрин солар ва ҳатто, унинг бемаза ҳазил ва вайсашларини қулоқ қоқмай эшитарди.

Ниҳоят, ҳаммаси тугади: дўмбоқ ва бақувват ўғилча ёруғ дунёга келди. Қалқонбалиқ мағрур қиёфада уни ҳаммага кўрсатиш учун қўй териси тўшалган саватга ётқизди, Эмлин, Матильда она, шунингдек, барча роҳибалар эса гўдакни ўлиб, дуо қилишди. Кейин дарров, бирор кори-ҳол юз беришининг олдини олиб (мана, аббатнинг оталарча эҳтиёткорлиги!), қачондан бери кутиб турган руҳоний, томонидан наридан-бери черков маросими ўтказилди-да, унга Жон Кристофер Фотрел деб ном қўйилди: унга Жон буvasи, Кристофер отасининг хотираси учун, Фотрел эса, аббат уни хароми деб ҳисоблаб, Харфлит деб аталишини истамагани учун берилганди.

Шундай қилиб, бола туғилди. Доя кампир Меггс уни ўз қўлида туғилиб, фоний дунёга келган икки юз уч боланинг ҳаммасидан ҳам дуркун — тоши кам деганда тўққиз ярим фунт, деб қасам ичди. Чақалоқнинг йиғлашига, қўл-оёғини типирлатишига қараганда, у соғлом ва яшаб кетишга қодир эди. У ўзининг қўлчалари билан Қалқонбалиқнинг йўғон кўрсаткич бармоқларидан ушлаб олганди, доя ҳайратдан қотиб қолган роҳибалар кўзи ўнгидан уни шу бармоқлари билан тепага кўтарди, кейин унинг соғлиғи ва узоқ умр кўриши учун пишитиб етилтирилган чоракта элни ичиб олди.

Мурғак яшаб кетишга қодир бўлса, Сайсели

ўлим тўшагида ётарди. У ўзини жуда, жуда ёмон сезар, борди-ю, Эмлиннинг бошига яхшигина бир фикр келиб қолмаганда, балки у ўлиб ҳам кетган бўларди. Сайселини ҳоли бутунлай танг бўлган ва Қалқонбалиқ бош чайқаганча, энди қўлидан ҳеч нарса келмаслигини айтиб, ҳамишаги улфати — элни ичиб, мудрагани кетган бир пайтда, Эмлин ўз бека-сига яқинлашиб, унинг совуқ қўлларидан ушлади.

— Жоним,— деди у,— гапимга қулоқ сол. (Бироқ Сайсели лоақал қимирламади ҳам). Жоним,— так-рорлади у,— гапимни эшит: эринг тўғрисида у-бу гаплар қулоғимга чалинди.

Сайселининг қон қолмаган юзи ёстиқ устида би-линар-билимас қимирлади ва унинг мовий кўзлари очилди.

— Эрим тўғрисида?— шивирлади у.— Ахир у ўлган-ку, яқинда мен ҳам ўламан. У тўғрисида ни-маям эшитардинг?

— У ўлмаган, у тирик, гарчи сендан буни шу пайтгача яшириб келган бўлсам ҳам, лоақал мен шундай деб ўйлайман.

Сайселининг боши бир лаҳзага кўтарилди, кўз-лари эса шодиёна ажабланиш билан Эмлинга ти-килди.

— Мени лақиллатяпсанми, энага? Йўқ, сен ҳеч қачон бундай қилмайсан. Сут бер, энди ичаман. Нима десанг ҳам қулоқ соламан, ҳаммасини айтиб бермагунингча ўлмасликка сўз бераман. Кристофер тирик бўлгач, ўлишимнинг ҳожати йўқ. Ахир мен фақат бир нарсани — у билан қўшилишни истаган-дим-да.

Шундан сўнг Эмлин нимаики билса, ҳаммасини унга шивирлаб айтиб берди. Бу бор-йўғи бир неча оғиз сўз эди: Кристофер, гўё уни кўмишгандек бўл-ган мозорга дафн қилинмаган, у ярадор ҳолида «Катта Ярмут» кемасига олиб борилган. Бу кема тақдири тўғрисида, афсуски, Эмлин ҳеч нарса эшит-маган. Бу хабар Сайселига худди сеҳрли доридек таъсир этди. Ахир у умидни — тўққиз ой давомида ўлган ва Кристофер билан бирга дафн этилган умид-ни қайта туғдирмадими? Шу дақиқадан Сайсели соғая бошлади.

Мастликдан сўнг тўйиб ухлаган Қалқонбалиқ беморнинг ёнига келаркан, унга аграйганча қараб қолди ва жоду ҳақида нимадир деб мингиллади, чунки у Сайселининг ўлишига мутлақо ишонганди: ўша пайтларда бунақанги доя хотинлар қўлига тушган аёлларнинг кўпи сўзсиз нобуд бўларди. Тўғриси, бу ҳол кампирнинг хафсаласини пир қилганди, чунки у ўзини ёллаган киши шу ўлимни истаганини биларди, энди у, олижаноб одам, кечувдаги карвонсаройни бошқа бирор кимсага ижарага бериб юборади. Устига устак гўдак тирик, ҳали-вери ўладиган ҳам эмас. Лекин шу жойда ишни тўғриласа бўлади, агар бунга тезроқ амалга оширса, эҳтимол, онаси ҳам қайғу аламдан ўлиб кетар. Аммо-лекин, афтидан, бу ишга дарров қўл уриш мушкул: чақалоқни жуда кўп меҳрибон кўзлар кузатиб турибди.

Қалқонбалиқ уни кечаси ўзи олиб ётмоқчи эканлигини айтганда, Эмлини жон-жаҳди билан қарши чиқди. Бунга нозирага айтганди, у кампирнинг арақ-хўрлигидан хабардорлиги, Смит боласининг қисмати ва бошқа ҳодисаларни эшитганлиги учун, болани дояга беришни ман этди. Она ҳали кучга кириб, чақалоқни олиб ётолмаслиги туфайли, уни беланчакка солиб, ёнига қўйиб қўйдилар. Эрта-ю кеч битта, баъзан бир неча жонкуяр роҳиба, худди қўриқчи фаришталардек, беланчак бошида ўтирардилар. Гўдакни табиатнинг ўзи боқарди — Сайсели биринчи кунданоқ унга кўкрак тутган ва кампир болани бир умрга ухлатиб қўя оладиган у-бу нарчасини сутга қўшиб беролмай, доғда эди.

Кун кетидан кун шундай ўтаверди. Борди-ю, кампир Меггс кутиб юрган фурсат насиб қилмаганда, унинг юраги ғазабдан, эҳтимол, умидсизликдан торс ёрилиб кетган бўларди. Роҳибалар кечки ибодатга (лекин бутхонага эмас, чунки арвоқлар тўғрисида миш-мишлар тарқалгандан бери, улар бу ердан ғира-шира бўлмасданоқ қочиб қолардилар) кетган ажойиб оқшомлардан бирида, куч-қувватга кириб қолган Сайсели Эмлиндан кийимини алмаштириб, ўрнини қайтадан солиб беришини сўради. Болани эса ҳамшира Брижетга топшириб, боғда сайр қилиб келишни буюришди, негаки, ёмғир ёғиб ўтган бўлиб,

оқшом файзли ва оромбахш эди. Брижет боққа кетди, лекин йўлда уни Қалқонбалиқ тутиб олди. Ҳамма, кампир ухляпти, деб ўйларди, аслида эса у Брижетнинг изидан кетганди, тентакнамо роҳиба бўлса ундан ўлгудек қўрқарди.

— Болагинамни нима бало қиляпсан, эси паст кампир?— деб қичқирди у афтини Брижетнинг юзига деярли тегизиб.— Уни сен йиқитасан-у, балога мен қоламан. Бурнингни пачоқ қилмасимдан, фариштачани манга бер. Бер деяпман, кейин тани-жонинг омонлигида жўнаб қол.

Эс-ҳушини йўқотиб, қўрқиб кетган Брижет бола-ни унга бериб, югурганча нари кетди. Лекин кейинроқ, бир оз тинчланибми ёки ўзи билмаган қандайдир ҳиссиётга бўйсунибми, ҳар қалай яна қайтиб келди ва сирень туплари ортига яшириниб, кузата бошлади.

У, Қалқонбалиқ ўзини ҳеч ким кузатмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун у ёқ-бу ёққа аланглаганини ва бутхонага кириб кетганини кўрди. Эшикнинг тамбалангани эшитилди. Кейинчалик айтиб юрганидек, Брижет нимадан эканлигини ўзи ҳам билмай, жуда қўрқиб кетди ва аллақандай ногаҳоний истак уни меҳроб деразаси ёнига югуриб бориб, ўша ерда турган замбилғалтак устига чиқишга ва бутхонага мўралашга мажбур этди. Шунда у мана нималарни кўрди.

Кампир Меггс меҳробда тиз чўкиб турарди. Аввалига роҳиба, у ибодат қиляпти, деб ўйлади. Лекин шу пайт ботаётган қуёш нури бутхонани ёритди ва Брижет, Меггс олдидаги тахта полда ётган болани, лаънати доя алланималар деб фўлдираб ўзининг йўғон кўрсаткич бармоғини унинг бўғзига тикаётганини, гўдакнинг ранги бўзариб кетганини кўриб қолди. Даҳшатдан донг қотиб қолган Брижетнинг на қимирлашга, на бақирришга ҳоли бор эди.

У тошдек қотиб, қимирламай турган бир пайтда, тўсатдан занг босган қурол-яроғли аллақандай эркак пайдо бўлди. Қалқонбалиқ бошини кўтариб, уни кўрди-ю, бармоғини гўдакнинг оғзидан суғуриб олиб, додлашга тушди. Қимса, бир оғиз ҳам гапир-

май, қиндан қиличини суғуриб, боши узра кўтарди, болалар кушандаси эса чинқирганча дерди:

— Арвоҳ! Арвоҳ! Сер Жон, шафқат қилинг, мен бир бечора хотинман, у менга ҳақ тўлади. Исо ҳақи, менга раҳм қилинг!

Шу сўзларни айтиб, у ерга беҳуш йиқилди-да, тиришганча, илондек тўлғана бошлади, кейин миқ этмай қолди. Шундан сўнггина киши ёки арвоҳ унга назар ташлади, қиличини қинига солди ва яна нафас олиб, йиғлай бошлаган чақалоқни ердан кўтариб, бутхонадан ташқари йўналди. Кейин Брижет, арвоҳ қаршисида турганча, болани ўзига узатаётганини элас-элас пайқади. Унинг юзини кўролмади, чунки сипар тушириб қўйилганди, лекин бўғиқ овозини эшитди. У шундай дерди:

— Бу леди Харфлитга тангрининг инъоми. Унга айтиб қўй, қўрқмасин, негаки битта алвастининг жонини олиб бўлдим, бошқалари эса қурбонлиққа етилиб турибди.

Брижет болани қўлга олди-ю, ерга йиқилди. Худди шу лаҳзада, Мегснинг кучи борича додлаганидан хавотирга тушган роҳибалар Матильда она бошчилигида ёнбошдаги йўлакдан ёпирилиб киришди. Улар ҳам эркак қадди-қоматини кўришди, дубулға ҳамда қалқондаги Фотреллар тамғасини танишди. Бироқ арвоҳ улар билан гаплашмай, эшик орқасига яшириниб, кўздан йўқолди.

Улар, бу киши болани ўғирламоқчи бўлган, деб ўйлашганди, шу сабабли даставвал, чақалоқни бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқишди. Кейин, унинг ҳеч қаерига зиён-заҳмат етмаганлигига ишонч ҳосил қилишгач, Брижетдан сўраб-суриштиришга тушдилар, бироқ ундан бирор маъноли гап чиқмади: у фақат бир нималар деб мингиллаганча, олдин замбилғалтакни, сўнг меҳроб деразасини кўрсатарди. Охири Матильда она гап нимадалигини фаҳмлаб, замбилғалтак устига чиқди-да, Брижетдек деразадан мўраллади. Мўраллади, кўрди ва ҳушдан кетиб, чалқанчасига йиқилди.

Бир соат ўтди. Тугмачадек оғзининг атрофидаги арзимас тирналиш ҳамда мўматалоқни айтмаса, чақалоқнинг жиддийроқ шикастланганлиги пайқалма-

ди. У онасининг бағрида ухлаб қолди. Брижет ўзига келди ва ниҳоят, ҳали ҳам ҳеч нарсадан ҳабари йўқ Сайселидан бошқа — у ва Эмлиннинг хонаси бионинг нариги бошида бўлиб, қий-чувни эшитишмаганди — ҳаммага бўлган воқеани гапириб берди.

Аббатга одам юборишди. У нақ момақалдироқ гулдираб, дўл ёғаётган пайтда ўзининг роҳиблари ҳамроҳлигида кириб келди. У ҳам ҳикояни эшитди — унинг ранги бўзариб кетганди; роҳиблар даҳшатдан ҳадеб чўқинардилар. Ниҳоят, у Меггс тўғрисида сўради. Унга, у ўликми, тирикми, ҳар қалай, ҳали ҳам, ҳеч кимнинг боришга юраги дов бермаган бутхонада ётганлигини айтишди.

— Бориб кўрамиз, — деди аббат.

Бутхонага келганларида, Брижет айтганидек, эшик ичидан беркитилган эди.

Темирчига одам юборишди; у кела солиб, лўкидонни бузишга тушди. Бошқалар эса ёмғирда турганча, уни кутишарди. Охири эшик очилди; ҳамма аббат бошчилигида қўлига машъал ва шам тутиб, энди бутунлай қоронғилашиб қолган бутхонага кирди. Мехроб полида нимадир ётарди. У ер барча машъаллар ёрдамида ёритилгач, ҳамма барча авлиё-анбиёларни ёрдамга чақирганча, ура қочди; улар қаршисида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган нарса ётарди. Кампир Меггс тириклигида ҳам бадбашара эди, бунақанги ўлим топгандан сўнг эса...

Тонг отди. Лорд аббат ўз роҳиблари билан қабулхонага йиғилганди, улар қаршисида эса нозира ҳамда роҳибалар ўтиришарди. Эмлин ҳам шу ерда эди.

— Жодугарлик! — деб қичқирди аббат, столни муштлар экан. — Ёвузона жодугарлик! Иблиснинг ўзи ҳамда унинг ёвуз жин-ажиналари теварак-атрофда санқиб юрибди, сизнинг монастирингизни бошпана қилиб олган. Ўтган тунда улар ўзларини кўрсатишган...

— Бу билан, чақалоқни шафқатсиз ўлимдан асраб қолиб, ифлос қотилани жазоладилар, — деди Эмлин унинг сўзини бўлиб.



— Овозингни ўчир, жодугар!— бақирди аббат.— Кўзимдан йўқол, иблис. Сени, сенинг кароматларингни яхши биламан!— Шу сўзларни айта туриб, Матильда онага қаради.

— Нимани назарда тутяпсиз, милорд аббат?— сўради Матильда она андишани йиғиштириб қўйиб.— Мен ва менинг ҳамшираларим сизга тушунолмай қолдик. Эмлин Стоуэр ҳақ. Эзгулик билан тугаган ишни жодугарлик деб бўладими? Тўғри, сэр Жон Фотрелнинг арвоҳи бу ерда пайдо бўлди, уни ҳаммамиз кўрдик. Хўш, у нима қилди? Сиз бизга юборган ёсуман гўдакнинг бўғзига бармоғини тиқиб, жонини олмоқчи бўлиб турганда, унинг ўзининг жонини олиб, бегуноҳ гўдакни қутқарди. Агар шу жодугарлик бўлса, унда мен ҳам жодугарман. Айтинг-чи, бу расво хотин арвоҳдан раҳм-шафқат сўраб додлаганда, жиноят қилиш учун сотиб олинган бир бечораман, деб нимага шама қилганди? Милорд аббат уни ким сотиб олди? Қасам ичаман, бизнинг монастырдан ҳеч ким бундай қилмаган. Сэр Жон Фотрелни ким тирик одамдан руҳга айлантирди? Нима учун у энди арвоҳ?

— Эй ожиза, мен бу ерга топишмоқ топиш учун келмаганман. Сенинг ўзинг ким бўбсанки, менга бунақа саволларни беряпсан? Сени ишдан олиб, сенинг бутун монастрингга муртадлик тамғасини босаман. Черков ҳукми сизнинг тақдирингизни ҳал қиладди. Сизни суд қилувчи трибунал йиғилмагунча, уйингиз остонасидан ташқарига қадам боса кўрманг. Қутулиб қоламиз, деб умид ҳам қилманг. Сизнинг Англиянгиз тагидан зил кетди, бидъатчилик ҳамма ёққа тарқалаяпти, лекин,— у овозини пасайтириб, қўшиб қўйди,— олов ҳали ёняпти, ўрмонда эса, ўтин кўп. Судга тайёрланинг. Энди мен кетишим керак.

— Қўлингиздан келганини қилинг,— деди ҳаддан ташқари аччиқланган Матильда она.— Бизни қачон айбласалар, ўшанда жавоб берамиз. Ҳозирча сиздан малайингизнинг ўлигини олиб кетишингизни сўраймиз; у билан бир жойда туришга тоқатимиз йўқ, унга бизнинг манзилгоҳимиздан бир парча ер ҳам nasib қилмайди. Милорд аббат, гарчи сиз ва сизнинг ўтмишдошларингиз ўзингизга тегишли бўлма-

ган ҳуқуқларни эгаллаб олган бўлсангиз ҳам, барибир, бизнинг монастримизни барпо этиш ҳақидаги ёрлиқни Англия қироллари берган. У Эдуард Бир томонидан тасдиқланган ва ўша кундан бошлаб, фақат қиролгина — бошқа ҳеч ким эмас, монастирь нозирасини тайинлаш тўғрисидаги фармонга қўл қўя олади. Менга берилган фармонга эса, Генрих Саккиз ўз қўли билан имзо чеккан. Сиз мени ишдан ололмайсиз. Аббат устидан мен қиролга шикоят қиламан. Хайр, милорд.— Шундай деб, у худди ҳақоратланган қиролничадек, ўзининг кекса роҳибалардан иборат мулозимлари кузатувида хонадан чиқиб кетди.

Бола кушандасининг даҳшатли ўлиmidан сўнг чақалоқни соғ-саломат онасига топширишгач, Сайсели тез тузала бошлади. Бир ҳафта ўтгач, ўрnidан туриб, юра бошлади, ўн кундан сўнг эса мутлақо соғлом, бир вақтлардагидан ҳам соғлом бўлиб кетди.

Ҳар қалай, Сайселининг эс-ҳуши, ўлим тўшагида ётганида унга энага шипшитган нарсани мукамалроқ билиб олишда бўлиб қолди. У то ҳаммасини, чунончи, янгилик Томас Боллдан чиққанлигини, сэр Фотрелнинг қурол-яроғларини тақиб болани ўлимдан қутқарган ҳам ўша эканлигини билиб олгунига қадар, ҳар куни сўрайвериб-сўрайвериб, Эмлини безор қилиб юборди. Билиб олгач эса Томасни албатта ўзи кўришни истаб қолди; унга миннатдорчилик билдирмоқчиман, деб ишонтира бошлади. Бироқ Эмлини, Сайселининг Кристофер тўғрисида нимаики билиш мумкин бўлса, ҳаммасини ипидан-игнасигача Томаснинг ўз оғзидан эшитмоқчи эканлигини яхши биларди.

Бир қанча вақтгача Эмлини бунга қаршилиқ кўрсатди, негаки бундай учрашув нақадар хавфли эканлигини яхши биларди. Лекин у ўз бекасининг гапини иккита қилолмаганлиги туфайли рози бўлди.

Белгиланган вақтда, қуёш ботарди, Эмлини Сайсели билан бутхонага кирди. Сайсели роҳибаларга шунча кўргуликлардан қутулганим учун тангрига шукрона, ҳамду сано айтмоқчиман, деди. Улар меҳроб олдида тиз чўкиб, ибодат қилаётгандай ўтирган ҳам эдиларки, Томас Болл келганлигини бил-

дирувчи тақиллаш сигнални эшитдилар. Эмлин ҳам жавобан тақиллатди — бу ҳаммаси жойида эканлигини билдирарди, шундан сўнг ёғоч ҳайкал очилиб, улар олдида, аввалгидек, сэр Жон Фотрелнинг қурол-яроғини тақиб олган Томас пайдо бўлди. Сайсели бир лаҳзагина ўзининг марҳум отасини кўргандай бўлди — Томас унга жуда ҳам таниш совутда отасига ҳаддан ташқари ўхшарди — оёқлари титраб чалишиб кетди.

Лекин Томас Сайсели олдида тиз чўкиб, унинг қўлидан ўпди, йигитчанинг сиҳат-саломатлигини сўраб-суриштиргач, унга қилаётган хизматидан бека хурсандми, йўқми — шуни сўради.

— Хурсандман, минг маротаба хурсандман, — деди у. — Оҳ дўстгинам, ҳозир мен бир мискина асираман, борди-ю, мол-мулкларим ўзимга қайтиб келса, ҳаммаси, нимагаки эга бўлсам, ҳаммаси сеники бўлади. Ҳозирча эса сени дуо қиламан, яратганнинг ўзи ёрлақасин сени, эй олижаноб киши!

— Менга миннатдорчилик билдирманг, леди, — деди тўғри сўз Томас. — Аслида, Эмлинга хизмат қилдим. Чунки роҳиблар бизни бир-биримиздан жудо қилганларига қарамай, биз кўп йиллик қадрдонмиз. Чақалоқ билан анови шайтонвачча Қалқонбалиқ воқеаси учун менга эмас, худога шукур қилинг, ўша кун кечқурун бутхонага тасодифан келиб қолдим, чунки келадиган куним эмасди. Молларга қарагани кетмоқчи бўлиб турувдим, бирдан кимдир қурол-яроғни тақиб, бутхонага бор, деб шивирлагандек, қандайдир қўл мени ўша томонга итаргандай бўлди. Қолган гаплар ўзингизга маълум. Энди кампир Меггс ҳам билса керак, деб ўйлайман, — маъюсланиб қўшиб қўйди у.

— Тўғри, тўғри, Томас, ҳамма ишда раҳнамолик кўрсатаётган худога шукур қиламан, сенга эса, унинг дастаги деб қараб, миннатдорчилик билдираман. Аммо-лекин Эмлин менга айтиб берган бошқа нарсалар ҳам бор. У айтдики, вой, у айтдики, мен ўлдириб кўмиб юборилган, деб ҳисоблаб юрган эрим бор-йўғи яраланган эмиш, уни лаҳадга қўймай, денгиз ортига жўнатиб юборишганмиш. Ҳеч нарсани қолдирмай, ҳаммасини айтиб бер, фақат тезроқ —

вақтимиз кам. Ҳаммасини сенинг ўз оғзингдан эшитмоқчиман.

Шундан сўнг Томас ўзи кўрган ва бошқалардан эшитганларини, одати бўйича, гапидан адашиб, тутилиб айтиб берди. Булар шулардан иборат эди: оғир, лекин ўлар даражада яраланмаган сэр Кристоферни «Катта Ярмут» кемасида чет элга олиб кетишган, Жеффри Стоукс ва роҳиб Мартин ҳам у билан бирга жўнаган.

— Ушандан бери ўн ой ўтди,— деди Сайсели.— Наҳотки, кема тўғрисида бирон-бир хабар бўлмаса? У шу пайтгача бемалол қайтиб келиши мумкин эди-ку.

Томас бир оз тарадудланиб тургач, жавоб берди:

— Испаниядан ҳеч қандай хабар олингани йўқ. Кейин, бу ҳақда Эмлингга ҳеч нарса айтмагандим, кема бутун аҳли билан ҳалок бўлди, деган миш-миш тарқалди. Кейинроқ эса, яна бошқача гаплар чиқиб қолди...

— Қанақа гаплар?

— Леди, кема командасидан икки киши Уошга етиб келган. Уларни ўзим кўрганим йўқ, улар яна сузиб кетишган, Марселга — Францияга. Лекин мен, улардан бирининг ўғай акаси бўлмиш подачи билан гаплашдим. У менга ўғай укасидан эшитганларини айтиб берди. Айтишича, «Катта Ярмутга» туркларнинг иккита қароқчи кемаси ҳужум қилиб, зўр жангда капитан ҳамда кўпчилик ўлдирилган, кейин кема ни босиб олишган эмиш. Бу одамнинг ўзи эса ўртоғи билан шлюпкада қочиб қолиб, то ватанга қайтиб келаётган бир кема уларни қутқариб, Гуллга олиб бориб қўйгунча, денгизда у ёқдан-бу ёққа тентираб юришибди. Билганларимнинг ҳаммаси шу, фақат яна бир нарсадан ташқари.

— Яна бир нарса? Нима у, Томас? Эрим ўлибдими?

— Йўқ, йўқ, бутунлай тескариси. Эрингиз тирик ёки тирик бўлган, чунки у, Жеффри Стоукс ҳамда руҳоний Мартин — руҳонийни яхши биламан, қўрқоқ эмас — то турклар сон жиҳатдан устунлик қилиб, қўл-оёқларини боғлаб, бирон ерларига зиён-заҳмат етказмай, ўз кемаларига олиб кетгунларича,

жон-жаҳдлари билан олишганларини қутулиб қолганлар кўришган. Эҳтимол, бундай жасур йигитларни қулга айлантиришни умид қилиб, уларни асир олишгандир.

Эмлин Сайселини тўхтатиб қолишга ҳарчанд уринмасин, у Томасга саволлар ёғдира кетди. Томас эса, то қулоғига ғалати товуш эшитилиб қолгунига қадар, билганича жавоб қайтариб турди.

— Деразага қаранг!— қичқириб юборди у.

Улар қарадилар-у, рангларида ранг қолмади; ойна орқасидан уларга аббат ўқрайганча қараб турар, ёнида эса бошқа одамлар ҳам бор эди.

— Мени ошкор қилиб қўйманг, бўлмаса ўтда ёндириламан,— шивирлади Томас.— Арвоҳ кўринди, деб айтинг.— У овоз чиқармай, худди соядек сурғалиб, ўзининг кавагига кирди-да, кўздан ғойиб бўлди.

— Энди нима қиламиз, Эмлин?

— Нима бўлса ҳам, Томасни қутқариш керак. Мағрур туриб, гапдан қайтиш йўқ. Бутхонада отангининг руҳи пайдо бўлишига сен айбдор эмассан. Эсингда тут, фақат унинг руҳи, бошқа нарса эмас. Мана, етиб ҳам келишди!

У шундай дейиши биланоқ, эшик ланг очилиб, бутхонага аббат ва хизматкорлари ёпирилиб кирдилар. Улар ғоятда даҳшатга тушишгандан, икки аёлдан икки қадамча нарида, ғуж-ғуж арилардек бир-бирларига қисилиб-қимтиниб, тўхтаб қолишди, фақат бир овозгина қичқирди: «Жодугарларни ушланг!»

Сайсели ҳар қанақанги қўрқувни унутиб, овоз эгасига қараб ўгирилди.

— Биздан нима истайсиз, милорд аббат?— сўради у.

— Жодугар, ҳозир сен билан гаплашган қанақа махлуқ, у қаёққа йўқолди, шуни билмоқчимиз.

— Бу, менинг болагинамни ким қутқарган бўлса, ўша. Унинг тақиб олган қурол-яроғлари отамники эди, лекин афти-ангорини кўриб бўлмади. Қаердан пайдо бўлиб, қаёққа йўқолди — буни мен билмайман. Агар уддасидан чиқсангиз, ўзингиз билиб олаверинг.

— Ҳой хотин, сен бизни масхара қиляпсан! Сенга у қанақанги махлуқ эди, деяпман?

— У Сэр Жон Фотрелнинг Қирол тепалиги ёнида ўлдирилганлиги ҳамда бу жиноятни амалга, оширганлар тўғрисида гапирди.— Шундай деб, аббатга тикилиб қараган эди, Мэлдон кўзларини олиб қочди.

— Яна нима?

— Унинг айтишича, эрим тирик, сиз уни кўммасдан Испанияга жўнатиб юборгансиз. У, эрим сиздан қасос олиш учун у ёқдан қайтиб келишини каромат қилди. Эримни маврлар асир олганини, отамнинг хизматкори. Жеффри Стоукс ҳамда руҳоний Мартин — сизнинг котибингиз ҳам у билан биргалигини айтди. Кейин бир назар ташлади-да, ғойиб бўлди. Эҳтимол, фақат бизга ғойиб бўлгандек туюлгандир, чунки ҳали ҳам орамизда бўлиши мумкин.

— Ҳа,— деди аббат,— сен гаплашган иблис ҳаммиша орамизда. Сайсели Фотрел ва Эмлин Стоуэр, икковларинг ҳам машъум жодугарсизлар, буни ўзингиз тан олиб турибсиз. Фоний дунё сизнинг жодугарликларингизга хўп чидаб келди; энди эса, шулар учун тангри ва одамлар олдида ҳисоб берасиз, чунки менга, Блосхолм аббатлиги черковининг бош руҳонийсига, сизларни шундай қилишга мажбур қила оладиган ҳуқуқ ва амал берилган. Бу жодугарларни ушлаб, то мен уларни суд қиладиган черков трибуналини тўплагунимча, ўзлари яшаётган хонага қамаб қўйинг.

Сайсели билан Эмлинни ушлаб, монастирга олиб кетишди. Боғдан ўтаётганларида уларга Матильда она роҳибалари билан дуч келди; улар шу ойнинг ўзидаёқ иккинчи маротаба бутхонада бўлаётган шовқин-суронни билиш учун югуриб келишаётганди.

— Яна нима бўлди, Сайсели?— сўради нозира.

— Энди, онажон, биз ҳам жодугар бўлиб қолдик,— деди у ғамгинлик билан жилмайиб.

— Ҳа,— гапга қўшилди Эмлин,— ўлдирилган сэр Жон Фотрелнинг руҳи гўё биз билан гаплашганмиш, шунинг учун айблашяпти.

— Нима, нима?— бақириб юборди нозира.— Наҳотки, отасининг руҳи пайдо бўлгани учун, аёл киши жодугар деб эълон қилинса? Бу қандай бедод-

лик! Эҳтимол, бечора ҳамшира Брижет ҳам жодугардир? Ахир, худди ўша арвоҳнинг ўзи болани унинг қўлига тутқазиб кетди-ку!

— Тўғри,— деди аббат.— Мен уни эсдан чиқарибман. У ҳам шу тўдадан, уни ҳам ушлаб, қамаш керак. Суд пайтида бошқа жодугарлар фош қилинмас, деб сидқидилдан ишонаман.— Шундай деб, у роҳибаларга дағдаға билан қараб қўйди.

Шундай қилиб, Сайсели билан Эмлин ўз хоналарига қамалишди. Асираларни роҳиблар сергаклик билан қўриқлашарди, лекин улар қийнов-қистовга дучор қилинишмади. Агар қулфлоглиқ уй ичида ўтирганларини айтмаса, уларнинг кундалик ҳаётида деярли ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Бола Сайсели билан бирга эди, роҳибаларга эса, асирлардан хабар олиб туришга рухсат берилганди.

Шунга қарамай, уларнинг ҳар иккови устига ҳам даҳшатли офат мудҳиш кўланка ташлаб турарди. Улар ўзларини қабиҳ ҳамда шармандали айб қўювчи суд ва ўлим жазоси кутаётганига иқрор эдилар— ҳатто, назарларида қўриқчилар бу ҳақда доимо эслатиб туришга ҳаракат қилаётганга ўхшарди...

Эмлин гиж-гижлаб қўйган Томас Блосхолм роҳибаларига, тўғрироғи монастырь нозирининг ёмонлигига ёмонлик қайтариб, ҳазилакам кулфат етказганини инкор этиб бўлмасди. Нима қилиш керак эди? Ҳақиқатни фош қилиб жодугарликда айбланишдан оқланиб қолишлари мумкин, лекин, бу билан, ўзларига насиб қилувчи бераҳм тақдирга Томасни ҳам гирифтор қиладилар.

Эмлин ана шу мулоҳазаларининг ҳаммасини «миқ» этмай ўтирган Сайселига айтиб бериб, унинг фикрини кутарди. Фикр тез ва қатъий айтилди.

— Бу чигални ўзимиз барибир ечолмаймиз,— деди Сайсели.— Ҳеч кимни фош этмаймиз, тангрининг айтгани бўлади. Ишончим комил,— деб қўшиб қўйди у,— яратганнинг ўзи, кампир Меггс ўғлимни бўғиб қўяй деганда ёрдам берганидек, бу гал ҳам бизни ёрлақайди. Бошқалар ҳисобига жон сақлашни истамайман. Худога ҳавола қилдим.

— Худога ишонганларнинг кўпи бебахт бўлган:

ёруғ жаҳоннинг бутун шумликлари бунга гувоҳ,— ишончсизлик билан деди Эмлин.

— Эҳтимол,— деди жавобан Сайсели ҳамиша-дагидай хотиржамлик билан,— чунки улар етарлича ва кераклигича ишонмаганлар. Қандай бўлишидан қатъи назар, шу йўлни танлайман ва оловга олиб борса ҳам, ўшандан бораман.

— Худди кўнглингга ваҳий келгандек гапирасан-а, лекин охири нима бўларкин?— деди Эмлин, елкасини қисганча.

Эртасигаёқ, Сайселининг эътиқоди оғир синовга йўлиқди. Эмлин билан танҳо гаплашгани аббат келди. У яна ўзининг эски ашуласини бошлади.

— Менга зеб-зийнатларни берларинг, ана ўшанда сен ҳам, беканг ҳам яхшиликча қутулиб қолишларинг мумкин. Бўлмаса, пешанангга гулхан битади.

Аввалгидек, Эмлин тақинчоқлар тўғрисида ҳеч нарса билмаслигини айтиб, уни ишонтиришга тушди.

— Зеб-зийнатларни топинглар, бўлмаса ўтда куйдириласизлар,— деди у.— Наҳотки, қандайдир арзимас тақинчоқлар ҳаётингиздан ҳам афзал бўлса?

Шунда Эмлин, гарчи ўзи учун бўлмаса-да, тарадудланиб қолди ва бекаси билан гаплашиб кўрмоқчи эканлигини айтди.

Аббат тезроқ гаплашишни буюрди.

— Зеб-зийнатлар оловда йўқ бўлиб кетган, деб ўйлагандим. Эмлин, наҳотки сен уларнинг қаердалигини билсанг?— деди Сайсели.

— Ҳа, сенга ҳеч нарса айтмагандим, лекин билман. Бир оғиз сўзинг билан, сени қутқариш учун, уларни бериб юбораман.

Сайсели хаёл суриб қолди, қўлида кўтариб турган боласини ўпди, кейин қаттиқ кулиб юбориб, шундай деди:

— Йўқ, ҳожати йўқ. Бу аббат менинг мол-мулким ҳисобига бойлик орттиролмайди. Зеб-зийнатларга умид боғламаслигимни аллақачон сенга айтганман. Ёндириб юборадиларми ёки қутулиб кетаманми, барибир, улар аббат қўлига тушмаслиги керак.

— Яхши,— деди Эмлин,— ўзимнинг ҳам фикрим



шу; буни фақат сени ўйлаганим учун гапирдим.— Шундан сўнг у Сайселининг қарорини аббатга етказгани кетди.

Мэлдон гоят ғазабланган ҳолда Сайселининг хонасига кириб келди-да, ҳар икки аёлни ҳам диндан қайтган, деб эълон қилинишлари, қийноқларга дучор этилиб, сўнг ёндирилажақларини айтиб, дўқ урди. Бироқ, у қўрқитмоқчи бўлган Сайсели, ҳатто парво ҳам қилмади.

— Майли, шундай бўла қолсин,— деди у,— бардошим етгунча, ҳаммасига чидайман. Тақинчоқлар тўғрисида ҳеч нарса билмайман, улар бор бўлган тақдирда ҳам, сизга эмас, менга тегишли, жодугарликда эса, айбдор эмасман. Билганингизни қилинг, чунки натижа сиз кутганингиздек бўлмаслигига ишончим комил.

— Нима дединг!— қичқириб юборди аббат.— Ишонч билан гапиришингдан, яна ёвузлик руҳи билан учрашибсан-да! Тўхтаб тур, жодугар ҳали бошқачароқ сайраб қоласан.

У эшикка яқинлашаркан, нозирани чақиришни буюрди.

— Бу хотинларга фақат қуруқ нон ва сув бериб, уларни шерикларини айтиб беришга мажбур қиладиган қийноқ исканжасига тайёрланг.

Бироқ, Матильда онанинг мулойим чеҳрасида итоатсизлик аломати зоҳир бўлди.

— Бизнинг монастиримизда бунга йўл қўйилмайди, милорд аббат. Қонун-қоидалар менга маълум, сизга бунақанги ҳуқуқ берилмаган. Бундан ташқари, уларни бу ердан олиб кетсангиз — улар менинг меҳмоним-а,— қиролга арз қиламан, ундан олдин эса, бутун округни сизга қарши кўтараман.

— Уларнинг шериклари бор, деб бежиз айтмаган эканман-а?— деди аббат заҳархандалик билан кулиб, кейин уйига жўнаб қолди.

Шу-шу, қийноқ тўғрисида бошқа гап бўлмади. Қиролга шикоят қилиш таҳдиди аббатнинг меъдасига ботмади.

# XI боб

## Суд ва ҳукм

Суд куни етиб келди. Сайсели билан Эмлин эрта тонгдаёқ монастирь дарвозасидан аҳоли танда қўйиб қолганини кўрган, нақ улар хонаси остидаги йўлак-залда ишчилар ҳамма ёқни жиҳозлаб, керакли юмушларни бажараётганларини эшитгандилар. Тахминан соат саккизларда роҳибалардан бири уларга нонушта олиб келди. Унинг қўрқувдан юзида қон қолмаганди. У, гўё орқадан биров кузатиб турибди, деб ўйлагандек, кўзлари олазарак бўлиб, шивирлаб гапирарди.

Эмлин ўзларини ким суд қилишини сўради, роҳиба жавоб берди:

— Аббат, қандайдир қора киши — нотаниш приор<sup>1</sup>, кейин қари епископ. О, ҳамшираларим, худонинг ўзи сизларга мурувват кўрсатсин, ҳаммамизни ўз паноҳида асрасин!— Шу сўзларни айтиб, у гойиб бўлди.

Шунда мардонаворлик Эмлинни бир лаҳзага тарк этди; ахир улар бундай суд ҳайъати олдида нимага ҳам умид боғлай олардилар? Аббат уларнинг бешафқат душманлари ва қораловчилари, нотаниш приор эса Мэлдоннинг дўстларидан бирортаси — иккови ҳам бир гўр. Қари епископ дейилаётган руҳонийга келсак, у ўтакетган золим, эҳтимол бу соҳада Англияда якка-ю ягоналиги билан шуҳрат қозонган кимса; бидъат расм бўлгунга қадар<sup>2</sup> бидъатчилар кушандаси, жодугар ва ялмоғизлар овчиси эди. Бундан ташқари, унинг ўз манфаати учун ҳеч нарсадан қайтмаслиги ҳаммага аён эди. Бироқ Эмлин Сайселига ҳеч нарса демади — айтиб ҳам нима қилади? Ҳадемай унинг ўзи ҳаммасини билиб олади.

Улар куч-қувват ҳали керак бўлишини яхши англаганлари ҳолда, тамадди қилиб олишди. Кейин

<sup>1</sup> Приор — катта бўлмаган ва аббатга тобе католик монастирининг номири.

<sup>2</sup> Бидъат расм бўлгунга қадар... — католиклар черков ислохотига бидъат сифатида қараганлар.

Сайсели боланинг қорнини тўйдириб, Эмлинга берди-да, ибодат қилгани тиз чўкди. Эшик ланг очилиб, бир тўда одам кириб келганда, у ҳали ҳам тиз чўкиб ўтирарди. Олдинда икки роҳиб, кейин аббат қўриқчиларидан қуролли олти киши, улардан сўнг эса монастирь нозираси уч роҳиба билан кириб келишди. Ҳатто қўриқчилар — қўрс одамлар ҳам, ибодат учун тиз чўккан навжувон соҳибжамол қошида, унга халақит беришдан чўчигандек, тўхтаб қолишди. Бироқ роҳиблардан бири сурбетларча қичқирди:

— Ушланг бу лаънати мунофиқни, агар у яхшиликча бормаса, куч билан олиб боринг.— Роҳиб гўё унинг елкасидан ушламоқчи бўлгандек, қўлини чўзди.

Лекин Сайсели ўрнидан туриб, унинг афтига тик қараркан, деди:

— Менга қўл текизманг. Орқангиздан бораман. Эмлин, болани менга бер, кетдик.

Шундай қилиб, улар қўриқчилар қуршовида йўлга тушдилар; олдинда роҳиблар, энг орқада эса, бошларини қуйи солганча, роҳибалар борарди. Мана, улар залга қадам босдилар, бироқ остонада уларга, то йўл очгунларича тўхтаб туришни буюрдилар.

Қўлида ухлаб қолган боласи билан зина тагида турганида унга қандай ўқрайиб қарашди-я, қандай ўқрайиб қарашди! Уларнинг ҳаммаси атайин териб олинган ва унинг устидан ҳукм чиқариш учун тайёрланган одамлар эди — буни у ҳам кўриб, ҳам эшитиб турганди.

Кейин унинг кўзига катта стол ортида ўтирган уч қози, шунингдек роҳиб-котиблар ташланди. Ўртада руҳонийларнинг дабдабали либоси ҳамда митрасини кийиб олган, баджаҳл башарали, қирғий бурун Қари епископ ўтирарди; руҳонийлик ҳассаси орқадаги деворнинг тахтали панелига суяб қўйилган, ўзи бўлса, мунчоққа ўхшаш митти кўзларини тўғрига тикиб олганди. Унинг чап томонида — бадқовоқ қиёфали, пастки жағи осилиб кетган, оддий жубба кийиб, белини боғлаб олган қайсидир бир чекка графлик приори; ўнг томонида эса, Блосхолм монас-

тирининг нозири, Сейсели оиласининг душмани Клемент Мелдон; унинг чет элликларга хос қора-сариқ юзи илтифотли кўринар, қора кўзлари ҳеч нарсани назардан қочирмас, динг қулоқлари ҳар бир сўзни, ҳатто шивирлаб айтилган сўзни ҳам эшитарди. Аббат епископга секингина нимадир деган эди, у жавобан ғамгинлик билан кулибгина қўя қолди. Ниҳоят, арқон билан ўраб, тўсиб қўйилган жойда, соқчи қоровуллигида — ҳеч ким эътибор қилмаётган ва аллақандай сўзларни ғўнғирлаганча, бебахту телбанамо кампир Брижет турарди.

Йўл очилиб, уларга олдинга юриш амр қилинди. Ярим йўлда Сайселининг диққатини ярқираган қандайдир доғ ўзига тортди — бу Томас Боллнинг малла соқоли эди. Кўзлари тўқнашганда, Сайсели унинг кўзида қўрқув акс этаётганини кўрди. У дарров тунди: Томас ўзини чақиринларидан, даҳшатли қийноққа грифтор бўлишидан қўрқаётганди.

— Хотиржам бўл,— шивирлади Сайсели унинг ёнидан ўта туриб.

Томас бунни эшитгандир ёки, эҳтимол, Эмлининг қарашидан ўзига ҳеч нарса хавф солмаётганини билгандир; ҳарқалай, у енгилгина хўрсиниб қўйди.

Улар ҳам арқон билан тўсилган жойга кириб, ўша ерда тўхташди.

— Исмингиз?— сўради котиблардан бири, қўлидаги ғоз пати билан Сайселини кўрсатар экан.

— Исмин Сайсели Харфлит эканлиги ҳаммага маълум,— деди у хотиржамлик билан; котиб, ёлғон гапиряпсан, деб қўпол эътироз билдирган эди, унинг Кристофер билан никоҳи қонуний эмаслиги тўғрисидаги эски баҳс яна қизиқ кетди, бунинг устига аббат, у бурунгидек Сайсели Фотрел ва никоҳсиз туғилган боланинг онаси, деб туриб олди.

Епископ бунга бирмунча қизиқиб қолиб, савол беришга тушди ва ҳатто, кўп ўтмай, Сайсели томонига оғди, чунки у иш динга бориб тақалганда, қонун-қондаларни яхши билар ва одил бўлишга интиларди. Шундай бўлса ҳам, охирида у бу масалага қўл силтади ва қўполдан-қўпол қилиб, агар Сайсели тўғрисида эшитган гап-сўзларидан ҳатто ярми

рост бўлса ҳам, унда ёш жувоннинг тириклик вақтида қандай ном билан юритилганлиги ҳадемай аҳамиятсиз бўлиб қолади, деди-да, котибга уни Сайсели Фотрел ёки Харфлит деб ёзишни буюрди.

Кейин Эмлин ўз номини айтди, ҳамшира Брижетни эса сўраб-суриштириб ўтирмасдан ёзиб қўя қолишди. Кейин техник терминлар, латинча сўз ва жумлалар билан тўлиб кетган узундан-узун айбномани ўқиб эшиттирдилар. Сайсели буларнинг ҳаммасидан айбномада уларни турли-туман даҳшатли жиноий ишларда айблаётганларини улар иблисни ўз ёнларига чорлаганларини ва иблис шохли, туёқли махлуқ қиёфасида, шунингдек, марҳум отаси қиёфасида пайдо бўлгани битилганини тушунди. Айбнома ўқиб бўлингач, айбдорларга ўз айбларига иқрор бўлишни амр этдилар, бироқ улар бундан бош тортдилар. Аниқроғи, фақат Сайсели билан Эмлингина ўзларининг айбсиз эканликларини айтдилар, чунки Брижет узундан-узун ниманидир ҳикоя қилишга тушиб кетгач, унинг гапига тушунишнинг иложи бўлмай қолди. Гаплари ҳеч кимни қизиқтирмай қўйгач, унга овозини ўчиришни буюрдилар.

Шунда епископ, айбдорлар қийноққа солинган-солинмаганлигини сўраб қолди ва салбий жавоб олгач, бунинг учун таассуф билдирди.

Охирги масалани бадқовоқ приор ўртага ташлади. Унинг фикрича, гўдакни ҳам айблаш керак, афтидан, у ҳам иблис билан мулоқатда бўлган; айтишларига қараганда, гўдакни ўлимдан иблис қутқариб, қўлига кўтарган ва роҳиба Брижетга берган — мана шунинг ўзигина Брижетга қарши бирдан-бир далил эди. Агар Брижет айбдор экан, унда, нима учун бола айбдор эмас? Уларни ўтда бирга ёқиш керакмасмикин, чунки, ёвуз руҳ чақалоққа энагалик қилгач, унинг худо томонидан лаънатланганлиги ўз-ўзидан маълум-ку.

Қонуншунос епископ бу далилни диққатга сазовор деб тан олди, бироқ пировардида, гўдак ҳали жиноятчилик ёшига етмаганлигини назарда тутиб, унга эътибор бермаганлик маъқул, деган қарорга келди. У, бу аҳамиятга эга эмас, чунки одамзоднинг қабиҳ душмани ўзининг қилган яхшилигини

эвазига ҳадемай ҳақ талаб қилишига шубҳаланмаса бўлади, деб қўшиб қўйди.

Ниҳоят, гувоҳлар чақирилишдан аввал, Эмлин уларни ҳимоя этишни ўз ўстига оладиган адвокат талаб қилди. Епископ бунга жавобан илжайиб, бунга ҳеч қандай ҳожат йўқ, чунки улар шундоқ ҳам адвокатларнинг энг яхшисига — иблиснинг ўзига эгалар, деди.

— Тўғри, милорд,— деди Сайсели бошини кўтариб,— адвокатларнинг энг яхшиси биз билан; фақат сиз уни нотўғри номладингиз. Бегуноҳлар ҳимоячиси — худо бизнинг ҳимоячимиз ва менинг умидим ҳам унинг ўзидан.

— Шак келтирма, жодугар!— қичқирди қария; сўнг гувоҳларни сўроқ қила бошлади.

Шундан сўнг мажлис тушлик қилиш учун тўхтатилди. Айбланувчиларга ҳам овқат келтиришди, бироқ улар ўша ерда — турган жойларида ейишга мажбур бўлдилар. Ҳаммасидан ҳам ёмони шу бўлдики, Сайсели боласини кўзларини лўқ қилиб ўзига қараб турган, Эмлин ва бир қанча роҳибалар тирик пардадек уни ўраб, паналаганларида роса таққирлаган, ғазабланган одамлар тўдаси олдида эмизишига тўғри келди.

Суд ҳайъати қайтиб келгач, Сайселидан у ўзини ҳимоя қилиш учун бирор нарса дейиш-демаслигини сўрашди.

— Ҳа, демоқчиман,— деди у,— бироқ мажолим йўқ, шу сабабли қисқа гапиришга мажбурман. Мен жодугар эмасман ва мени нимада айблаётганларига тушунмаяпман. Судья сифатида қатнашаётган Блосхолм аббати — ёвуз душманим. У отамнинг ерларини даъво қилди — ҳозир уларни эгаллаб олган бўлса ажаб эмас — ва отам, марҳаматли қирол ҳамда қирол кенгашига аббат устидан шикоят қилиш ва унинг хоинлигини фош этиш учун Лондонга кетаётганда, уни ўрмондаги Қирол тепалиги ёнида ваҳшийларча ўлдирди...

— Бўхтон, жодугар!— бақирди аббат, лекин Сайсели пинагини ҳам бузмай, давом этди:

— Кейин у ва қуролли югурдаклари эрим сэр Кристофер Харфлитнинг уйига ҳужум қилдилар,

бедарак йўқолган турмуш йўлдошимни ўлдирибми, ўласи қилибми — унинг тақдири тўғрисида аниқ бир нарса билмайман — уйга ўт қўйдилар. Кейин у мени ҳамда оқсочим Эмлин Стоуэрни ушбу монастирга қаматиб қўйди, ўзим ва ўғлимга қарашли ер-мулкни ўзининг номига ўтказадиган қоғозга қўл қўйишга мени мажбур қилмоқчи бўлди. Мен бундан бош тортдим ва худди шунинг учун ҳам у мени судга берди: айтишларига қараганда, жодугарликда айбланганларни бутун мол-мулкидан маҳрум этадилар ва у, ким кучли бўлса, ўшанинг қўлига ўтади. Сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, мен бу трибунал ҳукмини тан олмайман ва қиролга арз қиламан, эртами кечми, у фарёдимни эшитиб, таҳқирланганлигим, балки ўлимим учун ҳам айбдор бўлганлардан қасос олади. Халойиқ, сўзларимни яхшилаб эшитиб олинг! Қиролга мурожаат қилман ва ўз ишларимни, агар пешанамга ўлиш битган бўлса, етим қолувчи ўғлимга васийлик қилишни ҳам, худодан сўнг, фақат унгагина ишониб топшираман; аббат ўғлимни ҳам ўлдирмоқчи бўлиб, ўзининг сотқин малайини, разил бир маҳлуқни юборганди: ҳеч бир айби бўлмаган одамлар қотили бўлмиш сизларни вақти-соати етиб, тангри жазолаганидек, ўша разилни ҳам ўзи жазоласин.

Сайсели шундай деди. Шундай деди-ю, ғам-алам ва ҳорғинликдан тинка-мадори қуриб йиқилди — у ўтган мана шу кўп соатлар давомида оёқда тик турган эди-да — ва боласини бағрига босганича ётиб қолди; бу манзара жуда ҳам аянчли бўлганлигидан шу ерда ҳозир бўлган энг тошюрак одамларнинг ҳам кўнглини юмшатиб юборди.

Аммо-лекин унинг қиролга шикоят қилиш тўғрисида айтган сўзлари баджаҳл Қари епископни қўрқитиб юборди шекилли, аббатга ўгирилиб, у билан ниманидир баҳслашишга тушиб кетди. Сайсели қулоқ солиб туриб, уларнинг гап-сўзларидан баъзиларини эшитиб қолди:

— Унда ҳамма жавобгарликни сиз ўз устингизга оласиз. Мен бу ишга фақат черков нуқтаи назаридан ёндашаман, протоколга ҳам шундай деб ёзиб қўйишларини буюраман. Ҳукми ижро этиш ва ҳукм қи-

динганнинг мол-мулки масаласида ҳам жавобгарликни ўзимдан соқит қиламан. Ўзингиз шуғулланинг бу билан.

— Пилат шундай деган!— деб қичқирди Сайсели бошини кўтариб, унинг кўзига тик қарар экан. Кейин унинг боши яна қуйи осилиб, жим бўлиб қолди.

Шунда Эмлин гапга оғиз жуфтлади-ю, сўзларни қаторлаштириб ташлади.

— Сизлар,— деб бошлади у,— бизни жодугарлик учун суд қилаётган испан руҳонийсининг аслида ким, ва унинг мақсади нима эканлигини биласизларми? Қулоқ солинг, айтиб бераман. У кўп йиллар илгари Испаниядан жуфтак ростлаган, чунки у ерда кўп қабиҳ ишлар қилган. Аббатдан отамнинг холавачаси бўлмиш роҳиба Изабелла ҳақида, унинг ва ҳамроҳларининг қандай ўлимга йўлиққанликларини сўранг. Ундан сўрангки...

Бу пайтда аббат нимадир деб шивирлаган бир роҳиб Эмлиннинг орқасидан яқинлашиб келди-да, унинг бошига чойшаб ташлади. Лекин у ўзининг бақувват қўллари билан чойшабни олиб ташлаб, қичқирди.

— У қотил ва сотқин! У қиролни ўлдиришни ўйлаб юрибди. Мен буни исбот қила оламан, Фотрел шунинг учун ўлдики, у...

Аббат алланарса деб бақиргач, яна роҳиб — Амброз исмли норғул йигит, унинг оғзини чойшаб билан бекитди. Эмлин тагин унинг қўлидан қутилиб, халққа ўгирила туриб қичқирди:

— Сизларнинг кўпчилигингизга ўз вақтида ёрдамим теккан. Наҳотки, дўсту биродарим қолмаган бўлса? Наҳотки мен учун бу ҳайвон Амброздан қасос олгани Блосхолмда ҳеч ким топилмаса? Қимдир албатта топилади!

Лекин шу пайт Амброз бошқа роҳиблар кўмагида Эмлинга ташланиб, бошига урди-да, то у нафаси тикилиб, деярли беҳуш бўлиб ерга йиқилиб тушгунча силтай бошлади.

Ўз ҳамкасблари билан бир неча оғиз сўз орқали тезгина фикрлашиб олган епископ ўрнидан ирғиб турди-да, ғира-ширада, қоронғилашаётган залда —



чунки қуёш аллақачон ботиб бўлганди — суд ҳукми-ни ўқиб эшиттирди.

Энг аввало у айбланувчилар қасддан қилинган жодугарликда айбдор деб топилганликларини эълон қилди. Кейин у ҳаддан ташқари тантанали равишда жинойтчиларни черковдан рад этиб, уларнинг жонини ўз эгаси — иблис ҳукмига ҳавола қилди. Охирида, жумладан, уларнинг танини ёқишга ҳукм қилди, бироқ ҳукм қачон, ким томонидан ва қай тарзда ижро этилишини айтмади. Шу лаҳзада қоронғиликдан кимнингдир қаттиқ овози эшитилди:

— Эй руҳоний, ҳаддингдан ошяпсан, қирол ҳуқуқига кўз олайтиряпсан. Эҳтиёт бўл!

Тўс-тўполон бошланди; биров «тўғри», бошқаси эса — «йўқ» — деб қичқирарди. Ҳамма жим бўлгач, епископ ёки эҳтимол, аббат — аниқ кўришнинг иложи йўқ эди — ҳайқирди:

— Черков ўз ҳуқуқини ҳимоя қиляпти! Қирол ўзига тегишли ишлар билан шуғуллансин.

— Ҳа, шуғулланади ҳам, — деди яна бояги овоз. — У бунини аллақачон Рим папасига кўрсатиб қўйди. Роҳиблар, ашулангиз айтиб бўлинган.

Яна даҳшатли шовқин-сурон кўтарилди. Чиндан ҳам, бутун бу манзара, тўғрироғи, ҳамма ёқни босиб кетган шовқин-сурон, ким бўлишидан қатъи назар, барчага ғалати кўринарди. Епископ худди кечаси безовта қилинган қўноқдаги товуқдек ҳурпайиб, қаҳр-ғазабдан бўкирарди; бадқовоқ приор нақ буқа каби бор овози билан тўнғилларди; халойиқ ҳаяжонланар ва гоҳ бир гапни, гоҳ бошқасини айтиб қичқирарди; котиб ўзига шам келтиришларини талаб қиларди, ниҳоят, шам келтирилди ва у зулмат қоронғиликда худди заиф юлдуздек милтиллаб кўринар экан, котиб қўлини оғзига қарнай қилиб бақирди:

— Брижет нима бўлади? Оқланадимми?

Епископ лом-мим деб оғиз очмади. Чамаси, ўзи ишга солиб қўйган кучлардан чўчиганга ўхшарди; бироқ аббат котибга қичқирди:

— Қари жодугар ҳам бошқалар билан бирга ёндирилади! — Котиб бу қарорни протоколга ёзиб қўйди.

Қўриқчилар ҳукм қилинган уч аёлни олиб кетиш

учун уларни ўраб олган бир пайтда, қўрқиб кетган гўдак юракни эзар даражада чинқирди. Епископ ва унинг ҳамроҳлари эса, қўлига шам тутиб, олдинга ўтган роҳиб — бу Эмлини урган Амбрознинг худди ўзи эди — кетидан барча одамлар кузатувида зал бўйлаб кўча эшиги томон юра бошлади.

Бироқ улар эшикка етиб боришга улгурмасданоқ, Амбрознинг қўлидан шам юлиб олинди ва зулмат подшоҳлигида қўрқинчли қий-чув кўтарилди. Дод-фарёд, тасира-тусир уриш овозлари, ёрдам сўраб қилинган нидолар эшитилди. Аста-секин тўстўполон пасайиб, зал бўшай бошлади, чунки, афтидан, ҳеч кимнинг бу ерда қолиш истаги йўқ эди. Машъалларни ёққанларида, залда қолганлар кўзи олдида ғайри табиий манзара намоён бўлди.

Епископ, аббат, нотаниш приор калтакланган, қонга бўялган, кийимларининг дабдаласи чиқиб, ярим яланғоч ҳолда ҳар жой, ҳар жойда чўзилиб ётардилар; епископ ёнида иккига бўлинган хассаси думалаб ётарди; уни епископнинг ўзининг бошига уриб синдирганга ўхшардилар. Ҳаммасидан ҳам роҳиб Амбрознинг расвоси чиққанди: у гумбазни тутиб турган устунлардан бирига суяниб, ястанганча ётарди; оёқлари олдинга чўзилган бўлиб, башараси орқага қараб турарди, чунки кимдир уни худди ғоздек бўйнидан бураб ўлдирганди.

Епископ теварак-атрофга аланглар эқан, жароҳатлари қаттиқ оғриётганини сизди. Кейин у ўз мулозимларини чақирди:

— Плашимни беринг, отни келтиринг; Блосхолм ҳам, бу жодугарликларнинг ҳаммаси ҳам жонимга тегиб кетди. Энди, аббат Мэлдон, ўз ишингизни ўзингиз ҳал қилаверинг; бунда негадир менинг омадим юришмаяпти.— Шу сўзларни айтаркан, у ўзининг синган хассасига кўз ташлаб қўйди.

Блосхолм жодугарларининг катта суд процесси ана шундай тугади.

Сайсели ниҳоят уйқуга кетди, Эмлин эса унинг уйқусини қўриқларди. Бошқа ҳеч қандай муносиб хона бўлмаганлиги учун уларни тағин илгариги хона-

ларига олиб келиб қўйишди, бироқ энди улар, қочиб кетишни хаёлларига ҳам келтирмасликлари учун, қуролли соқчилар томонидан қўриқланардилар. Лекин Эмлин қочишга умид боғлаш бефойдалигини яхши биларди: борди-ю, улар монастирь тўрт девори орасидан қутулиб чиққанларида ҳам, ёрдам берадиган дўстлари, очликдан ўлмаглик учун озиқ-овқатлари, узоқ сафарга отлари бўлмагач, қаерга ҳам яширина олардилар? Бир миля юрар-юрмас уларни барибир тутиб оладилар. Бунинг устига Сайсели боласидан айрилишни истамас, шунча ташвишлардан сўнг бирон-бир ерга бора олиши ҳам даргумон эди. Эмлин шундай хаёл сурганча, ухламай ўтирар, қалби ғам-ғусса, ғазаб ва қўрқувга тўла эди, чунки у истиқболда заррача умид учқунини кўрмасди. Зулмат уларни ҳар томонлама ўраб олганди.

Эшик очилди, кейин уни тагин ёпиб, қулфлаб қўйдилар. Дарпарда орқасидан нозиранинг дароз гавдаси чиқиб келди. У қўлига ушлаб олган шам, худди қоронғиликда чарақлаётган юлдузга ўхшарди. Нозира шамни баланд кўтарганча бир ерда туриб, ҳар томонга назар ташларди; Эмлин уни кўрган заҳотиёқ, хаёлида бир фикр туғилди: балки у — Сайселини жон-дилидан яхши кўрувчи нозира уларга ёрдам берар? Ҳозир унинг қиёфаси — меҳрибон чеҳраси, зулматдаги шам — ҳақиқий умиддек гавдаланмаётибди ахир? Эмлин бармоғини лаблари устига қўйганча, нозира истиқболига турди.

— Ухлаяпти, уйғотворманг уни, — шивирлади у. — Сиз бизга эртага ёндирилишимизни айтгани келдингизми?

— Йўқ, Эмлин. Қари епископ буни бир ҳафтадан сўнг амалга оширишни амр этди: бутун Англияни кезиб чиқиб, уйига қайтиши учун унга вақт керак. Тўғриси айтганда, агар уни қоронғида дўппосламаган ва биродар Амбрознинг бўйинини қайириб ташламаганларида эди, ўйлайманки, кейинчалик кўнгилсиз вақеалар юз бермаслиги учун умуман ишни ўлим жазосигача олиб бориб тақамасди. Ҳозир у қутуриб кетган, залда ўзига ёвуз руҳлар ташланганлигига ва уларни қим чақирган бўлса, ўшалар

ўлиши лозимлигига қасам ичяпти. Эмлин, биродар Амброзни ким ўлдирди? Одамларми ёки...

— Уйлайманки, одамлар, онажон. Иблис ҳеч кимнинг бўйнини қайирмайди — роҳибларгина шунангиги туш кўрадилар. Бекамнинг ҳали содиқ дўстлари борлиги кимни ҳам ҳайрон қолдирарди? Ахир у бизнинг жойларимиздаги энг машҳур леди-ку, унга жабру жафо қилдилар. Одамларимиз шунчаки юраксизлик қилдилар, бўлмаса аллақачонлар бу аббатликни ер билан яксон қилиб, унинг деворлари ичига яширинганларни бўғизлаб ташлардилар.

— Эмлин, — қайтадан бошлади нозира, — Исо номи билан ҳамда ўз жонининг ҳаққи, менга тўғриси-ни айт, бу ишда ҳар қалай жодугарлик қилинганми, йўқми? Йўқ бўлса, унда буни қандай тушуниш керак?

— Сизнинг қалбингиз қанчалик пок бўлса, бу иш ҳам жодугарликдан шунчалик ҳоли. Бунинг ҳаммаси-ни бир киши қилган. Яна панд бериб қўймаслигингиз учун унинг номини сизга айтмайман. Ўша одам Фотреллар қурол-яроғини тақиб, биз билан маслаҳатлашгани махфий йўл орқали бутхонагача келарди. Ўша одам аббатликнинг ҳужра ва ғарамларини ёқиб юборди, бошига эчки терисини ёпишиб, молларни тумтарақай қилди, ароқхўр Эндрьюнинг бош суягини гўрдан олиб чиқди. Мени урган Амбрознинг бўйнини қайриб ташлаган қўл ҳам ўшаники эканлигига шубҳаланмайман.

— Ал! — деди нозира. — Энди фаҳм-фаросатим етаётганга ўхшайди; қуролинг, Эмлин, фақат ҳаддан ташқари бераҳм экан. Майли, қўрқма, сирингни ҳеч кимга фош қилмайман. — У жим бўлиб қолди, кейин яна тилга кирди. — Оҳ, қабих кучлар қатнашмаганлигидан жудаям хурсандман! Мана бунга ҳамма ҳам ишонади. Энди йўлим менга аниқ кўриняпти, мен ундан, агар лозим бўлса, ўлимгача ҳам боравераман. Ҳа, ҳа, мен сизларни қутқараман ёинки ўзим ҳалок бўламан.

— Қандай йўл экан у, онажон?

— Эмлин, ўтган ойлар ичида сизлар ҳеч қандай янгилик эшитганингиз йўқ, мен бўлсам кўп нарсалардан хабардорман. Қулоқ сол, ҳозир муҳим воқеалар юз берапти. Қирол ёки лорд Кромуэл, ёинки улар-

нинг ҳар иккови ҳам биргаликда заифроқ монастирларга қарши уруш олиб бориб, уларни йўқ қиляпти, уларнинг ер-мулкларини тортиб олиб, роҳибларни гадойдан бадтар ҳолга солиб, ўз жойларидан дуч келган томонга ҳайдаб юборяпти. Мамлакат соҳиби монастирларга қирол комиссарларини жўнатыпти; улар жойларда суд қилиб, ҳукми ижро этиптилар. Улар бу ерга ҳам келиш ниятида эдилар, лекин менинг дўстларим ва унча-мунча шахсий маблағим бор — ахир мен яхши ва ўзига тўқ авлодданман-ку, — шунинг учун уларни сотиб олишга муяссар бўлдим. Ана шу комиссарлардан бири Томас Ли, яқиндагина эшитиб қолдим, Йоркширдаги Бэйфлит монастирида тергов олиб боряпти. Монастирь нозири эса, менинг амакиваччам Альфред Стакли; ундан бугун эрталаб хат олдим. Эмлиң, мен ана шу бағритош одам — уни ҳамма шафқатсиз дейди — олдига бораман. Мен бир қари ва ожиза хотинман, аммо-лекин унинг ҳузурига кириб, фақат сен, Сайсели ва қари Брижетнинг ҳаёти-ни сақлаб қолиш учунгина ўзим бошқараётган мана шу кўҳна монастирни унга таклиф қиламан.

— Ростдан борасизми, онажон? О, сизни худонинг ўзи ярлақасин! Лекин буни қандай қилиб урдасидан чиқасиз? Ахир улар жўнаб кетишингизга йўл бермайдилар-ку.

Қари роҳиба қаддини ростлаб, жавоб берди:

— Блосхолм монастири нозираси қаерга борса бораверади; унинг юришини тақиқлашга кимнинг ҳаққи бор? Албатта, қандайдир анови испаниялик аббат бўлмаса керак. Бу такаббур роҳибнинг хизматкорлари ўз уйимда бу ерга, сизларнинг хонангизга киришимга тўсқинлик қилмоқчи бўлдилар, лекин мен шундай бошлаб зарба бердимки, улар буни ҳеч қачон унутмайдилар. Ихтиёримда отлар бор, лекин ҳақиқат ҳақиқатлигича қолади — бир ўзим боролмайман: кучқувватим кам, бунинг устига монастирь ташқарисида роса қийналсам ҳам керак, ахир неча йиллардан бери ташқи дунёда бўлганим йўқ. Бирдан анови малласоч монастирь батраги Томас Боллни эслаб қолдим. Менга айтишларича, у ғалатироқ бўлса ҳам, унча-мунча одам бас келолмайдиган жасур ҳамда отларга муомала қила оладиган ва барча йўлларни яхши билади-

ган киши экан. Эмлин, Стоуэр, нима деб ўйлайсан, шу Томас Болл, аббатнинг рухсати биланми ёки рухсатисизми, менга ҳамроҳ бўлиб боришга кўнарникин?— Шундай деб, у яна Эмлиннинг кўзларига тик қаради.

— Бўлиши мумкин, жудаям, бўлиши мумкин; у таваккал қилишдан кўрқмайди, ёшлигимда билардим буни,— жавоб берди Эмлин.— Унинг ота-боболарининг кўп авлодлари ҳам Фотрел ва Харфлитларга тинчлик вақтида ҳам, уруш пайтида ҳам хизмат қилишган, шундай бўлгач, шубҳасиз, у бекамни ҳурмат қилади. Лекин у билан қандай қилиб гаплашса бўларкин?

— Бу унчалик қийин эмас, Эмлин. Унинг худди ўзи ҳозир эшик орқасида қўриқчиликда турибди. Лекин унга бирон-бир шартли белги кўрсатиш лозим.

Эмлин бир лаҳзагина ўйланиб турди-да, кейин бармоғидан юрак шаклидаги узугини чиқарди.

— Унга олиб бориб бериб: буни ким тақиб юрган бўлса, ўша, ҳозир узук қўлида бўлган одамга ҳамма жойда, агар лозим топилса, ўлгунига қадар ҳамроҳ бўлишингни буюрди. Бу, узукни тақиб юрганнинг ҳам, бошқасининг ҳам ҳаётини сақлаб қолиш учун зарур, денг. У — оқкўнгил одам агар аббат уни ушлаб қолмаса, ўйлайманки, сиз билан кетади.

Матильда она узукни олиб, ўз бармоғига тақди. Кейин Сайселининг каравотига яқинлашиб, унга, унинг бағрида ухлаб ётган болага қаради. Ўзининг нозик қўлларини улар устига чўзиб, ҳар икковини ҳам худонинг ўзи ёрлақашини сўраб чўқинтирди-да, эшик томон йўналди.

Бироқ Эмлин унинг кўйлагидан ушлаб қолди.

— Тўхтаг, — деди у. — Ўйлайсизки, мен ҳеч нарсага тушунмайман, лекин янглишасиз. Биз туфайли ҳаммасидан воз кечмоқчисиз. Ҳатто сиз тирик ва соғсаломат қолган тақдирингизда ҳам, сиз неча йиллардан бери бошқариб келаётган ушбу монастырь ёпилади, қўйдай ювош ҳамшираларингиз эса ҳар томонга тарқалиб, қариганда оч-ночор қолади, тўрт юз йиллик қўй қўтонига бўрилар жойлашади. Буни мен жуда яхши тушунаман, у ҳам, — Эмлин ухлаб ётган Сайселини кўрсатди, — тушунади.

— Унга ҳеч нарса дема,— шивирлади Матильда оша,— ишим ўнгидан келмаслиги ҳам мумкин.

— Бўлиши мумкин, албатта, эҳтимол, ўнгидан ҳам келар. Агар иш ўнгмай, бизни ёқсалар, хизматингизга яраша сизни худонинг ўзи тақдирласин. Борди-ю, иш ўнгидан келиб, биз қутулиб қолсак, Сайсели номидан қасам ичаман, сиз зарар кўрмайсиз. Яшириб қўйган бойлигимиз бор; у бир неча монастирь бойлигига тенг келади. Сиз ҳамда ҳамшираларингиз ўз ҳиссаларингизни оласиз. Ўша комиссар ҳам қуруқ қолмайди. У ўз хизмати учун унча-мунча тўлай олишимизни, бироқ бунга фақат Блосхолм аббатигина халақит бериши мумкинлигини билиб қўйсин. Энди, миледи Маргарет — назаримда, илгари сизни шундай деб чақирришган, руҳоний ва роҳибалар билан муносабатингизни узгач, сизни яна шундай аташади,— мени ҳам дуо қилинг ва билиб қўйинг, хоҳ тирик, хоҳ ўлик бўлай, сизни буюк одам ҳамда муқаддас қалб эгаси деб ҳисоблайман.

Нозира уни дуо қилгач, ўзининг маҳобатли юриши билан узоқлашаркан, эман эшик очилиб, кейин унинг орқасидан ёпилди.

Уч кун ўтгач, аббат ҳамроҳларсиз, бир ўзи улар ҳузурига келди.

— Разил ва лаънати жодугарлар,— деди у,— келгуси душанба кuni пешинда аббатлик дарвозаси қаршисидаги ўтлоқда ёндирилишингизни сизларга билдириб қўйгани келдим. Фақат черковнинг раҳмшафқати туфайлигина, ҳамтовоқларингизни билиб олиш учун сизларни қийноққа дучор қилмадилар, шерикларингиз эса, ўйлайманки, озмунча эмас.

— Менга қатл ҳақидаги қирол фармонини кўрсатинг,— деди Сайсели.

— Сенга, жодугар, гулхандан ўзга ҳеч нарсани кўрсатмайман. Тавба қил, тавба, ҳали ҳам кеч эмас. Жаҳаннам олови аллақачон сени кутяпти.

— Боламни ҳамми, милорд аббат?

— Гулханга кириб кетаётганингда итваччангни қўлингдан олиб, ерга қўйишади — у чўқинтирилган, кейин ўтда ёққани жуда ёш. Агар битта-яримта унга

раҳм қилса—марҳамат, ундайлар топилмаса—ўша жойнинг ўзига кўмилади.

— Шундай бўла қолсин, илоё,— деди Сайсели.— Уни менга худо берган, ўзи қутқарсин. Мени у билан холи қўй қотил.— Шундай деди-ю, орқасига ўгирилиб, чиқиб кетди.

Аббат билан Эмлин иккови қолишди.

— Душанбада бизни ёқишлари ростми?— сўради Эмлин.

— Шубҳаланмасанг ҳам бўлади. Шох-шабба ён-майдими, ахир. Аммо-лекин,— деди у секингина,— агар тақинчоқлар топилиб, менинг қўлимга топширилса, ишни, балки, кўриб чиққани бошқа трибуналга беришга муваффақ бўлинар.

— Бизнинг азоб-уқубатларимиз эса янада чўзиларкан-да. Милорд аббат, тақинчоқлар барибир топилмаса керак, деб қўрқаман.

— Нима бўпти, унда ёнасишлар, эҳтимол, аста-секин тутаб ёнувчи ўтда ёнасишлар, чунки яқингинада ёмғир ёққан, ўтин ҳўл. Айтишларига қараганда, бундай ўлиш даҳшатмиш.

— Буни, Клемент Мэлдон, ҳозироқ ёки кейинроқ сиз ўз бошингизда синаб кўришингизга ишончим комил. Бу ҳақда ва яна бошқа жуда кўп нарсалар ҳақида ҳаммаси поёнига етгач гаплашамиз. Мен худо олдида жавоб беришни назарда тутяпман. Йўқ, йўқ, сизга ўхшаб қўрқитаётганим йўқ, бу бўладиган гап. Ҳозирча сизга сўнгги, ўлим олди илтимосим бор. Мен икки одамни — бир сирни айтиб қўйишим лозим бўлган нозира Матильдани ҳамда сизнинг аббатлигингиздаги монастирь хизматкори бўлмиш Томас Боллни кўрмоқчиман; бир замонлар унга фотиҳа қилингандим. Тағин илтимосимни рад этишни хаёлингизга келтирманг, ўзингизга зиён бўлади.

— Агар бу қўлимдан келганда эди, бажону дил рози бўлардим, афсуски, иложим йўқ,— деди аббат унга қизиқсиниб қараркан. Аббат, эҳтимол Эмлин,— унга айтишдан бош тортаётганини— зеб-зийнатлар яширилган жойни — уларга маълум қилар, деб ўйлади. Уларни кейинчалик мажбур қилиб, ўша жойни билиб олиш эса ҳеч гап эмас.

— Нима учун, милорд аббат?



— Чунки нозира ўз иши билан ҳеч кимга билдирмай қаергадир жўнаб кетибди, Томас Болл ҳам аллақаёққа ғойиб бўлибди. Агар улар ёки икковидан бири душанбагача қайтиб келса, кўришга муяссар бўласан.

— Борди-ю, қайтиб келишолмаса, уларни кейинчалик кўраман,— деди жавобан Эмлини, елкаларини қисганча.— Бунинг аҳамияти йўқ. Гулхан ёнида учрашгунча хайр, милорд аббат.

Якшанба кунини, яъни қатл этиш арафасида аббат яна пайдо бўлди.

— Уч кун илгари,— деди у ҳар икковига мурожаат қиларкан,— маълум шартлар асосида сизларнинг ҳаётингизни сақлаб қолишни таклиф қилганим, бироқ сизлар, ўз ёвузлигидан қайтмаган жодугарлар, қулоқ солмадингиз. Энди сизларга ҳали ҳам менинг қўлимдан келадиган бирдан-бир нарсани— албатта ҳаёт эмас, чунки аллақачон вақт ўтган,— азоб-уқубатсиз ўлимни таклиф қиламан. Агар сўраётган нарсамни берсангиз, олов сизларни ўз бағрига олгунча жаллод сизларни нариги дунёга жўнатади— буни қандай амалга оширишининг эса аҳамияти йўқ. Борди-ю, йўқ десангиз, аллақачон сизларга айтганман: қаттиқ ёмғир ёққан, айтишларига қараганда, шох-шабба жиққа ҳўл.

Сайселининг ранги билинар-билинемас оқарди— ўша оғир замонада кимнинг ҳам ранги бўзармасди!— кейин эса сўради:

— Биз сизга бероладиган нарсанинг ўзи нима? Сизни одамлар кўзига фариштадек беғуноҳ қилиб кўрсатиш учун айбимизга иқрор бўлишми? Башарти шу бўлса, овора бўласиз, танимиз, аста-секин, бир бурдадан ёнганда ҳам бунга эришолмайсиз.

— Ҳа, шуни хоҳлайман, лекин ўзим учун эмас, сизлар учун, негаки, ким айбини бўйнига олиб, тавба-тазарру қилса гуноҳлардан покланади. Аммо лекин менга бошқа нарса— сиз яширган ва черков манфаати йўлида сарфлаш мумкин бўлган бебаҳо тақинчоқлар ҳам керак.

Шунда Сайсели қон-қонига сингиб кетган бутун жасурлигини кўрсатди.

— Ҳеч қачон, ҳеч қачон!— қичқирди у ёнаётган

кўзларини тикканча.— Қийнанг, хоҳласангиз ўлдинг, лекин бойлигимга эга бўлолмайсиз. Тақинчоқлар қаердалигини билмайман, лекин, то меросхўрларим уларни топгунча ёки улар то кукунга айлангунча, қаерда бўлса, ўша ерда ётаверсин.

Аббатнинг башараси ғазабнок тус олди.

— Бу сўнгги сўзингми, Сайсели Фотрел?

Сайсели бошини эгди, аббат эса ўз саволини Эмлинга қарата такрорлаган эди, у шундай жавоб берди:

— Бекам нима деса, мен ҳам шуни дейман.

— Айтганларинг бўла қолсин!— бақирди аббат.— Балки, сиз, жодугарлар, иблисдан умидвордирсизлар. Майли, эртага у сизга ёрдам берармикин, йўқми, кўрамыз.

— Худо бизни қўллайди,— деди бамайлихотир Сайсели.— Вақти келиб, сўзларимни эсларсиз.

Шундай қилиб, аббат кетди.

## XII боб

### Гулхан

Сўнгги тун даҳшатли бўлди. Кимда-ким ушбу ҳикояга қизиққан экан, у бу икки аёл — яна улардан бири деярли қизалоқ — қандай аҳволда қолганлигини кўз олдига келтириб кўрсин. Улар эртага, агар, Сайселининг мутлақо алоқаси бўлмаган, Эмли билан Томас Болл қилмишларини жиноят деб ҳисобланмаса, хурофотчи нодон одамлар таҳқири ва лаънатлашлари остида бегуноҳдан-бегуноҳ азобли ўлимга гирифтор этиладилар. Аммо, бошқа мингларча айбсиз айбдорлар ҳам шундай, баъзан бундан ҳам бадтароқ қисматга дучор қилинардилар. Чунки ўша пайтлар, кимдир «асл ва кўҳна» деб атаган, иблис ва унинг васвасаси олдида титраб-қақшовчи «авлиё» ҳамда «олим» арбоблар томонидан ҳатто ёш болаларгача қийноққа солинган, ўтда куйдирилган рицарлару илтифотли хушторлар даври эди: ахир иблисни кўриш ёки, ҳеч бўлмаса, унинг мавжудлигини

ҳис этиш мумкин, деб ўйлардилар-да ўша замонларда.

Уларнинг шафқатсизлиги ваҳима шафқатсизлигидир. Шубҳасиз, аббат Мэлдон гарчи ўзи учун муқаддас деб билган мақсадни амалга ошириш ниятида бўлса-да, Сайсели ва Эмлининг қабиҳ жодугарлик билан шуғулланганлигига ўзидан — аббатдан интиқом олиш учунгина иблис билан муносабатда бўлганликларига ишонарди. Шунинг учун ҳам улар тирик қолиши мумкин бўлмаган ашаддий жиноятчилар эди. Қари епископ ҳам ишонарди бунга. Бадқовоқ приор ҳам, ушбу вилоятда яшовчи ва Блосхолмда рўй берган мудҳиш ишлардан хабардор нодон одамларнинг кўпчилиги ҳам ишонарди.

Бу тун даҳшатли эди. Баъзан Сайсели бирпасгина кўз илинтириб оларди, лекин асосий вақтини ибодат қилиш билан ўтказди. Ғазабланган Эмли на ухлади, на ибодат қилди. Фақат бир-икки мартагина, қасос аббатнинг ёқасидан олишини тилаб, илтижо қилди. Суюкли бекаси билан шармандали ўлим топишлари-ю, душманлари эса тантана қилиб, иззат-ҳурматда яшашини ўйлаган сайин, бутун вужудини нафрат кемириб, ғазабдан жони ҳалқумига келарди. Ҳатто гўдак ҳам, нақ қандайдир туйғу уни муқаррар даҳшатли фалокатдан огоҳлантиргандек, асабийлашар, безовталанарди: у касал эмасди, бироқ одати-га хилоф равишда, худа-беҳудага уйғониб, тинмай йиғларди.

— Эмли,— деди Сайсели тонготарга яқин боласини ниҳоят овутиб ухлатгач,— сенингча Матильда она бизга ёрдам беролармикан?

— Йўқ, йўқ, жонгинам, буни хаёлингга ҳам келтирма. У қари, заиф, йўл эса оғир, узоқ. Ҳатто у кўзлаган манзилига етиб боролмаган бўлса ҳам ажаб эмас. Таваккал қилиб йўлга тушган у. Керакли жойга етиб борган тақдирда ҳам, худди ўша комиссар аллақачон жўнаб кетган бўлиши ёки унинг гапларини эшитгиси келмаслиги мумкин, ёинки, эҳтимол, нима учундир, бу ёққа келиш кўнглида йўқдир. Ўзидан юзларча миля узоқликда икки жодугарни ёқмоқчи бўлаётган бўлсалар, унга нима оғир-енгиллиги бор? Ахир у биронта сердаромад монастырга ёпишиб

олиб, сўрувчи зулук-ку! Йўқ, йўқ, унга умид боғлама!

— Ҳар ҳолда. Матильда она матонатли ва садоқатли аёл; Эмлин. Кейин қўлидан нимаики келса, ҳаммасини қилди. Унинг бошидан ҳеч қачон худонинг марҳамати аримасин! Хўш, Томас Болл тўғрисида-чи? У ҳақда нима дея оласан?

— У ҳанграшни билади-ю, тепишни уддалай олмайдиган малла эшак. Шундан бошқа гапни айтолмайман,— деди қаҳрланиб Эмлин.— Томас Болл тўғрисида менга оғиз очма. Ахир у эркак киши бўлганда, эчки терисини ёпишиб, молларни қўрқитиб юриш ўрнига, ҳалигача бу ифлос аббатнинг бўйнини узиб ташларди.

— Агар, гап-сўзлар рост бўлса, у Амброз отанинг бўйнини узиб ташлади-ку,— билинар-билинмас жилмайиб, эътироз билдирди Сайсели.— Эҳтимол, у қоронғиликда шунчаки адашгандир.

— Агар шундай бўлса, бу Томас Боллнинг иши: у доимо бир нарсани қилмоқни истайди-ю, аммо тескариси бўлиб чиқади. Бўлди, у ҳақда бошқа гапирма. Улим соатини юракда дард-алам билан кутиб олишни истамайман. Биз энди Томас Боллнинг кўнгилочар шўхликлари туфайли ҳалок бўламиз. Улат тегсин у бераҳм қўрқоққа, вассалом! Яна мен уни ўлиб ўтирибман-а!

Сайсели унинг сўнгги сўзларидан сал-пал тааж-жубланди, лекин, сўрашдан, фойда йўқ, деган қарорга келди-да, деди:

— Йўқ, йўқ, мен унга раҳмат айтаман — болагинамни анови мурдор ялмоғиздан қутқарган ўша-ку ахир.

Бирмунча вақт жимлик ҳукм сурди, чунки бечора Томас Болл ва унинг хулқ-атвори тўғрисида айтиладиган гап қолмаганди. Бундан кейин, ҳеч қачон қўришолмайдиган одамлари устида баҳслашишни истамасдилар ҳам. Охири Сайсели қоронғиликда яна гапга тушди:

— Эмлин, мен дойурак бўлишга ҳаракат қиламан. Лекин эсингдами, болалигимда янгигина тайёрланган, совиб улгурмаган новвотларни ўзим ташийман, деб куйиб қолгандим. Ушанда қандай азоб чек-

кандим-а! Бу ўлимни, ота-боболарим қандай кутиб олишган бўлса, шундай қарши оламан, борди-ю, дош беролмасам, кўнглингга ёмон гап келмасин: тана заиф, жон эса қаттиқ бўлиши мумкин.

Эмлин жавоб бермай, тишларини гижирлатиб қўйди. Сайсели давом этди:

— Энг расвоси бу эмас, Эмлин. Азоб-уқубатли бир неча дақиқада ҳаммаси тугайди, кейин, мен, ишончим комил, нариги дунёда уйғониш учун уйқуга кетаман. Аммо-лекин Кристофер ростдан тирик бўлса, эшитиб жуда изтироб чекади-да...

— Худодан сўрайман, у тирик бўлсин,— унинг гапини бўлди Эмлин,— ана ўшандагина эҳтимол ер юзида битта испан кашиши камайиб, дўзахда битта кўпаяди.

— Бола-чи, Эмлин, бола!— давом этди Сайсели титроқ овозда, Эмлиннинг луқмасига эътибор бермай.— Ўғлим нима бўлади? Агар ҳақ-ҳуқуқи сақланиб қолса, у бутун авлодимизнинг мол-мулкига меросхўр бўларди, лекин уни ким ҳам ҳимоя қилади? Қотиллар боламини ҳам ўлдиришади, Эмлин, ёки шундай қилишадики, у барибир ўлади — бунинг иккови ҳам бир гўр: акс ҳолда улар ер ва мол-мулкларни қўлга киритолмайдилар-ку.

— Агар шундай бўлса, у ҳамма азоб-уқубатлардан қутулади ва сен билан боқий дунёда хушнуд юради,— хўрсинаркан, қуруққина қилиб деди Эмлин.— Бор-йўғи битта тилагим бор: сен ўғлинг билан авлиё ва бахтиёр одамлар маскани бўлмиш жаннатга, биз — аббат икковимиз дўзахга тушсак бўлгани: ана ўша ерда, шайтонлар ўртасида у билан ҳисоб-китоб қиламан. Ҳа, ҳа, шаккоклик қиялпман, лекин адолатсизлик мени ақлдан оздирыпти. Адолатсизлик кўкрагимга тошдек ботиб ётипти, лекин ачитиб-ачитиб гапириб, кўнглимни анча бўшатиб оламан. Мен ўзимга эмас, сенга, болангга ачинаман. Жонгинам, сен оқкўнгил, раҳмдилсан. Тангри сенга ўхшаганларнинг арз-додини эшитади. Худога илтижо қил, агар у илтижоларингни эътиборсиз қолдирадиган бўлса, сенга айтадиган гапим бор, қулоқ сол. Мен осонгина ўлиш йўлини биламан. Қанақалигини сўрама. Борди-ю, сўнги дақиқада сени уриб қолсам, мени бу дунёда

ҳам, у дунёда ҳам қарғама. Чунки сени урган қўл — меҳрибон, сенга ўзининг сўнгги хизматини қилган қўл бўлади.

Сайсели бу аччиқ сўзлар маъносига етмагандек эди, ҳар ҳолда, у эътибор бермади.

— Жаннат эшиклари мен учун ёпиқ деб қўрқсам ҳам, яна ибодат қиламан,— шивирлади Сайсели ва тиз чўкди.

Сайсели узоқ тоат-ибодат қилди. Ниҳоят ҳорғинлик устун чиқди ва Эмлини унинг, худди ухлаётгандек, бир текисда нафас олаётганини эшитди.

Ухлайверсин,— хаёлидан ўтказди у.

Сайсели кўзини очди.

— Эмлини,— чақирди у секингина, титраган овоз билан,— эшитяпсанми, Эмлини? Туш кўрдим.

У жим бўлиб қолди.

— Хўп, тузук, нима туш кўрдинг?

— Ўзимам билмайман, Эмлини,— доводираганча деди у,— ҳаммаси бирдан йўқ бўлиб қолди. Лекин сен қўрқма, Эмлини; ҳеч нарсани кўрмагандек бўлиб кетамиз, биргина биз эмас, Кристофер ҳам, болам ҳам. Ҳа, ҳа, Кристофер ҳам, болам ҳам ҳеч нарсани кўрмагандек бўлиб кетишади.— Шундай деб бошини ёстиққа қўйди, кўзларида севинч ёшлари милтиллади. Кейин яна ўрнидан турди-да, болани қўлига олиб ўпди, жойига ётди ва хотиржам уйқуга кетди.

Шундан сўнг кўп ўтмай тонг, оппоқ тонг отди. Эмлини қуёшни кутиб олиш учун ҳис-ҳаяжон ва миннатдорчиликдан тўлиб-тошган ҳолда олдинга қўл чўзди. Тун қоронғилиги йўқолгандек, қўрқув ҳам унинг қалбидан ғойиб бўлди. У ҳам худонинг ўзи Сайселида умид туғдирганига инонди ва бир мунча вақт унинг қалби ором топди.

Соат саккизларга яқин эшикни очдилар. Уларга овқат олиб келган роҳиба ичкарига кирди-ю, ўзига ҳайрат бармоғини тишлатган манзарани кўрди. Роҳиба ерда чўзилиб ётган, эҳтимол, қўрқувдан эҳушини йўқотган бахти қаро қурбонларни кўраман, деб ўйлаганди. Аслида-чи, аслида қандай бўлиб чиқди? Улар ўзларининг энг яхши кийимларини кийиб, дераза олдида хотиржам гаплашиб ўтирардилар. Дарҳақиқат, роҳиба хонага кирганда, улардан би-

ри — бу Сайсели эди — иккинчисининг нимадир деганига жавобан, ҳатто билинар-билимас кулиб қўйди.

— Салом, ҳамшира Мэри,— деди Сайсели.— Менга айтингчи, нозира қайтиб келдимиз?

— Йўқ, йўқ, унинг қаердалигини билмаймиз. Ундан ҳеч қанақа хабар йўқ! Бу ерда йўқлиги ҳам тузук, ақалли бу даҳшатли манзарани кўрмайди-ку. Унга бирор нарса айтмоқчимидингиз? Ундай бўлса, мени кўриқчилар чиқариб юбормасдан, тезроқ гапиринг.

— Раҳмат,— деди Сайсели,— ўйлайманки, нима керак бўлса, ҳаммасини унга ўзим айтаман.

— Нима? Демак, сизнинг фикрингизча, бизнинг онахонимиз ҳам ўлган экан-да? Наҳотки бошимизга бу мусибат ҳам тушса? Ҳайҳот, сизга бундай нохуш хабарни ким етказди?

— Йўқ, ҳамшира, ўйлайманки, у тирик, мен ҳам ҳозирча тирикман, у билан ўзим гаплашаман.

Ҳамшира Мэри, афтидан, ҳаддан ташқари ҳайратланганди. Қандай қилиб, сўради у ўз-ўзидан, қаттиқ назорат остида бўлган маҳбуслар бундай гапни эшитишдийкин? Ҳеч ким кўрмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун ён-верига олазarak бўлиб қарагач, Сайселининг қўлига қандайдир иккита пакетчани тутқизди.

— Иккалангиз ҳам умрингизнинг охиригача бунинг ўзингизда асранг,— пичирлади у.— Улар нима деса деяверсин, лекин биз сизларни мутлақо бегуноҳ деб биламиз, сизлар учун кечирилмас гуноҳ қилишдан тоймадик. Ҳа, биз табаррук қутичани очиб, ундан ўзимизнинг энг ноёб бойлигимизни — авлиё Екатерина ғилдиракка боғланган арқон парчасини олдик. Уни ҳар бирингизга бир тутамдан қилиб, уч бўлакка бўлдик. Агар ҳақиқатан ҳам пок бўлсанглар, эҳтимол, у мўъжиза яратар: ё олов ёнмас, ё уни ёмғир ўчиради, ёнки аббат юмшаб, сизларга раҳм-шафқат қилар...

— Мана бу буюк мўъжиза бўлади,— луқма ташлади Эмлин ғамгин кулимсираб.— Лекин сизлардан чин қалбдан миннатдоримиз ва агар тортиб олиб қўймасалар, туморни авайлаб асраймиз. Бироқ — эшит-

япсизми?— чиқ дейишяпти сизни. Алвидо. Сизларни худонинг ўзи ёрлақасин, меҳрибон одамлар.

Тагин қўриқчининг дағал овози эшитилди. Ҳамшира Мэри орқасига ўгирилиб, эсанкираганча жўнаб қолди: балки бу икки аёл чиндан ҳам жодугардир? Бўлмаса нега улар бунчалик матонатли, нега ўзларини йиғлаб-сиқтаб, ҳужра пойгагига бош уриб оҳ-воҳ қилаётган бечора Брижетдек тутмайдилар?

Сайсели билан Эмлин шу куни ўзларига куч-қувват керак бўлишини англаган ҳолда, бажону дил овқатландилар.

— Қулоқ сол,— деди Эмлин.— Буни айтиш менга оғир, лекин, агар ҳозиргина сен яхши туш кўрган бўлсанг ва чиндан ҳам шундай бўлса, бир неча соатдан сўнг тирик қолмаслигимиз ҳеч гап эмас. Бироқ тақинчоқлар қаердалигини фақат менгина биламан, менсиз уларни ҳеч ким ҳеч қачон тополмайди. Агар иложи бўлиб қолса, бирор ишончли одамга бу сирни очайми? Уғилчангни тарбиялашни ўз устига оладиган софдил одам — эҳтимол, роҳибалар орасидан топилиб қолар, ахир; зеб-зийнатлар болангга келгусида жудаям асқотарди-да.

Сайсели бир оз ўйлаб олгач, шундай деб жавоб берди:

— Йўқ, керакмас, Эмлин. Тушимга худонинг ўзи йўллаган фаришта кирганига ишонаман. Сенинг айтганингдек қилиш эса, уни синаш, эътиқодга шак келтириш деган гап. Сир қаерда бўлса ўша ерда — сенинг қалбингда сирлигича қолаверсин.

— Эътиқодинг жуда баланд,— деди Эмлин унга ҳайратланиб қарар экан.— Майли, у мени ҳам қутқарар, ё ҳалок этар. Эътиқодинг иккаламизга этар.

Монастирь қўнғироғи ўн марта занг урди, пастдан қадам товушлари ва гўнғир-гўнғир овозлар эшитилди.

— Олиб кетгани келишяпти,— деди Эмлин.— То-мошабинлар тушлик овқатга бемалол етиб боришлари учун, ўтда ёндиришни соат ўн бирга белгилашган. Хўп, ана, ўзингнинг ўша буюк эътиқодингни ёрдамга



чақир ва иккаламиз учун ҳам уни маҳкам ушла, чунки негадир менинг эътиқодим бўшашиб кетяпти.

Эшик очилиб, роҳиблар ва қуролли кўриқчилар киришди. Кўриқчилар бошлиғи асирларга ўринларидан туриб, орқаларидан боришни буюрди. Улар сўз қотмай бўйсунди. Сайсели елкасига плаш ташлади.

— Ҳали бусиз ҳам исиб кетасан, жодугар,— деди ўша одам разилона илжайиб.

— Сэр,— деди у жавобан,— плаш, болам билан ажралишаётганимда, уни ўраш учун керак бўлади. Углимни менга бер, Эмлин. Мана, биз тайёрмиз. Йўқ, бизни кўриқлаб боришингиз шарт эмас. Биз қочиб кетолмаймиз, сизга ташвиш ҳам орттирмақчи эмасмиз.

— Худо шоҳид, у жасур қиз!— ғўлдиради офицер ўртоқларига қараб. Лекин роҳиблардан бири бош чайқаб, шундай деди:

— Жодугарлик! Ҳадемай иблис уларни ўз ҳолларига ташлаб кетади.

Бир неча дақиқа ўтгач, кўп ойлар мобайнида улар биринчи маротаба монастирь дарвозасидан ташқарига чиқишди. Бу ерда уларни учинчи қурбон — бахти қаро, қари ва телбанамо Брижет кутиб турарди. У устидаги роҳибалик кўйлаги минг пора бўлиб кетганидан, қандайдир чойшабга ўралиб олганди. Кўзлари ола-кула, оппоқ соч толалари елкасига осилиб тушган; у қари бошини тебратганча, додлаб, раҳм-шафқат қилишларини сўрарди. Роҳибанинг афт-ангорини кўрган Сайсели титраб кетди; унинг кўриниши ҳақиқатан ҳам кўрқинчли эди.

— Ўзингни бос, жоним Брижет,— деди Сайсели унинг ёнидан ўтиб кетаётганларида,— бегуноҳсан-ку, нимадан кўрқасан?

— Оловдан, оловдан!— Фарёд чекди бахтсиз кампир.— Оловдан кўрқаман.

Кейин улар ушбу маросимда ўзлари учун белгиланган жойни эгалладилар ва гарчи Брижетнинг орқада аянчли ялиниб-ёлвораётганини эшитсалар-да, бир мунча вақтгача унинг ўзини кўрмадилар.

Маросим қатнашчилари узундан-узоқ чўзилиб кетган эдилар. Олдинда роҳиблар ҳамда латин тили-

даги мунгли мотам қўшиғини чўзиб айтганча хонишчилар борарди. Улар кетидан ўн икки қуролли соқчи қўриқчилигида қурбонлар, кейин маросимга мажбуран қатнашаётган роҳибалар орқада, икки томонда сон-саноқсиз одамлар тўдаси; ҳолбуки, бу одамларнинг кўпчилиги йигирма миллар нарида истиқомат қиларди. Кўприкчадан ўтишди. Қалқонбалиқ болани ўлдириши эвазига олиши керак бўлган карвонсарой шу кўприкча ёнида эди. Куз ёмғири пилчиллатиб юборган йўлдан тепаликка чиқишди. Томас Боллнинг махфий йўлига кириладиган чакалакзордан ўтишди ва ниҳоят, аббатликнинг баланд пештоқи олдидаги ўтлоққа етиб боришди.

Уларни бу ерда ваҳимали манзара кутиб турарди. Ҳозиргина кесиб олинган, йўғонлиги ўн тўрт дюйм, баландлиги олти бутдан ошиқроқ бўлган учта эман устун ерга қоқиб қўйилганди; бунақанги устунлар дарров ёниб кета қолмаса керак. Уларнинг ҳар бирининг атрофига эса бири-биридан кўп шох-шаббалар боғлами ҳаво кирадиган қилиб тахлаб қўйилганди. Устунларда янгигина ясалган кишан осилиб турар, сал нарироқда эса қишлоқ тақачиси ва унинг шогирди мазкур кишанларни қиздирмасдан парчинлаш учун кўчма сандон ва болға ушлаб турардилар.

Тизилишиб келаётганлар устунлардан бирмунча берида тўхташди. Аббатлик дарвозасидан олдига черков хизматкорларини солиб, орқасидан роҳибларни эргаштириб, митра кийиб олган монастырь нозири чиқди. У ҳукм қилинганлар турган жойга яқинлашиб, тўхтади. Роҳиблардан бири олдинга ўтиб, уларга ҳукмномани ўқиб берди; бироқ улар барибир ҳеч нарсага тушунмадилар: ҳукмнома латинча жумлалару мураккаб ҳуқуқ терминларидангина иборат эди. Шундан сўнг аббат баланд овозда ҳукм қилинганларни гуноҳкор жонларини қутқариш учун ўз айбларига иқрор бўлишга ва шу билан танлари қабиҳ жиноят — жодугарлик туфайли азобланмасдан илгарироқ гуноҳдан покланишга даъват этди.

Сайсели билан Эмлин бунга жавобан, жодугарликда айбдор эмасликларини, шунинг учун тавбатазарруга ҳожат йўқлигини айтиб, бош чайқаб қўя қолдилар. Бироқ қари Брижет бошқача жавоб бер-

ди. У баланд ва зорланган овозда, то унга онаси ҳам, бувиси ҳам жодугар бўлгандек, ўзи ҳам жодугар эканлигини айтди. Тўпланган халойиқ, Эмлини Стоуэр унга шайтонни — у қизил иштонда, букри, қоп-қора юзли эди, бурни остидаги малла туклари диккайиб турарди — қандай таништиргани тўғрисидаги, шунингдек, унинг мазкур инсоният душмани билан бўлган учрашувлари ҳақидаги ақлга мутлақо сизмайдиған тафсилотларга тўла ҳикоясини берилиб тинглади.

Бебахт, ақлдан озган кампир оғзига келганини алжир, мирза эса бу сафсатани битта ҳам сўзини тушириб қолдирмай, жумлама-жумла ёзиб борарди; охирида унга протокол остига ўз бармоғини босишни амр этдилар. Буларнинг ҳаммаси эса жуда кўп вақтни олди. Шундан сўнг бечора кампир ўзини афв этишларини ва ўтда ёндирмасликларини илтижо қилди, бироқ, бунинг иложи йўқ, деган жавоб олди. Шундан кейин дарғазаб бўлиб кетди ва барибир ёқилладиган бўлгандан кейин, уни нега шунча ёлғон гапларни вайсашга мажбур қилганларини сўради. Ушбу саволни эшитиб, халойиқ хахолаб кулиб юборди, Брижетнинг гуноҳидан ўтишга тайёр турган руҳоний эса ўйланиб қолди ва уни устунга занжирбанд қилишни буюрди; тақачи ўз шогирди ҳамда кўчма сандон ёрдамида амрни бажарди.

Бу орада Сайсели билан Эмлинига Брижетнинг «тавба»сини дабдаба билан ўқиб беришгач, улардан, энди, ҳаммасини эшитганингиздан сўнг ҳам ўз айбингизга иқроқ бўлмай ўжарлик қилаверасизми, деб сўрашди. Жавоб ўрнига Сайсели боланинг юзини очиб, уни эман тўнкаси (у бу ерга худди шунинг учун ҳам келтирилганди) устига ётқизиби, қичқирди:

— Бола хоҳ ўлсин, хоҳ тирик қолсин — худонинг хоҳиши бўлсин.

Уша ерда турган бир аблах: «Жодугар итваччасига ўлим» деб чинқирганча, болани таёқ билан уриб қолди. Лекин узун бўйли бир киши — Сайсели бу сэр Жоннинг ижарачиларидан бири эканлигини таниди — ёғочни тортиб олиб, аблахни шунақанги бошлаб урдик, у ерга тошдек учиб тушди, кейин

эса умрининг охиригача бир кўз ва пачоқ бурун билан юрди.

Шу лаҳзадан бошлаб ҳеч ким, кейинчалик шу кун воқеасига нисбат бериб, Кристофер Эман Тўнка деб номланган болага зиён-заҳмат етказишга уринмади.

Сайселини устунга боғлаш учун аббат одамлари яқинлашишди. Лекин улар Сайселини ушлашларидан илгарироқ, у устидан мовут астарли плашчини ечиб олиб, анови йигитни ўз калтаги билан урган йоменга ирғитар экан, деди:

— Дўстим, шунга ўғлимни ўраб ол ва ўғлимни сендан қайтариб олмагунимча, уни эҳтиётлаб тур.

— Яхши, леги,— деди новча киши тиз чўкиб,— мен сенинг бобонгга ва отангга хизмат қилгандим, энди ўғлингга хизмат қиладман.— Шундай деб, ёғочни итқитиб юборди-да, қиличини қинидан суғириб, бола ётган эман тўнкаси ёнига туриб олди. Ҳеч ким йоменга халақит беришга интилмади, чунки бошқа одамлар ҳам унинг теварагига тўпланишаётганини ҳамма кўриб турарди.

Тақачи, гарчи ҳаддан ташқари секинлик билан бўлса-да, Сайселини устунга занжирбанд қилиш учун ишга тушди.

— Қулоқ сол,— деди Сайсели унга,— сен отамнинг талайгина отини тақалагандинг. Сени ўз ҳалол ҳунарини унинг қизига қарши ишлатадиган кунгача яшайди, деб ҳеч ким ўйламагани!

Тақачи бу сўзларни эшитиб, йиғлаб юборди ва асбобларини улоқтириб, аббатни лаънатлаганча қочиб қолди. Шогирди ҳам ундан ўрناق олаётган эди, ушлаб олишди ва бошланган ишни тугаллашга мажбур қилишди. Кейин Эмлини ҳам занжирбанд қилишди. Хуллас, ҳамма нарса даҳшатли хотимага тахт бўлди.

Бош жаллод — у аббатнинг ошпази эди — ўша ерда турган кўрага тутатқи учун бир неча қарағай тараша қўйиб, сўнгги буйруқни кутар экан, баланд овозда ўз ёрдамчисига шамол турди, жодугарлар кўз очиб-юмгунча ёниб кетади, деди.

Томошабиниларга четроқ туришни амир этдилар, улар истар-истамас, секин орқага тисланаркан, кўпчилик ўзаро дарғазаб пичирлашишарди. Негаки, ро-

ҳиблар бу ерга худди суддагидек, фақат керакли одамларнигина йиғиша олмаганди. Аббат тўпланганлар орасида ўз қурбонларининг анча-мунча дўстлари борлигидан хавотирланиб қолди.

У тезлик билан устунларга яқинлашиб, нақ Эмлин қаршисида тўхтади. Овозини пасайтириб, ундан, зеб-зийнатлар яширилган жойни айтишдан ҳали ҳам бош тортасанми, деб сўради; гап орасида ҳозирча тириклайин ўтда ёнмасликлари учун уларни осонликча ўлдиришга буйруқ бера олишини ҳам қистириб ўтди.

— Буни бека ҳал қилсин, оқсоч эмас,— деди Эмлин қатъий.

Аббат Сайселига ўгирилиб, унга ҳам шу саволни берган эди, бека боплаб жавоб қайтарди:

— Сизга аллақачонлар айтганман: ҳеч қачон билолмайсиз. Кўзимга кўринманг, ёвуз одам. Яхши-си, боринг, вақт ўтмасидан ўз гуноҳларингизга тавба-тазарру қилинг.

— Ақлдан оздингми, Сайсели Фотрел, ёки сени маст қилиб қўйишдими? Олов нав-ниҳол гавдангни куйдира бошлагачгина уни ҳис этишинг балки сенга аён эмасдир?

— Аён эмас ва ҳеч қачон аён ҳам бўлмайди,— бамайлихотир жавоб берди Сайсели.

— Нима, раббинг иблисинг васвасасига кўра, олов сенга чирмашмасданоқ жонинг узиладими?

— Ҳа, ишончим комил, олов менга чирмашмасданоқ жоним узилади, лекин бу ерда эмас ва ҳозир ҳам эмас.

Аббат ачиқ ва асабий кулиб, хахоларкан, бор овози билан тўпланганларнинг ҳаммасига қарата деди:

— Эшитяпсизларми, бу жодугар, ёнмайман деяпти, чунки худонинг хоҳиши шунақа эмиш. Шундайми, жодугар?

— Ҳа, мен шундай дедим. Одамлар, шу сўзларимга гувоҳ бўлинглар,— деди Сайсели аниқ овозда.

— Яхши, кўрамиз,— бақирди аббат.— Ҳой, сен, ўтни ёқ. Агар уддасидан чиқса худо ёки жаҳаннамийлар уни қутқариб қолсин!

Ошпаз-жаллод ўз тутатқиларини пуфлади. Лекин

у асабийлашганиданми ё ҳовлиққаниданми, ҳар қалай, тарашалар ўт олгунча бир дақиқа, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт ўтди. Ниҳоят тарашалардан бири ёна бошлади, шунда жаллод уни олмоқ учун истамайгина эгилди.

Тиқ этган товуш эшитилмасди. Тўпланган халойиқнинг нафаси ичига тушиб кетгандек эди. Брижет кампир ҳушдан кетиб, жим бўлиб қолганди. Мана шундай жимликда тепалик ёнбағридан кимнингдир ҳайқириғи эшитилди:

«Қирол номи билан буюраман, тўхтатинг! Қирол номи билан буюраман, тўхтатинг!»

Ҳамма ўша томонга ўгирилиб, дарахтлар орасидан чиқиб келаётган оқ отни кўрди; отнинг шпорлар шилиб юборган жароҳатидан қон оқар ва у чопиб эмас, сулайиб қолганидан лўкиллаб, гандираклаб келар, устида эса малла соқолли алп қомат киши ўтирарди. Унинг эғнида совут, қўлида дарахт кесувчи болтаси бор эди.

— Гулханни ёқ!— бақирди аббат, бироқ қўрқоқ ошпаз ёниб турган тарашаларни қўлидан тушириб юборди ва улар нам ерга тегиши биланоқ ўчиб қолди.

От одамларни босиб-янчиб, орани ёриб кирди. У энтика-энтика устунлар ёнига етиб борди-ю, устидан чавандоз ирғиб тушиши биланоқ ерга ағанади ва шу ҳолича, чуқур-чуқур нафас олганча ётиб қолди — у қолдан тойганди.

— Бу Томас Болл-ку!— қичқирди кимдир; аббат яна буюрди:

— Гулханни ёқинглар! Гулханни!

Соқчилардан бири тутантириқни ёқиш учун олдинга ташланди. Бироқ Томас эпчиллик қилиб қолди. У кўранинг оёғидан ушлаб олиб, соқчининг бошига шунақаям туширдик, кўмир чўғлари унинг устига сочилиб кетди. Кўранинг темир қуббаси эса бошига қалпоқ бўлиб кийилиб қолди. Томас ҳайқирди:

— Оловга талпингандинг, ана энди уни пишириб е!

Соқчи ерда илондек тўлганиб, қўрқув ва оғриқдан дод-фарёд кўтарди. Кимдир, унинг бошидан чўғдай кўрани ажратиб олганида, юзи худди қоврилган

сельд балиғига ўхшаб, йўл-йўл бўлиб қолганди. Ҳеч ким унга эътибор бермади, чунки бу пайтда Томас Болл устунлар олдида туриб олиб, болтасини силкитганча дерди:

— Қирол номи билан буюраман, тўхтатинг! Қирол номи билан буюраман, тўхтатинг!

— Бу нима деганинг, аблаҳ?

— Нима деган бўлсам шу, кашиш. Бир қадам ҳам жойингдан жила кўрма, йўқса миянгдан дарча очиб қўяман.

Аббат орқасига тисланди. Томас давом этди:

— Фотрел! Фотрел! Харфлит! Уларнинг нон-тузини еб-ичганлар, тезроқ бу ёққа келинг шох-шаббаларни улоқтиринг, уларнинг зурриётини қутқаринг. Мэлдон ва унинг жаллодларига қарши курашгани ким қўшилади менга?

— Мен! Мен!— овозлар эшитилди халойиқ орасидан.

— Мен ҳам!— қичқирди эман тўнкаси ёнида турган йомен.— Лекин мен болани қўриқлаяпман-да. Майли, уни кўтариб оламан!— Шундай деб, чинқириб йиғлаётган гўдакни қўлтиғига қисганча, Томасга томон югурди.

Бошқалар ҳам, шох-шаббаларни ҳар томонга улоқтириб, олдинга ташланишди.

— Кишанларни узинг!— яна ҳайқирди Болл ва ниҳоят қудратли эркак қўллари бунинг уддасидан чиқди.

Шу куни Сайселига етган бирдан-бир шикаст кишанни узишаётганда бадани тимдалангани бўлди. Иккала аёл озод қилинди. Сайсели йоменнинг қўлидан болани тортиб олди. Йомен эса ундан қутулгани учун баҳри-дили очилиб кетди: ҳозир бошқа иш чиқиб қолган — аббат қўриқчилари уларга ташланишга аллақачон улгуришганди.

— Аёлларни қуршанг,— ҳайқирди Болл,— ва Фотреллар учун жонни жабборга беринг, Харфлитлар учун қасос олинг! Хаҳ, кашишнинг лайчаси, манга сенга қиролнинг буйруғи!— Унинг болтаси сопиғача Сайселига плашсиз ҳам иссиқлаб кетасан, деган командирнинг кўксига кириб кетди.

Жанг қизигандан қизиб кетди. Фотреллар тараф-

дорлари — улар йигирматача эди — уч эман устунни қуршаб олишди: Сайсели, Эмлин ва ҳали ҳам устунга занжирбанд қилинганча турган Брижет кампир — уни қутқаришни ҳеч ким хаёлга келтирмасди, бунга вақт ҳам йўқ эди — ўртада қолишди. Уларга қарши аббат қўриқчилари — ўттиздан ортиқ киши — ҳужумга ташланди. Қурбонлари қўлидан қутулиб қолганидан қутуриб кетган Мэлдон уларни гиж-гижларди, аббат ҳаммасидан ҳам Сайселининг сўзлари ҳақ бўлиб чиқишидан қўрқарди, чунки акс ҳолда у жодугар эмас, балки худодан ваҳий келувчи пайғамбарни-со бўлиб чиқарди.

Ҳужум қилаётганлар уч марта чекиндилар, бироқ мудофаадагиларнинг учдан бирини сафдан чиқаришди. Шунда аббат уларни маҳв этишнинг янги йўлини ўйлаб топди.

— Уқ-ёй келтириб, ўққа тутинг, — қичқирди аббат, — уларда ўқ-ёй йўқ!

Қўриқчилар ўқ-ёй келтиргани югуриб кетишди.

Энди мудофаачиларга Эмлиннинг ақл-заковати зарур бўлиб қолди. Болл малла бошини чайқаганча, энди ҳаммамиз ҳам ўладиганга ўхшаймиз, чунки ўққа қарши ҳеч нарса қилолмаймиз, деб гўлдирай бошлаган ҳам эдики, Эмлин деди:

— Агар шундай бўлса, бизларни ўлдиргунларича кутиб туриш лозимми? Қанақа аҳмоқсан ўзи? Уқчилар етиб келгунча ёриб ўтиб, дарахтлар орасига ёинки монастирга яшириниш керак.

— Баъзан аёллар ҳам донолик қилиб қолади, — деди Болл, — Фотрелчилар, сафлан, олға!

— Йўқ, тўхтаг, — аралашди Сайсели, — аввал Брижетни қутқаринглар, ким билсин, анавилар эҳтимол уни ёндиришар. Уни қутқармасанглар мен бормайман.

Брижетни кишандан бўшатиб, бир неча ярадорлар билан биргаликда у ердан четроққа олиб кетишди. Жанг билан, аммо муваффақиятли чекиниш бошланди. Барибир охирида жангчилар чидаш беролмасдилар, чунки аёллар ва ярадорлар уларга халақит қилаётгандилар. Лекин, бахтларига ёрдам етиб келди. Улар қутуриб кетган, ораларида анчагина француз ва испанлар бўлган аббат қўриқчиларининг икки



томоплама сиқуви остида ўрмонзорга чекинар эканлар, тўсатдан, йўл ўтган тепалик ёнбағрида учиб келаётган от кўринди. От устидаги аёл унинг ёлига икки қўллаб ёпишиб олганди, бу чавандос аёл ортидан эса кўпдан-кўп қуроли кишилар келишарди.

— Қара, Эмлин, қарасанг-чи!— қичқириб юборди Сайсели.— Ким бу?— У ўз кўзларига ишонмасди.

— Бу Матильда она-ку,— деди Эмлин.— Барча авлиё-анбиёлар ҳақи қасамёд қиламан, унинг кўриши жудаям антиқа.

У оломон устига қуюндек учиб келарди, чунки қўрқиб кетган оти аллақачон Блосхолм офилхонаси ҳидини сезиб, тинмай кишнаганча, устидаги антиқа суворасини олиб қочганди.

— Худо ҳақи, бу телба ҳайвонни тўхтатинглар!

Болл от узангисидан ушлаб олиб, шунчалик тез тислантирдикки, сувора ўзини тутолмай, унинг тепасидан учиб кетди ва болани қўриқлаган ўша йоменнинг бағрига бориб тушиб, роҳатдан унинг қучоғида жимгина қола қолди. Кейинчалик Матильда она, эркаклар яқинлиги анчагина кўнгилли бўлишини ўшангача ҳатто билмаганлигини, одатдагидек ёқимли жилмайиб гапириб юрди.

Нозира ниҳоят йоменнинг бўйнидан қўлини олгач, эркак уни ерга қўя туриб, болани қўлтиқлаб юргандан кўра бу қийинроқ экан, деди. Нозиранинг ўйноқи кўзлари Сайселига тушди.

Демак, вақтида улгурибман! Бундан бу ёққа бу отни ёмонлаб бир оғиз ҳам сўз айтмаганим бўлсин-а!— қичқирди у ва шу заҳотиёқ тиз чўкиб, мингиллаганча ҳамду сано ўқиди.

Бу орада унинг изидан етиб келган суворийлар отлари жиловидан тортдилар. Аббат соқчилари ҳам, уларга эргашиб келаётган оломон ҳам номаълум жангчилар ким тарафида эканлигини билмай, тўхтади: Болл ва унинг отряди аёллар билан биргаликда ўртада қолганди.

Янги келганлар орасида бир бесўнақай семиз киши бўлиб, у ўз олдида ҳамманинг эгилиб-букилиб туришига кўникиб қолган шекилли, ўта димоғдор эди. У олдинда келар экан, узук-юлуқ овоз билан — оти-

ни чоптириб келганидан, нафаси қисилиб қолганди — бу тўс-тўполон боисини сўради.

— Блосхолм монастири нозирдан сўранг,— деди кимдир,— буларнинг ҳаммаси ўшанинг иши.

— Блосхолм монастирининг нозирини? Менга нақ худди ўша керак-да,— деди бақалоқ димоғдорлик билан.— Қани, Блосхолм аббатлигининг нозирини берироқ келиб, бу ерда нималар бўлаётганининг ҳаммасини айтиб берингчи. Сизлар эса, йигитлар,— деди у ўз соқчиларига қарата,— саф тортиб, яна мана бу руҳоний қаршилик кўрсатиб қолмаслиги учун тахт бўлиб туринг.

Аббат ҳам бир қанча роҳиблар кузатувида олдинга чиқди-да, отлиққа назар сола туриб, сўради:

— Олий табақа нозирдан ҳисоб беришни қўполлик билан сўраётган кимсанинг ўзи ким бўлади?

— Олий табақа нозир? Сен, айтишларича, қиролликни алғов-далғов қилиш ва туппа-тузук инглизларни ўлдириш учун ёлланган каллакесарлар шайкасини тўплаган олий табақа товуссан, нобакор, исёнчи, сотқин кашини, такаббур испан дайдисисан. Майли, олий табақа нозир, ўзимнинг кимлигимни сенга айтман. Мен Томас Лиман, диний монастирлар деб аталмиш жойларни текшириш топширилган қирол ҳазратларининг вакили ҳамда қирол комиссариман. Бу ерга келишимнинг сабаби, ҳозир шу ерда турган Блосхолм аёллар монастири нозирасининг сенинг устингдан қилган шикоятидир; унинг гапига қараганда, сен қирол ҳазратларига содиқ баъзи бир фуқароларга зўрлик қилгансан, сен кимларнидир шахсий ғаразнинг туфайли ҳамда уларнинг ер-мулкини эгаллаб олиш учун, жодугарликда айблагансан. Мана мен кимман, энди билдингми, юз мақомга йўрғаловчи товус аббатгинам.

Мэлдон бу баландпарвоз нутқни охиригача эшитар-эшитмас, юзидаги ғазаб кўрқув билан алмашинди. У бу доктор Ли кимлигини, унга қандай вазифа юклатилганлигини аллақачон билган ва Томас Болнинг: «Қирол номи билан буюраман!»— дегани нимани англатганини ҳам энди тушунганди.

## XIII боб

### Вакил

— Тўс-тўполонни ким бошлади?— бақиришга тушди комиссар.— Нима учун бу ерда қон тўкилди, ярадорлар ва ўлдирилган одамлар ётибди? Бу аёлларни нима қилмоқчи эдингиз? Улардан бири кўринишидан паст табақаданга ўхшамайди-ку?— Шундай деб, у Сайселига тикилиб қолди.

— Тўс-тўполонни анови аҳмоқ, монастирим батраги Томас Болл бошлади. У: «Қирол номи билан буюраман, тўхтатинг!»— деганча қуролланган ҳолда устимизга бостириб келди.

— Нима учун сиз тўхтатмадингиз, сэр аббат? Ё қирол номи билан ҳазил қиладиларми? Билиб қўйинг, бу одамни мен юборгандим.

— Қўлида ҳеч қанақа ёрлик йўқ эди, сэр комиссар, унинг момақалдироқдек овозиyo ойболтаси ёрлик ўрнини босмайди-ку, ахир; мен тўхтатмадим, чунки биз нияти бузуқ уч жодугарни суд қилиб, улар устидан ҳукм чиқаргандик.

— Суд қилиб, ҳукм чиқаргандик? Қанақа суд, уни ким ўтқизди? Ҳукмларни ижро этгани сизга имтиёз берадиган ёрлигингиз<sup>1</sup> борми ўзи? Агар бор бўлса, менга кўрсатинг.

— Бу жодугарлар епископ, приор ва мендан иборат диний трибунал томонидан ҳукм қилинганлар ва бизнинг ҳукмимизга кўра улар гулханда ёниб, ўз гуноҳларидан покланишлари даркор эди,— деди жавобан аббат.

— «Диний трибунал!»— ўшқирди доктор Ли.— Диний трибуналлар Англиянинг озод фуқароларини ўлғунига қадар жиззаи кабоб қилиш ҳуқуқига эгами? Агар ўзгалар ҳаётига суиқасд қилинишда айб-

---

<sup>1</sup> Ҳукмларни ижро этгани имтиёз ёрлик...— Дин пешволари динга қарши жиноий ишда айбдор бўлганларни суд қила олар, лекин суд ҳукмини улар эмас, балки граждaн ҳукумати ижро этарди. Фақат истисно тариқасида, баъзи ҳоллардагина, ҳукми ижро этиш учун дин пешволарига махсус ёрликлар берилган.

ланиб, судда жавоб беришни истамасангиз, қирол олий ҳазратлари ёки қирол суди аъзоларидан бири имзолаган ёрлиқни кўрсатинг. Хўш? Нега индамай-сиз? Сизда ҳеч қандай ёрлиқ йўқ. Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим. Ҳой, Клемент Мэлдон, испан лайчаси, билиб қўйинг, сизни кўпдан бери кузатиб келадилар, энди бўлса сиз, афтидан, қироллик ваколатини ҳам эгаллаганга ўхшайсиз.— У бир лаҳзага жим қолди, сўнг давом этди:— Бу дин арбобини ушланг ва ушбу ишни ҳал қилмагунимча ҳушёрлик билан кўриқланг.

Комиссарнинг соқчилари Мэлдонни қуршаб олишди, аббатнинг одамлари аралашига журъат этмадилар: улар ортиқ урушишни истамасдилар, қирол ёрлиғи тўғрисидаги гап-сўзлар эса уларни ваҳимага солганди. Шундан сўнг комиссар Сайселига мурожаат қилди:

— Сиз сэр Жон Фотрелнинг якка-ю ёлғиз қизисиз ва сэр Кристофер Харфлитнинг рафиқаси эканлигингизни таъкидлаясиз, шундайми? Ҳар ҳолда, шу ерда турган монастырь нозираси менга шундай деди. Бошингизга нима кўргуликлар тушди ва нима учун?

— Сэр,— деди Сайсели,— мен ва оқсочим, шунингдек, қари роҳиба Брижет жодугарликда айбланиб, ҳов анави устунларга кишанланиб, гулханда ёндирилишга ҳукм қилинган эдик. Рост,—қўшиб қўйди у,— мен ҳалок бўлмаслигимизга ишонгандим.

— Хўш, нима учун ишонгандингиз, леди? Оловда ёниб кетишингизга сал қолганга ўхшайди-ку,— деди комиссар устунлар ва ҳар томонга итқитиб юборилган шох-шаббаларга қараб қўяркан.

— Сэр, ишонганимнинг боиси, худо тушимда менга ваҳий юборди.

— Тўғри, у устунга занжирбанд бўлгани ҳолда, ўлмаслигига қасам ичди,— қичқирди кимдир.— Биз бўлсак, уни ақлдан озган деб ўйлагандик.

— Шунда ҳам унинг жодугарлигини рад этасизми?— орага суқилди Мэлдон.— Агар у иблис хизматкорларидан бири бўлмаса, башорат қилолармиди?

— Хўш, борди-ю, ваҳий ва башорат қилиш жоду-

гарликка далил бўлса, унда, эй кашш, барча муқаддас китоблар жодунинг ўзгинаси экан-да,— деди жавобан Ли.— Унда бокира қиз Мария ҳам, авлиё Елизавета ҳам жодугар бўлган, авлиё Пётр ва Иоанни эса ёқиш лозим эди. Давом этинг, леги, фақат тушингизни бошқа бирор қулайроқ фурсат келганида айтиб берарсиз.

— Сэр,— давом этди Сайсели,— биз жодугарлик билан шуғулланишни хаёлимизга ҳам келтирмагандик. Менинг бирдан-бир айбим, ўғлимни қонунсиз туғилган деган гапни тан олмаётганим ҳамда ер ва мол-мулкимга эгалик қилиш ҳуқуқи мана бу аббат, отамнинг, шунингдек, эҳтимол эримнинг ҳам қотили қўлига ўтишига рози бўлмаётганим. Оҳ, қулоқ солинг, сиз ҳам, бу ерга тўпланган халойиқ ҳам, гапларимга қулоқ солинглар, бутун тарихимни иложи борича қисқача қилиб гапириб бераман. Гапиришга ижозат берасизми?

Комиссар бош ирғаб қўйгач, у ҳаммасини бир бошдан жуда ихчам, жўнгина, ҳаққоний ва жиддий ҳикоя қилишга тушдики, биронта сўзини эшитмай қолмаслик учун бутун халойиқ зич бўлиб, уни ўраб олди, ҳикоясига қулоқ сола туриб, ҳатто бадқовоқ доктор Ли ҳам бир оз юмшагандай бўлди.

— Агар сизлар бегуноҳ бўлсангиз,— қичқирди роҳиблардан бири, Сайсели нафасини ростлаш учун тўхтаганда,— Блосхолмда қанчадан-қанча мусибатларни келтириб чиқарган шайтон қиёфасидаги махлуқ нима? Уни ҳаммамиз ўз кўзимиз билан кўрмадикми, ахир?

Шунда кимдир жон ҳолатда бақириб юбориб, дарахтлар томонга ишора қилди: дарахтлар соясида қандайдир антиқа махлуқ сургалиб келарди. Лаҳза ўтмай у ёруғликка чиқди. Халойиқ яна бир марта — биров у ёққа, биров бу ёққа — дуч келган томонга тум-тарақай бўлиб кетди, ҳатто отлар ҳам ҳуркиб, сувлуқларини чайнаганча нари қочди. Чунки оломонга қараб нақ иблиснинг ўзи келаётган ва уни энди ҳамма ҳам яққол кўриб турганди. Унинг бошида шохлари диккайиб турар, орқасидаги думи ликиллар, бадани худди ҳайвонларникидек юнг билан қопланган, турқи кўрқинчли ва ола-була, қўлида эса,

сопи узун ўткир паншаха ушлаб олганди. Одамлар телбалардек оёқ етганча қочиб қолдилар; фақат, оддан тушган комиссаргина қимирламасди, эҳтимол у қўрққанидан донг қотиб қолгандир, унинг ёнида эса иккала аёл ҳамда роҳибалардан баъзилари, жумладан, дарҳол тиз чўкканча дуо ўқишга тушган монастирь нозираси турарди.

Қўрқинчли махлуқ тўппа-тўғри устларига бостириб келаверди. У қирол вакилининг олдига етиб келгач, таъзим қилиб, буқага ўхшаб мўъради. Кейин хотиржамлик билан қандайдир боғичларни еча бошлади — ниҳоят, унинг устидан қўрқинчли либоси тушиб кетиб, барчанинг кўзи олдида Томас Болл пайдо бўлди.

— Бу қанақа майнавозчилик, муттаҳам?— хириллади доктор Ли.

— Майнавозчилик деяпсизми, сэр?— деди Томас жилмайиб.— Агар гап шундай бўлса, бизнинг ҳазилкаш Англиямизда кашишлар мана шунақанги майнавозчилик учун аёлларни гулханда ёндиранканлар-да. Бу ёққа келинлар, ҳой яхшилар, бу ёққа!— бор овози билан дўриллади у.— Иблиснинг аъзои баданларини бир кўриб қўйинлар-а. Мана унинг шохи.— Шундай деб, Томас уларни ҳамма кўрадиган қилиб баланд кўтарди.— Қачонлардир булар Жонсон беваеси эчкисининг бошини безаб турганди. Мана дум: у монастирь молларидан бирининг қорнига ёпишган озмунча пашшаларни ҳайдамаган; мана қўрқинчли афт-башара, бир парча терини бўяб, уни ўзим ясаганман. Мана, гуноҳга ботганларни дўзахга итқитадиган даҳшатли паншаха бу уч тишли паншаха билан қанчадан-қанча илон балиқ тутганман! Қопимда яна бир нарса бор — жаҳаннам олови; у ёгга қорилиб, ўчоқда қуритилган олтингургуртдан жуда қойилмақом ҳолда пайдо бўлди. Тезроқ бу ёққа келинлар, шайтоннинг башанг кийимларини текинга кўриб қолинглар!

Оломон қўрқа-писа қайтиб кела бошлади. Кейин одамлар Томас узатаётган анжомларни қўлларига олиб, ушлаб кўришга киришдилар. Охирида, аввал бир-икки киши, кейин эса ҳамма хахолаб қулишга тушди.

— Хахолашнинг ҳожати йўқ!— жекирди Болл.— Бунинг нимаси кулгили. Ахир олиҳиммат леди ҳамда ҳаётлари ким учундир азиз бўлган бошқалар,— у Эмлинга кўз ташлаб қўйди — сельд балиғидек қоврилиб кетишларига озгина қолди-ку. Яна нима учун денг, атиги бир бечора ўзини жинниликка солиб, совуқда дилдирамаслик ва ёвуз одамларни васвасага тушириш учун терига бурканиб олганлиги боисидан. Ҳаммангиз эшитинг: одамлар бошини қотирган мен бўламан. Иблис, айни пайтда, сэр Жон Фотрелнинг арвоҳи ҳам мен бўламан. Монастирь бутхоначасига мен ўзим билган махфий йўл орқали кирдим, мана бу гўдакни ўлимдан олиб қолиб, қотилани шунақанги қўрқитдимки, у тўппа-тўғри жаҳаннамга равона бўлди; ҳа, ҳа, ниқоблўш шайтон уни чиндан ҳам гумдон қилди. Буларнинг ҳаммасини нима учун қилдим? Бегуноҳларни ҳимоя этиш учун, манмансираб кетган ёсуманни жазолаш учун. Лекин ёсуман бегуноҳларни қўлга туширди, улар эса, ўзлари билан биргаликда мен ҳам жафо чекмаслигим учун, «миқ» этиб оғиз очмадилар, кейин... ё худойим ўзинг мадад бер, бу ёғини ҳамма билади! Яна озгинагина, жиндаккина фурсат ўтганда, иш пачава бўларди. Кўп йиллар давомида жиннига ўхшаб юрган бўлсам ҳам, унчалик аҳмоқ эмасман. Бунинг устига яхшигина отим ҳамда оғир болтам бор эди. Блосхолм вилоятида эса ҳали содиқ одамлар озмунча эмас; ҳозиргина жонини қурбон қилган ажойиб йигитлар бунга энг яхши далил. Гарчи, кўринишидан фаришталарга ўхшамаса-да, ер юзида фаришталар ҳам бор. Мана улардан бири, мана бу эса бошқаси.— Шундай деб, бармоғи билан даставвал бақалоқ, манман комиссарни, сўнг қаттиқ ҳаяжонланаётган нозирани кўрсатар экан, қўшиб қўйди:— Энди эса, сэр комиссар, адолат йўлида нимаики қилган бўлсам, ҳаммаси учун, сиздан гуноҳимдан кечишингизни сўрайман, чунки мени шайтон шохию туёғи ясантирганидек, сизни ҳозир нақ қиролнинг буюклигию марҳамати безаб турибди. Акс ҳолда қирол устидан ҳам, халқ устидан ҳам ўзини хўжайин ҳисобловчи аббат ва унинг ёлланма каллакесарлари қанчадан-қанча одамларни жувонмарг қилганларидек, барча ушбу қилмишларим

учун, мени ҳам бошлаб гумдон қилишлари ҳеч гаммас. Шу сабабдан мени кечиринг, эй соҳиби қудрат, гуноҳимдан ўтинг!— Болл тиз чўкканча, унинг оёқлари остига йиқилди.

— Сени кечираман, Болл, қирол номидан кечираман,— деди Ли; қув Томас сахийлик билан ҳаддан ташқари ошириб юборган унвон ва мансаб унга жуда ҳам ёқиб кетганди.

— Мен, марҳаматли соҳиби олий ҳазратларининг комиссари, эълон қиламанки, сен томонингдан содир бўлган, шунингдек, бошланиб, ҳали тугатилмаган ҳар қандай қилмиш учун мутлақо жазога тортилмайсан ва сенга қарши жиноий ёки расмий иш қўзғатилиши мумкин эмас; бу ҳақда котибим сенга қоғоз қилиб беради. Хўш, мард йигит, ўрнингдан тур, лекин бундан кейин иблисининг пару патларига ўрала кўрма — яна ўзи суробингни тўғрилаб қўймасин — ахир у жиғига тегсанг бўлаверадиган беозор қушча эмас-а. Анови испаниялик Мэлдонни бу ёққа келтиринг-чи. Унга айтадиган гапим бор.

У ёқ-бу ёқни қарашди, бироқ аббат топилмади.

— Қочиб қолибди ифлос,— чинқирди ғазабдан ўпкадек қизариб кетган комиссар.— Уни қидириб толиб, ушланглар! Буйруғим ҳаммага тегишли. Овни бошланглар. Мен аббатликка бораман, эҳтимол, тулки ўз инига биқиниб олгандир. Қимда-ким ушбу мунофиқ ва сотқинни ушлаб келса, ўша беш тилла танга олади.

Энди ҳамма қиролга ўзининг содиқлигини кўрсатиш ҳамда тилла танга ишлаб қолиш учун жон-жаҳди билан тиришиб, қидиришга тушиб кетди. Деярли танҳо ўзлари қолган уч «жодугар», Томас Болл, Матильда она ва роҳибалар бир-бирларига ҳамда ён-верларида чўзилиб ётган ўликлар ярадорларга термилганча туришарди.

— Монастирга юринглар,— деди Матильда она.— Офтобга қараганда, кечки ибодат пайти яқинлашяпти, кейин, афтидан, бизга ҳеч ким қўл тегизолмайди.

Томас унинг нарироқда ўтлаб юрган отини ушлаб, нозирага рўпара қилди.

— Эй йўқ, дўстим,— жон-жаҳди билан қичқириб юборди у,— токи тирик эканман, бунақанги баджаҳл



хайвонни кўришга тоқатим йўқ. Энди пиёда юраман, ўлганимда эса, бир гап бўлар. Бу отни сенга тортиқ қиламан. У меники, пули тўланган. Ҳамшира, қўлингни бер.

— Яхшигина иш кўрсатдимми, Эмлин?— сўради Болл пуштанни қаттиқ тортиб боғларқан.

— Билмадим,— деди Эмлин унга кўз қири билан қараб.— Аввалига юрагинг чиқиб кетди, шунинг учун, сенинг қилмишларинг деб, сал қолса бизни ёқиб юборай дейишди, албатта, тўғри кейинчалик, ақлинг кириб қолди. Аммо, сўзингга ишонилса, эс-ҳушингни ҳеч қачон йўқотмагансан. Қилиқларинг ҳам ўзгарди, анави палид капитан болта билан муомала қила олишингни билиб олди. Шундай бўлгач, яхши йигит, бу ҳақда бошқа оғиз очма; ҳақиға кўчганда, аббат ва унинг югурдаклари сенга шафқатсиз хўжайин бўлганлар, улар ўзларининг бемаъни ваъзларию дўзах азоблари тўғрисидаги васвасалари билан сенинг руҳингни тушириб юборишган. Бўпти, бекамнинг отга минишига ёрдамлаш, у мутлақо ҳолдан тойган, қани, елкангни тут-чи, суяниб олай. Устунда занжирбанд бўлиб туриш ҳазилакам иш эмас.

Уша куннинг иккинчи ярми қандай ўтганини Сайсели жуда ноаниқ ва чалкаш хотирлайди. Эсида, черковда ҳамду сано ўқишди, гарчи унинг лаблари дуо сўзларини деярли шивирламаган бўлса-да, қалби миннатдорчилик туйғуларига тўла эди. Авлиё Екатерина арқони толасини берган раҳмдил ҳамширанинг, бу табаррук толаларни қайта сақлаб қўйиш учун қайтариб оларкан, Сайсели билан Эмлинга улар фақат шулар туфайлигина қутулиб қолганликларини уқтиргани ҳам эсида. Эсида, у қандайдир овқат еди, боласини эмизди, кейин эса ҳамма-ҳаммаси тонг отгунча кўздан йўқолди; у уйғониб, хонани қуёш нурафшон қилиб юборганини кўрди. Кеча уларни азоб-уқубатли ўлимга дучор қилгани худди шу хонадан ҳаидаб олиб чиқиб кетишганди.

Дарвоқе, уйғониб, Эмлин кўп йиллар давомида бажариб келганидек, ҳозир ҳам ёнида турганича, унинг кийимларини тартибга солаётганини, шу ерда, қуёш ёғдусида ётган ўғилчаси шодон қийқириб, ғужурлаётганини кўрди. Даставвал назарида қўрқинч-

ли туш кўргандек туюлди, бироқ аста-секин бутун ҳақиқат онгига бориб етди ва у беихтиёр қалтираб кетди — ҳа, энди, дили равшан тортгандагина ранги оқариб, шамолда қолган тоғтеракка ўхшаб қалтирай бошлади.

Оҳ, борди-ю, Томас Боллнинг оти беш дақиқагина олдинроқ кучдан кетганда, у — шу топда томирларида қип-қизил қон кўпириб оқаётган Сайсели ҳозир фақат бир уюм куйган суякка айланган бўларди. Агар эътиқоду иродаси панд бериб, аббатга бўш келганда, Мэлдон гулхан ёнида айтганимга кўндираман деб, вақтни бой бермаган, Болл эса анчагина кечикиб келган бўларди.

Нонушта қилишаётганда, уларни нозира ҳузурига чорлаб қолишди; нозира улар билан ўз хонасида гаплашмоқчи эди. Улар энди тутқунликда эмасликларидан ва кўнгиллари истаган томонга бора олишларидан димоғлари чоғ бўлиб, нозира ҳузурига йўл олдилар. Нозира баланд креслода ўтирарди: аъзойи бадани зирқираб оғриётганидан, унинг қимирлашга мажоли қолмаганди. Сайсели югуриб бориб, тиз чўкканча, уни ўпди, нозира эса ёш жувонни дуо қилди.

— Ростига кўчганда-ку, Сайсели,— деди у кулимираб,— агар кучим етганда, мен сенинг олдинда тиз чўкишим даркор эди. Оқизмай-томизмай ҳаммасини менга айтиб бердилар, бинобарин, эътиқодинг чексиз экан.

— Ҳа, рост, онажон,— деди қисқагина қилиб Сайсели, у бу ҳақда гапни чўзиб ўтиришни истамади, кейинчалик эса булар тўғрисида ҳадеб оғиз очишни ёқтирмай қўйди,— ҳаммаси сизнинг шарофатингиз билан амалга ошди.

— Қизим, мен бор-йўғи бир дастак бўлдим, холос: ҳа, майли, ҳозирги бу муҳаррам ишларни қўя турайлик. Балки, кейинроқ ўзинг булар ҳақида батафсил гапириб берарсан, ҳозир эса, унча мақбул бўлмаган фоний дунё ишларидан гаплашамиз. Сенинг озод қилинишинг анчагина қимматга тушди, қизим: анови қўпол ва худобехабар одам, қирол тафтишчиси, йўлда кела туриб, монастиримиз ёпилиб, унинг ер ва даромадлари хазина ҳисобига ўтишини,

мен ва ҳамшираларим эса қариб-қартайганимизда оч-наҳор дарбадар кезишимизга тўғри келишини айтди. Тўғриси айтсам, унинг бу ёққа келишга розилик бериши учун, монастирни тафтиш қилиш ҳақидаги илтимосномани ўзим ёзиб, имзо чекишга мажбур бўлдим. Сени қанчалик яхши кўришимни энди билдингми, Сайселигинам.

— Онажон,— деди у,— бундай бўлиши керак эмас, бўлиши мумкин эмас.

— Афсус, болагинам, қўлингдан нима ҳам келарди? Бу тафтишчилар ҳам, қолаверса, уларни юбораётганлар ҳам очофат одамлар. Улар ҳамма жойда ҳам бизга ўхшаган роҳиб ва роҳибаларнинг ер ҳамда мол-мулкани тортиб олаётганини, агар жуда омади келиб қолса, роҳиблардан баъзиларига тирикчиликни ўтказиш учун арзимас ёрдам пули тегаётганини эшитдим. Бир пайтлар ўзимнинг бойлигим бор эди, лекин улар аббат тортиб олган водийдаги ферма ҳақини тўлашга ҳамда таъмагирнинг иштаҳасини қондириб туришга кетди.

— Қулоқ солинг, онажон. Менинг бойлигим бор, яшириб қўйилган жойини ўзим яхши билмайман, лекин Эмлинга маълум. У фақат менга тааллуқли бойлик — улар Карфакслар оиласининг зеб-зийнатлари, менга онамдан қолган. Шулар туфайли биз гулханга гирифтор қилиндик: хазина эвазига аббат бизга ҳаёт инъом этмоқчи бўлди, вақт ўтиб бўлгач эса, оловда ёнишдан кўра осонроқ ўлимни таклиф қилди. Бироқ унга сирни очиш учун Эмлинга изожат бермадим: негадир кўнглим чопмаганди, тўғри иш қилганимни энди билияпман. Онажон, ана шу тошларни сотиб, ерингиз ҳақини тўлаймиз, эҳтимол, марҳаматли қирол ҳазратларидан монастирингизни ёпмаслик учун рухсатнома олишга ҳам эришармиз ва неча-неча замонлардан бери давом этиб келаётганидек, сиз ўзингизнинг бошқа ҳамшираларингиз билан биргаликда шу ерда яшаб, худо йўлида хизмат қилаверасиз. Ўз номимдан, ўғлим номидан, шунингдек, агар тирик бўлса, эрим номидан ҳам сўз бераман.

— Лекин борди-ю, эринг тирик бўлса, жоним Сайсели, балки унга бу бойлик зарур бўлиб қолар.

— Йўқ, онажон, у тақинчоқларни олмайди —

ахир унинг ҳаёт-мамоти, озодлиги ёки шон-шарафи устида гап бормаяпти-ку. Унинг ўзи ҳам, менга ва боламизга қилган яхшилигингизни билиши биланоқ, хурсандчиликдан зеб-зийнатлар у ёқда турсин, бисотида борини беради; буни у ўз бурчи деб билади.

— Яхши, Сайсели, худо номидан ва шахсан ўз помимдан сенга ташаккур айтаман. Кўрамиз яна, келажак кўрсатади! Фақат ғофил қолма, доктор Ли ушбу хазина тўғрисида эшита кўрмасин. Хўп, у қаерга яширилган ўзи, Эмлини? Менга сирингни очишдан чўчима; агар унинг қаердалигини ўзингдан бошқа яна бирор киши билиб қўйса, чакки бўлмайди, ўйлашимча, сизлар учун хавф-хатар ўтиб кетди.

— Тўғри, айт, Эмлини,— деди Сайсели.— Ожизлик қилиб, оғзимдан гўллаб кўйиншдан кўркиб, илгари сўраб-суриштириб ўтирмагандим, энди мен ҳам қизиқяпман. Бу ерда гапимизни ҳеч ким эшитмайди.

— Яхши, бекам, сенга айтаман. Эсингдами, Крауэлга ўт кетган кўни, марказий минорада бошплана қидиргандик ва ўша ердан сени беҳуш ҳолда ертўлага олиб тушгандим. Бутун тунни ўша жойда ўтказдик: сен ҳушсиз ётганингда, то неча-неча замонлар ўтиб, захликдан уваланиб, ўрнидан кўзғалиб қолган ғиштни топганимча, бармоқларим билан девор пайпаслаб чиқдим; ғиштнинг орқаси бўшлиқ экан. Тақинчокларни ана ўша ковакка тикиб кўйдим; уларни шойига ўраб, кўксимга яшириб қўйгандим. Кейин ковакни ерда ётган майда-чуйдалар билан тўлдириб, ғиштни жойига оҳак парчаси билан маҳкам ўрнаштириб кўйдим. Агар шаркий бурчақдан хисобланса, у пастдан иккинчи катордаги учинчи ғишт. Тақинчокларни ўша ерга кўйганман, ҳозир ҳам ўша ерда. Уларни ҳеч ким девор орасидан тополмайди, минорани бузиб, ер билан текис қилиб юборишармиди.

Шу лаҳзада эшик тақиллаб қолди.

Эмлини эшикни очди, хонага роҳиба кириб, қирол тафтишчиси нозира билан суҳбатлашмоқчи эканлигини айтди.

— Ҳузуримга кирсин, ахир мен қимирлолмайман-ку,— деди Матильда она.— Сизлар эса, Сайсели

ва Эмлин, ёнимда туринглар, бунақанги суҳбат пайтида гувоҳлар бўлгани маъқул.

Орадан бирон дақиқа ўтар-ўтмас, доктор Ли ўз котиблари ҳамроҳлигида пайдо бўлди; у башанг кийиниб олганди, зинадан чиқиб келгани учун ҳарсилларди.

— Ишдан гапиринг, ишдан,— деди у; ҳатто нозиранинг саломига тузукроқ жавоб ҳам қайтармай.— Монастирингиз ўз илтимосномангизга биноан, бекам, хатланган, шу сабабли дастлабки тафтиш ўтказишнинг ҳожати йўқ. Айтгандай, барча маълумотларга асосланиб, монастир шуҳрати чакки эмаслигини тан олишим мумкин; ҳеч қандай номақбул, жанжалли ҳодиса рўй бермаган — эҳтимол, бунга сабаб, сизларнинг шўхлик чоғларингиз ўтиб кетганлигидир. Энди, ер эгалигига ҳамда ижара ҳақидан келадиган даромадга оид барча ҳужжатларни кўрсатинг. Улар мазкур ер ва даромадларни сиздан расмий равишда қабул қилиб олишим ҳамда монастирнинг ёпилишини эълон қилишим учун зарур.

— Уларни олиб келгани ҳозир одам юбораман,— деди итоатгўйлик билан нозира,— унгача менга айтингчи, биз, ғариб роҳибалар ҳоли энди нима кечадди? Менинг ёшим олтмишда, шундан қирқ йилини шу уйда ўтказганман. Ҳамширалар орасида ҳам ёши йўқ, баъзилари ҳатто мендан ҳам кекса. Биз қаёққа борамиз?

— Олам бепоён, бекам. Бошпанасиз қолмайсиз, ҳаммага жой етади. Минғиллаб дуо ўқишни йиғиштиринг, хурофотдан воз кечинг — дарвоқе, барча қимматбаҳо буюмлар ва асл металллардан қуйилган папа нишонларининг ҳаммасини бизга беришни унутманг, кейин эса — тўрт томонингиз қибла. Эр топсангиз тегиб олинг, фойдали иш билан шуғулланинг, Миянгизга нима келса, ўшайи қилинг-у, зиммангиздаги бемаъни зоҳидона қасам юкидан ҳамда монастирь деворлари тутқинлигидан озод этгани учун қиролга шукрона айтинг.

— Сиз бизга очликдан ўлиш учун озодлик инъом этияпсиз. Нима қилаётганингизни ўзингиз биласизми, сэр? Юз йиллар мобайнида биз Блосхолмда яшадик, неча-неча авлодлар умри давомида одамлар арвоҳи

хотирасига бағишлаб худога тоат-ибодат қилдик, одамлар гамини едик. Ҳеч кимга зиёнимиз теккани йўқ, еримиздан олганларимизни ва саховатли кимсалар худо йўлига хайр-эҳсон бериб кетганларнинг барини — ўзимизга ҳеч вақо ҳам қолдирмай, сахийлик билан улашганмиз. Қанчадан-қанча бева-бечоралар қорнини тўйғизар, беморларга қарар, болаларни ўқитардик. Кўпроқ улашмоқлик учун кўпинча ўз нафсимизни тиярдик. Энди бўлса, сиз бизни монастырдан қувиб, тўғридан-тўғри ўлимга рўпара қиялсиз. Агар худо шуни хоҳласа, нима ҳам қила олардик; лекин Англиядаги бева-бечораларнинг ҳоли нима кечади?

— Бу, бекам, Англия ва бева-бечораларнинг иши. Ҳозир эса, сизга илгарироқ маълум қилганимдек, вақтим қисталанг. Аनावи аббатингиз тўғрисида ахборот бергани Лондонга шошяпман: ўтакетган аблаҳ экан, унинг ғаразли кирдикорлари ҳақида кўп нарсаларни билиб олдим. Шунинг учун сиздан илтимос қиламан, ҳужжатларга тезроқ одам юборсангиз.

Шу лаҳзада печенье ва шароб қўйилган патнис кўтариб, хонага роҳиба кириб қолди. Эмлин патнисини ундан олиб, қадаҳларга шароб қуйди-да, тафтишчи ва котибларга таклиф қилди.

— Ажойиб шароб,— деди тафтишчи қадаҳни бўшатар экан,— жудаям ўткир шароб. Сиз, роҳибалар, мева сувидан антиқа ичимлик тайёрлайсизлар. Илтимос, бунга ҳам рўйхатга тиркаб қўйишни унутманг. Сиз, азизим, аббат ёндириб юбормоқчи бўлганлардан бирисиз шекилли? Ҳа, ҳа, бу эса сизнинг соҳибангиз, Фотрел хоним ёки Харфлит хоним-а? Худди унга икки оғиз сўзим бор.

— Хизматингизга тайёрман, сэр,— деди Сайсели.

— Гап бундай, бекам, сиз ва сизнинг оқсочингиз гулхандан қутулиб қолдингиз; фикримча, сизлар ҳеч қандай асоссиз ҳукм этилгансиз. Бироқ, сизларнинг устингиздан тўла ҳуқуқли диний трибунал ҳукм чиқарган ва унинг қарори, то қирол — агар лозим топсагина — сизларни афв этмагунча, ўз кучида қолаверади. Шу сабабли, ўйлайманки, шу ерда қолиб, унинг хоҳишини кутишингиз лозим.

— Бироқ, сэр,— деди Сайсели,— менга бошпана

берган раҳмдил ҳамшираларнинг бу ердан кетишларига тўғри келса, уларнинг уйида бизнинг ёлғиз ўзимиз қандай яшаймиз? Сиз бу ерни ташлаб кетмаслигим кераклигини айтяпсиз; зотан, бу ердан чиқиб кетган тақдиримда ҳам, қаерга бора оламан? Эримнинг уйи ёниб кетган, ўз уйимни аббат эгаллаб олган. Иккинчи томондан, борди-ю, шу ерда қоладиган бўлсам, у иложини топиб, барибир мени ўлдиради.

— Аблаҳ ғойиб бўлди-я,— деди доктор Ли, бағбақасини қашлаб туриб.

— Ҳа, лекин у қайтиб келади ёинки ўз одамларидан биронтасини юборади, ўзингиз яхши биласиз, сэр, бу испанлар кек сақловчи бўладилар; мен эса у билан кўпдан бери тескариман. Сэр, боламга, менга, шунингдек, Эмлин Стоуэрга раҳнамолик қилишини қиролдан илтижо этаман.

Комиссар бағбақасини қашишдан тўхтамади.

— Сиз, бу Мэлдонга қарши муҳим далиллар келтириб, гувоҳлик бера оласиз, шундайми?

— Ҳа,— гапга қўшилди Эмлин,— бу далиллар учун уни ўн марта осса арзийди; мен ҳам гувоҳлик бера оламан.

— Аббат эгаллаб олган каттагина ер-мулкингиз ҳам бор-а, тўғрими?

— Бор, сэр, чунки менинг насл-насабим аслзодалардан ва мартабаси улуғ.

— Леди,— гап бошлади доктор Ли энди анчагина илтифотлироқ оҳангда,— чеккароққа чиқсангиз: сиз билан танҳо гаплашиб оладиган гапим бор.— Шундай деганча, у дераза томонга йўналди, Сайсели унинг орқасидан кетди. Менга айтингчи, ер-мулкингизнинг баҳоси қанча эди?

— Аниқ билмайман, сэр, лекин уч юз фунт атрофида даромад келтиришини отамдан эшитгандим.

Тафтишчи янада илтифотлироқ бўлиб қолди, чунки ўша пайтда бу катта давлат эди.

— Шунақа денг, миледи. Катта пул, ниҳоятда яхши мулк, уни қайта қўлга киритишнинг уддасидан чиқсангиз, албатта. Сиз билан очиқчасига гаплашаман. Қирол комиссарлари унчалик дуруст маош ол-

майди, харажатлари эса катта. Борди-ю, ишингизни сиз ер-мулкингизни қайтадан қўлга киритадиган ва жодугарлик учун сиз ҳамда оқсочингиз устидан чиқарилган ҳукми бекор қиладиган томонга буриб юборсам, ишингиз юзасидан югуриб-елиб қилган харажатларим эвазига мулкингиздан оладиган бир йиллик даромадга тенг маблағни тўлашга ваъда бера-сизми?

Энди Сайселининг ўйлаш навбати етди.

— Албатта,— жавоб берди ниҳоят у,— агар яна бир ишни бажарсангиз — раҳмдил ҳамшираларни ёшларини яшагунларича ўз монастирларида қолдирсангиз.

У ўзининг хумкалласини чайқади.

— Ҳозир бунинг иложи йўқ. Иш ҳаддан ташқари ҳаммага ошкора бўлган. Лорд Кромуэл, мени пора олган, дейди ва мен яхшилик қиламан деб лавозимимдан айриламан.

— Яхши,— давом этди Сайсели,— унда бирор ерга жойлашиб олишлари учун, уларга бир йилгача тегмасликларига сўз берсангиз.

— Бу қўлимдан келади,— деди у бош ирғаб,— шу шарт биланки, улар бу ерда ҳеч қанақанги иснодга қолдирадиган ҳаёт кечиришмасин ва сизни қирол ганимларидан ҳимоя қилишсин. Лекин бу дунёда ҳамма нарса ишончли бўлавермайди. Шу боисдан бир ҳужжатга имзо чекишингизни сўрашга мажбурман; унда сиз мендан уч юз фунт қарз олганингизга ҳамда ўз ер-мулкингизга эгалик қила бошлашингиз биланоқ, қарзни устамаси билан қайтаришга иқрор бўласиз.

— Ёзинг, имзо чекаман, сэр.

— Жуда соз, бекам. Энди, модомики, биз ҳамма нарса устида келишиб олган эканмиз, сиз мен билан Лондонга кетасиз, ўша ерда хавф-хатардан ҳоли бўласиз. Бугун эмас, эртага тонготарда йўлга чиқамиз.

— Унда, сэр, боламга ёрдамлашиши учун оқсочим Эмлин ҳам мен билан бирга кетиши керак, шунингдек, Томас Болл ҳам, чунки у, бизга тақалган жодугарлик бор-йўғи ўзининг ҳазили эканлигига гувоҳлик бера олади.



— Албатта, албатта, лекин уч кишига йўлда таллайгина харажат бўлади. Унча-мунча пулингиз борми?

— Ҳа, сэр. Эмлиннинг кўйлақларидан бирига тахминан эллик фунт олтин чашиб қўйилган.

— А! Бемалол етади. Ҳатто жуда кўп, бизнинг нотинч замонамизда ёлғиз ўзингиз олиб юришингиз хатарли ҳам. Сақлаб қўйиш учун ярмини менга бермайсизми?

— Бажону дил, сэр, сизга мутлақо ишонаман. Ваъдангизнинг устидан чиқсангиз бас, мен эсам ўз сўзимда тураман.

— Жуда соз. Томас Лига ишонган одам доғда қолмайди — буни ҳамма тан олади. Бугун кечқурун ўша ҳужжатни келтираман, сиз эса, сақлаб қўйиш учун менга йигирма беш фунт берасиз.

Шундан сўнг у Сайсели ҳамроҳлигида нозира ўтирган жойга қайтиб келиб, деди:

— Матильда она — агар янглишмасам, сизни бу ерда шундай деб аташади-я? — леди Харфлит сиз учун илтимос қилди. Унга яхшилик қилганингизни назарда тутиб, сиз ва роҳибаларингиз шу ерда яна бир йилгача яшашларингизга қирол номидан сўз бердим. Бир йил ўтгач, ўз монастирингизни ҳеч қанақа машмашасиз қирол ҳазратлари ихтиёрига топширасиз, мен эсам сизга нафақа олиб беришга уриниб кўраман.

— Миннатдорман сиздан, сэр. Қари одам учун муддатни бир йилга чўзиш — катта гап. Бир йил ичида нималар бўлмайди, масалан — мен ўлишим мумкин.

— Менга миннатдорчилик билдирманг, мен бурч ва адолат нимани буюрса, ўшани бажарувчи оддий одамман. Сиз имзо чекишингиз лозим бўлган ҳужжатлар тушдан сўнг тайёр бўлади. Дарвоқе, сизга айтиб қўяй, леди Харфлит, унинг оқсочи, шунингдек, анави жасур ва ақлли йигит — Томас Болл, эртага эрталаб мен билан Лондонга жўнайди. Леди Харфлит ҳаммасини сизга тушунтириб қўяди. Соат учда мен ҳузурингизда бўламан.

Тафтишчи ва унинг котиблари хонага қандай киришган бўлса, шундай такаббурилик билан чиқиб ке-

тишди. Учовлари қолишгач, Сайсели Матильда она ва Эмлинга бўлиб ўтган гапларни айтиб берди.

— Уйлайманки, тўғри иш қилгансан,— деди но-зира ҳаммасини охиригача эшитгач.— Бу одам — очкўз наҳанг, лекин бўйи-бастинг билан ютиб юборганидан кўра, бармоғингни тишлаб узиб қолгани минг чандон яхши. Биз хусусимизда эса, албатта, яхшигина савдолашгансан — бир йил ичида нималар юз бермайди? Бунинг устига, жоним Сайсели, бу ерга қараганда, Лондонда бежавотирроқ бўласан. Бунақанги пулга — уч юз фунтга кўз тиккан комиссар сени кўз қорачиғидек авайлайди, ишингни ҳам тезроқ ҳал қилиш пайида бўлади.

— Агар бирор-бир кимса комиссар ишни пайсалга солиши учун унга кўпроқ, масалан, минг фунт ваъда қилмаса,— гапга аралашди Эмлин.— Ҳа, бошқа илож ҳам йўқ эди, тилхат эса бир пул. Йигирма беш фунт соф тиллага юрагим ачишиб кетяпти. Энди, онажон, биз отланишимиз лозим, қиладиган ишларимиз эса ошиб-тошиб ётибди. Утинаман, бирор кишини Томас Боллни топиб келишга юборсангиз; у шу яқин ўртада бўлса керак. Биз энди тутқунликда эмас эканмиз, у билан бир жойга бориб келмоқчиман, нимагалигини, балки, фаҳмлагандирсиз. Лондондек шаҳри азимда бизга пул зарур бўлиб қолиши мумкин. Шунингдек, ўзимиз учун ҳам, юклар учун ҳам от қидириб топишимиз, яна бошқа кўпгина нарсалар тўғрисида бош қотиришимиз даркор.

Томас Боллни дарҳол топдилар: у қўшни уйлاردан бирида ухлаб ётарди, чунки ўз саргузаштлари ва ғалабасидан сўнг хўп мириқиб ичганидан, анчагача кўз очолмаганди. Буни эшитган Эмлин, одам эмас, балки пиво бочкасисан деб, яна қатор хунук сўзларни айтиб, унинг роса таъзирини берди. Пировард-на-тижада Томас қуюшқондан чиқиб, агар шу пиво бочкаси бўлмаганда, сен аллақачон бир ҳовуч кулга айланардинг, деди. Шунда Эмлин гапни бошқа ёққа буриб, ўзлари нимага зориқиб турганликларини, шунингдек, Болл уларни Лондонга кузатиб бориши лозимлигини айтди. Бунга жавобан Томас, ажойиб от-

лар тонготарда эгарлоглиқ туради, деди. Хайриятки, у отларни қаердан излаб топишни билади: аббатлик отхонасида ҳали йўрғаласа зарар кўрмайдиган отлар бор. Блосхолмдан бир мунча вақт узоқда туришдан хурсанд эканлигини ҳам қўшиб қўйди Томас: бу ерда кечаги кундан бошлаб, унинг душманлари — ярадор ётганлар ёки лаҳад кутаётганларнинг дўстлари — кўлайиб кетган. Шундан сўнг Эмлин, қулоғига ниманидир шипшитган эди, у розилик аломати сифатида бош ирғаркан, имирсиламасдан, дарров тайёр бўлишини айтди.

Уша кунни кечқурун Эмлин, эртага миниб кетадиган отларни синаб кўрмоқчи эканлигини айтиб, отлиқ ҳолда, яхшигина қуроолланган Томас билан қаергадир жўнаб кетди. Улар жуда кеч, тун ўз чодирига ўралганда қайтишди.

— Хўш, топдингми?— сўради Сайсели, хонада икковлари қолишгач.

— Ҳа,— деди Эмлин.— Ҳаммасини, тўла-тўқис. Лекин у ер-бу ерда ғишт девор бузилиб кетганидан, ертўлага етиб бориш анча қийин бўлди. Тўғриси, Томас Боллсиз ҳеч қачон бунинг уддасидан чиқолмасдим. Бунинг устига, аббат аллақачон биздан олдин у ерда бўлиб, ҳамма жойни тит-пит қилиб ташлабди. Аммо, фаросатсиз экан, деворни қарашни хаёлига ҳам келтирмапти. Ярмини ўзимнинг ич кийимимга, ярмини сеникига тикиб қўяман, бежавотирроқ бўлади. Ўғрилар ҳужум қилиб қолиши мумкин, шунинг учун, ҳар эҳтимолга қарши, анави ютаққан тафтишчидан қолган пулни (ҳужжатга қўл қўяётганингда, ярмини унга бердим-ку), белимиздаги ҳамёнларда очиқ-ойдин олиб кетаверамиз. Шунини олишади-ю, кўнгиллари жойига тушади. Вой, сал қолса унутарканман: менда тақинчоқлардан бошқа яна бир нарса бор, мана у.— Шундай деб, Эмлин юбкасининг кенг белбоғи орасидан пакет олиб, уни столга қўйди.

— Нима бу?— сўради Сайсели, пакет ўралган, ифлос каноп лахтакка шубҳаланиб қараркан.

— Мен қаердан билай? Очиб қара. Мен фақат шунини биламан: отларни отхонага олиб кетган Томасни монастирь дарвозаси ёнида кутиб тургандим,

бирдан ёмғир парда орасидан кенг плашли бир киши шўнғиб, чиқиб сиз Эмлин Стоуэрмисиз, деб сўради. «Ҳа», дейишим билан шунни қўлимга тутқизди-ю, албатта леди Харфлитга етказишимни тайинлаб, кўздан йўқолди.

— Бу пакетнинг афт-ангорига қараганда, у денгиз оша келганга ўхшайди,— шивирлади Сайсели, титраётган бармоқлари билан уни шоша-пиша очаркан. Ниҳоят, каноп матоли ғилоф ҳам, унинг ичидаги муҳрланган конверт ҳам очилди: турли-туман ҳужжатлар орасида ажи-бужи ёзувлар билан тўлиб кетган кичикроқ пергамент қоғозлар ўрами бор эди. Ҳар қалай улар орқа бетда йирик ҳарфлар билан ёзилган «Шефтон» ва «Блосхолм» номларини ўқий олдилар. Нимадир деб сэр Жон Фотрел ҳам қинғир-қийшиқ қилиб ёзиб қўйган, хат остига эса унинг ҳамда бошқаларнинг, жумладан Нектон ота ва Жефри Стоукснинг исми-шарифлари битилган эди. Сайсели анчагача ҳужжатларга тикилиб турди-да, деди:

— Эмлин, мен бу пергамент варақаларини билман. Уларни отам, аббатнинг мулкимизга кўз олайтиришига барҳам бериш учун, Лондонга кетаётганида ўзи билан ола кетганди; буларнинг ичида, аббатнинг ўтган йилги Шефтондаги хоинона гап-сўзларига гувоҳнома ҳам бор эди. Ҳа, бу ички қопламани йўлакдаги девор жавонидан олинган каноп лахтакдан мен ўзим тиккандим. Лекин улар бу ерга қандай қилиб келиб қолди.

Бир оғиз ҳам сўз айтмай, Эмлин титилиб кетган матони олиб, силкитди. Улар пайқаманга қоғоз парчаси стол устига тушди.

— Эҳтимол, шундан чигил учини топармиз,— деди у.— Ўқи, уддасидан чиқсанг. Ички томонида нимадир ёзилган.

Сейсели қоғоз парчасини юлқиб олди. Хат хаттот қўли билан аниқ қилиб ёзилганидан уни ҳеч қийналмай ўқир экан, фақат овози титрарди, холос. Хатда шундай дейилганди:

*Миледи Харфлит!*

*Булар отангиз ҳалок бўлганда Жефри Стоукс қутқариб қолган қоғозлардир. Қоғозлар ушбу хатни ёзаётган кишига узоқ денгиз орти мамлакатида сақлаб қўйиши учун берилганди ва у буларни очиб кўрмай, қандай бўлса, шундай қайтаряпти. Эрингиз тирик ва соғ-саломат, Жефри Стоукс ҳам-худди шундай. Гарчи уларни йўлда тутиб қолган бўлсалар-да, сэр Кристофер, шубҳасиз, Англияга етиб бора олади; у ерга боришга шошмаганининг боиси, менга ўйшаб, у ҳам сизни тирик эмас, деб ўйлаганди. Сиз билан учрашиш ёки батафсилроқ ёзиш учун менга, эрингиз ва сизнинг дўстингизга халақит бергувчи сабаблар бор, чунки бурчим бошқа ерга даъват этяпти. Бурчимни ўтаб бўлгач, агар тирик қолсам, сизни излаб топаман. Борди-ю, ўлиб кетсам, унда то ўз бахтингизга қайта эришгунингизча сабр-тоқат қилинг; ишонаман, бахтингиз очилади.*

*Эрингизни, у туфайли сизни ҳам астойдил ҳурмат қилгувчи бир кимса.*

Сайсели хатни стол устига қўйди, унинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

— Оҳ, бераҳм, бешафқат,— ҳўнгради у,— менга шунчалик кўп ва шунчалик оз хабар берадим! Йўқ, аслида ўзим ношукур бандаман, ахир Кристофер тирик-ку; у мени ўлдига чиқарган бўлсаям, унинг тириклигини биладиган кунгача яшадим-ку.

— Жоним ҳақи онт ичаман,— деди Эмли, Сайселини бир амаллаб юпатгач,— плашли бу одам барча хушxabарчиларнинг султони экан. Лоақал у қандай хабар келтирганини сезганимда эди, ҳатто керак бўлса, Пентефрийнинг хотини Юсуф алайхиссаломга ёпишиб олганидек<sup>1</sup>, мен ҳам унга ёпишиб, ипидан-игнасигача билиб олган бўлардим. Ҳа майли Юсуф қочиб қолган бўлса, қочиб қопти-да, лекин балиқ йўғида қисқичбақа ҳам балиқ, қисқичбақа эса

---

<sup>1</sup> Пентефрийнинг хотини Юсуф алайхиссаломга ёпишиб олганидек...— Инжилдаги афсонада ҳикоя қилинишича, Миср фиръавни саройи амалдори Пентефрийнинг хотини эрининг қули — ёш йигит Юсуф алайхиссалом ишқиде куйиб-ёнган, бироқ йигит уни рад этган.

ёмон нарса эмас. Бунинг устига ҳужжатлар қўлинг-  
да, улар эса, ҳозир сенга жудаям зарур. Ҳаммасидан  
ҳам муҳими — ёзилган гувоҳнома, ўша билан сотқин  
Мэлдон жаллод кундасига бош қўяди.

## XIV боб

### *Жекоб ва зеб - зийнатлар*

Лондонга саёҳат Сайсели учун янгилик эди: у ҳеч қачон ўз уйдан эллик милядан узоққа бормаган, фақат бир мартагина, шунда ҳам болалигида, Линкольндаги холасиникида меҳмон бўлиб, шаҳарда бир ой яшаганди. Тўғри, у йўл машаққатларини чекмай сафар қиларди — комиссар Ли ўзини уринтиришни ёқтирмасди. Шу сабабли, улар йўлга кеч чиқишар ва тунаш учун бирор тузукроқ меҳмонхонада ёхуд қўрқиб кетган роҳиблар нимага қурблари етса, ўшани таъмагир комиссарга тақдим этувчи монастирлардан бирида эрта тўхташар эди. Сайселининг сезишича, доктор Ли роҳибларга ўта бадфеъллик билан муомала қилар: сўкар, қўрқитар, синчиклаб текширув ўтказар, етти ухлаб тушларига кирмаган жиноятларда уларни айблар, пировардида, ҳатто, тафтишга мослик бўлмаган жойларда ҳам, кейинроқ яна қайтиб келишини айтиб, дўқ ва пўписа билан мўмайгина пора ундирар эди. Шунингдек, у тузини ичиб тузлуғига тупурувчи чақимчиларни қабул қилар ва барча жанжалли ғийбату турган-битгани бўҳтондан иборат маълумотларни ёзиб оларди.

Шу боисдан улар ҳали Черинг Кроссга етиб бормаслариданоқ, шафқатсизлигини хайрихоҳлик ниқоби остига яширувчи, ўз манфаатини кўзлаб, худо ҳамда қирол тўғрисида дабдабали сўзлар айтувчи бу такаббур, фармонбардор ва таъмагир кишини Сайсели ёмон кўриб қолди. Аммо ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрган Сайсели ўз ҳис-туйғуларини яшира олди, чунки уни — Сайселини жувонмарг қилиш қўлидан келадиган кишининг душманга айланшидан қўрққан Эмлин гижинганча, шунга мажбур

қилди. Вазият эса, гўзал Сайсели туфайли шундоқ ҳам чатоқлашаётганди — тафтишчининг баъзи ҳамроҳлари ёш жувон билан шу даражада очиқ-ойдин гаплашардиларки, мақсадларини тушуниш қийин эмасди. Бунга Томас Болл хотима берди. шилқимлардан бири устига учиб бориб, уни шунақанги тушириб қолдики, у умри бино бўлиб бунақанги калтак емаганди. Шундан сўнг юз берган кўнгилсизликни пул билан бости-бости қилиб юборишга тўғри келди.

Бироқ аслини олганда ҳамма иш жойида эди. Қирол тафтишчиси ва унинг ҳамроҳларига зиён етказишга ҳеч ким журъат этмасди; куз илиқ эди, ўғилча сопла-соғ, ўти бораётган жойлари эса Сайсели учун янгилик ва гаройиботларга тўла эди.

Ниҳоят, кунларнинг бирида Барнетдан чиқиб, кечки пайт пойтахтга етиб олишди. Шаҳар Сайселига мўъжизадек туюлди — бунақанги кўп уйларни, қоронғи тушган заҳоти фонуслар билан ёритилувчи тор кўчаларда жиддий қиёфада у ёқдан-бу ёққа қатнаб турган одамларни ҳеч қачон кўрмаганди. Шу ерда, уларнинг қаерга жойлашишлари устида қизғин баҳслашув бўлиб ўтди. Доктор Ли уларга жуда муносиб бир уйни билишини айтди, бироқ Эмлин бу ҳақда эшитишни ҳам истамади: тафтишчи айтаётган жойда уларни тунаб кетишларига ишончи комил эди; ҳаммадан махфий сақлаб, ўзлари билан олиб келаётган зеб-зийнатлар унга тинчлик бермасди. Онасининг тоғаваччаси — бундан икки йил муқаддам тирик бўлган ва Чипсайдда яшайдиган Смит исмли заргарни эслади-да, уни албатта қидириб топишини айтди.

Улар тафтишчининг мирзаларидан бирини — Болл урганини эмас, бошқасини — кузатувчи сифатида ёнларига олиб, Чипсайдга йўл олишди ва оқибат-натижада озроқ излаганларидан сўнг, ҳовлилардан бирининг ичкарасидан Жекоб Смитнинг хийла кўрimsиз, пештоқ лавҳаси ўрнига учта шар осилган уйини топишди. Эмлин шошганча ичкарига кириб кетди — эшик занжирланмаган экан. Уни мугуз кўзойнаги пешанасига кўтариб қўйилган, худди Эмлиннинг ўзи-дек кўзлари қора — ахир икковининг ҳам томирида лўли қони оқарди-да — мўйсафид қарши олди.

Уларнинг гапини Сайсели эшитмади, лекин қария унинг олдига Эмлини билан бирга чиқди ва худди бўй-бастларини ўлчаётгандек, узоқ вақтгача ёш жу-вонни ҳамда Боллни бошдан-оёқ кўздан кечирди. Ниҳоят тилга кириб, ўттиз йилдан бери кўришмаган қариндошидан, улар иккови ва хизматкорлари ижарага турмоқчи эканликларини эшитганлигини айтди; унинг бўш уйлари бор бўлиб, агар тегишлича ҳақ тўласалар, ўша жойларни ижарага олишлари мумкин экан.

Сайсели қанча тўлашлари лозимлигини сўради. Қария, ҳар учовлари ҳамда яқингинадаги отхонага боғланадиган отлари учун қафтасига ўн шиллинг кумуш тўлашларини айтган эди, Сайсели Эмлинга бир фунт олтинни унга олдиндан бериб қўйишни буюрди. Қария пулни олди, тилла тангаларнинг асл, асл эмаслигини билиш учун тишлаб кўрди, лекин уларни чўнтагига солмай, аввал уйни кўришларини таклиф қилди. Хоналарни айланиб чиқиши ва гарчи, улар бир мунча қоронғироқ бўлса-да, тоза ҳамда қулайлигини кўриб, уй эгаси билан битим тузишди. Шундан сўнг, ўзларини кузафиб келган мирзага турар жойларини доктор Лига бориб айтишини тайинлаб, жавоб бериб юборишди — тафтишчи уларнинг ишини сал жўнашиши биланоқ, хабар қилишга ваъда берганди.

Мирза жўнаб, Томас Болл заргар шогирди билан салт ва юк отларини отхонага олиб кетгач, қария муомаласини ўзгартирди, уларни устахона орқасидаги меҳмонхонага таклиф қилди, ўзининг уй бошқарувчисини — ёш бўлмаса ҳам, кўриниши бинойидек аёлни ҳаммага овқат тайёрлагани юборди. Ўзи эса уларни япасқи голланд шишаларидаги турли-туман ичимликлар билан сийлашга тушди. У қариндошини кўрганидан ғоят бахтиёрлигини — чунки ҳозир ўзининг яқин одамлари қолмаганди, — хотини ва икки боласи Лондонда тез-тез бўлиб турадиган юқумли касалликларнинг бирига чалиниб қазо қилганлигини айтиб, ҳаддан ташқари илтифот кўрсатарди. Бунинг устига Ёлсхолмда туғилган, гарчи у ердан ярим аср илгари кетиб қолган бўлса ҳам, Сайселининг бобо-сини танир, болалигида эса унинг отаси билан бирга



ўйнаган экан. Қувноқ ва гапга чечан бу киши ҳад-ҳудудсиз саволлар ёғдира бошлади, лекин улар баъзи қалтис саволларга жавоб бермасликни мақбул топдилар.

— А-ҳа!— деди заргар.— Сизлар менга ишонишдан олдин, синаб кўрмоқчисизлар. Бунинг учун, бизнинг шафқатсиз давримизда, сизни ким ҳам айблай оларди? Аммо, эҳтимол, сизлар тўғрингизда ўзингиз ўйлаётганингиздан кўра кўпроқ биларман; ахир касбим шунақа-да, кўп нарсани билишимга тўғри келади. Мана, чунончи, яқинда Блосхолмда жодугарлар суд қилинганини ва бу воқеа қандайдир аббат учун анча-мунча кўнгилсиз тугаганлигини, шунингдек, Карфаксларнинг машҳур қимматбаҳо зеб-зийнатлари йўқолиб, бу художўй одамни роса қайғуртирганини эшитдим. Ҳа, ўша зеб-зийнатларни аслларнинг асли дейишарди: мен ҳар қалай, уларнинг орасида қирол хазинасига арзийдиган икки дона қизил гавҳар борлигини эшитгандим. Аттанг, улар йўқолган: ахир уларнинг эгаси миледи эди-ку, мен, каминаи камтарин заргар эса, уларни бир кўришни жуда-жуда хоҳлардим. Ҳа майли, майли; эҳтимол уларни барибир кўрарман: йўқолган нарсалар баъзан топилиб туради. Мана, овқат ҳам пишибди; олинлар, энглар, кейин суҳбатлашамиз.

Ўз хўжайинлари — Жекоб Смит иштирокида ўтган кўпдан-кўп бундай дилхушлик билан овқатлашилларининг биринчиси ана шундай ўтди. Эмлин заргарнинг қандай одам эканлигини қўни-қўшнилардан аста суриштирган эди, ўз қариндоши жуда яхши ном чиқарганини ва ҳамманинг ишончини қозонганлигини билиб олди.

— Нима учун биз ҳам унга ишонмаймиз?— сўради Сайсели.— Ахир биз ишона оладиган дўстлар, одамлар бизга жуда зарур-ку.

— Ҳатто тақинчоқлар хусусида ҳамми, хоним?

— Ҳатто шу хусусида ҳам: ахир қимматбаҳо тошлар — унинг соҳаси-ку; улар кўйлақларимизга нардан-бери чатиб қўйилгандан кўра, унинг темир сандиғида сақланарди: шуларни деб на кундузи, на кечаси халоватим бор.

— Шундай бўлса ҳам, яхшиси, сабр қиламиз,—

деди Эмлин.— Зеб-зийнатлар унинг сандиғига тушгандан кейин, ким билсин, уларни сандиқдан чиқариб олиш бизга насиб қиладимиз, йўқми?

Шу суҳбатнинг эртаси куни тафтишчи Ли ташриф буюрди ва ўзи билан анчагина нохуш хабарларни келтирди. Унинг гапига қараганда, лорд Кромуэл айтибдики, Блосхолм монастирининг нозирини, модомики, Шефтон ерларини даъво қилган экан, энди унинг ҳуқуқи қиролга ўтди ёки тез орада ўтади, қиролнинг ўзи даъвогар бўлади ва ўз талабларидан воз кечмайди. Бунинг устига, саройда ҳозир пул шу даражада зарурки—шу ўринда доктор Ли уларга совуқ назар ташлади—агар эвазига етарли миқдорда қимматбаҳо нарсалар берилса, уларни рад этиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу сўзларни айта туриб, у янада совуқроқ назар ташлади.

— Эвазига бериладиган маблағни миледи қаердан олади?— дарҳол гапга аралашди Эмлин. Сайселининг, сир бой бериб қўйишидан хавфсираб.— Ҳозир у,— бор-йўғи бир неча фунт олтини бўлган бошпанасиз бечора; ҳатто унга, ўз мол-мулкини қайтариб олиш насиб этган тақдирда ҳам, мурувватли жанобларига маълумки, улардан биринчи йил олинадиган даромад аллақачон ваъда қилинган.

— Ҳа-а,— ғамгин қиёфада деди доктор,— иш чатоқ. Лекин,— усталик билан илова қилди у, ҳар бир сўзни алоҳида таъкидлаб,— яқингинада, қулоғимга чалинди, леди Харфлитнинг яшириб қўйилган бойлиги— онасидан қолган турли-туман қимматбаҳо тақинчоқлари ва шунга ўхшаш нарсалари бор эмиш.

Сайселининг баданидан ўт чиқиб кетди, чунки докторнинг бит кўзлари нақ еб қўйгудек бўлиб, унга тикилиб турарди, муғамбирликни эса, урдасидан чиқолмасди. Аммо Эмлин бошқа дунё эди: у бўрига бўрича увлашни биларди.

— Кулоқ солинг, сэр,— деди у ўзини сирли тугиб,— сизга ҳақиқатни айтишибди. Бизда хилма-хил қимматбаҳо нарсалар бор эди. Буни сиздан, дўстимиздан яшириб нима қиламиз? Лекин— афсус!— улар анави очкўз аблаҳ аббатда, У худди қовурмоқчи бўлган қушчасининг патини юлиб тозалагандек,

бечора ледимни шип-шийдам қилди. Бу бойликни ундан тортиб олинг, сэр, ва мен кафилманки, ярми сизга берилади,— тўғрими, миледи?

— Албатта,— деди Сайсели.— Докторга, биз чексиз миннатдор докторга, у аббат Мэлдондан тортиб оладиган барча бойликларимнинг ярмини жону дилим билан бераман.— У жим бўлиб қолди, негаки ёлгон гапиролмай, сўзини йўқотиб қўйди. Устига устак, ўзини лолақизғалдоқдай қизариб кетгандек сездди.

Яхшиямки комиссар бун пайқамади, пайқаганда ҳам ҳаяжон ёки ғазабга йўйган бўларди.

— Аббат Мэлдон,— гўлдиради у.— яна ўша аббат Мэлдон! Бу такаббур испан пасткаш ўғри ҳам, кишини етим қилиб қўйиб, кейин яна уни талаш чўт эмас лаънатига. Бунинг устига у тагин жиноятчи ва хоин. Ҳозир у шимолда исён кўтараётганидан хабарларинг борми? Ҳа, мен ҳали уни қийноқ исканжасида қандай азоблашларини кўраман! Сизларда ўша қимматбаҳо нарсаларнинг рўйхати борми?

Сайсели салбий жавоб берди. Эмлин эса, рўйхатни эсда бориға қараб тузишга тўғри келади, деб қўшиб қўйди.

— Яхши. Эртага ёинки яқин кунлар ичида тагин келаман, лекин ҳозирча умидсизланманглар, мушук қаргадан кўз узмагандек, мен ҳам сизларнинг ишингизни кўздан қочирмайман. Ҳа, сеними, мурдор каламуш, испан аббати, ҳали шошмай тур, жир босган қорнингга тирноқларимни ботириб оламан! Хайр, миледи Харфлит, хайр хоним Стоуэр; ундан андак тузукроқ бўлган бошқа руҳонийлар билан шуғулланишим даркор.— У гўлдираб, аббатни лаънатлаганча узоқлашди.

— Хўш, мана энди, Жекоб Смитга ишонадиган пайт келганга ўхшайди,— деди Эмлин, тафтишчи кетиб, эшик ёпилгач.— У ҳалол одам бўлиши мумкин, лекин манави доктор аниқ фирибгар. Устига устак, тақинчоқлар тўғрисида эшитиб, биздан гумонсираяпти. Келдингизми. Смит тоға, киринг, марҳамат, сиз билан бир оз суҳбатлашмоқчимиз. Кечиринг, малол келмаса, эшикни ҳам ёпинг.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас қимматбаҳо нарсаларнинг



ҳаммаси стол устида, Жекобнинг ҳайратдан чақчайиб кетган кўзлари олдида ётарди.

— Қарфаксларнинг қимматбаҳо тошлари, қулогимга тез-тез чалиниб турган зеб-зийнатлар! Салб юришининг кекса қатнашчиси шарқдаги бир султондан тортиб олган бойликларнинг худди ўзгинаси, булар ҳақида ҳанузгача шарқда миш-мишлар юради. Агар фаришталар тақиб юрган бу зеб-зийнатлар чиндан ҳам Янги Қуддусдан<sup>1</sup> бўлмаса, султонлар хазинаси бу. Яна сиз, икки аёл, шундай бебаҳо нарсаларни плашимизга чашиб олиб келдик, деяпсизларми? Тўғри, аёлларда ақлдан тариқча ҳам йўқ, лекин бунақа

<sup>1</sup> Янги Қуддус — христиан мифологиясида жаннат номларидан бири.

тентакларни ҳалигача кўрмагандим! Ахир сизнинг ҳамроҳингиз боланинг ўйинчоғигача ўғирлаб қўядиган доктор Ли эди-ку!

— Тентакмизми, йўқми,— ачкиқланиб эътироз билдирди Эмлин,— лекин, бирмунча хавф-хатарга йўлиққан бўлсақ ҳам, мана улар, бус-бутун. Шунинг учун, Смит тоға, сиздан уларни асраб қўйишингизни илтимос қиламан.

Қария Жекоб бебаҳо тошлар устига дастурхонни ёпди ва оз-оздан уларни чўнтагига солди.

— Биз юқориги қаватдамиз,— изоҳ берди у,— эшик ҳам ёпиқ, аммо битта-яримта нарвон қўйиб, ойнадан қараши мумкин. Мен кўчада туриб, уларнинг нур таратишиданоқ столда жавоҳирлар ётганини фаҳмлаган бўлардим. Ҳатто уларнинг ўз чўнтагимда бир соатча туришига ҳам ишонмайман.— Шу сўзларни айтиб, у деворга яқинлашди, тахта қопламадаги қандайдир жойни бармоқлари билан пайпаслаб топди; панель четга сурилиб, махфий туйнук кўринди ва қария у ерда ётган катта-катта пакету тугунчалар орасига бебаҳо тошларни жойлаштирди, лекин ҳаммасини эмас. Кейин у бошқа панелга яқинлашиб, уни ҳам худди шу йўсинда очди: бу ерда ҳам пакетлар ётарди, у қолган буюмларни шуларга жойлаштирди.

— Хўш, беақл аёллар,— деди у,— модомики сизлар менга ишонган экансизлар, мен ҳам сизларга ишонаман. Сизлар менинг иш жойимдаги темир сандиқни кўриб, балки мени, ҳамма ашқол-дашқолини ўша ерда сақлайди, деб ўйлагандирсиз. Лондондаги ҳамма ўғрилар ҳам шундай ўйлашади; улар бу ерда икки марта тумшуқларини суқишди, лекин бор-йўғи озгинагина қалайи олиб кетишди. Эсимда, ўша қалайининг бир қисми кейинчалик қирол амалдорларидан топилганди. Аммо мана бу панеллар орқасида эса бежавотир туради, ҳолбуки бунақанги оддий ва ишончли махфий жойни аёллар ўйлаб тополмайди.

Эмлин, жуда қаҳрланиб кетганлигидан бўлса керак, унга дарров гап топиб беролмади, бироқ Сайсели майин овозда сўраб қолди:

— Лондонда ёнгинлар бўладими, уста Смит? Бу

ҳақда у-бу гапларни эшитгандай эдим, лекин бундай пайтда, шошилиб, биласизми...

Смит ўзининг мугузли кўзойнагини пешанасига кўтарди ва кўнгилчанлик билан ажабланиб, унга қаради.

— Қаранг-а,— деди заргар,— қизалоғу энагалар менга ақл ўргатишмоқчи.

— Сиз, қўзичоқлар демоқчимисиз,— гап қўшди Эмлини.

— Энагалар, қўзичоқлар — барибир,— деди жаҳл билан Смит, бироқ кейин кулимсираб, қўшиб қўйди:— Майли, майли, миледи, сиз ҳақсиз. Қари жанобни қўлга туширдингиз. Ёнғин тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмагандим, ҳолбуки ўтган йили қўшни уйга ўт тушганди, ўшанда, олтин у тошларни унутиб, кўчага чойшаб билан адёлда югуриб чиққандим. Энди махфий жойларни тошдан ясалган ертўлага қураман, у ерга ўт тушмайди. Аҳа! Сизларга, аёлларга бунақасини ўйлаб топиш йўл бўлсин; сизлар хазинани ички кўйлакка тикасизлар-ку.

Энди Эмлини чидаб туролмади.

— Сизнингча, Смит тоға, уларни қандай олиб юришимиз керак эди?— қаҳр-ғазаб билан сўради у.— Бўйинга осиб ёки оёққа боғлаш керакмиди? Назаримда, онам сизни, бўлган-тургани шу — фаҳм-фаросати камроқ йигит, деб бекорга айтмаган экан. Кейин, чамаси, сизга ниҳоятда қудратли авлиё ҳомийлик қилади, Лондонга соғ-саломат ва бешикаст етиб келишингизга ёрдам бериб, тирикчилик қилишни ўша ўргатган бўлса ажаб эмас. Эҳтимол, бахтингизга, гарчи унинг кўп йиллардан бери йўқлиги ҳозирнинг ўзидаёқ яққол сезилиб турган бўлса-да, сиз жудаям ақлли хотинга уйлангансиз. Қани — қўшиб қўйди у кулиб,— ҳой, аёлдан туғилган, эркаклик гурурингиз билан мақтанаверинг; ақлингиз шу даражада ошиб-тошиб кетган бўлса, донолигингиздан бизни ҳам баҳраманд этинг, биз бунга жудаям муҳтожмиз.

— Аёллар доимо шунақа: ноҳақми, бўлди, дарров ҳақоратлашга тушади,— деди Жекоб кўзини қисиб.— Қани, эркак пушт камаридан бўлган, сиз икковингизни нима ташвишлантираётганини айт-чи. Балки, мен барча она-бувилариму Момо Ҳаводан мерос

қилиб олган донолик сенинг барча она-бувиларингга етишмаган донишмандлик ўрнига яраб қолар. Аммо ҳазил етар энди; гапинг бўлса гапир, қулогим сенда.

Мана энди Эмлин, агар Смит тоға уларнинг сўзларидан лоақал биронтасини ошкор қилгудек бўлса, бошига тангри лаънатлари ёғишини олдиндан сўраб, Сайсели ёрдамида ҳамма гапни бир бошдан айтиб берди. Аёллар ўз ҳикояларини тугатганларида эса, у:

— Аммо, ҳар қалай, хотинларда ақл-фаросат йўқ!— дея хитоб қилди.

— Буни боя ҳам эшитгандик, уста Смит,— деди Сайсели.— Лекин ҳозир яна нима учун бундай деяпсиз?

— Юрагингизни олдинроқ очмаганингиз учун: ўшанда бир ҳафта вақтингиз зое кетмаган бўларди. Тўғри, сизларнинг тарихингизни менга айтиб берганингиздан кўра яхшироқ билганлигим туфайли, кунлар бутунлай бекорга ўтгани йўқ. Эҳ, гапнинг қисқаси, доктор Ли — қароқчи ва аблаҳ одам.

— О, донолар доноси Сулаймон, буни сизсиз ҳам билардик!— деди Эмлин.

— Унинг бирдан-бир мақсади — сизларга тириковон бўлиш. Унга у-бу ваъда қилиб, тўғри иш қилгансиз. Энди у мана бу бойликлар ҳақида эшитиб қопти, бунга ажабланмаса ҳам бўлади: бунақанги буюмларни яшириш мумкин эмас. Ҳатто, сиз уларни қутига солиб, етти қават ернинг тагига яширсангиз ҳам, улар ялтираб, ўзининг қаердалигини сездириб қўяди. Доктор Лининг режаси бундай: унинг хўжайини — Кромуэлнинг қўлига тушгунингизга қадар, иложи бўлса бошингиздаги сочингизу қўлингиздаги тирноғингизни ҳам қолдирмай шип-шийдам қилиш. Башарти, бу ҳар нарсага қодир министр ёнига қупа-қуруқ боргудек бўлсангиз, унда сизнинг илтимосингизни Кромуэлга нима қизиғи қолади? Ахир у ҳаммасидан ҳам — фақат яна биттасидан бошқа — ўтакетган очофат наҳанг-ку.

— Биламиз,— деди Эмлин.— Сизнинг режангиз қандай, Смит тоға?

— Менинг режам? Бирор режам бор деб айтолмайман. Лекин, менимча, мана бундай қилсак мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзим кичкина одам бўлсам

ҳам, пулга зарурият туғилганда, саройда мени эслашади. Ҳозир эса, жудаям кўп пул зарур, чунки ҳадемай бутун Йоркшир қуроолланади, шунинг учун шу топда мени тез-тез эслашяпти. Агар доктор Лидан воз кечиб, ўз ишингизни менга топширишни истасангиз, балки бу сизга арзонроққа тушар.

— Қанчага тушади?— тўрсиллатиб сўради Эмлин.

Қария даргазаб ҳолда унга ўгирилди.

— Тоғаваччам, нега мени ҳақоратляяпсан? Мен сени ёки бекангни қўрқитиб, бирор нарса пора олдимми? Бас, сизлар менга ишонмайсизлар. Бўлди; зеб-зийнатларингизни олинг, ўзингизга бошқа ёрдамчи қидиринг!— Шундай деб, у зеб-зийнатларни олмақчи бўлиб, девор панелларига яқинлашди.

— Йўқ, керак эмас, уста Смит,— ёлворди унинг қўлидан ушлаб олиб Сайсели.— Эмлидан жаҳлингиз чиқмасин. Ўзингиз биласиз-ку, биз Мэлдон ва доктор Лилар сабоқ берган аччиқ ҳаёт мактабини ўтадик. Мен эсам, ҳар ҳолда сизга ишонаман; мени ўз ҳолимга ташлаб қўйманг, ахир ёрдам берадиган бошқа ҳеч ким йўқ, машаққат ва ташвишлар бўлса беҳад кўп!— Шундай дер экан, унинг мовий кўзларидан тирқираб чиққан йирик-йирик ёш қатралари боласининг юзига томди; ўғилча уйғонди ва уни овутиш учун Сайселининг четга бурилишига тўғри келди.

— Хафа бўлманг,— хижолат тортди хушфёъл қария.— Сиз эмас, мен хафа бўлишим керак: қўпол сўзларим сизни йиғлатди. Устига устак Эмлин ҳақ: бемулоҳаза аёллар ҳам биринчи учраган кишига сира-сира ишонмасликлари лозим. Аммо, чин юракдан гапираётган экансиз, миледи Харфлит, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан. Қиролдан нима истайсиз? У аббат билан ўртангиздаги ишни бир ёқлик қилиб берсинми? Бунга, ҳозирги пайтда қиролга қарши исён кўтараётган аббат мурувват соҳибининг қўлига тушгудек бўлса, шундоғам эришасиз. Демак, аббатнинг илгариги жиноятларига ёпишиб олиш учун эҳтиёж йўқ. Аббат даъво қилган мулкингизни сизга қайтариб беришсинми? Мана бу мушкулроқ, чунки аббатнинг ўрнига қиролнинг ўзи даъвогарлик қила-



да эди, буни бажариш жудаям осон кўчарди, аммо мен розиман. Хўш, яна нима?

— Сайсели Харфлитнинг вакили Жекоб Смит томонидан ҳазрати олийларига қарзга берилган минг фунт учун бадал сифатида, Блосхолм аббатлиги ерлари ҳамда Блосхолм хотинлар монастири леди Харфлитга ўтиши ҳақида давлатпаноҳнинг ваъдалари керак.

— Талаблар ҳазилакам эмас, милорд. Бу ерлар баҳоланганми?

— Худди шундай, давлатпаноҳ, сизнинг комиссарингиз томонидан баҳоланган; унинг айтишича, ишлов бериладиган ерлару ўрмонзорларнинг баҳоси, олтин билан ҳисобланганда, минг фунтга етмайди.

— Бизнинг комиссар? Унинг баҳоси бир тийинга қиммат. Аммо-лекин, қарзни бергач, биз ерларни қайтариб олишимиз мумкин. Бундан ташқари, ушбу хоним Харфлит билан унинг умр йўлдоши, Мэлдон ҳамда унинг қуролли йўлтўсарлари туфайли кўп азият чекканлар, хуллас, бунга ҳам розилик беришга тайёрман. Хўш, энди тугадими? Мен бунақанги гап-сўзлардан чарчадим.

— Фақат биттаси қолди, ҳазрати олийлари,— шоша-пиша деди Кромуэл, негаки Генрих кетиш учун ўрнидан кўзгалганди.— Хоним Сайсели Харфлит, унинг оқсочи Эмлин Стоуэр ҳамда яна бир телбанамо қари роҳиба черков трибунали томонидан жодугарликда айбланганлар; аббат Мэлдон аъзо бўлган ушбу трибунал, мазкур уч аёл худди ўша аббатни ҳамда унинг мол-мулкани жоду қилгани борасидаги шикоят бўйича ҳукм чиқарган.

— Демак, у бир пайтнинг ўзида ҳам даъвогар, ҳам судьями?

— Худди шундай, ҳазрати олийлари, Гарчи ҳукм қирол томонидан тасдиқланмаган бўлса-да, уларни гулханда ёндиришга жазм этишган, шу сабабли мазкур Мэлдон тожу тахтнинг айрим имтиёзларини ўзиники қилиб олган. Бироқ сизнинг комиссарингиз Ли вақтда улгуриб етиб борган ва, гарчи курашсиз бўлмаса-да — ярадор ҳамда ўлганлар бор,— уларни қутқарган. Эндиликда уч айбдор оёғингизга бош уриб, қотилликда иштирок этганлари — агар чиндан ҳам

шундай бўлган бўлса — учун гуноҳларидан ўтишингиз тўғрисида сиз ҳазрати олийларидан шоҳона афв этишингизни ўтиниб сўрайдилар; ҳузурингизда турган, чамаси, ушбу қотилликни амалга оширган Томас Болл ҳам...

— Бунга мутлақо ишонаман,— ғўлдиради қирол.

—... худи шу борасида гуноҳидан кечишингизни ялиниб-ёлвориб сўрайди. Шунингдек улар, ўзлари устидан чиқарилган ҳукмнинг ноқонуний эканлигини, ўзлари эса ушбу ишда айбдор эмасликларини суд томонидан тан олинишини илтимос қиладилар.

— Айбдор эмас!— ҳайқириб юборди сабри-тоқати тугаб, сўнгги моддага ёпишиб олган Генрих.— Борди-ю, хоним Харфлит жодугар бўлса, у шубҳасиз, биз кўрган, эшитган жодугарларимизнинг энг яхшиси, деб гарчи тўғриси айтган тақдиримизда ҳам, биз уларнинг беғуноҳлигини қаердан биламиз. Сиз, Кромвелл, ҳар доимгидек, ҳаддан ортиқ талаблар қўйяпсиз.

— Ҳазрати олийлари, яна бир дақиқагина сабри-тоқат қилишларини ўтиниб сўрайман. Уларнинг беғуноҳ эканлигини исботлаши мумкин бўлган киши шу ерда: мана, мана бу малласоч Болл ўша одам.

— Нима? Бизнинг зарбамизни мақтаган ўша одамми? Яхши, Болл: сен шунақанги абжир экансан, унда сенга қулоқ соламиз. Исботла, лекин чўзма.

— Энди ҳаммаси расво бўлди,— шивирлади. Эмлин Сайселига.— Қаллаварам Томас шармандамизни чиқариши аниқ.

— Муруватли шоҳим,— деди Томас момақалди-роқ янглиғ овози билан, амрингизга бўйсуниб, бир оғизгина сўз айтаман: мен шайтон эдим.

— Йўл бўлсин сенга! Буни қандай тушуниш керак ўзи?

— Муруватли шоҳим, Блосхолмда ёвуз куч шўхлик қилди, бу шўхликлар эса меники эди.

— Ўзинг ўша ерда яшагач, яна кимники бўларди?

— Буни ҳозир муруватли шоҳимга кўрсатаман.— Шундай деб, Томас ортиқча гап-сўзсиз, Сайселини ҳайратда қолдирганча, қопчигидан ўзининг жаҳаннамий либосига хос барча лаш-лушларини

олиб, кийинишга тутинди. У бу ишнинг ҳавосини шунчалик олган эдики, бирон дақиқа ўтар-ўтмас унинг эғнида шоҳли ҳамда Жонсон беваси такасининг пўстини қопланган ниқоб пайдо бўлиб қолди, қўлида эса уч тишли, дастаси қирқиб калта қилинган паншахани айлантира бошлади. Шу энгил-бошда у сим ўтказилган думини ликиллашиб, туёқлари билан ер тепиниб, ҳайратда қолган қироёл ва қиролича олдида турли-туман ҳаракатлар қилишга тушди.

— О, ажойиб шайтон! Аъло даражадаги шайтон!— деб ҳайқириб юборди ҳазрати олийлари чапак чалганча.— Менга дуч келиб қолганинда борми, мен ҳам қуёндан бадтар жуфтак ростлаб, бадар кетган бўлардим. Қулоқ сол, Жен, анави эшик ёнига бориб қарагин-чи, у ерда кимлар тўпланиб турган экан.

Қиролича итоат этди ва қайтиб келгач, деди:

— У ерда қабул қилинишларини кутиб, руҳоний, лекин қанақа руҳонийлигини ажрата олмадим — қоронғироқ экан — ва капелланлар билан епископ, шунингдек қироёл Кенгашининг турли-туман лордлари туришибди.

— Жуда соз. Уларни шайтон билан бир синаб кўрамиз — ахир улар иблисни афсун қилишга устак. Биродар шайтон, мана бу эшик ёнига келиб, сездирмай ичкарига кир, у ерда ўзингни нақ одамлар устига ташла, чинқириб-бақириб, уларни бу ёққа ҳайда, токи биз сени тийиб қўйишга улардан қай бирлари журъат этишларини кўриб қўййлик. Тушундингми, Иблисвой?

Томас ўз шохларини силкитиб қўйди-да, худди мушукдек бешарпа ғойиб бўлди.

— Энди эшикни очиб, ҳаммангиз бир томонда туринглар.

Кромюэл итоат этди. Кўп кутишга тўғри келмади: қўшни залдан аввал қўрқинчли фарёдлар эшитилди, сўнг очиқ эшикдан хонага ҳарсиллаб-гурсиллаганча епископ, унинг орқасидан лордлару капелланлар, котиблару мирзалар ва ниҳоят, руҳоний ёпирилиб киришди; хўппа семиз, ўз либосига ўралашиб қолган руҳоний, гарчи унинг елкаси оша нақ иблисининг ўзи сакраб ўтиб чинқирса-да, асло тез чопа ол-

масди. Уларнинг ҳаммаси ҳам на қирол ҳазратларига ва на бошқа бирор кишига заррача эътибор бермасди: хонадан қарши томондаги эшикка қараб югуриб ўтар эканлар, улар фақат иложи борица тезроқ қочиб қолишни ўйлардилар.

— Ажойиб, бағоят ажойиб!— ҳайқирди қирол, қаҳ-қаҳадан бутун аъзойи бадани титраганча.— Уларга паншаха санч, шайтон, паншаха!

Қирол фармонини олган Болл ҳам ғайратига зўр берди.

Ярим дақиқада ҳаммаси тугади. Оломон бостириб кирди-ю, физиллаганча ўтди-кетди, фақат Томасгина ўзининг қўрқинчли кийимида қирол олдида таъзим қилиб турарди.

— Раҳмат, Томас Болл,— қичқирди қирол,— мени кўп кулдирдинг, ўзиям кўп йиллирдан бери бунақа кулмагандим! Бекангни нима учун жодугарликда айблаганлари тушунарли. Энди эса,— у бошқа оҳангда илова қилди,— масхаравозлик етар. Сиз, Кромвел, саройда бўлар-бўлмас гаплар тарқаб кетмасдан туриб, анави ҳафтафаҳмлардан биронтасини излаб топиб, гап нимадалигини тушунтириб қўйинг. Жен, хахолашни бас қил, ҳаммасининг ўз вақти бор. Леди Харфлит, бу ёққа келинг: сиз билан гаплашиб олишим керак.

Сайсели болани қиролича қўлида қолдириб,— негаки у, афтидан, болани қайтариб беришни хаёлига ҳам келтирмаётганди,— яқинроқ келди ва эгилиб таъзим қилди.

— Сиз биздан кўп нарса талаб қиляпсиз,— деди ногаҳон қирол, унга синчковлик билан қараб,— ва, шубҳасиз, ё кўрган-кечирган ранжу аламларингиз зўрлигига, ёки ўз қиёфангизнинг жозибадорлигига, ёинки ҳам унисига, ҳам бунисига умид боғляпсиз. Хўш, буларнинг бари, эҳтимол бошқа нарсаларга нисбатан қиролларга кўпроқ таъсир қилса керак. Бунинг устига, мен кекса сэр Жонни — сизнинг отангизни билардим: у софдил ва жасур одам эди, Флодден<sup>1</sup> яқинида жонини жабборга бериб урушган.

<sup>1</sup> Флодден — Шимолий Англиядаги қишлоқ, унинг яқинида 1513 йилда инглиз кўшинлари шотландлар устидан ғалаба қозонишган.

Еш Харфлит — сизнинг турмуш ўртоғингиз ҳам, борди-ю, у ҳали тирик бўлса, ўз ота-боболарининг номига доғ туширмаяпти. Устига устак, сизнинг душманингиз бўлган Мэлдон бизнинг ҳам душманимиз — у ҳорижий илон, сотқин. Англияга нафрат билан қаровчилардан бири, бундай одамлар Англияни Испания чангалида кўришни истайдилар.

Хўш, хоним Харфлит, эҳтимол, ҳузуримиздан чиққач, сиз қирол Гарри<sup>1</sup> ва унинг қилиқлари тўғрисида оламга жар солиб, антиқа ҳикояларни тарқатарсиз. Сиз, қирол майнавозчилик қилади, ғазабланиб (худо шоҳид, у кўпинча бесабаб аччиқланмайди), ўз ходимларига сиёҳдон отади, ўз епископларига ниқобланган шайтонларни олқишлайди (дунё тентагу оvsарларга тўла бўлгач, нега энди шундай қилинмас экан?), деб гап тарқатарсиз. Сиз, шунингдек, қирол ўз министрларининг кўрсатмаси билан иш тутади ва қаерда ҳақиқат-у, қаерда ноҳақликни суриштириб ўтирмай, қўлига нимаки тутқизсалар, имзо чекаверади, дерсиз. Нима ҳам дердик. Ҳукмдорлар тақдирини шунақа экан, чунки уларда ҳам бош битта, бир кишига қанча умр берилса, уларники ҳам шунча, чунки улар хизматкорларга ишонишга мажбур, лекин шунда ҳам то ўша хизматкорлар жанобларга айлангунига қадар, ана ундан сўнг эса биргина йўл қолади,— шу лаҳзада қиролнинг чеҳраси ғазабнок тус олди— бу ҳам бўлса ушбу жанобларини ўлдириш ва уларнинг ўрнига янада бадтарроқларини тайинлашдир. Янги хизматкорлар, янги хотинлар,— шу сўзларни айта туриб, у гапга қулоқ солмаётган Женга қараб қўйди,— янги дўстлар,— аммо униси ҳам, буниси ҳам, сўнггиси ҳам хиёнат қилади,— янгидан-янги душманлар ва ниҳоят, ҳаммасига ўлим хотима беради. Шоҳ Довуддан тортиб, жаҳоннинг барча ҳукмдорлари қисмати ана шундай бўлган, ўйлайманки, доимо шундай бўлади.

У жим қолди ва бир неча лаҳза қайғули ўйларга берилди, кейин бошини кўтариб, давом этди:

---

<sup>1</sup> Қирол Гарри... Гарри — Генрихнинг қисқартириб айтилгани.

— Буларнинг ҳаммасини сиздек гўдакка нима учун гапиряпман, билмайман. Айтгандай, ахир сиз, шундай ёш-навқиронлигингизга қарамай, гам-ҳасрат чекдингиз, кўнглингиз шикаста. Ҳа, ҳа, сиз ва сизнинг ишингиз тўғрисида, ўзингиз ўйлагаңингиздан ҳам кўпроқ эшитганман, хотирам ҳам яхши — энди бу менинг хислатим. Харфлит хоним, сиз аслида, ўзингизга берилган масалаҳатга амал қилиб эътироф этганингизга нисбатан бойроқсиз ва яна қайтараман, мендан кўп нарсани талаб қиляпсиз. Подшоҳ муруввати бениҳоядир ва сиз ҳам бундан бенасиб қолмағaysиз. Аммо аббатликнинг бепоен ерлари ҳамда сиз ўз танишингиз бўлган роҳибага қайтариб беришни истаётган Блосхолм монастирининг ерлари ҳамда қонуний ҳуқуққа эга трибунал томонидан, гарчи нотўғри бўлса ҳам, чиқарилган қонуний ҳукмга риоя қилишдан бош тортиб, сизни ҳимоя қилиб қон тўкканларни ялписига афв этиш,— наҳотки буларнинг бари қарзга берилаётган арзимас пулга — минг фунтга тенг бўлса? Сиз ўз фойдангизни чакки ўйламагансиз, леди Харфлит, сизнинг отангиз қаҳри қаттиқ Жон Фотрел эмас, балки аллақандай жаллоб бўлган, деб ўйлаш мумкин, чунки сиз, ўз қиролингиз қашшоқлашиб қолган бир пайтда, у билан талашиб-тортишиб савдолашяпсиз.

— Шоҳим, шоҳим,— бутунлай довдираб қолган Сайсели унинг гапини бўлди,— менда бошқа ҳеч нарса йўқ; ерларимни аббат Мэлдон тортиб олган, эримнинг уйи унинг навкарлари томонидан ёндирилган, мол-мулкимдан олинадиган бутун бир йиллик даромад эса — мабодо амал-тақал қилиб унга эришолсам — ваъда қилинган...

— Кимга?

Сайсели тараддудланиб қолди.

— Кимга?— ўшқирди қирол.— Жавоб беринг, хоним.

— Қирол ҳазратларининг комиссарига, доктор Лига.

— Ҳа, ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим, гарчи сиз тўғрингизда гапирган бўлса ҳам, мурдор товламачи бу ҳақда оғиз очмаганди.

— Онамдан менга қолган зеб-зийнатлар, худди

анави минг фунтга гаровга қўйилган, бошқа ҳеч нарсам йўқ.

— Ёлғон бу, Харфлит хоним, бўлмаса Кромуэлга нима билан ҳақ тўладингиз? Бекордан-бекорга у сизни бу ерга олиб келмайди.

— О шоҳим, шоҳим,— қичқириб юборди Сайсели, тиз чўқар экан,— ожиза бир аёлни унинг ҳақ ишида ва ғоят қийналиб қолганида ёрдам қўлини чўзганларга хизмат қилишга мажбур этманг! Айтдим-ку, менда ҳеч нарса йўқ деб, наҳотки бу тақинчоқлар ўзим билганимдан кўра қимматроқ турса.

— Ишонаман, Харфлит хоним. Ҳаммамиз сизни яхшилаб шилиб олдик— шундай эмасми? Лекин, балки пировардида ютқизмаслигингиз мумкин. Айтмоқчи, уста Смит ҳам фақат раҳмат эшитиш учунгина бу ишни ўз бўйнига олмаган бўлса керак?

— Шоҳим,— деди Жекоб,— бу ҳақ гап; мен ўз хўжайинларимга тақлид қиламан. Бу ледининг зеб-зийнатлари менга гаровга берилган ва ўйлайманки, унча-мунча ишлаб қоламан. Аммо-лекин, ҳазрати олийлари, уларнинг ичида гўзалликда танҳо бўлмиш пушти ранг гавҳар бор, аҳтимол, уни тақиб юриш қиролчага хуш ёқар. Мана у.— Шундай деб, Смит гавҳарни столга қўйди.

— О, қандай ажойиб!— деди Жен.— Ҳеч қачон бунга ўхшашини кўрмагандим.

— Ундай бўлса, яхшилаб кўриб ол, хотинча, негаки сен уни охириги марта кўряпсан. Бошдаги тожни ва Англия эркинлигини испанлар ҳамда рим папасидан сақлаб қолиш учун ўз аскарларимизга тўлашга ҳеч вақомиз бўлмаган бир пайтда, ўзим сотиб олмаган тошни сенга совға қилиш мавриди эмас. Уста Смит, бу қимматбаҳо тошни олинг ва уни жуҳудлардан ундириш мумкин бўлган пулга пулланг; ушбу пулни ҳам, ўндан бирини меҳнатингиз учун олиб қолиб, менга берилган минг фунтга қўшиб қўйинг. Шундай қилиб, Харфлит хоним, сиз қирол илтифотини сотиб олдингиз ва бу чин ҳақиқатдир, негаки, мен бошқалардан фарқли ўлароқ, ҳеч қачон алдамайман. Ҳа, мана Кромуэл ҳам келди. Милорд, узоқ қолиб кетдингиз.

— Ҳазратим, анави руҳонийнинг қўрқувдан ақл-

дан озишига сал қолибди: у жаҳаннамга тушиб қолдим, деб ўйлаяпти; табиб келгунча кутиб туришимга тўғри келди.

— Эндиликда, сиз ёнидан кетганингиздан сўнг, у албатта ўзини яхши сезаётган бўлса керак. Бечорагина, агар ниқобланган шайтон уни шунчалик қўрқитган бўлса, ҳақиқий иблис билан учрашганда ҳоли нима кечади? Гап бундай, Кромуэл, мен бу ишни кўп ўйлаб кўрдим. Биттасини ҳам қолдирмай, ҳамма қоғозингизга имзо чекаман. Харфлит хоним сиз унинг учун қанчалик жон куйдирганингизни, бунинг устига ҳақ ҳам олмаганингизни менга айтди. Мен жуда хурсандман, Кромуэл, чунки: сиз ўз устозингиз Уолсига ўхшаб, қандай қилиб бойиб кетяпсиз?— деб баъзан ажабланардим. Ахир у пора оларди-да, Кромуэл!

— Давлатпаноҳ,— деди Кромуэл оҳистагина,— миледига кўп жабр-ситам қилганлар, буни кўриб юрак-бағрим ачишиб кетди...

— Биз ҳам худди шу ҳолга тушдик, аммо минг фунт ҳамда битта гавҳар ҳақиға бойидик. Хўш, бешала ҳужжатга ҳам имзо чекилдими? Уста Смит, модомики леди Харфлит сизнинг миждозингиз экан, олинг ҳужжатларни ва кечқурун синчиклаб текшириб чиқинг. Борди-ю, бирор хато ёки англашилмовчилик жойи бўлса, сизга ўз қироллик сўзимни бераман — ҳаммаси тўғриланади. Мана бизнинг фармонимиз — эътиборга олинг, Кромуэл, бунда айтилган афв этиш, марҳаматдан дариг тутмаслик ва ҳуқуқларни тиклашга алоқадор гапларнинг ҳаммаси, амалда бажариш фурсати келганда, дарҳол амалга оширилиши шарт. Сиз ҳам қоғозлар остига шу ерда, менинг кўз ўнгимда имзо чекинг. Бизнинг алоҳида илтифотларимизга сазовор бўлган ва бундан сўнг биз Блосхолм соҳибаси деб билувчи на леди Харфлитдан ва на унинг эри ёки ўғлидан ҳар қандай ноҳақ солиқларни хоҳ ошқора, хоҳ махфий равишда бўлсин ундириш учун ҳеч кимга бошқа ижозат берилмайди. Комиссар Ли ҳамма пулни ёки мазкур хоним Харфлит унга ваъда қилиши мумкин бўлган маблағнинг ҳаммасини тегишли тилхат билан газнахонамизга топширишга мажбур. Ҳаммасини ёзиб



олинг, милорд Кромуэл, кейин менинг фармоним ба-  
жарилишини кузатиб боринг, мен буни сиздан талаб  
қиламан.

Амалдор дарҳол бўйсунди, чунки у қирол кўзла-  
ридан ўзини даҳшатга солувчи ниманидир ўқиганди.  
Қиролича эса, юрагини жизиллатган гавҳар Жекоб-  
нинг чўнтагига тушиб, ғойиб бўлганини кўргач, бола-  
ни Сайселига тутқизди ва қирол билан хайрлашиш  
учун бир оғиз ҳам сўз айтмай, лоақал таъзим ҳам  
қилмай, ўз канизаги кузатувида хонадан чиқди-да,  
эшикни шарақлатиб ёпди.

— Муҳтарама олиялари мана шу гавҳар, леди  
Харфлит, сизнинг гавҳарингиз ўзларига nasib қилма-  
ганидан аччиқланыптилар,— деди Генрих, сўнг дар-  
ғазаб ҳолда гапира кетди:— Худо ҳақи! Бир-биридан  
зарур ва муҳим ишлар билан банд бўлган бир пай-  
тимда, менга қовоқ-тумшук осилтиришга у қандай  
журъат этаркин! Эҳ-ҳа, Жен Сеймур ҳозир қиролича  
ва истайдики, буни бутун дунё билсин. Хўш, аёлни  
нима қироличага айлантиради? Қиролнинг бемаъни  
ишқ-ҳавасию бошидаги тилла тож, аммо тожни кий-  
дирган қўлнинг ўзи уни яна ечиб олиши мумкин, агар  
у осонгина ечилмаса, унда қўшимча қилиб, каллани  
ҳам узиб олиши ҳеч гап эмас. Ана ўшанда қиролича  
қаерда бўлади? Ҳамма хотинлар-у, бизни уларга инти-  
лишга мажбур этадиган ҳамма нарсага ўлат тегсин!  
Харфлит хоним, сиз, умид қиламанки, ўз ёстиқдо-  
шингиз билан шунақа муомала қилмассиз? Сиз ҳеч  
қачон саройда бўлмагансиз-да, йўқса сизни эслаган  
бўлардим. Ҳай майли, эҳтимол, сиз учун шуниси  
яхшидир, худди шу боисдан ҳам сиз дилкаш ҳамда  
ювошлигингизча қолгансиз.

— Шоҳим, ювошлигимча қолган эканман, бучек-  
кан ғам-ғуссаларимнинг оқибати; ахир мен беҳад  
кўлфат чекдим ва ҳатто ҳозир ҳам билмайман: эрли  
аёлманми ёки бева, эрим билан эса бор-йўғи бир  
ҳафтагина яшаганман.

— Бева? Агар сиз тул қолган бўлсангиз, ҳузу-  
римга келинг, ўзингизга муносиб қайлиқ топиб бера-  
ман. Сиздаги ҳусн-латофату бойлик билан буни  
амалга ошириш қийин эмас. Э-э, йиғламанг, менинг  
ишончим комил, у бахтиёр йигит соғ-саломат ва сиз-

ни қувонтириш ҳамда ўз қиролига хизмат этиш учун қайтиб келади. Ҳар ҳолда, умид қиламанки, у Испания ва ғаламис папачилар қўлида қурол бўлиб қолмас.

— Худо хоҳласа, марҳум отам қандай хизмат қилган бўлса, у ҳам аъло ҳазратларига шундай содиқлик билан хизмат қилади.

— Биз буни биламиз, леги. Кромуэл, сиз ўзи қоғоз бўяшни тугатасизми? Ҳали кенгаш мажлиси бор, кейин эса овқатланиш ҳамда уйқу олдидан ҳазрати олияларига икки оғизгина гапириб қўйиш лозим. Сен, Томас Болл, тентак эмассан ҳамда қўлинг-да қилич тутишнинг улдасидан чиқасан. Маслаҳат бер-чи: исёнчиларни тинчитгани шимолга ўзим борсаммикин ёки шу ерда қолиб, бу ишни бошқа одамга топширсаммикин?

— Шу ерда қолинг, ҳазрати олийлари — деди Томас жавоб беришга ошиқиб.— Уош ва Хомбер оралиғидаги жойлар қишда хавфли, у ерда ўқлар, худди тунда ўрдаклар учгандек, визиллаб учиб туради, лекин уларнинг қаердан отилишини ҳеч ким билмайди. Бунинг устига, ўрмон ва ботқоқликларда отлиқ юриш ҳазрати олийларига оғирлик қилади ва борди-ю, фалокат юз берса, Испания, Рим, ҳатто яқин ўртадаги кўпчиликни шод этади; тахтга қизалоқ ўтиргач<sup>1</sup>, Англияни ким бошқаради?— Шундай дея туриб, Томас орқа ўгириб турган Кромуэлга маънодор қилиб қараб қўйди.

— Ниҳоят малла деҳқон тилидан ҳақиқатни эшитдим,— гўлдиради қирол, ўзини карликка солиб ёинки чиндан ҳам ҳеч нарсани эшитмай ёзишда давом этаётган совуққон Кромуэлга қарар экан.— Томас Болл, гарчи кўплар сени тентак ҳисоблаган бўлса-да, мен айтганимдек, сен тентак эмассан. Эҳтимол, сен ўз маслаҳатинг учун мукофотга бирор нарса сўрашни истарсан — фақат пул сўрама, бизда йўқ у.

---

<sup>1</sup> ...тахтга қизалоқ ўтиргач...— ўша пайтда Генрих VIIIнинг Екатерина Арагонскаядан — Мария (1516 йилда туғилган) ва Анна Болейндан — Елизавета (1533 йилда туғилган) деган иккита қизи бор эди.

— Худди шундай, шоҳим; мени Блосхолм аббатлиги хизматчиси сифатида ичган қасамимдан озод қилсангиз ҳамда никоҳдан ўтишимга ижозат берсангиз.

— Никоҳдан? Ким билан?

— У билан, шоҳим.— Шундай деб, Болл Эмлини кўрсатди.

— Нима? Иккинчи соҳибжамол жодугар биланми? Наҳотки сен унинг саркашлигини кўрмаётган бўлсанг? Жим бўл, жим бўл, ҳой хотин, бу сенинг афт-ангорингдан сезилиб турибди. Яхши, сен озодсан, устамасига эса шу жодугарни ола қол, лекин, Томас Болл, нима учун сен шундай қулай фурсат келганда бошқа бирор нарса сўрамадинг? Мен сен тўғрингда яхши фикрда эдим. Аммо сен бошқалардан ақллироқ эмас экансан. Хайр, овсар Томас, сиз ҳам саломат бўлинг, Блосхолмнинг гўзал ледиси.

## XVI боб

### *Урмондаги овоз*

Ҳужжатларга муҳр босилгач, тўртовлари ҳам, ўзларини қўриқлашга берилган уч аскар кузатувида уйга, Чипсайдга эсон-омон қайтиб келишди.

— Хўш, қалай, ҳаммаси жойида бўлдимиз?— сўради Жекоб, қўлини арта туриб.

— Назаримда, шундай, уста Смит,— жавоб берди Сайсели.— Мабодо қирол айтганларининг ҳаммаси, сизнинг шарофатингиз билан албатта, чиндан ҳам ҳужжатларда бор бўлса.

— Унда ҳаммаси рисоладагидек,— деди Жекоб.— Биласизми, уларни уч мирза ёрдамида бугун лорд Кромвел канцеляриясида ўзим туздим; ишончингиз комил бўлсин, уялиб-тортиниб ўтирмадим. Биз зўр бериб ишладик, ҳатто овқатга ҳам бормадик, ўн дақиқа кечикиб келишимнинг боиси шу эди, бунинг учун-ку Эмлиндан эшитадиганимни эшитиб олдим-а. Гарчи бу ҳужжатлар худди ўша пергаментларнинг ўзи бўлса ҳам (мен уларга ҳеч ким сезмай-

диган белги қўйиб қўйганман), уларни қайта ўқиб чиқаман, борди-ю бирон нима тушиб қолган бўлса, тузатамиз.

— Йўқ, йўқ,— эътироз билдирди Сайсели,— қандай бўлса шундайлигича қолсин. Шу гавҳар туфайли олий ҳазратлари ёки қироличанинг кайфияти ўзгариб қолиши мумкин.

— Э-ҳа, гавҳар! Мунақанги чиройли гавҳарни қўлдан чиқараётганимга росаям ачинаман, аммо иложи йўқ, уни сотишга тўғри келади, пули эса қиролга кетади — ор-номус шуни талаб қилади. Мабо-до рад этганимда, ким билсин, иш қанақасига айланиб кетарди? Ҳа, худога шукур қилиш керак: сизнинг бебаҳо зеб-зийнатларингизнинг аксарини хайр-эҳсон қилдик, аммо аббатлик ерлари ҳамда бошқа у-булар бизга тегди. Ҳеч нарса унутилмаган. Бол-нинг эғнидан жуббани ечдилар, энди у уйланиши мумкин; аммаваччам Стоуэр эр топиб олди.

То шу лаҳзагача Эмлини, ҳаммани таажжубга солиб, жим турганди. Бироқ бу сўз нақ унинг сабр косасини тўлдириб юборгандек бўлди.

— Нима, мен қирол амри билан бу одамга бериладиган молманми?— деб бақариб берди у хона бурчагида турган Боллни бармоғи билан кўрсатар экан.— Томас, мени хотинликка сўрашга сенга ким ҳақ-ҳуқуқ берди?

— Бас, сен сўраётган экансан, Эмлини, мен жавоб бераман: сенинг ўзинг. Бир марта, бундан кўп йиллар муқаддам, ўтлоқдаги анҳор бўйида, иккинчи марта эса — яқингинада, Блосхолм монастирининг бутхонасида, шайтоний найрангларни кўрсата бошлашимдан олдин.

— Шайтоний найранглар! Менга ҳам кўп найранг кўрсатдинг-да. Атрофда ҳамма, ҳамма жавра-япти-ю, мен бўлсам бир соат, эҳтимол ундан ҳам мўлроқ қирол қаршисида туриб, бир оғиз сўз айтолмабман, охири, ҳазрати олийлари мени саркаш хотин, сени эса, менга уйланмоқчи бўлганинг учун, аҳмоқ деганига сазовор бўлдим. Ҳа, агар биз турмуш қурсак, қирол ҳақ эканлигини исботлашга ҳаракат қиламан.

— Ундай бўлса, Эмлини, шунча йиллардан бери

ҳижронда яшаб келган иккимиз эндиликда қовушмай қўяқолганимиз ҳам маъқулга ўхшайди,— бамайлихотир деди Томас.— Лекин нимага аччиқланаётганингга сира тушунолмаяпман. Бир мунча вақт тилингни тийиб турганинг учунми, ёинки мардлик қилиб сени хотинликка сўраганим учунми? Мен сен ва беканг учун ўзимни аямай, кучим етганча хизмат қилдим, иш ҳам унчалик ёмон томонга бурилгани йўқ. Агар шунда ҳам норози бўлсанг, демак, унда қирол ҳақ: мен ўтакетган аҳмоқман; хайр, энди сени на шодлигингда, на мусибатга йўлиққанингда безовта қиламан. Уйланишимга фатво берилган, агар хоҳласам, ёруғ дунёда бошқа хотин топиб оларман.

— Ҳатто қурбақани боссанг ҳам, «вақ» этган овоз чиқади,— деди Жекоб гўё ўзига-ўзи гапиргандек.

Эмлин эса ҳўнграб йиғлаб юборди.

Сайсели уни юпатгани югурди. Болл эса, худди кетишга ҳозирланаётгандек қиёфага кирди. Шу лаҳзада кўча эшик тақиллаб, кимнингдир овози эшитилди:

— Қирол номи билан буюраман! Қирол номи билан буюраман, очинг!

— Бу комиссар Ли,— деди Томас.— Бирортангиз балки эсларсиз, оғир дақиқада жуда фойдаси теккан бу хитобни мен ундан ўрганганим.

Эмлин энги билан кўз ёшларини артди. Сайсели ўтирди. Жекоб эса пергаментларни чўнтагига тикди, ана шундан сўнг кимдир эшикни очгач, хонага комиссар бостириб кирди.

— Нималарни эшитдим-а?— бақирди у Сайселига мурожаат қилганча. Унинг башараси аччиқланган курка хўрознинг тожию бақбақасидек қип-қизариб кетганди.— Ҳали сиз орқа-воротдан иш бажариб юрган экансиз-да; қирол олий ҳазратлари олдида менига туҳмат қилдингиз, у эса мени аблаҳ, ўғри деб атади, сиздан нимаики оладиган бўлсам, ҳаммасини газнахонага топширишимни амр этди! Қандай нонкўрлик! Асли гулхандан сизни чакки қутқарган эканман, мени шунчалик шармандаи-шармисор қилдингиз.

— Фақирона кулбамга қадам босиб, эй билимдон доктор, уни шунақаям қизитиб юбордингизки, энди

хойнаҳой, ростдан ҳам исиб кетамиз шекилли,— деди Жекоб юпатувчи оҳангда.— Леди Харфлит, ҳазрати олийлари нимани айтишга мажбур қилган бўлса, фақат ўшани айтди, холос; менинг ўзим ўша ерда эдим, буни тасдиқлашим мумкин. Бунинг устига, сиз қадамингиз етган жойдан шу даражада кўп ундиргансизки, арзимаган нарсани газнахонага бериб, камбағаллашиб қолмайсиз. Олинг, олинг, қадаҳдаги шаробни ичиб юборинг, таскин топасиз.

Аммо, шундоқ ҳам озмунча қадаҳ ичмаган доктор Ли таскин топадиган аҳволда эмасди. У хонадагиларнинг ҳаммасини бирин-кетин ҳақоратлай кетди, доктор Ли, бошимга тушган ҳамма мусибатларнинг сабабчиси, деб атаган Эмлини айниқса сўкиш эшитди; пировардида уни оғизга олиб бўлмас сўз билан ҳақоратлади. Ана шунда, то шу дақиқагача четда индамай қараб турган Томас Болл олдинга чиқди-да, доктор Лининг ёқасидан олди.

— Қирол номи билан буюраман!— деди у.— Йўқ, йўқ, энди узр, бу ахир сизнинг хитобингиз ва унинг ёрдамида иш кўрмоғимга сизнинг ўзингиз менга ҳуқуқ бергансиз.— Томас шу сўзларни айта туриб доктор Лининг бошидан ушлади-да уни эшик пешбурнига бурди.— Қирол номи билан буюраман, йўқолинг бу ердан!— Кейин шунақанги бошлаб тепдики, қирол комиссари умри бино бўлиб бунақанги тепки емаганди, у кўча эшикка қараб ўмбалоқ ошиб кетди.— Учинчи марта қирол номи билан буюраман!— Шундай деб, Томас доктор Лини ҳовлига улоқтириб юборди.— Йўқолинг, аммо эсда тутинг, агар аҳмоқона башарангизни яна бир марта кўрсам, қирол номи билан бошингизни суғуриб оламан.

Шундай қилиб, тафтишчи Ли бир умрга Сайсели кўзидан ғойиб бўлди; аммо Сайсели кейинчалик молмулкининг бир йиллик даромадига тенг пулни, бу пуллардан ким фойдаланганига қизиқмаган ҳолда, унга вақтида тўлади.

— Томас,— деди Эмлини, Болл ажойиб хайрлашув тепкисидан мамнун ҳолда жилмайганча улар ёнига қайтиб келганда,— қирол ҳақ эди; вақти-вақти билан мен саркаш бўламан, бу ҳам ёмон эмас, негаки бу одатим менга кўп қўл келган. Ҳаммасини унут,

мен ҳам унутаман.— Шу сўзларни айта туриб, у қўлини Томасга узатди; Томас қўлини ўпгач Эмлин кечки овқат гамида ташқарига чиқиб кетди.

Улар зўр иштаҳа билан овқатланаётганларида — ахир жуда очиқиб қолган эдилар-да, яна эшик тақиллаб қолди.

— Бор, Томас,— деди Жекоб,— ким келган бўлса ҳам, бугун ҳеч кимни қабул қилмаслигимизни айт.

Томас эшикни очгани кетди, кейин унинг ким биландир гўнғир-гўнғир гаплашаётгани эшитилди. Кўп ўтмай, Томас изига қайтди, орқасида плашга ўралган бир киши кўринди.

— Мен рад этолмайдиган меҳмон келибди,— деди Томас ва улар ўша замоннинг энг қудратли кишиси — лорд Кромуэл эмас, қиролнинг ўзи келди деб ўйлаб, ўринларидан туришди.

— Мени афв этинглар,— деди Кромуэл ўз одати бўйича тавозе билан,— ва илтифотингизни дариг тутмай, сизлар билан стол ёнига ўтириб, бир оз тамадди қилишга ижозат беринглар; жуда очиққанман, негаки бугун қаттиқ ишладим.

У стол ёнига ўтирди, турли-туман мавзуда вақтичоғлиқ билан суҳбатлашиб, еди, ичди; гап орасида кенгаш йиғилишида қирол ўз қарорини ўзгартирганини ва исёнчиларни тинчитиш учун шимолга бормайдиган, ўрнига герцог Норфольскийни бошқа лордлар билан бирга юборадиган бўлганини айтди. Кромуэлнинг фикрича, қиролга Томас Боллнинг сўзлари бағоят таъсир қилган. Еб-ичиб бўлгач, Кромуэл қадаҳни, тақсимчани четга сурди-да, мезбонларга қараб туриб деди:

— Энди ишдан гаплашайлик. Миледи Харфлит, бугун сизга бахт кулиб боқди, чунки сиз ниманики сўраган бўлсангиз ҳаммасини олдингиз, аммо бу, агар қирол ҳазратларининг кайфияти қанақалигини назарда тутилса, ғоят ажабланарлидир. Бунинг устига, шахсан мен ҳақимдаги қандайдир саволга жавоб бермаганингиз учун сизга миннатдорчилик билдиришим лозим, ҳолбуки, айтишларича, қирол жавоб беришга жуда мажбур қилибди.

— Милорд,— деди Сайсели,— ахир сиз менга жуда катта ёрдам бердингиз-ку. Аммо, у жавоб бе-

ришни талаб қилаверганда, худо билади, охири қандай тугарди. Комиссар Ли эса менга жудаям унчалик миннатдорчилик билдирмади.— Шундан сўнг Сайсели Кромуэлга яқингинада ҳузурларига ташриф буюрган меҳмонлари ва бу зиёрат қандай тугаганлиги ҳақида сўзлаб берди.

— Қўпол ва очкўз одам, энди у, шубҳасиз, сизнинг душманингиз бўлади,— деди Кромуэл жавобан.— Айтмоқчи, сиз бундан бошқача муомала ҳам қилолмасдингиз — афтинг қийшиқ бўлса ойнадан ўпкаланмайсан. Ҳар ҳолда, ҳозирча мен давлат тепасида эканман, сизнинг содиқлигингизни унутмайман, аммо, тўғриси айтганда, Блосхолм ледиси мен қил Устида турибман<sup>1</sup>, остимда эса, мендан ҳам катта одамларни ютиб юборган тубсиз чуқурлик бор.

У хаёлга чўмди, кейин хўрсиниб қўйиб, давом этди:

— Ҳозир замона нотинч. Шундай бўлгач сиз, гарчи сизга бойлик ваъда қилинган бўлса-да, мискинликда ўлишингиз мумкин. Сиз даҳлсиз ёрлиқ олган Блосхолм аббатлиги ерлари ҳали қирол қўлида эмас ва олий ҳазрат уни сизга беролмайди. Шимолда буюк бўрон турди, бу гапни фақат ўзаро айтяпман, унинг хуружи Генрихни тахтдан улоқтириб юбориши мумкин. Агар шундай бўладиган бўлса, сиз ҳеч ким танимайдиган жойга яширинишингиз лозим, чунки унда бугунги воқеадан сўнг сизнинг бирдан-бир ворисингиз арқон бўлади. Бундан ташқари, ҳозирги қиролича марҳума Аннага қарама-қарши ўлароқ, черковчиларга хайрихоҳ<sup>2</sup> ва гарчи у сир бой бермаса-да, гавҳар туфайли қиролдан, худди шунингдек, гавҳар эгаси бўлганингиз учун сиздан ҳам аччиқланган. Унга етказиш учун менга бера оладиган бирон-бир қимматбаҳо нарсангиз қолмаганми? Гавҳарнинг ўзига келсак — дарвоқе, уста Смит худди

---

<sup>1</sup> ...қил устида турибман...—Кромуэл яқин орада қирол ғазабига учрашини аллақачон ҳис қилганди; у 1540 йилда қатл этилган.

<sup>2</sup> ...ҳозирги қиролича, марҳума Аннага қарама-қарши ўлароқ, черковчиларга хайрихоҳ.—Гап Анна Болейн ҳамда Жен Сеймур—Генрих VIII нинг иккинчи ва учинчи хотини ҳақида борапти.



ўшанга ўхшаган бошқа гавҳарни менга кўрсатганда, эсимда, у бунақаси бутун дунёда йўқ, деб қасам ичганда — қирол амрига мувофиқ, уни сотиш керак. — Шундай деб, Кромуэл Жекобга нохуш қараб қўйди.

Сайсели Жекобга бир неча оғиз сўз айтди; у ташқарига чиқди-да, ҳадемай қўлида катта олмос кўзи четига бешта кичкина-кичкина лаъл ўрнатилган тўғноғич кўтариб кирди.

— Милорд, мана буни менинг чуқур миннатдорчилигим сифатида қабул қилинг, — деди Сайсели.

— Соз, жуда соз. О, қўрқманг, қиролича тўғноғични олади, бу ишда ўзим ҳам сиздан кам манфаатдор эмасман. Леди Харфлит, сиз олдиндан ҳадя бериб тўғри иш қиласиз. Аммо менда ҳам совға бор, эҳтимол бу сиз учун бунақанги зеб-зийнатлардан кўра минг карра қимматлироқдир. Турмуш йўлдошингиз Кристофер Харфлит хизматкори кузатувида Англияга келган ва қаердадир шимолда қирғоққа чиққан, у тирик, соғ-саломат.

— О, милорд! — қичқириб юборди Сайсели. — Ҳозир қаерда у?

— Э воҳ! Хабаримни ниҳояси унчалик ёқимли эмас, негаки, у келиб тушган жойидан, чамаси Гулдан, йўлга чиққач, исёнчилар томонидан асир олинди, Линкольнда қамаб қўйилган: уни ўз сафларига қўшмоқчи бўлишган, ахир у машҳур авлоддан-да. Аммо Кристофер Харфлит, бамаъни ва садоқатли одам бўлганлигидан, қирол қўшинлари қўмондонига хат жўнатишнинг иложини топган ва ушбу хатни бугун кечқурун менга етказишди. Мана у — дастхатини танийсизми?

— Ҳа, ҳа, — деди зўр-базўр Сайсели, ажи-бужи ёзувлар билан тўла (Кристофер унчалик саводли эмасди-да) қоғоз парчасига тикилганча.

— Уни ҳозир сизга ўқиб бераман, кейин эса ундан нусха кўчираман; далилий ашёлар кўпроқ бўлиши учун, нусхани ўзим тасдиқлаб бераман.

*Линкольн остоналаридаги қирол қўшинлари қўмондонига.*

*Езишдан мақсадим шуки, сиз, қирол ҳазратлари,*

қирол министрлари ва бошқа ҳамма билсинким, биз — дворянин Кристофер Харфлит ҳамда унинг хизматкори Жефри Стоукс — Испаниядан келиб тушган портдан йўлга чиққач, қиролга қарши кўтарилган қуроли исёнчилар томонидан асир олинди, Линкольнга келтирилди. Бу одамлар мени ўз сафларига қўймоқчи бўлдилар, чунки Харфлитлар авлоди қудратли ва машҳурдир. Улар бизни ўлим билан қўрқитдилар ва биз қандайдир олт ичишга мажбур бўлдик. Аммо мактубим далил бўлсинким, буни фақат ҳаётимни сақлаш учунгина қилдим, уларга рағбатим йўқ, мен қиролга содиқман ва уларнинг нимани истаётганларини яхши англамаяпман. Айтмоқчи, яшашнинг менга қизиғи ҳам қолмаган, чунки хотинимдан, ўз бойлигимдан, умуман, ҳаммасидан жудо бўлганман. Аммо жиноятчи ва қотил — Блосколм аббатидан қасос олмай туриб, ўлишни истамайман, шу сабабли ҳам ҳаётимни сақлашга ва улар қўлидан қочишга интиляпман.

Эшитишимга қараганда, мазкур аббат катта қўшин тўплаб, бу ердан эллик миля нарида турибди. Аббат чангалига қайта тушмаслигимни худодан сўрайман, борди-ю бу ҳол юз бергудек бўлса, Харфлит содиқ одам сифатида ўлди, деб қиролга маълум қилинг.

Кристофер Харфлит.  
Жефри Стоукс бармоғини босди.

— Милорд, — сўради Сайсели, — энди мен нима қилишим керак, милорд?

— Фақат худодану ҳаммаси яхши тугашига умидвор бўлишдан бошқа ҳозирча ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Тушкунликка тушманг, қочиш унга nasib қилади, аммо, ҳар ҳолда, эртага эрталабоқ қирол ҳазратлари ушбу хатни кўради ва агар иложи топилса, Кристоферга ёрдам бериш учун фармойиш йўлайди. Уста Смит, хатни кўчиринг.

Жекоб хатни олиб, тез кўчира бошлади, Кромвелл эса ўтирганча хаёлга чўмди.

— Қулоқ солинг, — деди ниҳоят у. — Блосколм атрофида исёнчилар йўқ, уларнинг ҳаммаси шимолга йиғилиб олган. Фотрел ҳамда Харфлит номи Блос-

холмда жуда яхши таниш. Уша ёққа йўл олиб, кўнгиллилар отрядини тузолмайсизми?

— Албатта, албатта, бу қўлимдан келади,— гапга ағралашди Болл.— Бир ҳафта ичида юз одам йиға оламан. Миледига ваколат ва пул беринг, мени эса командир қилиб тайинланг, ана ўшанда нима бўлишини кўрасиз.

— Ваколат ва командирликка тайинлаш ҳақидаги қарор қирол муҳри билан муҳрланган ҳолда эртага эрталаб соат тўққизда шу ерга етказилади,— жавоб берди Кромуэл.— Пулни ўзингиз топишингиз лозим — улар фақат Жекоб Смитнинг сандиқларида бор. Аммо-лекин, леди Харфлит, ҳаммасини хўп яхшилаб ўйлаб кўринг, бу хавfli иш, бу ерда — Лондонда эса сизни ҳеч ким таҳликага солмайди.

— Хавfliлигини биламан,— деди Сайсели,— аммо эрим ўша ерда турганда ва унга ёрдамим тегиши мумкин бўлган бир пайтда хавф-хатар менга нима деган гап, кейин, бунақанги хавф-хатарларнинг қанчадан-қанчасини кечирганман.

— Сиз матонатлисиз, бу матонатни сизга яратганнинг ўзи ато этганига ишонаман,— деб қўйди Кромуэл.

Бироқ кекса Жекоб гамгинлик билан бош чайқаб қўйди, бу пайтда у остига Кромуэлнинг қўл қўйишигина қолган ҳужжат нухасини «аслига тўғри» деган сўзлар билан тугаллаб, ёзиб бўлганди.

Кромуэл икки ҳужжатни бир-бирига солиштириб ҳам ўтирмай, шу заҳотиёқ имзо чекди, кейин ширингуфторлик билан хайрлашиб, чиқиб кетди; уни янада муҳимроқ ишлар кутиб турарди...

Кромуэл кетгач, Жекоб Сайселига мурожаат қилди:

— Чиндан ҳам эртагаёқ бу ердан кетишга жазм қилдингизми?

— Айтдим-ку, ахир!— асабийлашиб деди Сайсели.— Эшитган хабаримдан кейин Лондонда қандай чидаб тура оламан? Нега сўраяпсиз?

— Чунки сиз билан ҳисоб-китоб қилишимиз лозим. Менимча, сиз мендан турар жой ва озиқ-овқат

учун олтин пул билан деярли йигирма марка қарздорсиз. Устига устак, йўл учун бизга пул керак бўлади, менинг ёнимда эса бугун сариқ чақаям қолгани йўқ.

— Бизга йўл учун?— қайта сўради Сайсели.— Наҳотки сиз биз билан кетсангиз, уста Смит?

— Сизнинг ижозатингиз билан, леди, кетаман деб ўйлаяпман. Бу ерда нотинч кунлар бошланди, қарз беришга эса менда бир шиллинг ҳам йўқ, борди-ю қарз бермасам — мени ҳеч қачон кечиришмайди. Бунинг устига дам ҳам олишим керак, кейин ўзим туғилиб ўсган — агар, албатта, у ерга етиб боролсак — Блосхолмни ўлимим олдидан, яна бир марта кўриш ниятидаман. Мабодо эртага кетилгудек бўлса, унда бугун менинг ишим кўп экан. Хўш, масалан, мендаги гаровга қўйилган зеб-зийнатларингизни ишончли жойга яшириш лозим, мана бу ҳужжатлардан нусха кўчириш ва сотиш учун гавҳарни садоқатли одамга обориб бериш керак. Ҳа йўқ, бе йўқ қилинаётган бу саёҳатга, хўш, соат нечада жўналади?

— Ўн бирда,— деди Сайсели,— агар ўша пайтгача қиролдан рухсат қоғозию ваколат ололсак, албатта.

— Хўп, майли. Энди сизларга хайрли тун тилайман. Қани, ҳурматли Болл, мен билан юрчи, биз ухламаслигимиз керак-ку. Мен ҳозир ўз мирзаларимни қақираман, сен эса отлар тўғрисида қайғуришинг лозим. Сизлар эсангиз, леди Харфлит ва аммаваччам Эмлиң, уйқуни ураверинглар...

Шошиб, ҳовлиқиб йўлга тайёргарлик кўрганлари билан, барибир кундузи соат бирдагина Чипсайддан жўнаб кетолдилар. Негаки ҳаддан ташқари кўп ишларни бажариш лозим эди, лекин шунга қарамай ҳаммасини бажаролмадилар. Тўртовлари ҳам одмигина кийингандилар. Йўлда учраган одамларга ўзларини савдогар қилиб кўрсатишар ва ҳаммалари, айниқса Жонсон беваси ниқоби остида кетаётган Сайсели манфаатдор бўлган мерос масаласида Лондонга қилинган сафардан сўнг, энди Кембрижга қайтиб кетаётганларини айтишарди. Бу афсонани улар, шарт-шароитга мослаб, у ёқ-бу ёғини сал-пал ўзгар-

тириб, дуч келган жойда гапириб берардилар. Пойтахтга келишдан кўра, қайтиш осонроқ кўчаётганди, чунки ҳозир, ақалли, улар пасткаш комиссар Ли ва унинг одамлари орасида эмасдилар, ўзлари билан қимматбаҳо буюмларни олиб кетаётганлари тўғрисидаги фикр ҳам уларни безовта қилмасди. Бу зебзийнатларнинг ҳаммаси қирол томонидан имзоланиб, муҳр босилган ҳужжатлар каби ишончли жойларда қолган; ўзлари билан фақат ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхаларини, шунингдек, отряд тўплаш тўғрисида Кромуэл томонидан юборилган ва Сайсели ҳамда унинг эри номига битилган ваколат-у, Боллни командир этиб тайинлаш борасидаги ёрлиқнигина олишган эди. Ҳужжатлар уларнинг оёқ кийимларига ҳамда йўл ҳаражатларига зарур пул билан қўнжларига яшириб қўйилганди.

Отлари аъло ва толиқмаганлиги сабабли улар жадал йўл босиб иккинчи куни кечқурун Кембрижга эсон-омон етиб олдилар-да, ўша ерда тунадилар. Кембрижда уларга шаҳар ташқарисида ҳамма жой фоят нотинчлигини ва сафар учун хатарли эканлигини айтишди. Аммо, улар буткул умидсизликка тушиб, ҳатто, Болл, йўлни давом эттириш мумкин эмас, деб турган бир пайтда, қаҳрамонларимиз бораётган томонга — қаердадир Линкольнширда ҳаракат қилаётган герцог Норфольский лашкарига қўшилиш учун кетаётган қирол отлиқ аскарлари отряди келиб қолди.

Жекоб уларнинг Жефрис исмли командирига қирол ваколатини кўрсатиб, ўзларининг ким эканликларини очди. Ваколатда қирол ҳазратларининг барча офицер ва чиновниклари ушбу ваколат эгасига ёрдам беришлари зарурлиги уқтирилганини кўрган капитан Жефрис, то йўллари ажралишиб кетгунча, уларга соқчилар беришга рози бўлди. Шу сабабли қаҳрамонларимиз эртаси куниеқ ўз йўлларида давом этишга муваффақ бўлдилар.

Саёҳатчилар икки кун давомида капитан Жефрис билан биргаликда йўл босдилар ва иккинчи кун кечга яқин Питерборога етиб бориб, меҳмонхонага тушдилар.

Бироқ эрталаб ўринларидан тургач, Жефрис дар-

ҳол Линкольнга бориш учун шошилиш буйруқ олганлиги тўғрисида икки энлик хат қолдириб, аллақачон ўз одамлари билан йўлга чиққанини эшитишди.

Яна қайтадан ўзларининг эски афсоналарини бошлашга тўғри келди. Энди ўзларини бостонлик деб аташарди; улар гўё Ботқоқликларда<sup>1</sup>— у ёқларда кам одам яшаганлигидан бўлса керак— осойишталик деб эшитишган-у, монастирлар билан чорва олдиётди қилиш учун бу ерларга кўп келган Болли раҳбарлигида ўша ёқларга кўчиб ўтишяпти. Ботқоқлик оралаб, айниқса серёғин куз пайтида юриш машаққат эди, чунки кўп жойларда анҳору сойлар тошиб, қишлоқлараро йўллар ўтиб бўлмас балчиқзорга айланганди. Улар биринчи тунни ёмғир овозига қулоқ солганча, безгак тутиб қолишидан чўчиб, айниқса ўғилчадан хавотирланиб, маҳаллий бир кишининг кулбасида ўтказдилар. Иккинчи кеча бахтларига бир мунча баландроқ жойга чиқиб олиб, трактирга қўндилар.

Бу ерда улар ёнига черковчилар партиясидан бўлган баджаҳл одамлар келишди ва саёҳатчиларнинг мақсади нималигини аниқламоқчи бўлишди. Дастлаб аҳвол хавфлидек кўринди, аммо маҳаллий шевада гапирган Болл, икки аёл ва бола билан сафарга чиққан одамлардан хавфсираш асоссизлигига исёнчиларни ишонтирди. Устига устак у ўзи Блосхолм аббатлиги ходими эканлигини, қирол тарафдорларидан қўрқиб, ҳарбий кийим кийиб олганлигини қўшиб қўйди. Жекоб Смит эса эль буюриб, Фароғатли зиёрат — бу исён шундай номланганди — муваффақияти учун исёнчилар билан бирга ичди.

Хулласи калом, ҳар мақомга йўрғалаб, ўзларини шубҳадан холи қилдилар. Ҳатто улар, гарчи нозир аббатликни мустаҳкамлаб, уни озик-овқат билан таъминлаган бўлса-да, Блосхолм атрофида ҳануз осойишталик эканлигини билиб олдилар. Нозирнинг ўзи эса исён бошлиқлари билан Линкольн яқинида экан, бироқ таянч пункти вазифасини бажара олади-

---

<sup>1</sup> ...гўё Ботқоқликларда...— Кембрижшир ва Линкольншир графликларининг ботқоқлик районлари назарда тутил-япти, исёнчилар кўпинча шу ерларга яширинардилар.

ган метин-мустаҳкам бошпанага эга бўлиш учун монастирда ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйганмиш.

Ниҳоят, исёнчилар қоринларини ўткир пиво билан мешдай шишириб, чиқиб кетдилар; хатар орқада қолди.

Эртаси кун иўлга жуда барвақт чиқдилар; гарчи кун анча қисқариб қолган бўлса-да, улар қуёш ботарда Блосхолмга етиб олишни умид қилишганди. Аммо бунга муяссар бўлолмадилар, чунки улар ўзлари тунаган трактирларидан икки миля наридаги ботқоқликда ўралашиб қолдилар, ундан чиқиб олгач эса, балчиқзорни четлаб ўтиш учун анчагина айланма иўл билан боришга мажбур бўлдилар. Шу боисдан улар сэр Жон Фотрел ўлдирилган ўрмонга кун охирида етиб олдилар. Урмон иўли ёқалаб келаётган саёҳатчилар қуёш ботарда сэр Жон Фотрел ҳалок бўлган жойга етгандилар.

— Айтишларига қараганда, отангни шу ерда бўғизлашган,— деди Эмли; у қўлида болани кўтарганча, Сайсели билан изма-из келарди.— Қара, ҳов анави ерда унинг байтали — Мегнинг суяклари ётибди; мен унинг қоп-қора ёлини танийман.

— Ҳа, леди,— гапга аралашди Болл,— сэр Фотрелнинг ўзи эса анави ерда, ҳалок бўлган жойида ётибди. Жаноза ҳам ўқимай, уни кўмиб қўя қолишди.— Шу сўзларни айта туриб, у икки тол орасидаги чоғроқ, наридан-бери уйилган дўнгни кўрсатди.

— Илоё отамнинг жони жаннатда бўлсин!— Сайсели дуо ўқиб, чўқинди.— Онт ичаман, тирик қолсам, унинг ҳоки тупроғини Блосхолм монастирига кўчириб, унга яхшигина ёдгорлик қўйдираман.

Сайселининг ўз сўзи устидан чиққанига бу ерга келувчи зиёратчиларнинг ҳаммаси шоҳид бўлишлари мумкин, негаки ёдгорлик бизнинг кунларимизгача сақланган. Унда кекса рицарь тасвирланган; у бўғзига ўқ қадалган ҳолда қорда, ўзини ҳимоя қила туриб ўлдирган икки қотили ўртасида ётибди, нарироқда, деярли сағана орқасида эса, узоқлашиб кетаётган чавандоз — Жефри Стоукс тимсоли кўзга ташланади.

Сайсели пичирлаб дуо ўқиганча, ушбу қаровсиз мозорга қараётган бир пайтда Томас Болл ниманидир эшитиб, сергакланди.

— Нима гап?— сўради Болл чехрасидаги ўзга-ришни сезган Жекоб Смит.

— Отлар, уста, кўп отлар шитоб билан чопиб келяпти,— деди Болл.— Ҳа, устида суворийлар ҳам бор. Қулоқ солинг.

Ҳаммалари астойдил қулоқ солар эканлар, от дуптур-дупурию одамлар қийқиригини эшитдилар.

— Тезроқ, тезроқ,— деди Болл,— орқамдан юринглар! Яширинсак бўладиган жойни биламан.— Шундай деб, уларга тоғолчаю қора қайинлар ғовлаб ўсиб, чакалакзорга айланиб кетган томонни кўрсатди; чакалакзор икки юз ярдча нарида, тўрт қишлоқ-аро йўл кесишган чорраҳада қаққайиб турган бир қанча баланд эман дарахтлари кўланкасида эди. Ҳар қандай боғбон биладиким, ёш қора қайинларнинг япроқлари куз ва қиш фаслларида нақ новдаларга ёпишиб олади. Мана шу сабабли бу чакалакзор жудаям қалин бўлиб кетган ва уларни беками-кўст пана қила оларди.

Улар ўз пана жойларига етиб, эндигина тўхтаган ҳам эдиларки, ботаётган қуёшнинг қонталаш шафағида ғайри табиий манзарага шоҳид бўлдилар. Йўл узра — улар келаётгани эмас, бошқаси, Қирол тепалигини айланиб ўтган қарама-қарши томондаги йўлдан — гоҳ дарахтлар ортида кўздан яшириниб, гоҳ яна лоп этиб пайдо бўлиб, кул ранг отда яроғ-аслаҳалар таққан қоматдор чавандоз, у билан эса яна бир киши — кўн камзулли киши қора отда елиб келар экан, орқароқда, улардан юз ярдга етар-етмас масофада қурама таъқибчилар тўдаси кўринди.

— Қочоқ маҳбуслару таъқибчилар,— ғўлдиради Болл, бироқ Сайсели униң гапига эътибор бермади. Кул ранг отдаги чавандознинг қиёфаси унга шу даражада таниш туюлганидан, юраги қинидан чиқиб кетай, чиқиб кетай дерди.

Сайсели бутун жисмини кўзга айлантирганча, отининг бошига эгилиб олди. Ана, иккала отлиқ ҳам улар яширинган бутазорга қарийб етиб келди, шунда яроғ-аслаҳа тақингани ўз ҳамроҳига ўгирилиб, шодон қичқирди:

— Орқада қолишяпти! Уларга чап бериб кетамиз, Жефр!



Сайсели унинг башарасини кўрди.

— Кристофер! — бақирди у. — Кристофер!

Улар отларини елдек учуриб ўтиб кетишларига бир лаҳзагина кифоя эди, бироқ Кристоферга — у чиндан ҳам Кристофер эди, — жуда яхши таниш бўлган бу овоз етиб борди. Битмас-туганмас муҳаббат ва даҳшат билан қараб турган Сайсели чавандоз ўз отини тўхтатиб қолганини кўрди. Унинг Жефрига нимадир деб қичқирганини, шеригининг эса ташвишли оҳангда норозилик билан жавоб берганини эшитди. Улар тарадудланиб, чакалакзор олдидаги очиқ жойда секинлашиб қолдилар.

Кристофер орқасига ўгирилиб, таъқибчилар яқинлашиб қолганини кўрди, улар деярли етиб олган пайтларида эса, ўзиб кетиш учун ҳайқирганча олдинга ташланди. Вақт ўтганди! Икки отлиқ қияликдан яна юз ярдча чошиб ўтган ҳам эдиларки, уларни қуршаб олишди ва тепалик ёнида, чамаси, олишув бошланиб кетди, чунки қиличлар ботаётган қуёш нурларида ялт-юлт қилиб кўринарди. Таъқибчилар, худди қувлайвериб ҳолдан тойдирилган тулкига бир гала ит ташлангандек, отлиқларга ёпирилишди. Ҳаммалари пастга қараб чошиб кетишди — кўздан ғойиб бўлишди.

Эс-хушини йўқотган Сайсели улар ортидан боришга интилганди, ҳамроҳлари ушлаб қолишди.

Ниҳоят, ҳамма ёқ тинчиди. Отидан тушиб олган Томас Болл писиб-биқиниб йўл устига чиқди ва ўн дақиқалардан сўнг қайтиб келди.

— Ҳаммалари зинғиллаганча кетишибди, — деди у.

— Оҳ, у ҳалок бўлди! — ингради Сайсели. — Бу лаънати жой мени ҳам отамдан, ҳам эримдан жудо қилди.

— Менимча, у тирик, — деди Болл. — На қон, на бировни қўлга тушириб олиб кетганларини кўрсатувчи нишона бор. У ўз отида кетган. Аммо бу қандай бедодликки, тангри аёлларга фаҳм-фаросат ато қилиб, нега керак пайтда сукут сақлашни ўргатиб қўймасикин!

## XVII боб

### Ҳаёт ёки ор-номус

Ҳам руҳий, ҳам жисмоний азобланган Сайсели ва унинг ҳамроҳлари ҳорғинликдан қоқилиб-суқилиб юраётган отларида Блосхолм аёллар монастирига етиб келганларида кун эндигина ботганди.

— Ишқилиб, роҳибалар шу ерда бўлишсин-да,— деди болани кўтариб олган Эмлини.— Борди-ю, уларни ҳайдашган бўлса, бекам яна йўлда давом этиши керак, лекин у бунга дош беролмайди, деб қўрқаман. Томас, қаттиқроқ тақиллат: қари боғбон тўнкадан бадтар, ҳеч нарсани эшитмайди.

Болл бўйсуниб, астойдил шунақанги гурсиллат-дики, бирпасдан сўнг дарвозадаги пажнарали тўй-нукча очилиб, ким тақиллатаётганини сўраган аёлнинг титроқ овози эшитилди:

— Бу Матильда онанинг ўзгинаси,— Эмлини шундай деди-да, отдан ирғиб тушиб, тўй-нукчага қараб югурди ва нозира билан гаплаша бошлади.

Бошқа роҳибалар келишди, умум кучи билан баҳайбат дарвозанинг бир табақаси очилди, чунки боғбон ё ўрнидан туролмаганди, ёнки туришни истамаганди. Саёҳатчилар ичкарига киришди; роҳибалар Сайселининг, ҳақиқатан ҳам қайтиб келганини англашгач, уни қучоқлаганча ялаб-юлқашга тушишди. Аммо чарчаган Сайселининг бир оғиз сўз айтишга ҳам мажоли йўқ эди, шу боисдан унга мажбуран бир финжон сут ичириб, илгариги хонасига олиб боришди; у ўринга чўзилди-ю, шу заҳоти уйқуга кетди. Соат тўққизларда кўзини очиб, ранг-рўйи анчагина ўзига келиб қолган Эмлининг Матильда она билан гаплашиб турганини кўрди.

— Вой,— деди ҳаяжондан бақириб Сайсели, бўлиб ўтган воқеаларни эслагач,— эрим тўғрисида бирор хабар йўқми?

Улар бош чайқадилар. Нозира деди:

— Аввало, жонгинам, сен пича тамадди қилиб ол, кейин эса билолган озгина нарсамизни гапириб берамиз.

Сайсели овқатланди, ахир дармонга кириши зарур эди-да. Кийинишга Эмлин ёрдамлашаётганда эса янгиликларнинг ҳаммасини билиб олди. Дарҳақиқат, улар озгина эди — у ҳам бўлса Ботқоқлик аҳолиси айтган гапларни фақат таъкидлашдан иборат эди; хусусан, аббатлик мустаҳкамланиб, шимолдан келган исёнчилар ёки хорижийлар томонидан қўриқлан-япти, нозирнинг ўзи эса, чамаси, жўнаб кетган.

Ҳол-аҳволни билиш учун аллақачон ташқарини айланиб келган Болл, йўлда учраган бир кишидан тунда қишлоқ оралаб отлиқ отряд ўтганлигини эшитган, аммо ҳеч қандай тафсилотни билолмаган, чунки ростдан ҳам агар улар тунда ўтишган бўлса, туёқ изларини сел ювиб кетган. Устига устак ўша нотинч замонда одамлар бирон жойга борадиган бўлсалар, кўпинча тун қоронғисидан фойдаланар эдилар. Шу сабабли ҳеч ким ушбу отряд улар ўрмонда кўрган тўдага бирон-бир алоқаси борлигини айтолмасди; тўда ахир бутунлай бошқа йўлдан кетиши мумкин эди-ку.

Сайсели кийиниб бўлгач, пастга тушиб, Матильда онанинг хонасига кирдилар; у ерда Жекоб Смит билан Томас Болл кутиб турарди.

— Леди Харфлит, — деди Жекоб, вақтни беҳуда ўтказишни истамаган киши қиёфасида, — аҳвол бундай. Сизнинг шу ерда эканлигингизни ҳали ҳеч ким билмайди, — боғбон билан унинг хотинини биз ҳеч қаёққа чиқармаяпмиз. Аммо, бу ҳақда аббатликдагилар қулоғига етиши биланоқ, ҳужум қилинишидан хавфсираса бўлади, лекин бу ерда ўзимизни ҳимоя қилишнинг иложи йўқ. Сизнинг Шефтонингизда эса, аҳвол бошқача: у ерда, айтишларича, кўтарма кўприги бўлган чуқур хандақ ва бошқа нарсалар бор. Шу боисдан сиз зудлик билан Шефтонга йўл олишингиз лозим, агар иложи бўлса — сездирмасдан. Томас аллақачон у ерга бориб, баъзи бир ижарачиларингиз — ишонса бўладиганлари билан гаплашиб келди; ҳозир улар бинони тайёрлаш ва зарур нарсаларни ғамлаш учун ғайрат кўрсатишяпти, айти пайтда бошқаларга ҳам хабар беришяпти. Қасрни мудофаа қилиш учун Томас кечасигача қуроли ўттиз кишини тўплаш ниятида, уч кундан сўнг, яъни

лашкар тўплаш хусусида сизга берилган ваколат маълум бўлиб, у командир этиб тайинлангач эса, одамлар миқдорини ронпа-роса юз кишига етказмоқчи. Йўлга чиқайлик, сусткашлик ярамайди, отлар эгарлоғлиқ.

Сайсели ҳамширалар учун нимаики қилган ёки қилишга интилган бўлса, ҳаммаси учун уни дуо қилиб, миннатдорчилик билдирган Матильда она билан ўпишиб хайрлашди. Беш дақиқадан сўнг улар яна ўзларининг толиққан отларига миниб, ёмғир остида Шефтонга қараб йўл олдилар; яхшиямки, у аёллар монастиридан бор-йўғи уч миля нарида эди. Улар дарахтларни паналаб йўл босардилар, бундай об-ҳавода ҳеч ким кўчага чиқмас, аббатлик дарвозасида турган соқчилар ҳам қоровулхонага яшириниб олганди. Шундай қилиб, улар Шефтонга, Сайсели ўз никоҳ-тўйи кунини Крануэлга қочганда сўнгги марта кўрган ва ўшандан бери — унинг садпора қалбида шундай туюларди — неча-неча йиллар ўтган Шефтонга эсон-омон етиб олишга муяссар бўлдилар.

Туғилиб ўсган уйига маъюс қайтиш ғалати кўри-наркан, деб кўнглидан ўтказди Сайсели кўтарма кўприкдан ўтиб, қадрдон эшик томон боришаётганда, Аммо уйда аҳвол унчалик ёмон эмасди, боиси Болл томонидан огоҳлантирилган ижарачилар мақтовга лойиқ хизмат кўрсатишганди. Ўз ихтиёрлари билан келган бир неча аёл икки соатдан кўпроқ вақт ичида хоналарни оқлаб, тозалаб, чиншидек қилиб қўйишганди, каминларда гуриллаб олов ёнар, ошхона ва омборхонада эса хилма-хил озиқ-овқат етарлича эди. Бундан ташқари, катта хонага йигирма киши йиғилганди — улар бекани шодон қийқириқлари қалпоқларини осмонга итқитиш билан қарши олдилар.

Жекоб шу заҳотиёқ уларга имзо ва муҳрни кўрсатиб, қирол ёрлиғи ҳамда Томасни командир қилиб тайинлаш тўғрисидаги, шунингдек унга катта-катта ваколатлар берувчи ҳужжатни ўқиб берди. Тўпланганлар — ҳам раҳнамодан, ҳам ҳукумат томонидан бирор йўл билан ҳимоя қилинишдан аллақачонлар маҳрум этилган одамлар — ҳужжатлар билан танишиб чиққач, чамаси, руҳлари кўтарилиб кетди. Улар қиролни, ўз ледилари Сайсели Харфлит ва умр

Йўлдоши сэр Кристоферни, агар у ҳалок бўлган бўлса, унда ўглини оғизларидан жонлари чиққунча ҳимоя қилишга бирин-кетин қасамёд этдилар. Кейин тўпланганларнинг тахминан ярми отга миниб, қирол номи билан қуролли отряд йиғгани турли томонга жўнаб кетди. Бошқалар эса қасрни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш учун қолди.

Оқшом пайтида ҳамма томонлардан одамлар кела бошлашди; баъзилар ўзлари билан араваларда озиқ-овқат, қурол-яроғ ва молларга ем-хашак келтиришар ёнги қамалда қолинса сўйиб ейиш учун қўй ва қора молларни олдиларига солиб ҳайдаб келишарди. Жекоб келганларнинг исму шарифини ёзиб олар, Томас Болл эса, командирлик ҳуқуқига биноан, уларни қасамёд эттирарди. Уша туннинг ўзидаёқ қасрда қирқ киши тўпланди, яна кўпчиликнинг келиши кутилаётганди.

Аммо эндиликда сир фош этилган, Сайселининг қайтиб келгани тўғрисидаги хабар ҳамма ёққа тарқалиб улгурган, айтмоқчи, Шефтон мўриларидан чиқаётган тутун ҳам мана мен деб турганди. Олдини-га қаср қаршисидаги тепаликда бир айғоқчи пайдо бўлиб, хўп кузатди. Кейин чопиб кетди-да, бир соат ўтгач, қуролли ўн отлиқ кузатувида қайтиб келди; отлиқлардан бири Фароғатли зиёрат эмблемаси тикилган байроқни кўтариб олганди. Бу отлиқлар Шефтон Холлга, чамаси, ҳужум қилиш умидида юз қадамча яқинлашиб келдилар, аммо кўприк кўтарилиб қўйилганини, унинг икки томонида эса мерганлар ёйларини тайёр ҳолда тутиб турганларини кўргач, тўхтаб, оқ байроқ билан элчи юбордилар.

— Ҳой, Шефтондагилар, сизлар ким бўласизлар,— деб чинқирди ҳалиги киши,— ва кимнинг манфаатини ҳимоя қилиясизлар?

— Шефтон эгаси леди Харфлит ва капитан Томас Болл — қирол номи билан! — қичқирди Жекоб Смит.

— Кимнинг буйруғига биноан? — сўради элчи. — Шефтонга Блосхолм нозири эгалик қилади, Томас Болл эса унинг монастирида бор-йўғи биродармирянини.

— Қирол ҳазратларининг буйруғига биноан,—

жавоб қилди Жекоб ва қирол ёрлигини баланд овоз билан ўқиб берди.

Элчи эшитиб бўлгач, ўз шериклари билан кенгашигани изига қайтди. Улар, гўё ҳамон ҳужум қилишга тайёрланаётгандек бир мунча вақт тараддулланиб туришди, аммо пировардида орқаларига қайтиб кетишди ва бошқа қораларини кўрсатишмади.

Болл қўли остидаги ҳамма одамларни йиғиб, уларни таъқиб этмоқчи бўлди, бироқ унинг бирон-бир тузоққа йўлиқиб, ўз одамлари билан ҳалок бўлиши ёки ҳибсга олинishi ва натижада қаср ҳимоясиз қолишдан чўчиган эҳтиёткор Жекоб Смит бунга йўл қўймади.

Кун шундай ўтди. Кечга бориб қасрда шундай куч тўпландики, энди Шефтондагиларнинг билишича, гарнизони бор-йўғи эллик аскар ва бир неча роҳибдан иборат — бошқалари қочиб кетганди — аббатлик томондан бўладиган ҳужумдан қўрқмаса ҳам бўларди.

Ўша кун кечқурун Сайсели, Эмлин ва кекса Жекоб сэр Жон Фотрел қизини Кристофер билан тутиб олган юқоридаги катта хонада ўтиришганди, тўсатдан ичкарига Балл, унинг кетидан эса ўзига мутлақо ярашмаган — ошланган қўй терисидан куртка кийган, афти-ангоридан шубҳали бир кимса кирди.

— Бу яна ким бўлди, оғайни? — сўради Жекоб.

— Менинг эски қадрдоним, муҳтарам жаноб, фароғату зоҳидлик жонига теккан ва қиролнинг раҳм-шафқатига афвига муштоқ Блосколм роҳиби. Мен булар унга инъом этилишига ваъда беришга журъат этдим.

— Яхши, — деди Жекоб, — мен унинг номини ёзиб қўяман ва агар бизга садоқатли бўлиб қолса, сенинг ваъданг бажо келтирилади. Лекин уни бу ерга нега бошлаб келдинг?

— У янги хабарлар келтирган.

Боллнинг овозидаги алланима четда хаёлчан ўтирган Сайселини келгиндига дарҳол кўз ташлашга ва гапиришга мажбур этди:

— Гапир, тезроқ.

— Миледи, — деб гап бошлади у киши паст овоз-

да,— менинг исми шарифим Бэзил, гарчи ўзим роҳиб бўлсам ҳам, аббатликдан қочдим, негаки қиролга содиқман, бунинг устига ҳозиргина бағоят дарғазаб ҳолда қайтиб келган нозирдан кўп жабр-ситам кўрдим; Линкольн остоналарида у қандайдир муваффақиятсизликка учрабди, нима хусусида — бундан воқиф эмасман. Мен келтирган янгилик шуки, сизнинг ёстиқдошингиз сэр Кристофер Харфлит ва унинг хизматкори Жефри Стоукс аббатликнинг ер ости зиндонида тутқунликда ётишибди; уларни ўтган кеча исёнчилар отряди ушлаб олганди; отряд уларни монастырга келтиргач, яна ўз йўлига кетаверди.

— Тутқунликда?— қичқириб юборди Сайсели.— Демак, у ўлдирилмаганми, ярадор ҳам эмасми? Соғ-саломатми?

— Ҳа, миледи, худди мушук чангалига тушган, бироқ ҳали ейилмаган сичқондек соғ-саломат.

Сайселининг жонида жон, бетида қон қолмади. Унинг кўзига аббат Мэлдон роҳиб бошли улкан мушук, унинг чангалидаги эса Кристофер бўлиб кўришиб кетди.

— Бунга мен айбдорман, мен!— деди у қайғуриб.— Оҳ, агар мен чақирмаганимда, уларнинг қўлига тушмаган бўларди. Яхшиси ўшанда тилим танглайимга ёпишиб қолса бўлмасмиди, а!

— Менимча бундай эмас,— деди биродар Бэзил.— Олдинда бошқалар кутиб туришганди, у қўлга тушгач эса, жўнаб кетишди, натижада сизлар қутулиб қолдинглар. Хуллас калом, ҳозир у ўша ерда, зиндонда. Агар уни қутқармоқчи бўлсангиз, бутун кучни тўплаб, тезда зарба беришингиз лозим.

— Мени тириклигим унга маълумми?— сўради Сайсели.

— Қаёқдан билай, леди? Аббатлик зиндонларида ҳамма сирдан огоҳ бўлинавермайди. Аммо, эрталаб асирларга овқат олиб кирган роҳиб айтдиким, сэр Кристофер унга, Қирол тепалиги яқинидан ўтиб кетаётганимда аллақандай арвоҳ марҳума хотиним овозида мени чақирганлиги туфайли фалокатга йўлиқдим, дебди.

Буни эшитиб Сайсели ўрнидан турди ва Эмлин

билан хонадан чиқиб кетди — унинг бардоши туга-  
ганди.

Лекин Жекоб Смит билан Болл яна узоқ вақтгача роҳибдан турли-туман нарсаларни сўраб-суриштирдилар; у ниманики айтиши мумкин бўлса, ҳаммасини билиб олгач, уни жўнатиб, яхшилаб қўриқлашни буюришди. Ўзлари эса ора-сира фермер ва йоменларни чақириб, улар билан кенгашиб, ўз режаларини пишитиб, қарийб ярим кечагача ўтирдилар.

Эртаси куни улар Сайселининг ёнига барвақт бориб, кечиктирмай аббатликка ҳужум қилиш фикрида эканликларини айтдилар.

— Аммо эрим ўша ерда-ку! — деди Сайсели бутунлай довдираб. Унда эримни ўлдиришади-ку.

— Мабодо ҳужум қилмасак, бу ҳол юз бериши мумкин, деб қўрқаман, — деди Жекоб. — Бунинг устига, деди, очигини айтганда, бошқа нарсалар хусусида ҳам ўйлаш лозим. Масалан, ўзимиз ҳимоя қилишга ваъда берган қирол иши ва унинг шон-шарафи, бизнинг шарофатимиз билан қирол учун қўлига қурол олган кишилар ҳаёти ва мол-мулки борасида. Агар сусткашлик қилсак, аббат Мэлдон шимолдан ёрдам чақиради ва қарабсизки, бир неча кундан сўнг устимизга сон-саноксиз лашкар ёпирилади, биз эса унинг олдида ожизлик қилиб қоламиз. Турган гапки, у аллақачон ёрдам сўраган. Бироқ, исёнчилар аббатлик қўлдан кетганини эшитгач, фақат интиқом учун бу ерга келишлари даргумон. Ва ниҳоят, агар қўл қовуштириб ўтираверсак, ҳозир жанг иштиёқида ёнаётган одамларимизнинг ҳафсалалари пир бўлади, вужудларини эса яна шубҳаю қўрқув чулғаб олади.

— Ундай бўлса, нима ҳам дердим. Худо эримни ўз папоҳида асрасин, — оғир хўрсиниб деди Сайсели.

Ўша куниеқ қирол одамлари Болл раҳбарлигида йўлга чиқиб, аббатликни ҳамма томондан қуршаб олдилар, ўз лагерларини эса Блосхолм қишлоғига қурдилар. Қасрда қолишни истамаган Сайсели улар билан бирга йўлга чиқиб, ўз талаби билан эшиги очилган аёллар монастирига жойлашиб олди. Монастирнинг ягона қўриқчиси — гаранг боғбон қаршилик кўрсатмай таслим бўлди. Уни қора ишчи сифатида лагерга жўнатишди; у ҳали умрида ҳеч қачон бунча-



лик қора терга тушиб ишламаганди; боғбонга нисбатан кек сақлаган Эмлини, унинг иши бошидан оширтошишига ва иложи борича ифлос ҳамда оғир ишларни бажартиришга ҳаракат қилди.

Томас ва бошқалар аббатлик ён-верини текшириб, тушкун кайфиятда қайтиб келишди: тошлардан қурилган метин-мустаҳкам бинога тўпларсиз — улар эса ҳозирча йўқ эди — яқинлашиб бўлмасдек туюларди. Фақат бир жойдан, бир пайтлар қоровулхона ва ферма жойлашган — уларни Томас Эмлининг хоҳишига кўра ёндириб юборганди — орқа томондангина ҳужумга ўтиш мумкиндек кўринарди. Хароба уйлар хандақ айланаси ичида бўлиб, аббатлик деворига ёпишиб турарди, бироқ шиддатли ёнғиндан уларнинг тош қисми ёрилиб, сочилиб кетган, тўсинлари эса хандаққа ағдарилиб тушганди.

Мудофаага путур етмаслиги учун, кўздек очилиб қолган ушбу раҳнага пишиқ-пухта қозиқлар қоқилиб, қўшалоқ тўсиқ билан тўсилган, тўсиқлар ораси эса шох-шабба боғламлари, вайронага айланган бино тўсинлари ва турли-туман чиқиндилар билан тўлатилганди. Тўсиқ олдида кенг ва чуқур хандақ, унинг нақ ёнгинасида эса ҳимоябоп дарча ва муюлиш миораси бор эди. Хуллас, бу ердан аббатликка яқинлашиш кўп одамнинг бошига етар ва қамал қилувчилар бунга журъат этолмасдилар. Аммо-лекин роҳиб Бэзил ва бошқалардан улар яна бир муҳим нарсани, чунончи, аббатликдаги ғамланган озиқ-овқат ниҳоятда кам эканлигини билиб олишди: Бэзил уни уч кунга ўлади, деб ҳисобларди, бошқаларнинг фикрича, кўпи билан тўрт кунда тугарди.

Уша куни кечқуруноқ иккинчи ҳарбий кенгаш ўтказилиб, аббатликни қамал йўли билан, борди-ю, разведка исёнчилар ёрдамга келаётганини хабар қилсагина ҳужум билан олишга қарор қилинди.

— Лекин, — эътироз билдирди Сайсели, — қамал билан олинса, унда менинг умр йўлдошим ва Жефри Стоукс ҳам очликдан ўлади.

Сайселига бошқа илож йўқлигини — икки киши деб, ўнлаб одамлар ҳаётини хавф остида қолдириб бўлмаслигини айтиб, ҳамма ғамгин тарқалди.

Сайсели Крануэл Тауэрсда бошидан кечирганга

Ўхшаш қамал бошланди. Биринчи кун аббатлик одамлари уларни хўп мазах қилиб кулишди. Лекин иккинчи куни масхаралаш барҳам топди: қамалдагилар кўрдиларки, душманларининг куч-қудрати соат сайин ўсяпти. Учинчи кун эса, тўсатдан кўприкни тушириб, худди ҳужум қилишга шайлангандек, унга қараб югурдилар, бироқ қаршиларида Боллнинг ўн чоғли аскарлари ёйини таранг тортиб турганини кўргач, бу ниятларидан қайтиб, кўприкни яна кўтариб қўйдилар.

— Улар оч қолиб, умидсизликка туша бошладилар,— деди мулоҳазали Жекоб.— Ҳадемай улардан вакил келиб қолади.

У ҳақ бўлиб чиқди. Қуёш ботишига яқин четдаги дарвоза очилиб, боши узра оқ байроқ кўтарган бир кимса чиқди-да, ўзини хандаққа ташлаб, қарши томонга сузиб ўтди. У хандақдан чиқиб, бир силкиниб олди, кейин Болл ва икки аёлга қараб аста-секин кела бошлади: улар аббатлик олдидаги ўтлоқда, қамалдагилар ўқи етмайдиган жойда туришарди. Эрига қуявериб тинка-мадори қуриган Сайсели, бир пайтлар ўзи гулханда ёндирилиш учун занжирбанд қилинган ва ҳанузгача олиб ташланмаган эман устунга суяниб олди.

— Ким бу одам?— сўради Эмлин ундан.

Сайсели бемордек гандираклаб ўзлари томон келаётган ҳорғин, соқоли ўсиб кетган кишига тикилди.

— Билмайман, аммо-лекин, у нимаси биландир Жефри Стоуксни эслатапти.

— Бу Жефрининг худди ўзгинаси,— деди Эмлин, бош ирғаб.— Бизга қанақа хабар олиб келаётганикин?

Сайсели бир оғиз сўз айтмай устунга янада қаттиқроқ суяниб олди; унинг дили аббатлик ошпази шох-шаббаларни ёқиш учун тутатқини пуфлаётган пайтдагидан ҳам бадтар хуфтон эди. Жефри эса аллақачон унинг рўпарасида турарди. Унинг ич-ичига ботиб кетган кўзлари Сайселига тушди, ҳайратдан оғзи очилиб, башараси бадтар тиришиб, ёноқлари бўртиб кетди.

— Эй-й,— гўлдиради у ҳеч кимга эътибор бермай.— Бу жангу-жадаллару саёҳатлардан, қўлим-

даги овқат каламушга ҳам урвоқ бўлмайдиган бир пайтда уч кун оч ўтириш, устига-устак ноябрь ойида муздек совуқ сувга тушишдан — бундан ҳам расво-ларини қўявер,— миянг айниб қолиши турган гап. Ҳар ҳолда, арвоқ куппа-қундуз куни, яна уйимизда, бунақанги ҳодиса ҳеч қачон содир бўлмаган Блос-холмда кўринганига ҳайрон қоласан киши!

У кўзини Сайселидан узмай, соқолини тутамла-ганча сувини сиқиб ташлади-да, қўшиб қўйди:

— Биродар-мирянин ёки капитан Томас Болл. агар сен ҳам арвоқ бўлмасанг, ҳозир ким эканлигинг-дан қатъи назар, озроқ ўткир эль билан бир бўлак нон бер, негаки қорним ичи тозаланган сельдь бали-гидек бўм-бўш, ҳозир яратганга жонимни топшириб қўйишим ҳеч гап эмас. Аммо мен нопок еримизда ҳа-ли юра туришни афзал кўрардим...

— Жефри, Жефри,— уни бўлди Сайсели,— ўз хўжанг тўғрисида бизга нималарни айтиб бера ола-сан? Эмлин, унга иккаламизнинг ҳам тириклигимизни айтсанг-чи, ахир. У фаҳмламаяпти.

— О, демак, тирик экансиз-да?— оҳиста деди Жефри.— Демак, сиз ёнғиндан ҳалок бўлмагансиз. Эмлин ҳам, шундай, а? Хўш модомики шундай экан, ҳамма ҳам умидвор бўлиши мумкин; очлик ҳам, аб-бат Мэлдоннинг пичоғи ҳам Кристофер Харфлитни ўлдиролмайди.

— Ундай бўлса, эрим соғ-саломат экан-да?

— Ер ости зиндониди, яна яхшигина зах жойда уч кун очликдан сўнг қай даражада соғ-саломат бўлиши лозим бўлса, шу даражада соғ-саломат. Бар-ча ушбу ишлар юзасидан отрядингиз командири но-мига битилган мактуб манави ерда.

Жефри ўз байроғини ёзиб, унинг қатидан байроқ-қа боғлаб қўйилган мактубни олди-да, Боллга узат-ди; Томас эса ўқиёлмай, хатни Жекоб Смитга берди. Худди шу вақтда бир болакай Жефри сўраган эль, шунингдек, патнисда гўшт бўлақлари билан нон кел-тириб қолди. Жефри уларга ютаққан итдек ташла-ниб, элни хўриллатиб ичиб, овқатни, ҳатто чайнашга ҳам сабри чидамай ямламай юта бошлади.

— Барча азиз-авлиёлар ҳақи, очингдан ўлиб қо-лай дебсан-ку, Жефри,— деди ўша ерда турган

Йоменлардан бири.— Мен билан юр, шалаббо кийимларингни алмаштирасан, бўлмаса ҳали ҳолингга маймунлар йиғлайди.— Шундай деб, у кавшашдан оғзи тинмаётган Жефрини яқинроқдаги чодирга бошлаб кетди.

Бу орада Жекоб, ташвиш-ла пешанасини тириштириб, мактуб билан танишиб чиқди, кейин уни овоз чиқариб ўқиб берди. Унда шундай дейилганди:

*«Қирол аскарлари командирига Блосхолм аббатлиги нозир Клементдан.*

*Аббатлик ва унинг роҳибларига ўт ҳамда қилич билан даҳшат солиб, бизни кимнинг кўрсатмасига биноан қураб олганингиз менга номаълум. Эшитишимга қилаётганмиш, сизларга Сайсели Фотрел раҳнамолик қилаётганмиш. Гулхандан қочган бу жодугарга айтиб қўйингким, у эрим деб атовчи ва унинг ношаръий туғилган боласининг отаси ҳисобланмиш кимса менинг қўлимда асирликда. Агар бу жодугар бугун кечасиёқ ўз отрядини тарқатиб юбормаса ва: менга, мен билан бирга бўлганларнинг барчасига, биз қирол ва унинг қонунларига қарши, шунингдек, шахсан Сайсели Фотрелнинг ўзига қарши нимаики қилган бўлсак ҳаммаси учун афв этиш; истаган томонимизга бемалол кетишимизга, бунинг учун бизга ҳеч ким тўсқинлик қилмаслиги ва бизни таъқиб этмаслигига имкон бериш; бизнинг ерларимиз ҳамда ҳўжалигимиз, мол-мулкимизни тортиб олмаслик борасида қирол номидан кафиллик берувчи ҳужжатни имзоланган ва тасдиқланган ҳолда бизга жўнатмаса, билиб қўйинг, эртага тонгда рицарь Кристофер Харфлитни қотиллик ва бизга нисбатан қилган бошқа жиноятлари учун ўлимга маҳкум этамиз, гапимизнинг исботи сифатида, унинг мурдасини аббатлик минорасига осиб қўйилган ҳолда кўрасиз. Борди-ю, бизнинг шартларимизни қабул қилсангиз, зиён-заҳмат етказмай уни шу ерда қолдирамиз, биз кетганимиздан сўнг уни кўрасиз. Қолган гапларни унинг хизматкоридан, биз ушбу мактуб билан жўнатаётган Жефри Стоуксдан билиб оласиз.*

*Клемент, нозир».*

Жекоб ўқишни тугатди, ўртага жимлик чўкди.

— Юринглар бу ердан, бирон тўрт девор ичига кириб, ушбу масалани ҳал қилайлик,— деди Эмлин.

— Йўқ,— гап қотди Сайсели,— эрим йўқ пайтда қирол вакили мен ҳисобланаман ва менга қулоқ солишларини талаб қиламан. Томас Болл, биринчи галда аббатга элчи юбориб, маълум қилки, агар сэр Кристофер Харфлитнинг бошидан бир тола сочи камайгудек бўлса ҳам аббатликдагиларнинг ҳаммасини қиличдан ўтказаман ёки дорга тортаман, бунинг учун эса қирол олдида шахсан ўзим жавоб бераман. Уста Смит, қоғозга битинг бун ва менинг ваколатимни тасдиқловчи қирол ёрлиғи нухаси билан бирга аббатга жўнатинг. Дарҳол, кечиктирмасдан.

Улар Болл соқчихонага айлантирган нарироқдаги уйчага йўл олишди. У ерда ушбу қатъий огоҳлантириш қоғозга туширилди, оқ қоғозга қайта кўчирилиб, Сайсели, шунингдек, отряд командири Болл ва гувоҳ сифатида Жекоб Смит томонидан имзоланди. Сайсели қоғозу қирол ёрлиғи нухасини энг матонатли ва садоқатли кишига ўз қўли билан берди-да, унинг зиммасига жавоб олиб келишни юклади; хойнона зарбадан ўзини асраш учун қавима камзули ичидан темир совут кийиб олган элчи оқ байроқ кўтариб, йўлга тушди.

Элчи кетгач, Жефрига одам юборишди; очликдан ўлар ҳолга етган Жефри қуруқ кийим-кечакда ва ҳали ҳам кавшанганча кириб келди.

— Бизга ҳаммасини гапириб бер,— деди Сайсели.

— Агар бир бошидан бошласам, леди, жудаям чўзилас кетади.— Сизнинг дарвеш отангиз сэр Жон ва ёмон у ўлдирилган куни Шефтондан чиқиб...

Йўқ, йўқ,— унинг гапини бўлди Сайсели,— бунни қўя тур, кейинроқ айтиб берасан. Эрим билан сен Линкольндан қочдинглар—шундайми? Сўнгра биз кўрганимиздек, ўрмонда яна қўлга тушдинглар.

— Жуда тўғри, леди. Аллақандай руҳ биз билан ҳазиллашди: сэр Кристоферни сизнинг овозингиз билан чақирди; сэр бун эшитиб, отини тўхтатган эди, улар етиб олишди, кейин сон жиҳатдан ортиқликлари туфайли бизни қўлга туширишди, аммо, худо бир асраб, соғ-саломат қолдик. Бизни аббатликка обориб,

ўша лаънати зиндонга тиқиб қўйишди; уч кунгача жиндек нон билан сувдан бошқа деярли овқат кўрмай, зимистонда очликдан ўлишимизга сал қолди. Бор гап шу.

— Хўш, Жефри, у ердан қандай қилиб чиқдинг?

— Мана бундай, миледи. Бундан бир соатча илгари аллақандай роҳиб қуроли уч соқчи зиндонимиз эшигини очишди. Фонуслар ёруғидан, бойўғлига ўхшаб кўз очолмай турган ҳам эдикки, роҳиб гап бошлаб, аббат мени Кристофер Харфлит ҳаётини аббатликдагиларнинг ҳаммасининг ҳаётига алмаштириш таклифи билан қирол одамлари лагерига жўнатиш ниятида эканлигини айтди. Шунингдек, ўзи билан сиёҳ ва қоғоз келтирганини, агар Харфлитнинг жонидан умиди бўлса ушбу таклифни қабул этишларини сўраб хат ёзиши лозимлигини, акс ҳолда тонгда ўлиши муқаррарлигини қўшиб қўйди.

— Эрим нима деди?— сўради Сайсели бутун вужуди билан олдинга эгилиб.

— Эрим нима деди? Эрингиз уларнинг афтига қараб кулиб юборди-да, бундан кўра қўлини чопиб ташлагани яхшироқ эканлигини айтди. Ана шундан сўнг мени жудаям қўполлик билан — ахир, мен унинг ёнида сўнгги нафасим чиққунча қолмоқчи бўлгандим-да — зиндондан тортиб чиқаришди. Аммо-лекин, улар эшикни ёпишаётганда сэр Кристофер менга шундай деб қичқаришга улгурди: «Қирол офицерларига айт, аллақачон ўлишга тайёр турган Кристофер Харфлитни ўйлаб ўтирмай, бу каламуш инининг кулини кўкка совурсинлар!»

— Нега у ўлишни хоҳлаб қолди?— яна саволга тутди Сайсели.

— Негаки, худди менга ўхшаб, бекам, у ҳам сизни ўлган деб биледи. Кейин у, ўрмонда хотинимнинг мени чақирган овозини эшитдим, деб ўйлапти.

— Вой худойим-эй, вой худойим-эй!—зорланди Сайсели.— Унинг жонига мен зомин бўламан.

— Йўқ,— деди Жефри.— Наҳотки сиз Кристофер Харфлитни шунчалик ёмон билсангиз? Уйлайсизки, у ўз жонини қутқараман деб қиролга хиёнат қилади, шундайми? Борди-ю, ўзингиз унинг ёнига бориб, оёғига бош уриб, шундай қилишини ялиниб-ёлворга-

нингизда ҳам, у сиздан нафратланган ва: «Кўзимдан йўқол, иблис!»— деган бўларди.

— Унинг шундай қилишига ишонаман ва бу билан фахрланаман,— шивирлади Сайсели.— Агар бошқа илож топилмаса, майли, Харфлит ўлсин. Биз унинг ор-номуси-ю шон-шарафини қутқариб қоламиз, мабодо тирик қолгудек бўлса, бизни лаънатламасин. Давом эт.

— Хўш, мени аббат қошига олиб боришди; у менга худди шу мактубнинг ўзини бериб, бу ерда сизнинг бошлиғингиз ким бўлса, ўшанга ҳаммасини гапириб беришимни буюрди. Кейин қўлини кўксида осилиб турган хочга қўйди-да, бу шунчаки пўписа эмаслигини, агар унинг шартларини қабул қилишмаса, тонгдаёқ Харфлит минорага осилишини айтиб қасам ичди, айти пайтда, гарчи ўшанда у нимани назарда тутганини англамаганимга қарамай, шуларни илова қилди: «Ўйлайманки, сен бу гапларга қулоқ соладиган одамни у ердан топа оласан». Аббат мени энди қўйиб юбораётган ҳам эдики, тўсатдан бир навкар гапириб қолди:

«Бу Стоуксни қўйиб юбориш ақлдан бўлармикан? Сиз, нозир жаноблари, у ўрмондаги бир қотиллик пайтида ўша ерда бўлган ва бунга гувоҳлик бера олади, деб гумон қилинаётганлигини унутиб қўяяпсиз».—«Дарвоқе,— деди Мэлдон,— шошилишдан буни унутибман; мен фақат, ундан бошқа ҳеч кимга ишонмайдилар холос, деб ўйлабман шекилли. Ҳар ҳолда, бошқа бирор кишини юбориб, бу йигитни бир умрга гумдон қилган маъқулроқ. Асир Жефри Стоукс қочишга уринганда ўзини ҳимоя қилган соқчи томонидан ўлдирилди, деб ёзиб қўйинг. Йўқотинг уни бу ердан, у тўғрисида бошқа эшитмай».

Оч қорин билан зимистонда уч кун ўтирган одам қанчалик мардонавор туролса, мен ҳам шунчалик мардона туришга уринсам-да, барибир бу гапни эшитгач, қутим учди ва тап тортмай, аччиқ-аччиқ сўзларни испанчалаб унинг афтига шартта-шартта айтиб юбордим. Мени хонадан судраб олиб чиқишган ҳам эдики, биродар Мартин— уни эслайсизми?— денгиз ортида мушкул аҳволга тушиб қолганимизда бизга ўртоқчилик қилган Мартин, қоронғи бурчакдан олдинга чи-

қиб, шундай деди: «Нозир, бунчалик қабиҳ қотиллик билан ўзингизни бадном қилишингизнинг нима ҳожати бор? Жон Фотрел ўлгандан бери қирол сизнинг ҳисобингизга яна қанчадан-қанча бошқа ишларни ёзиб қўйган бўлиши ва улардан лоақал биттаси ҳам сизни дорга осиб учун кифоя қилиши мумкин. Қирол қўлига тушсангиз, у Фотрел ўлимигача — ҳатто сиз бунга алоқадор бўлган тақдирингизда ҳам қовлаштириб ўтирмайди».

«Биродари азиз, сиз ёқимсиз сўзларни тилга олдингиз,— деди жавобан аббат.— Урушда нимаики содир бўлса, гарчи, кейинчалик ўз жонингизни қутқариб қолиш учун бунга қотиллик деб жар солганингизда ҳам, қотилликка йўйилмайди. Нима бўлишидан қатъи назар, сизнинг гапингиз оқилона гап. Бу одамни ўз ҳолига қўйиш керак. Қўлига хатни бериб, хандаққа ташланг уни, нариги томонга сузиб ўта қолсин. У ҳар қанча бўхтон тошини менга ёғдирганда ҳам, шўримга шўрва тўкилмайди».

Улар айтилганни қилишди. Ўзингиз кўрганингиздек, бу ерга келдим ва сизни соғ-саломат кўрдим. Мэлдон биргина Харфлитнинг ҳаётини нега бунчалик қиммат баҳолаганининг сабабини энди тушундим.— Ўз ҳикоясини тугатиб, Жефри яна овқат ейишга тутинди.

Сайсели унга қаради, ҳамма ҳам бағоят азобланган, жони халқумига келтирилган, қанчадан-қанча мусибату азоб-уқубатларни бошидан кечиргач, яна каламушларга тўла ва қуруқ суву арзимас қора нон берилган зимистон зиндонда уч кун ўтирган кишига қаради. Ҳа, у зиндонда каламушлар-у, бу ерда турганларнинг бири учун ниҳоятда қадрли бўлган яна бир киши билан ўтирди; ўша одам, худди жиноятчини осганларидек ўзини эрта тонгда осиб-ларини кутиб, ҳануз ўша даҳшатли ўпқонда ётибди. Ҳамма сукутда эди, фақат Жефри оғзининг чапиллашигина эшитиларди; жимлик юракни шундоқ эзиб юбордики, эшик очилиб, улар қаршида нозир ҳузурига юборилган киши пайдо бўлганда, ҳаммалари хурсанд бўлиб кетишди. Элчи орқа-ўнгига қарамай чопиб келганидан ҳарсиллар ва чамаси, орқасида, тўғрироғи камзулида иккита ўқ ликиллаб турганлиги-



дан — совути уларни баданига ўтқизмаганди — бирмунча эсанкираб қолганди.

— Сўзла,— деди кекса Жекоб Смит,— жавоблари қандай бўлди?

— Орқамга қарасангиз, уста, ўзингиз кўрасиз,— жавоб берди элчи.— Улар хандаққа нарвон ташлаб, устига тахта қўйдилар, кейин мендан хатни олиш учун ундан аллақандай бир роҳиб ўтди. Бирпас кутиб турганимдан сўнг, дарвоза тепасидаги минорадан кимдир мени чақираётганини эшитиб қолдим. Қарасам, у ерда аббат Мэлдон турибди, қаҳру ғазабдан афти нақ иблисникига ўхшаб қоп-қорайиб кетибди.

«Қулоқ сол, ҳой, муттаҳам,— деб қичқирди у менга,— жодугар Сайсели Фотрел ҳамда мен лаънат тамғасини босиб қадамини муқаддас черков даргоҳидан узган муртад роҳиб Боллга бориб айт, тонг ёришиши биланоқ биз томонга қарасинлар, ҳа, баландроққа қарасинлар, ана ўшанда тонги осмонда осилганча қорайиб турган Кристофер Харфлитнинг мурдасини кўрадилар!»

Буни эшитиб, ўзимни тутиб туrolмадим. «Агар шундай бўлса,— деб қичқирдим унга жавобан,— эртага қоронғи тушмасдан олдинроқ у билан улфатчилик қиласизлар, чунки ҳаммангиз ҳам оқшом осмонида қорайиб осилиб турасизлар, албатта, кейинчалик Тауэрхолл ёинки Тайбернда тўрт пора қилинувчилар бундан мустасно». Кейин жуфтакни ростлаб қолдим, улар эса орқамдан кетма-кет ўқ узишди, иккитаси мўлжалга тегди, аммо совутим, эски бўлса ҳам, ҳали пишиқ-пухтагина эди, хуллас, бир-икки жойим шилинганини ҳисобга олмаса, мана, қаршингизда соғ-саломат турибман.

Бирмунча вақтдан сўнг Сайсели, Жекоб Смит, Томас Болл, Жеффри Стоукс ва Эмлин Стоуэр биргаликда ўтириб, кенгаш — жуда муҳим кенгаш ўтказаетгандилар, чунки аҳвол чатоқ эди. Таклиф кетидан таклиф киритилар ва шу заҳотиёқ у ёки бу сабабга кўра рад этиларди. Охири улар биб-бирларига жимгина қараб қўйишди.

— Эмлин,— деди ниҳоят ҳаяжонланиб Сайсели,— илгарилари жонга озиқ бўладиган сўзларинг доимо

тўлиб-тошиб ётарди. Наҳотки энди, шундай мусибатли бир пайтда биронтаси ҳам қолмаган бўлса?— Сайселининг бундай дейишига сабаб, улар кенгашиб, маслаҳатлашаётганларида Эмлини чурқ этмай, жим ўтирганди.

— Томас,— деди Эмлини бошини кўтариб,— аббатлик хандағидаги, болалигимизда энг йирик зоғора-балиқларни тутган жойимизни эслайсанми?

— Бўлмасам-чи, эслайман,— деди у,— лекин бу ишга балиқ овининг нима алоқаси бор, яна у бундан неча йиллар илгари бўлган бўлса? Айтдим-ку, ер ости йўлига ишонишдан фойда йўқ. Чакалакзорнинг нарёғида босиб тушиб, мутлақо кўмилиб кетган — буни аллақачон текширганман. Рост, агар бир ҳафта вақтим бўлганда.

— Қўйсанг-чи, Эмлини гапирсин,— Боллнинг сўзини бўлди Жекоб,— у нимадир демоқчи.

— Эсингдами,— давом этди Эмлини,— сен, аббатликдаги ювиндию чиқиндилар қувур орқали шу ерга, нақ кўтарма кўприк устига тушади, шу сабабли бундаги зоғорабалиқлар йирик ва семиз дегандинг? Шундан сўнг ўша балиқларни ейишга кўнглим бормаганди.

— Ҳа, эслайман. Хўш, нима бўпти?

— Томас, сен, порохга одам юборгандик, келтиришди, дединг шекилли?

— Ҳа, бир соат бурун ҳар бири юз фунт келадиган олтита бочкача ортган фургон келди. Гарчи порохга заруратимиз бўлмаса-да (чунки замбарак юборишмабди, нега деганда, қирол аскарларининг ўзида ҳали тўплар йўқ экан), кўпроқ юборишар, деб умид қилгандик, майли, шунисига ҳам шукур.

— Зим-зиё тун, тахта нарвон, гишдан қилинган гумбазсимон обреза, дарвоза ости обрезига қўйилган ҳар бири юз фунтли иккита, йўқ, яхшиси тўртта бочкача, пилта ва уни ёқа оладиган жасур одам — ана шулар ёрдамида, тангри мададкор бўлса, кўпгина ишларни амалга ошириш мумкин,— ўйчан, гўё ўзича гапирётгандек, деди Эмлини.

Нихоят, унинг нимага шама қилаётганини ҳамма тушунди.

— Мушук сичқон шитирлашини эшитганидек,

улар ҳам тиқ этган шарпани эшитадилар-ку,— деди Болл.

— Шамол турганга ўхшайди,— жавоб берди Эмлин,— дарахтлар гувиллаётибди. Ўйлайманки, ҳадемай бўрон туради. Бунинг устига аббатликнинг орқа девори ёнига, тирқиш беркитилган жойига одамларни йиғиш мумкин; улар гўё шу ерда қатъий ҳужумга тайёргарлик кўрилаётгандек, фонуслар билан у ёқ-бу ёққа югуриб, шовқин-сурон кўтарадилар. Бу қамалдагиларни чалғитади. Биз эса, Жеффри Стоукс икковимиз, нарвону порохли бочкачалар билан бу пайтда бахтимизни синаб кўрамиз — у бочкачаларни думалатиб бориб жойлаштиради, мен эса вақти-соати етганда уларга ўт қўяман. Жодугар эканимни ўзларинг эшитдинглар-ку, жодугарга эса олтингугурт писанд эмас<sup>1</sup>.

Ўн дақиқадан сўнг режа пишди. Икки соатдан сўнг эса, бўрон ўкириги остида, қоп-қоронғи кечада Эмлин билан полвон Жеффри хандақ устига ташланган тахтадан порохли бочкачаларни катта чиқинди қузури оғзига, ундан эса яна йигирма фут ичкарига то асосий дарвоза миноралари остигача думалатиб бордилар. Бадбўй балчиққа етишганда эса, пармалаб олдиндан бочкачаларда очиб қўйилган тешиклардан тиқинни олишди-да, ўрнига пилта тиқишди. Жеффри чақмоқ тошни чақиб, қўлидаги пиликни пуфлаб ёндирди-да, уни Эмлинга узатди.

— Энди сен кетавер,— деди Эмлин,— орқангдан етиб бораман. Бу ишга икки кишининг ҳожати йўқ.

Бир дақиқадан сўнг у хандақнинг нариги томонида, Жефрининг ёнида эди.

— Югур!— деди у,— Югур, бўлмаса ўласан. Ортимизда — ўлим.

Жеффри бўйсунди, бироқ Эмлиннинг ўзи орқасига ўгирилиб, шундай бақришга тушдики, девор тепасидаги соқчилар унинг овозини эшитиб, нима ҳодиса юз

---

<sup>1</sup> ...олтингугурт писанд эмас.— Урта аср диний эътиқодига кўра, олтингугурт ва бошқа тез алангаланувчи материаллар жаҳаннамга, иблис ҳамда жодугарларга мансуб нарса, деб ҳисобланган.

берганлигини билиш учун фонусларини ёққанча, минорага ташланишди.

— Хужумга! Хужумга!— қичқирарди Эмли.— Нарвонларни қўйинг! Қирол ва Харфлит учун! Хужумга! Хужумга!

Кейин у ҳам жуфтакни ростлаб қолди.

## XVIII боб

### *Зулматдан зиёга*

Тўсатдан тун қоронғилигида, худди чақмоқдек бутун борлиқни ёритиб, кўкка аланга ўрлади. Бўрон ўкиригини босиб, нақ момақалдироқ гулдурагандек, борлиқни бўғиқ гулдирак тутиб кетди. Кейин ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди, аммо лаҳза ўтмай осмондан тош парчалари-ю, тилка-пора бўлган инсон танаси аъзолари ёғилди.

— Дарвоза портлатилди!— қудратли овоз қулоқни қоматга келтирди; бу Томас Болл эди.— Нарвонларни ташла!

Тайёр турган одамлар олдинга югуриб, ҳандақ устига тўртта нарвон ташладилар. Қамал қилувчилар шотиларга ўрнатилган тахталар узра чолиб, хандақнинг нариги томонига ўтдилар-да, уюлиб ётган тошлар оша ҳовлига— ўзларини ҳеч ким кутмаётган жойга ёпирилиб кирдилар; бу ердаги барча соқчилар ҳалок бўлган ёки майиб қилинганди.

— Фонусларни ёқ!— тагин қичқирди Болл.— У ерда, ичкарида, кўз ҳеч нарсани кўрмайди.

Унинг ортидан фонус кўтариб келаётган кимса буйруқни бажарди.

Ҳовли орқали улар емакхонанинг очиқ эшикларидан бостириб киришди ва баланд шипли кенг хонада шу томонга югуриб келаётган Мэлдоннинг бутун навқари билан юзма-юз бўлишди; мэлдончилар хужумни кутиб, тирқиш томонга тўпланиб олгандилар. Уларнинг ҳам баъзи бирларида фонус бор эди. Бир неча лаҳза қарама-қарши томонлар юзма-юз ҳолда қотиб қолдилар, кейин эса ваҳшиёна, қонли қирғин бошланди. Одамлар жон-жаҳдлари билан уруши-

шар, сўкиниш ва жанговар қийқириқлар янграрди. Зил-замбил эман столлар остин-устин бўлганди; олишаётган жангчилар баланд лангарчўплардан ерга қулаб тушар ва ерда ётганча бир-бирларини ўлдиришарди. Бир роҳиб бронза хоч билан йоменни урди, кейинги лаҳзада худди ўша хоч парчаси билан ўзининг бошини мажақладилар.

— Тангри ва фароғат учун!— деб қичқирарди кимлардир.

— Қирол ва Харфлит учун!— дерди бунга жавобан бошқалар.

— Сафни бузма! Сафни бузма!— ўкирарди Болл.— Уларни бу ердан суриб чиқаринг!

Қизғиш, хира юлдузчадек нур сочаётган фонусдан бошқа ҳамма фонуслар бирин-кетин лангарчўпдан узилиб тушиб, ўчиб қолганди. Хирилдоқ овозлар чироқ сўрарди, чунки дўст қаерда, душман қаерда ажратиб бўлмаётган қолганди. Бирдан олов ёнди: кимдир деворнинг газлама қопламасини ёқиб юборди ва аланга тили шипга қараб ўрмалади. Ана шунда, тириклайин ёниб кетишдан қўрққан нозир навкарлари титраб-қақшаганча, қамал қилувчилар таъқиби остида, орқа эшикка ташландилар. Бу ерда уларнинг кўчилиги чўзилиб қолди: навкарлар эшик олдида тўдаланишиб қолганларидан шу ернинг ўзида ҳамда эшик орқасидаги зинада қириб ташланди.

Болл ойболтасини жон-жаҳди билан силкитаётган бир пайтда, кимдир унинг қўлидан ушлаб, қулоғига қичқирди:

— Тўхта! Тўхта! Аблаҳдан олдинроқ отни қамчилаб қолиш керак!

Гапираётганининг лунжига тушириш учун у даргазаб ҳолда ўгирилди-ю, олов шуъласида Сайселини кўрди.

— Нима қиляпсиз бу ерда?— бақирди у.— Кетинг!

— Тентак,— деди Сайсели паст, аммо қандайдир ҳаяжонли овозда.— Эримни қидиряпман. Вақт ўтмасдан, тезроқ қаёққа боришни кўрсат, бу ерда йўлни фақат сен биласан. Жефри Стоукс, тезроқ фонусни олиб кел, тезроқ!

Бир қўлида қилич, бир қўлида фонус ушлаган

Жефри, унинг кетидан эса Эмлин пайдо бўлди — у ҳам ўлганлардан кимнингдир қиличини кўтариб олганди; Эмлин ҳануз ерости қувурию ҳандақда балчиққа беланган ўша кийимида эди.

— Кўрсатолмайман, — ғўлдиради Томас Болл. — Мен Мэлдонни қидиряпман.

— Бизни зиндонга бошла! — қичқирди унга Эмлин. — Бўлмаса ўзингни бўғизлаб ташлайман! Харфлитни ўлдиришга фармон берганларини ўз қулоғим билан эшитдим.

Ана шундагина Томас Жефрининг қўлидан фонусни юлиб олди-да: «Орқамдан!» — деб ҳайқирганча, йўлак бўйлаб югуриб кетди; улар нариги ёғида зина бўлган очиқ эшиккача шу йўсинда чопиб бордилар. Тез пастга тушдилар ва яна қатор йўлагу йўлакчалар ҳамда зиналардан ўтиб, то ўнгга бурилиб, гумбазли мўъжазгина уйчада пайдо бўлгунларига қадар, пастга тушиб боравердилар. Гумбазли уйча деворининг темир токчаларидаги қўшалоқ машъала ловиллаб ёниб, ғайри табиий ва қўрқинчли манзарани ёритиб турарди. Уй ичкарасида залворли, ҳамма ёғига мих қоқиб ташланган эшик ланг очиқ бўлиб, унинг орқасидаги ҳужра, тўғрироғи кичкинагина ертўла — қизиққанлар уни бизнинг кунларимизда ҳам кўришлари мумкин — кўзга яққол ташланиб турарди. Зиндон деворига қўлига уч оёқли курсини кўтариб олган, қутурган йиртқичдай ўзини ҳар томонга ураётган киши занжирбанд қилинганди. Олдинда уни паналаб, йўлакни тўсганча, тарашадек қотма, новча роҳиб турарди; жуббасининг этаги қайтарилиб, белбоғига қистириб қўйилганди. У яранганига қарамай — унинг сочи қирдирилган бошидан қон оқарди — зилдек қилич дастасини икки қўллаб ушлаганча, ўзини ерга қулатмоқчи бўлаётган тўрт жангчининг зарбасини жон-жаҳди билан қайтарарди.

Болл ўзининг кичик тўдаси билан етиб келганда, бу одамлардан биттаси роҳиб тиғидан эндигина йиқилганди, аммо бошқаси:

— Ҳой хоин, йўлдан қоч! Биз сени эмас, Харфлитни гумдон қилмоқчимиз, — деганча, унинг ўрнини эгаллади.



— Биз биргаликда ўламиз, қотил, ёки ҳамлани қайтарамиз,— жавоб берди роҳиб хириллаб.

Шу лаҳзада ҳамла қилаётганлардан бири — ҳозиргина гапиргани, яқинлашиб келаётган қутқарувчиларнинг қадам товушларини эшитиб, орқасига ўгирилди-да, улар ёнидан қуёндек «лип» этиб ўтиб, қочишга тутинди. Бироқ фонус ёруғи унинг юзига тушиб, Эмлин аббатни таниб қолди. У аббатга қилич солди, аммо пўлат фақат совутдан сирғалиб ўтди. Аббат ҳам қилич солди, лекин фонусни уриб, уни ерга тушириб юборди, холос.

— Ушла уни,— қичқирди Эмлин,— Мэлдонни ушла, Жефри!

Стоукс аббатни қувлаб кетди, бироқ шу заҳотиёқ яна қайтиб келди: у Мэлдонни қоп-қоронғи йўлакчаларда йўқотиб қўйганди. Шундан сўнг Болл қийқирганча, қолган икки навкарга ташланди, кўп ўтмай навкарлар орқаларидан роҳиб ишга солган болтаю қилич зарбидан ерга қуладилар ва сўнгги нафасларигача олишиб, жон бердилар: улар ўзларига ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмаслигини билардилар.

Ҳаммаси тугади. Ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Бу сукунатни фақат ўлмай тирик қолганларнинг энтикиб-энтикиб нафас олишларигина бузарди. Ярадор роҳиб қўлидан қонга бўялган қилични тушириб юбориб, эшик пешбурунига суянди. Беҳолликдан гандираклаётган Харфлит ҳамон курсини кўтариб, бақрайганча қараб турарди. Оёқ остида эса уч мурда ётар, улардан бири ҳали ҳам ўлим талвасасида эди.

Сайсели сездирмай олдинга юрди, ўлганлар ўртасидан, роҳиб ёнидан ўтди ва ниҳоят асир билан юзма-юз бўлди.

— Сал яқинлашгин, миянгни қатиғини чиқарво-раман,— хириллади Кристофер; фонуснинг заиф нури Сайселига орқа томондан тушаётгани учун у ўз қаршисида қотиллардан бири турибди, деб ўйлаганди.

Ниҳоят Сайсели овоз чиқарди.

— Кристофер,— чинқирди у,— Кристофер!

Асир овозини эшитди-ю, қўлидан курсини тушириб юборди.



— Яна ўша овоз,— гўлдиради у.— Хўш, нима бўпти, вақти-соати етди. Бир оз сабр қил, хотин, ҳозир ёнингга бораман.— Шундай деб, Кристофер деворга суянди-да, кўзларини юмди.

Сайсели лип этиб унинг ёнига ўтди, маҳкам бағрига босди, нақ лабларидан, рангпар, бўзарган лабларидан ўпди. Унинг кўзлари яна очилди.

— Улим баттарроқ бўлиши мумкиниди,— деди Кристофер.— Аммо мен учрашишимизни билардим-ку.

Ана шунда Эмлин унинг юзидаги ўзгаришларни сезиб қолиб, девордаги машъаллардан бирини юлқиб олди-да, уни ёғдуси Сайселига тушадиган қилиб ушлаганча, олдинга югурди.

— Ҳой Кристофер,— дерди Сайсели.— Мен арвоҳ эмасман, хотинингман, мен тирикман.

Кристофер эшитди, назар солди, яна бир бор назар солди, кейин қуруқ суяк бўлиб қолган қўли билан унинг сочларини силади.

— Ё тангрим,— ҳайқирди у,— ўлганлар тириляпти!— Шундай деди-ю, ҳушдан кетиб, Сайселининг оёғи остига йиқилди.

Сайселини ундан четлатиб, нарироққа олиб бориб қўйдилар; у эримни яна йўқотдим, йўқотганда ҳам бир умрга йўқотдим, деб ҳали ҳам Кристоферни ялаб-юлқарди. Кристофер Харфлит итдек боғлаб қўйилган занжирни зўр машаққат билан уздилар ва беҳуш ҳолида уни узун йўлаклар бўйлаб юқорига қараб кўтариб кетдилар: Болл қўриқчиликни ўз бўйнига олиб, олдинга ўтди; унинг кетидан Жефри Стоукс, кейин роҳиб Мартинни—Кристофернинг ҳаётини сақлаб қолган худди шу одам эди — суяганча Эмлин борарди.

Зинага етиб келганларида, аллақандай гувиллашни эшитдилар.

— Олов!— деди бу товушни яхши билган Сайсели; худди шу лаҳзада аланга яллиғи уларни ёритди, тўрт томондан эса тутун ўраб олди. Аббатлик ёнарди, уларнинг нақ қаршиларисидаги катта хона худди жаҳаннам оғзига ўхшарди.

— Ахир мен Крануэл ёнаётган пайтдаёқ шундай

бўлишини каромат қилмаганмидим?— қандайдир қаҳрли кулги билан сўради Эмлин.

— Орқамдан?— қулоқни қоматга келтириб бақирди Болл.—Тезроқ, бўлмаса том босиб қолади, кейин бу ердан чиқиб кетолмаймиз.

Улар хонани чап томондан айланиб ўтиб, жонжаҳдлари билан олдинга юра бошладилар, омадларини қарангки, Томас йўлни биларди. Улар кесиб ўтган чоғроққина хонани аланга аллақачон қамраб олган, тепадан устларига ёнаётган алланбалолар ёғилар, қуюқ тутун бурқирди. Улар ўтиб олдилар, ҳолбуки бир дақиқадан сўнг бу ердан тирик чиқишнинг иложи йўқ эди. Улар ёнаётган аббатлик бўйлаб юриб, ўзларидан олдин қочиб қолганлар очиқ қолдирган кўча эшикдан очиқ ҳавога чиқдилар. Улар ҳандақ ёнига шох-шаббалар билан беркитилган раҳна томондан келдилар ва Болл бу четан деворга тирмашиб чиқиб, то ўз одамларидан биттаси овозини эшитиб, ўқ-ёйини пастга туширмагунча — у Томасни исёнчилардан деб гумонсираб, ўқ отишга тайёр турганди — бақираверди. Тахтаю нарвонлар келтиришди ва, ниҳоят, улар барча хавф-хатардан халос бўлдилар, дўзахи иссиқ ортда қолди.

Тасодифни қарангким, ўз маҳбубини ўт ичида йўқотган Сайсели, уни яна ўт ичида топди.

Беҳудага хавотирланган эканлар — Кристофер ўлмади. Уни аёллар монастирига олиб боришди. Эмлин Кристофернинг юраги, суст бўлса-да, ураётганига ишонч ҳосил қилгач, Матильда онани комиссар Лига жуда ёққан португал шаробига юборди. Эмлин то Кристофер кўзини очмагунча, шаробни унинг оғзига қошиқма-қошиқ қуяверди; Кристофер кўзини очди-да, яна дарҳол юмиб олди; энди у шунчаки уйқуга кетганди — шароб унинг қақшаб оғриётган аъзойи бадани-ю, қарахт миясига ўз таъсирини кўрсатганди. Бир-бирини қувалаб соатлар ўтарди. Бу вақт ичида Сайсели эрининг ёнидан бир қадам ҳам нарига жилмади; фақат ҳар замон-ҳар замондагина ўрнидан туриб, аббатликдаги катта черков қандай ёнаётганига қараб қўярди; бир пайтлар аббатликнинг қоровулхонаю хўжалик уйларига ўт кетганда ҳам худди шундай қараганди у.

Томдан кумиш ёмғирдек томчилаётган эриган қўрғошнинг ёмғири кечаси соат учларга бориб тўхтади: том босиб тушди; эрталабга бориб черковдан фақат култепагина қолди — ҳозир ҳам у деярли ўшандайлигича турибди.

Айни тонготар пайтда Эмлини Сайселининг ёнига келиб:

— Сен билан бир одам гаплашмоқчи,— деди.

— Унинг ёнига чиқолмайман,— жавоб берди Сайсели.— Уйқуси бузилмасин, деб эримга қараб ўтирибман.

— Ҳар ҳолда чиққанинг маъқул эди,— деди Эмли.— Уша бўлмаганда эринг оламдан ўтган бўларди. Кристоферни қотилдан ҳимоя қилган роҳиб Мартин ўлим тўшагида, у сен билан рози-ризалик тилашмоқчи.

Сайсели Мартинни ҳали эс-ҳуши жойидалигида кўрди, аммо у кўп қон йўқотишдан — уни тўхтатишнинг иложи бўлмаганди — дақиқа сайин ҳолдан тоғиб борарди.

— Мен сизга миннатдорчилик билдиргани келдим,— деб шивирлади Сайсели нима дейишини билмай.

— Ҳожати йўқ,— деди Мартин заиф, узук-юлуқ овозда.— Мен жуда катта қарзимни қисман бўлсада, узишга уриндим. Ўтган қишда, қалбим садосига эмас, илоҳий қасамёдимга итоат этиб, мудҳиш гуноҳ ишни амалга оширишда қатнашгандим. Кейинчалик эрингиз жасади устида тиловат қилиш менга топширилганда, унинг тириклигини сезиб қолдим; менинг кўмагимда Кристоферни кемага олиб боришди. Кемани ғайри динлар босиб олгач эса, мени эрингизу Жефри билан галераларда эшкак эшишга мажбур қилишди. Уша ерда оғриб қолдим, шунда эрингиз жонимга оро кирди. Ҳужжатларни сизга мен олиб келгандим, мактуб битиб, кейин ҳаммасини Эмлини Стоуэрга бергандим. Бироқ, диний қасамёдимга содиқ қолиб, бошқа бирор-бир иш қилмадим. Бугун кечаси эса ушбу қасмёддан воз кечдим: Кристоферни ўлдириш тўғрисида фармон берилганини эшитишим биланоқ, пастга — зиндонга қараб югурдим. У ерга қотиллардан олдинроқ бордим-у, ўзим-

нинг роҳиблик мартабамни унутиб, то сизлар етиб келтунингизга қадар, улар билан кучим етганича олишдим. Дўстим учун қурбон қилинган ҳаётим менинг ватан, қирол ва сизнинг олдингиздаги оғир гуноҳимни қиттак бўлса-да, ювсин. Улаётганимдан хурсандман, зеро бу дунёда яшаш мен учун гоят машаққат.

— Агар эрим тирик қолса, унга ҳаммасини гапириб бераман,— деди хўрсиниб Сайсели.

— О, у яшайди, яшайди у. Икковингиз кўп кулфат тортдингиз, аммо энди сизларга ҳеч нарса, албатта, кексалигу ўлимдан бошқа ҳеч нарса қўрқув сололмайди. Мен кўриб турибман, мен биламан буни.

Мартин кўзларини юмди. Атрофида турганлар, унинг жони узилди, деб ўйлашди, бироқ, тўсатдан кўзлари яна очилди ва қийналиб, зўр-базўр деди:

— Нозир... унга раҳм-шафқат қилинг... агар удасидан чиқсангиз. У ёвуз, тошбағир одам, лекин мен унинг тавба-тазаррусини қабул қилгувчи руҳонийлардан бири эдим, унинг юрагида нима борлигини билиб олганман. Аҳмоқона йўл билан бўлса-да, у эзгу мақсад сари кетаётганди. Қиролича Екатерина қиролининг шаръий завжаи ҳалолли эди. Монастирларни эгаллаб олиш — сурбетларча талончилик қилиш. Бунинг устига нозир инглиз эмас. Унинг фикри ўйи ўзгача; у худди менга ўхшаб папага, шунингдек, мен хизматкори бўлмаган Испанияга хизмат қилади. Мен сизга кўмаклашдим, сиз ҳам унга ёрдам беринг. Унга жабр қилманг, ўзингиз ҳам жабр кўрмайсиз. Ваъда беринг!— Шундай деб, Мартин хиёл кўтарилди-да, Сайселига қаттиқ тикилди.

— Ваъда бераман,— деди Сайсели; бунга жавобан Мартин кулимсиради.

Шундан сўнг роҳибнинг ранги бўзариб, кўз нурлари сўнди, лаҳза ўтмай Эмлин унинг юзига бир парча сурп ёпиб қўйди. Роҳиб Мартин адои тамом бўлганди.

Сайсели Кристофернинг ёнига қайтиб келганда, у каравотда ўтирганча, қуруқ шўрва ичаётганди.

— Оҳ, азизим!— деди Сайсели Кристоферни бағрига босганча. Кейин ўглини кўтариб олди-да, уни отасининг кўксига қўйди.

Яна уч кун ўтди. Кристофер билан Сайсели Шефтон Холл боғида айланиб юришарди. Кристофер, гарчи ҳали ҳам дармонсиз бўлса-да, деярли соғайиб қолганди; унинг бирдан-бир касали ғам-ғуссаю очлик эди, бунга энг яхши дори-дармон эса шоду хурамлигу тўкин-сочинлик бўлди. Кеч кира бошлади; ёқимли ва ёрқин оқшом, сездирмайин тунга айланивчи оқшом. Улар курсига ўтиришди; Кристофер хотинига ўз саргузаштларини — бу ҳаяжонга тўлиқ қисқа эди — сўзлаб берди; кейинчалик Сайсели буларнинг ҳаммасини кекса Жекоб Смитга ёзиб юборди (унинг нафис, ўзига хос хат билан ёзган мазкур варақалари ҳанузгача сақланиб қолган; гарчи амалда ҳеч қачон бундай қилинмаган бўлса-да, ушбу мактублардан ажиб бир китоб тузиш мумкин эди).

Кристофер икки турк кемаси ўзларига ҳужум қилганида «Қатта Ярмут»да бўлган шиддатли жанг ҳақида, биродар Мартин ўзини қандай мардонавор тутгани борасида ҳикоя қилди. Шундан сўнг уларни галерага эшкакчи қилиб қўйишди. Мартин, Жефри ва Кристофернинг бир жойда бўлишлари жонларига оро кирди. Кейин Мартинни аллақандай жануб безгаги тутди, аммо бу пайтлар улар, касалга едириш учун ҳўл мева топиш мумкин бўлган Тунис портида турардилар; Кристофер билан Жефри уни парвариш қилишди. Тўрт ойдан сўнг император Қарл Тунис ёнида пайдо бўлди, шаҳар таслим этилгач, худонинг меҳрибончилиги туфайли, улар бошқа қул-христианлар қатори озод бўлдилар. Шундан сўнг Мартин сэр Жоннинг қоғозларини олиб Англияга қайтди, бу қоғозларни унинг энг яқин меросхўрига қайтариб бермоқчи эди, чунки уларнинг ҳаммаси ҳам Сайселини ҳалок бўлган деб ўйлардилар.

Кристофер билан Жефрига ватанларида қиладиган иш йўқ эди, шу туфайли улар ўзларига кўп озор етказган туркларга қарши испанлар томонида туриб урушиш учун қолдилар. Бу уруш тугагач, улар Англияга қайтишди, бошқа борадиган жойлари йўқ эди-да, Блосхолм ноziри билан ҳисоблашиб қўйиш ҳам тинчлик бермаётганди. Қолганини эса Сайселининг ўзи билади.

— Ҳа,— деди Сайсели,— буни биламан ва ҳеч қа-

чон унутмайман; аммо салқин тушиб қолди, кетиш керак, бу ерда курсида ўтириш сенга зиён.

Бунга жавобан Кристофер кулиб қўя қолди:

— Эҳ жонгинам, агар сен, Крануэл Тауэрсда Мэлдоң аскарларидан олган жароҳатларим ҳали битмай туриб Тунис портида, галерада ўтирганимни бир кўрганингда эди, ҳозир бунчалик жон куйдирмаган бўлардинг. Олти ой давомида мен, Мартин ва Жеффри — учаламиз битта кишанга занжирбанд ҳолда яшадик, негадир анави шайтонвачча ғайри динлар бизни тутқунликда бирга сақлашди, чамаси шундай қилинса қўриқлаш осон бўларди. Кундузи жазирамадан тинка-мадоримиз қуриб, кечаси намликдан қалтираб эшкак эшганимиз-эшган эди, ғайри дин назоратчилар эса кемада у ёқдан-бу ёққа юриб, бизни қамчи билан тушириб туришарди. Ҳа, — оҳиста илова қилди у, — бизни нақ бўйнимизга бўйинтуруқ солинган хўкиздедек савалашди. Орқамдаги чандиқларни ўзинг кўрдинг-ку.

— Ё раббий! Уша ёвуз ва ваҳшийлар, — пичирлади Сайсели, — сени, аслзода англизни худди молдек урганларини қара-я! Кристофер, сен бунга қандай чидаб турдинг?

— Билмайман, хотин. Агар ёнимда инсон қиёфасидаги фаришта — ҳаётимни камида уч бор сақлаб қолган роҳиб Мартин бўлмаганда — илоё жони жаннатда бўлсин — ўйлайманки, ё эшкак ҳалқасига бошимни уриб мажақлаб ўзимни нобуд қилардим, ёки очликдан ўлиш учун ҳеч нарса емай қўяр, ёинки маврларни жонимни олишга мажбур этадиган бирон-бир ҳунар кўрсатардим. Ахир сени ўлган деб ўйлаган ва ҳаётдан қўл силкиган эдим-да. Аммо Мартин шунча азоб чекканим беҳуда кетмаслигига ишонтириб, насиҳат қилди. Мартин ҳеч қачон ўз азоб-уқубатларидан гап очмас ва кўргулигим қанчалик даҳшатли бўлмасин, бахтим очилишига мени ишонтирарди.

— Шунинг учун ҳам тирик қолишга жазм қилдингми, жонгинам? Оҳ, бу Мартин ҳақиқий авлиё, унинг жасадига темир тобут ясаттираман.

— Фақат шунинг учун эмас, азизим. Мени эрта қаритган, — шундай дея туриб, у ажин босган пеша-

насини, оқара бошлаган сочларини кўрсатди,— азоб-уқубатлар сабабчиси — одамми, иблисми, қатъи назар — Клемент Мэлдондан қасос олиш учун, шунингдек, мени қулликда сақлаган ўша ғайри дин денгиз қароқчиларидан қасос олиш учун яшадим. Қароқчиларни яксон этгач,— маъюсланиб қўшиб қўйди Кристофер,— қаерда қўл келган бўлса, ўша ерда турклардан яхшигина қасос олганим худогагина маълум. Оҳ, агар сен Жефри иккаламизнинг бир вақтлар бизни савалаган ўша қароқчилар кемаси капитани-ю, унинг ёрдамчилари билан бўлган сўнгги учрашувимизни кўрганингда эди! Йўқ, сен буни кўрмаганингга хурсандман: манзара даҳшатли ва қонли эди, ҳатто бу унчалик кўнгилчан бўлмаган испанларнинг ҳам кўнгиллини бўшаштириб юборди.

Кристофер жим бўлиб қолди. Сайсели гапни бошқа ёққа буриш учун дарҳол тилга кирди, чунки Кристофер ушбу воқеаларни эслади дегунча, соатлаб, ҳатто кунлаб маъюсланиб юрарди.

— Душманамиз аббатга нима бўлганлигини билгим келяпти. Ҳамма ёқни синчиклаб қараб чиқиб, уни тополмадик; йўл назорат остида, кейин унинг ёлғиз эканини ҳам биламиз, аббатнинг барча ажнабий аскарлари қириб ташланди ёки асир олинди. Кристофер, менимча, у оловда ёниб кетган.

Кристофер бош чайқади.

— Иблис оловда ёнмайди. Яна кимнингдир — эҳтимол, бизнинг ёки ўғлимизнинг бошига етишни ўйлаб, бирон жойда биқиниб ётибди у. Оҳ,— давом этди Кристофер қаҳрланиб,— токи қўлларим унинг бўйнидан бўғиб, ханжарим кўксига қадалмагунча ором ололмайман: у билан ҳисоб-китоб қилмаган эканман, сену ўғилчамиз хавф-хатардан ҳоли эмас-сизлар.

Сайсели нима деярини билмай қолди, Кристофернинг авзойи бузилган бунақанги пайтларда у билан гаплашиш мушкул эди. Кўпдан-кўп жафо чеккан Кристофер, худди Сайселидек, фақат мўъжиза туфайлигина қутулиб қолганди.

Ногаҳон фавқулодда жимжитлик ҳукм сурди. Бутазорлардаги қорашақшақлар қишдагидек чақчақламай қўйди. Шундай жимжитлик чўккан эдики,

ҳатто қовжираб қолган баргнинг дарахтдан ерга қандай учиб тушганлиги эшитилди. Қоронғи тушди. Ботаётган қуёшнинг сўнгги қизғиш нури совуқ осмонда бир ёлқинланди-ю, атрофни ёритиб юборди. Ана шу лаҳзада Кристофернинг ўткир кўзлари, тагида ўзлари ўтирган қорақайин кўланкасида қандайдир бир оқ нарса йилт этганини кўриб қолди. У худди йўлбарсдек ўша томонга отилди ва шу заҳотиёқ, аллақандай кимсани судраганича қайтиб келди.

— Қара,— деди у, юзига ёруғлик тушиши учун ўз асирининг бошини буриб кўрсатар экан.— Қара, мана бунақа илонни ушладим. Айтмоқчи, хотин, сен ҳеч нарсани пайқамадинг, мен эса уни кўриб қолдим ва ниҳоят, ниҳоят у қўлимга тушди!

— Аббат!— ҳайратланиб шивирлади Сайсели.

Бу чиндан ҳам аббат эди, аммо у жуда-жуда ўзгариб кетганди!

— Қуролингни ташла,— дўриллади Кристофер, уни нақ терьер<sup>1</sup> тутиб олган каламушини силкитгандек силкитиб,— бўлмаса жонингдан айриласан! Таслим бўласанми? Жавоб бер.

— Қандай қилиб жавоб беради,— аралашди Сайсели.— ҳиқилдоғидан ғиппа бўғиб олибсан-ку.

Кристофер аббатнинг томоғини бўшатди, бироқ билагидан ушлаб олди.

— Мен муҳтарам жанобларига таслим бўлмоқ учун келгандим, бироқ, сўзларингизни эшитгач, раҳм-шафқатга умид тутиш бефойдалигини тушундим. Айтмоқчи, раҳм-шафқат қилмаганим ҳолда, унга қандай кўз тута олардим ҳам? Устига устак, менинг ишим, амалга ошириш ниятида жонимни ҳалок қилиб, яшаган, курашган буюк ишим, чамаси, хароб бўлди. Қўйинг, мен ҳам ўз ишим билан биргаликда ҳаётдан кўз юмай. Бошқа тилагим йўқ. Аммо сиз олижаноб кишисиз, шу боисдан бир илтифот кўрсатишингизни сўрайман. Мени қийнаб, осиб, тўрт пора қилиб ўлдирувчи ёвуз қиролингиз қўлига топширманг. Ҳозир ўлдириб мени. Ҳамла қилганди, ўзимни ҳимоя қилдим, деб айта қоласиз. Менинг қуролим йўқ, лекин қўлимга ханжар тутқизиб қўйишингиз мумкин.

<sup>1</sup> Терьер — кичкина ов ити.



Кристофер оёғи остида ётган жирканч махлуққа назар ташлар экан, кулиб юборди.

— Хўш, ким ишонади менга?— сўради у.— Балки, ҳеч ким сўраб ҳам ўтирмас, чунки менми ё бошқа бирор кишими, жазодан ҳеч ҳайиқмай, сизни ўлдириши мумкин. Яхшиси, бу ишни қирол олий суди ҳал қилсин.

Мэлдон титраб кетди.

— Қийноқ, дор, тўрт пора қилиш,— қайтарди аббат энтикиб нафас олар экан.— Наҳотки мен ўзим ҳеч қачон хизматида бўлмаган одамимга хоинлик қилган бўлсам? Нега энди мен сотқин қисматига дучор қилинаман?

— Нима учун дучор қилинмас экансиз?— сўради Кристофер.— Сиз хавfli ўйин ўйнадингиз — тақдир эса сизга кулиб боқмади.

Аббат жавоб қайтармади. Сайсели бирдан тилга кирди.

— Нега қайтиб келдингиз? Биз сизни, қочишга муваффақ бўлгансиз деб ўйловдик.

— Леди,— жавоб қилди аббат,— худди қувлай-вериб ҳолдан тойдирилган тулкидек, ковакда — боғингиз остидан ўтган сизот сувлари қувурида яшириниб, уч кеча-кундузни очликда ўтказдим. Пировардида очиқ ҳавода ўлиш учун ташқарига чиқдим, овзингизни эшитгач эса, марҳаматингизга сиғиниб таслим бўлишга аҳд қилдим, чунки сўнгги нафас чиқар чоғида одам учун ор-номус бир пул.

— Муҳтарам ҳазрат!— деди Сайсели.— Хоинлигингиз тўғрисида гапириб ўтирмайман — сиз инглиз эмассиз ва бизнинг мамлакатимизга қарши фитна-фасод уюштириш учун бир неча йил муқаддам ўзингизни бу ерга юборган қиролингизга хизмат қиласиз. Аммо мана бу одамга, менинг эримга бир назар солинг. Ахир у, то сиз унинг жонини олиш учун ер ости зиндонига тушгунингизга қадар, ўша ерда уч кеча-кундуз мобайнида ўлар ҳолга келмадими? Ахир сиз, Кристофер ўз уйида ёниб кетиши учун қўлингиздан келган ҳамма ишни қилмадингизми, кейин пешанасидан кўрар деб, уни ярадор ҳолда денгиз ортига жўнатмадингизми? Ахир сиз, ўзингизга ҳам, фитна-фасодларингизга ҳам зарур бойлик ўртасида ғов

бўлган болагинамни ўлдиргани ялоқи итингизни юбормадингизми, мени эса, оловда ёниб ўлишим учун гулханга гирифтор қилмадингизми? Ахир сиз, хоинлигингизни фош этишидан қўрқиб, отамни ўрмонда ўлдирмадингизми, кейин эса менинг меросимни ўзингизники қилиб олмадингизми? Ахир сиз, ўз роҳибаларингизни қабиҳлик қилишга мажбур этиб, улардан қанчадан-қанчасини ҳалокатга маҳкум этмадингизми? Бас! Художўй либосига бурканган илон, бу ерга ўрмалаб келишга ва раҳм-шафқат сўрашга қандай журъат этдинг?

— Раҳм-шафқат сўраб келдим, дегандим, негаки уйқусизлигу очлик балоси мени ўз ковагимдан қувиб чиқарди, аммо энди фақат ўлим тилайман, холос. Сайсели Фотрел, оёғингга йиқилган кимсани таҳқирлама, лекин интиқом ол — бунга ҳаққинг бор, ўлдир мени, — деди аббат ич-ичига ботиб кетган кўзлари билан Сайселига қарар экан. Сўнг нола чекаётгандек, қўшиб қўйди: — Ўлдиринг, сэр Кристофер. Ёнингизда қилич бор, айтмоқчи кечки овқат қиладиган вақт ҳам бўлди. Устига устак, совуқ тушиб қоляпти — буни ҳозиргина хотинингиз айтди, у сизга хотин бўлганидан сўнг хотинингизда.

— Сайсели, — деди Кристофер, — уйга бориб, Жефри Стоуксни чақириб кел. Эмлини уни қаердан топишни билади.

— Эмлини! — зорланди аббат. — Мени Эмлинга топширманглар. Мени азоблаб ўлдиради у.

— Йўқ, — деди Кристофер, — бу ер Блосхолм аббатлиги эмас. Аммо, Лондонда бошингизга нималар тушади, бунга кафиллик беролмайман. Бор энди, хотин.

Бироқ Сайсели қимирламади. У тикка турганча, ўз оёқлари остида ётган жирканч махлуқдан назарини узмасди.

— Сенга айтяпман — бор, — такрорлади Кристофер.

— Мен эса бўйсунмайман, — жавоб берди Сайсели. — Мартин ўлаётганида унга берган ваъдам эсингдами?

— Мартин ўлдими? Ҳали, сенинг эрингни қутқарган Мартин ўлдими? — аббат бошини кўтариб

бақириб юборди, кейин яна бошини қуйи солди.—  
Оҳ, бахти кулган банда!

— Улаётганида мен унинг ёнида эмасдим, сенинг берган ваъдангни эса, Сайсели, менга алоқаси йўқ.

— Аммо менга алоқаси бор, икковимиз эса — биттамиз. Бу одам қўлимизга тушиб қолгудек бўлса, унга мурувват кўрсатишга ваъда берганман, шундай қиламан ҳам.

— Унга раҳм-шафқат кўрсатиб, бошимизга бало орттиряпсан! Воқеаю ҳодисалар гилдираги Англияда тез суръатлар билан айланяпти, хотинжон.

— Майли, шундай бўла қолсин. Мен қасам ичдим-ми, сўзимнинг устидан чиқаман. Кейин нима бўлса — худога ҳавола. Тангри шу пайтгача бизни ўз паноҳида сақлади, ўйлайманки,— Сайсели тантанавор дидиллик билан қўшиб қўйди,— охиригача ўз паноҳида асрайди. Аббат Мэлдон, жиноятчи ва гуноҳкори азим аббат Мэлдон, сиз қандай яратилган бўлсангиз, шундайлигингизча қолгансиз. Гап бундай, қулоқ солинг. Анави ерда, боғда усти похол билан ёпилган шийпонча бор; у ер иссиқ. Уша ёққа боринг. Оғзи маҳкам бир кишидан сизга шароб, таом ва янги кийим-кечак, шунингдек, Линкольнга рухсатнома бериб юбораман. Эрталабгача дам олиб, куч-қувватга кириб оласиз. Ҳов анави дарахтга от боғлаб қўйилади. Линкольнга бориб, черковдан бошпана сифатида фойдаланишга ҳаракат қилинг, агар шундан сўнг бошингизга фалокат тушса биздан кўрманг. Кетдик, Кристофер. Бу гал мен эмас, сен бўйсунинг керак.

Улар кетдилар. Қўлларига таяниб ўрнидан турган жиноятчи эса, уларнинг орқасидан қараб қолди, аммо бу пайтда унинг кўнглидан нималар кечди, бунини ҳеч ким ҳеч қачон билолмайди...

Бир неча ой ўтди. Блосхолм ва унинг теваарак-атрофи яна тинчиб қолди. Нотинчлик, узунқулоқ гапларга қараганда, яна исён кўтарилган шимолга кўчди. Аббат Мэлдонни ҳеч ким бошқа кўрмади. Ҳамма ҳам, гарчи аббат Линкольнда черковдан бошпана сифатида фойдаланмаган бўлса-да, бошига яна оқиллона фикр келиб, Испанияга жуфтак ростлаб қолган, деб ўйларди. Аммо, ҳар ерда ҳар нарсадан хабардор

бўлиб юрувчи Эмлин, аслида бунинг акси эканлиги ва аббат исёну Шотландия чегарасида уруш оловини ёққанлар бошида турганлиги ҳақида гап топиб келди.

— Бунга мутлақо ишончим комил,— деди Сайсели.— Чўчқа балчиққа ағанамасдан туrolмайди. Аббат табиатан ғаламис, фитначи. У ўзи танлаган йўлнинг охиригача боради.

— Аммо бу йўлда унинг калласи танасидан жудо қилинмайди шекилли,— деди Эмлин қайғуриб.— Оҳ, бўри қопқонингга илинганида уни қўйиб юбориб, бутун Англияга ҳам, ўзимизга ҳам кулфат келтирганингни ўйлашнинг ўзи даҳшат.

— Мен, Эмлин, ҳоли хароб одамга раҳм-шафқат қилдим, холос.

— Раҳм-шафқат? Мен буни телбалик, дейман. Жеффри билан Томас буни эшитганларида ғазабларидан ёрилиб кетсалар керак, деб ўйловдим. Айниқса, отангни бағоят қадрлаган ва қароқчилар галерасини кўрарга кўзи қолмаган Жеффрини шундай деб ўйловдим,— деди мурасасиз Эмлин.

— «Менинг ишим қасос олишу ёрлақаш»,— деган тангри,— секингина шивирлади Сайсели.

— Тангри яна бошқа гапни ҳам айтган: тўкилган хун хунни талаб қилади. Мен бу сўзларни, Мэлдоннинг ўзи Крануэл Тауэрсда эрингга айтаётганда эшитганман.

— Агар шундай бўлиши лозим бўлса, Эмлин, албатта шундай бўлади, аммо унинг ҳаром қонини бошқалар оқизсин. Бу қон билан менинг қўлим ҳамда мен билан бир уйда яшайдиганларнинг қўллари булғанишини истамайман. Ахир мен онг ичганман. Бизни фалокатга йўлиқтирмаслик учун бундан сўнг бу ҳақда оғиз очма, ахир уни қўйиб юборишга бизнинг мутлақо ҳақимиз йўқ эди. Яхшиси бориб, Жекоб Смит Лондондан бериб юборган чиройли кўйлагингни кий. Руҳоний Блосхолм черковига соат тўртларда келади, ўйлайманки, Томас сени керагидан ҳам ортиқча кутди.

Эмлин ўзининг кенг елкаларини қисиб кулимсиради-да, эшитилар-эшитилмас овозда нимадир деб минғирлаб қўйди.

Томас, агар унинг бу минғирлашини эшитганда, эҳтимол, жони ҳалқумига келарди. Сайсели эса Кристофер чақираётган бошқа хонага чиқиб кетганди.

Сайсели хонага кириб, эрининг қоғозга нималарнидир ёзиб ўтирганини кўрди.

— Биласанми, жонгинам,— деди Кристофер,— Эмлиннинг сепига биз мўмайгина пул ажратишимиз лозим эди, чунки у, бошқаларга нисбатан, бунга муносиб иш қилди. Лекин пулни қаердан оламиз — ақлим етмаяпти. Қиролдан Жекоб Смит сотиб олган аббатлик ерлари ҳали на бизга, на Генрихга — гарчи қирол уларни шак-шубҳасиз, уришиб қўлга киритса-да — тегишли эмас. Ўз мол-мулкингдан келадиган даромадни сен олганинг йўқ, олганинг билан, ваъдага вафо қилиб, Лондонга жўнатиш даркор. Менинг бахти қаро отамерос мулкимга келсак, уни аббат ўз устараси билан шунақанги қириб-қиртишлаганки, эндиликда у, худди гўрдаги бош суюгидек, тап-тақир бўлиб қолган. Бундан ташқари, биз то ерларини олиб бергунимизга қадар, Матильда она билан роҳибаларни ҳам боқишимиз лозим. Эҳтимол, бир кун келиб, биз ёинки ўғлимиз бошига яна давлат қуши қўнар, бироқ бу кун ҳали келмаган экан, ҳаммамиз ҳам оғир дамларга чидашимизга тўғри келади.

— Аммо, биз аллақачон бошимиздан кечирган дамлардан кўра анча-мунча енгилроқ кунлар бошланди, эргинам,— деди Сайсели хўрсиниб.— Оғир кунлар ўғиб кетди, ҳар қалай биз озодмиз, оч қолмаймиз, бу ёнга эса қолган зеб-зийнатлар ҳисобидан Жекоб Смитдан қарз кўтарамиз. Аллақачон мен унга ёзиб юбордим, у йўқ демайди.

— Балли, лекин Томас билан Эмлинни нима қиламиз?

— Бошқалар қандай яшаса, улар ҳам шундай яшайверадилар. Томасга қаср фермасини энг паст баҳода ижарага бердик; тўғри, ҳали у ерда хўжаликни оёққа турғизиш керак, аммо Томас ижара ҳақини қачон қўлига пул тушса, ўшанда тўлайди-ку. Айтмоқчи, Жекоб Смит ҳам Эмлиннинг никоҳ кўйлаги чўнтагига яхшигина совға солиб юборган. Ҳар қалай, у Эмлинни ўз меросхўри қилиб қолдирса керак, деб ўйлайман. Агар бу рўёбга чиқса, Эмлин

жудаям бойиб кетади, шунақаям бойиб кетадики, унга мен эгилиб-букилиб таъзим қилишимга тўғри келади. Энди бориб, тўйга тайёрлан, кийин. Ҳозирча, башанг камзулинг йўқ, майли, совутингни кийишингга Жефри кўмаклашар. Совут сенга кўпроқ ярашади, гарчи мен учун доимо бирдай бўлсанг ҳам ҳар ҳолда, назаримда шундай туюлади.

Кристофер, ҳозир ҳарбий яроғ-аслаҳа тақиб, Блосхолмда айланиб юришнинг ҳеч ҳожати йўқлигини, Жефри ҳам уйда эмаслигини — у кечувдаги карвонсаройга, аббат бир пайтлар Қалқонбалиқ — Меггсга ваъда қилган худди ўша карвонсаройга хўжайин бўлиб жойлашаётганди — айтиб, эътироз билдира бошлаган ҳам эдики, Сайсели уни ўпди-ди, алланарса деб шодон бидирлаётган боласини кўтариб, хонадан чиқиб кетди. Чунки Сайселининг кўнгли энди равшан, ўзи эса хурсанд эди.

Эмлин Стоуэр билан Томас Боллнинг тўйига жуда кўп одам йиғилди... Улар бошларига никоҳ тожи<sup>1</sup> кийиб борардилар. Ахир шундай ажабтовур воқеага шоҳид бўлмоқ учун Блосхолмдан ўн миля нарида яшовчи одамлар ҳам югуриб келмай қандай қилиб чидаб тура оларди!

Энди роҳиблар йўқ эди; ғоятда ғайри-табиий шариоатда Кристофер билан Сайселини никоҳлаб қўйган (шундан сўнг, Блосхолм аббатлигининг охириги ноziри Крануэл Тауэрсга ўт қўйганида, ўз жонини қутқариб қочиб (қолган) Крануэлнинг кекса викарийси Рожер Нектон ота, мана энди, йиғилган халойиқ олдида янги келин-куёвни никоҳлаш учун қайтиб келди.

Мана, сочлари оппоқ, хушфеъл Нектон ота дастлаб Томасни диний қасамёдлардан озод этувчи қирол фармонини ўқиб берди-да, қадимий одат бўйича никоҳ маросимини ўтказиб, келин-куёвни дуо қилди.

Ниҳоят, маросим тугади. Келин-куёв, одатга кўра, дўсту биродарлари кузатувида, кўҳна черковдан ўзлари жойлашишлари лозим бўлган қаср фермаси

<sup>1</sup> Никоҳ тожи — никоҳ маросими вақтида черковда келин билан куёв бошига кийгизиладиган тож.

томон йўл олдилар. Улар бу баҳорий оқшомда ёввойи нилуфар ва наргисларнинг муаттар ҳидлари анқиб турган анҳор бўйидаги ўрмончадан ўтар эканлар, Эмлин бир лаҳзагина тўхтаб, эрига — капитан Боллга деди:

— Бу жойни эслайсанми?

— Бўлмасамчи, хотин,— жавоб берди Томас,— шу ерда икковимиз ёшлигимизда бир-биримизга ваъда бергандик ва ногаҳон, ҳов анави эман остидан ўтиб кетаётган Мэлдонни кўриб қолиб, юрагимиз орқага тортиб кетганди.

— Кетдик, эргинам, орқамиздан қанчадан-қанча одамлар келишяпти. Энди барча кулфату фитна-фасодларни елкамизнинг чуқури кўрсин.

— Омин, айтганинг келсин,— деди Болл. Шу сўзларни айта туриб, у сал нарироқда ўзлари кетаётган томонга қараб қирол байроғи остида бораётган аллақандай номаълум одамларни пайқаб қолди; улар узун нарвон ҳам кўтариб олишганди. Бу одамларга Блосхолмда нима кераклигига ақллари етмай, келинкуёв ўрмондан чиқиб, ёниб битган аббатликнинг қопқора устунлари эллик қадам наридан кўриниб турган тепаликка кўтарилдилар. Тўхтаб, аббатлик томонга қараётган пайтларида уларга Кристофер ва Сайсели, роҳибалари билан Матильда она, Жефри Стоукс ва бошқалар етиб олишди. Ботаётган қуёш нурларида аббатлик қоп-қорайиб, хонавайрон ҳолда кўринар, улар эса ўзларича хаёлга ботиб, унга тикилиб турардилар.

— Анави ердаги нима?— сўради сесканганича Сайсели ва қўли билан бош минора харобалари устида ҳозиргина пайдо бўлган қандайдир думалоқ нарсани кўрсатди.

Худди шу лаҳзада ботаётган қуёшнинг қонталаш нурлари ўша нарсага тушди.

Бу Кленмент Мэлдоннинг, испаннинг танасидан жудо қилинган боши эди.

# Мундарижа

I Боб. Сэр Жон Фотрел . . . . .	3
II Боб. Йўлдаги қотиллик . . . . .	18
III Боб. Тўй . . . . .	36
IV Боб. Аббат қасами . . . . .	50
V Боб. Крануэлда нималар содир бўлди . . . . .	66
VI Боб. Эмлиннинг қарғиши . . . . .	87
VII Боб. Аббатнинг таклифи . . . . .	103
VIII Боб. Эмлин ўз одамини чақиради . . . . .	123
IX Боб. Блосхолм жодугарлиги . . . . .	139
X Боб. Меггс кампир ва арвоҳ . . . . .	154
XI Боб. Суд ва ҳукм . . . . .	170
XII Боб. Гулхан . . . . .	186
XIII Боб. Вакил . . . . .	203
XIV Боб. Жекоб ва зеб-зийнатлар . . . . .	222
XV Боб. Саройда шайтон . . . . .	239
XVI Боб. Урмондаги овоз . . . . .	259
XVII Боб. Ҳаёт ёки ор-номус . . . . .	274
XVIII Боб. Зулматдан зиёга . . . . .	292

На узбекском языке

*Генри Райдер Хаггард*

## Хозяйка Блосхолма

Р о м а н

Издательство «Ёш гвардия» — Ташкент — 1975 г.

Перевод с издания издательства

«Детская литература» — 1970 г.

Г. Фитингоф расмлари

Редактор Э. Миробидов

Расмлар редактори К. Назаров

Техн. редактор Л. Жихарская

Корректор У. Содиқов

Босмахонага берилди 16/IX-74 й. Босишга рухсат  
этилди 4/II-75 й. Формати 84×108<sup>1/32</sup>. Босма листи  
9,75. Шартли босма листи 16,38. Нашр. листи  
16,06. Тиражи 30000. Ҷоғоз № 1.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвар-  
дия» нашриёти, Тошкент 700129, Навоий кўча-  
си, 30. Баҳоси 59 т. Шартнома 79—72.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти  
босмахонаси, Тошкент, «Правда Востока» кўча-  
си, 26. Заказ № 1572.

X  $\frac{70304-265}{356 \quad (06) \quad 75}$  86—75